



Роберт Луис  
Стивенсон

---

# Меросхўр



  
ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2016

**УЎК: 821.512.133-3**

**КБК: 84(4Ингл)**

**С - 91**

**Стивенсон, Роберт Луис**

Меросхўр: роман. Роберт Луис Стивенсон / Таржимон Набижон Боқий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 336 б.

ISBN 978-9943-27-769-4

Таниқли инглиз ёзувчиси Роберт Луис Стивенсоннинг қўлингиздаги романни бир-биридан қизиқ саргузашт воқеаларга бой. Унда сиз Дэвид Бэлфор деган ёш йигитнинг бошидан кечирган воқеалари мобайнида иродаси ҳам тобланиб борганига гувоҳ бўласиз. Ҳар қандай шароитда ҳам инсон ўзлигини йўқотмаслиги, олий ҳис-туйғулар қадрини туширмаслиги лозимлигини ёзувчи қайта-қайта таъкидлаб уқтиради.

**УЎК: 821.512.133-3**

**КБК: 84(4Ингл)**

**Рус тилидан  
Набижон БОҚИЙ  
таржимаси.**

ISBN 978-9943-27-769-4

© Роберт Луис Стивенсон, «Меросхўр». «Чўлпон», 1991 йил.

© Роберт Луис Стивенсон, «Меросхўр». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

**МЕРОСХҮР  
ЁКИ  
ДЭВИД БЭЛФУРНИНГ  
САРГУЗАШТЛАРИ**

Шул ҳақдаким, йигитча ўғирланади, дэнгизда кема ҳалокатига учрайди, кимсасиз ороодда мисли кўрилмаган азоб-уқубатларни бошидан кечиради, одамзот оёфи етмаган тогу тошларда сарсон-саргардон бўлади; тақдир тақозоси билан Алан Брек Стюарт ва бошқа фидокор шотланд якобинчи<sup>1</sup>ларига йўлиқади. Қолаверса, ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи бўлмаса-да, ўзини Шос қўргонинг хўжайини деб эълон қилган манфур амакиси Эбенезер Бэлфурнинг адолатсиз газабига учрайди – жабрланади. Ушбу воқеалар қаҳрамонларнинг ўз қўллари билан ёзib қолдирилган, эндиликда Роберт Луис Стивенсон уни сизнинг хукмингизга ҳавола этади.

---

<sup>1</sup> Якобинчилик – XVIII аср ўрталарида Фарбий Европа мамлакатларида бошланган инқилобий ҳалқ ҳаракати. Якобинчилар инсон ҳурулиги учун курашганлар.

## **БАФИШЛОВ**

Азизим Чарлз Бакстер!

Агар вақти-соати келиб, ушбу қиссани ўқиб қолсангиз, кўнглиңгизда бирталай саволлар тугилиши турган гап. Афсуски, Сизга қониқарли жавоб беролмайман – бу менинг қўлимдан келмайди. Масалан: «Ие, наҳотки, Эпиндаги қотиллик айнан 1751 йили рўй берган бўлса; қандай мўъжиза туфайли Торренскп қоялари нақ Иррейд пойига суррилиб қолди экан?» ёки «Матбуотда эълон қилинган мақолаларда Дэвид Бэлфор тўғрисида ломмим дейилмаганини қандай тушуниш мумкин?» деб сўрашингиз мумкин. Мен бундай ёнгоқларни чақолмайман – тишим ўтмайди. Аммо: «Алан айбдорми ёки айбдор эмасми!» деб қайта-қайта сўрайдиган бўлсангиз, мен китобда баён этган тахминий фикрларим учун бошим билан жавоб беришга тайёрман. Эпинда тарқалган ривоятлар ҳозир ҳам Аланнынг бегуноҳ эканини тасдиқдайди. Ишонмасангиз, ўзингиз «ўша» ўз қўли билан ўқ узган кишини сўраб-суриштиринг, эҳтимол, унинг авлодларини ҳозир ҳам излаб топиш мумкин, деган жавобни эшитсангиз ажаб эмас. Ростини айтсам, қанчалик жон куйдирманг, бари бир «ўша» одамнинг номини аниқлай олмайсиз: Шотландия тоғликлари сир сақлашни қойил қиласидилар, ташаббуси уларнинг жисму жонига қў-

шиб сингдирилади. Мен мана шу йўсинда эртабагача муайян ҳолатнинг аслига тўғри эканини зўр бериб ҳимоя қилишим ва айни чоқда бошқа ҳар қандай ҳолатни шубҳа остида қолдиришим мумкин. Лекин аниқликка итоат этишга унчалик ҳушим ҳам, ишм ҳам йўқлигини бирйўла бўйнимга олиб кўя қолсам тузук бўлмайдими? Бу қисса олимлар фойдаланадиган дастуриламал эмас; унинг жойи – уй вазифаларини бажариб бўлиб, узун қиши кечаларини қандай ўтказишни билмай, ноилож ўринга кираётган ўқувчининг ётоқхонасиdir. Аслида, хийла оғир-вазмин, жангари шахс – ҳалол Алан ўзининг янги ҳаётида фақат жанговарликни тарғиб этиш билан шуғулланмайди: Овидий асарларига мукласидан кетиб қолган баъзи ёш дўстларимни маълум муддат ўтган асрларга ошно этмоқчиман, уларни Шотландия тоғлари бўйлаб саёҳатга чорлайман ва ўринга киргандаридан кейин ширин-ширин, жозибадор тушлар кўриб ухлашларини истайман.

Қадрдоним Чарлз, бу китоб кўнглингизга йўл топа олишига кўзим етмайди. Аммо ўғлингиз вояга етгач, қисса унга ёқиб қолиши мумкин; балки у ўз отасининг исмини китоб бошламасидан кўриб хурсанд бўлар. Ҳозир эса кўпгина баҳти кунларимизу баъзан бошимизга ёғилган кулфатлар хотираси сифатида сизнинг номингизни яна бир бор эслаетганимдан, уни шу ўринда муҳр этаётганимдан бағоят хурсандман.

Шу тобда ёшлигимизда рўй берган гаройиб саргузаштларни хаёлимга келтирсам, беихтиёр юрагим ҳаприқади – ўзимни қўярга жой тополмай қоламан. Сиз ҳам ёқангизни ушласангиз керак-а?! Қанча йиллар, қанча замонлар ўтиб кетди-я! Кишини ғалат кайфият чулғаб олиши та-

йин. Чунки сиз ҳар куни ўша кўчалардан ўтасиз; эртагаёқ кўҳна мунозара клубининг эшикларини очишингиз мумкин – у ерда бизни ҳозирданоқ Скотт, Роберт Эммет ва унчалик машҳур бўлмаса-да, лекин қизғин муҳаббатга сазовор Макбин билан бир қаторга кўйишмоқда. Шунингдек, Сиз шавкатли *L. J. R.*<sup>2</sup> жамиятининг аъзолари йигилишадиган ибодатхона ҳовлиси ёнидан ўтишингиз мумкин: эсингиздами, қачонлардир шоири замон Бёрнс ошна-оғайнилари билан ўтирадиган ўша ўриндиқларга ястаниб олиб пиво ичардик.

Мен яққол тасаввур этяпман: дўстингиз фақат тушларида кўрадиган жойларни, ана, Сиз куппа-кундузи томоша қилиб, сарсари кезиб юрибсиз. Кундалик турмуш ташвишларидан фориф бўлган дамларда ўтмишдан келаётган садолар қулоқларингиз остида тинимсиз жаранглаб турса не тонг! Илло, у дўстингиз ҳақидағи эзгу хотира-ларни тез-тез уйғотиб турсин.

*P. L. C.  
Скерривор,  
Борнмут.*

---

<sup>2</sup> Стивенсон аъзо бўлган талабаларнинг махфий жамияти. «L.J.R» ҳарфлари таҳминан инглизча «Libertiy, Justice, Reverence» сўзларининг қисқартма шакли бўлиб, «ОЗОДЛИК, ҲАҚҚОНЯТ, ҲАҚ-ҲУҚУҚ» маъноларини англатади.

## **БИРИНЧИ БОБ**

### **МЕН УЗОҚ САФАРГА – ШОС ҚҮРҒОНИГА ЖҮНАЯПМАН**

Ўз саргузаштларим ҳақидаги ҳикояни 1751 йилнинг унутилмас жавзо тонгидан бошлашни истардим. Ўша куни киндик қоним тўкилган хонадон эшигини охирги марта қулфладим-да, калитни чўнтағимга солиб, йўлга чиқдим. Қуёш нурлари эндиғина тоғ чўққиларида жилвалана бошлаган эди. Ана-мана деб, руҳонийнинг уйига яқинлашган пайтим сирензорда қораялоқлар сайрашарди; субҳидамдан буён водийни қоплаб ётган туман пардаси кўтарилимоқда эди.

Эссендиннинг кўнгилчан руҳонийси мистер Кемпбелл каминани чорбог эшиги ёнида кутиб турган экан. У мендан, нонушта қилдингми, деб сўради. Қорним тўқ эканини билгач, қўшқўллаб сўрашди-да, қўлтиғимдан олди ва елкамга дўсто на шапатилаб қўйди.

– Шунаقا гаплар, қадрдоним Дэви, – деди у. – Мен сени дарёгача кузатиб бораману йўлни кўрсатиб қўйиб, изимга қайтаман. – Биз индамай қўзғалдик. Бирпасдан кейин у: – Эссендиндан бош олиб кетаётганингга ачинмаяпсанми? – деб сўради.

– Нима дейишга ҳайронман, сэр, – деб мингирладим. – Агар қаёққа кетаётганимни, пешонамга нималар ёзилганини билганимда борми, ҳеч иккilanмай жавоб қайтарардим. Эссендин – табаррук маскан, бу ерда кўнгилдагидай яшадим,

аммо умримда мусофиричилик бошимга тушмаган ахир. Отам ҳам, онам ҳам оламдан ўтдилар – энди мен Эссендинда яшайманми, Можористон қироллигидами, бари бир уларнинг дийдорини кўролмайман. Шунинг учун, ростини айтсам, агар хорижий юртларда муроди мақсадимга ета-жагимни билганимда, ўз уйимни тарк этаётганимга сира ҳам ачинмасдим.

– Шунақами ҳали? – деди мистер Кембелл. – Начора, Дэви, тақдир экан-да. Хулласи калом, эрта-индин бошингга тушадиган воқеалардан огоҳ этиб қўймасам бўлмайди шекилли. Волидаи мукарраманг бандаликни бажо келтирган, отанг (у инсон номига муносаб зот ва мўмин христиан эди) тез-тез касал бўла бошлади: қуни битиб бораётганини сезди, асрраб қўйиш учун менга битта хат топширди; унда сенга аталган мерос рақам этилганини таъкидлади. «Ўлганимдан кейин, қўлга илинадиган буюмлар сотилиб, хонадонимиз тартибга келтирилгач, мана шу хатни шахсан ўғлимга топширасиз ва уни Кремонд яқинидаги Шос қўргонига кузатиб қўясиз», деди. Дэви, марҳумнинг барча васиятлари адo этилди. «Мен ўша ерда туғилганман, ўғлим ота юртига қайтиши лозим. У азамат йигит, қўрқоқ одамлар тоифасидан эмас – жуда абжир, шубҳасизки, қўргонга омон-эсон этиб олади ва ҳамманинг меҳрини қозонади», деган эди раҳматли отанг.

– Шос қўргони?! – деб юбордим беихтиёр. – Шўрлик отамнинг Шос қўргонига қандай алоқаси бор экан?

– Шошмай тур, – деди мистер Кембелл. – Худо билади. Мен сенга айтсам, азизим, қўргон эгалари сизларга фамилиядош – уларни шослик Бэлфурлар деб аташади: сўнгти пайтлари обрў-эътибо-

ри бир оз түкилган бўлса-да, лекин кўхна шажара; ҳалоллиги учун ҳамма уларни ҳурмат қиласди. Қолаверса, отанг раҳматли ўқимишли киши эди. Аслида, бамаъни муаллим шунаقا бўлиши лозим. Унинг мактаби намунали эди, гап-сўзларию муомаласи хашаки ўқитувчиларнига асло ўхшамасди. Эсингдами, мен обрўли кишиларни меҳмон қилган чоқларда отангни албатта уйимизнинг тўрига ўтқазиб кўярдим; килреннетлик Кембелл, дансвирилик Кембелл, минчлик Кемпбелл сингари қариндош-уругларим ва бошқа асилзода жентельменлар билан суҳбатлашиб ўтиришни яхши кўришарди. Хўп майли, мана сенга васият қилинган хат: марҳум биродаримиз ўз қўли билан манзилни ёзиб кўйган.

У менга хатни берди, конвертга қуидаги сўзлар битилган эди: «Шос қўргони. Эсквайр Эбенезер Бэлфурнинг ўз қўлига топширилсан. Хатни менинг ўғлим – Давид Бэлфур элтиб беради».

Юрагим ҳаприқиб кетди: овлоқ Этрикс ўрманидаги бечораҳол қишлоқ ўқитувчисининг ўн олти яшар ўғлига бирдан омад ёр бўлса-я! Ахир бу ҳазил гап эмас!

– Мистер Кембелл... агар менинг ўрнимда сиз бўлганингизда нима қиласдингиз? – деб сўрадим, ҳаяжондан тутилиб-тутилиб.

– Ўйлаб ўтирасдан йўлга отланардим, – деб жавоб берди руҳоний. – Сенга ўшаган тиқмачоқдай йигит Кремондга икки кундаёқ етиб боради. Айтмоқчи, у ердан Эдинбурггача бир қадам қолади, холос. Агар ишлар чаппасига кетсаю асилзода қариндошинг (тажминимча, сизлар ҳарҳолда бегона эмассизлар) кетингга бир тепиб, кўчага чиқариб ташласа, бунинг қўрқадиган жойи йўқ: яна икки кунлик йўлдан сўнг эшигимни тақил-

латишиң мүмкін. Лекин, умид қиласанки, сени қучоқ очиб кутиб олишади, отанғнинг ниятлари рўёбга чиқади. Насиб этса, вақти келиб катта одам бўлиб кетасан. Азизим Дэви, шу тобда – сен билан хайрлашишдан аввал, фурсатдан фойдаланиб оз-моз насиҳат қилиб қўймасам кўнглим жойига тушмайди. У нигоҳи билан ўтиргани жой қидирди ва йўл четидаги оқ қайнин остида турган катта юмалоқ тошга кўзи тушдию унинг устига ўрнашиб ўтириб олди: офтобдан сақланиш учун дастрўмолини учбурчак шляпасининг тепасига ташлаб қўйди – икки қоя орасидан кўриниб турган қуёш тўппа-тўғри бизнинг манглайимизга олов пуркарди. У кўрсаткич бармоғини фалакка ўқталганча ер юзидаги кўпдан-кўп гуноҳлардан мени огоҳ эта бошлади, жумладан, каминани узлуксиз равишда Тавротни мутолаа қилишга уннади. Лекин руҳонийнинг маслаҳатлари мени қизиқтирмасди. Шундан сўнг у бадавлат хонадондаги ҳаёт манзарасини тасвирлаб берди ва хонадон соҳиблари билан қандай муомала қилишим тўгрисида йўл-йўриқлар кўрсатди.

– Дэви, майда-чуда нарсалар учун тортишиб ўтиргагин, – деди у. – Эсингда бўлсин: сен дворян оиласида дунёга келган бўлсанг ҳам, қишлоқда тарбиялангансан. Юзимизни ерга қаратиб қўймагин, Дэви, бизни иснодга қолдирма! Қарол-чўриларнинг ҳар қандай тоифасида учрайдиган ўша тўкин-сочин, машҳур хонадонда бошқалардан орқада қолмагин; эҳтиёт бўлиб, ўйлаб қадам ташлагин, кўп гапирмагин. Энди хонадон бошлиғи масаласига келсак, ёдингда тутгин: у хўжайин. Изоҳга ҳожат бўлмаса керак – оғзи қийшиқ бўлса ҳам бой гапирсын, деган мақол бе-жизз айтилмаган, ахир. Шажара бошлиғига итоат

этиш ҳам фарз, ҳам қарз. Ҳеч бўлмаса, киши ёшлигида шундай деб ўилаши лозим.

– Гапларингизда жон бор, сэр, – дедим. – Чизган чизифингиздан чиқмасликка ваъда бераман.

– Бинойидексан-ку! – деди мистер Кемпбелл хурсанд бўлиб. – Хўш, энди ашёвий далиллар хусусида гаплашсакми-а? Албатта, тажнис<sup>3</sup> учун худонинг ўзи кечирсин-у, балки бу ҳеч қандай ашё эмасдир. Ёнимда бўғча бор, – деди-да, ички чўнтағидан бир нарса олди. – Бўғчага тўртта нарсани солиб қўйганман. Шулардан биринчиси қонун бўйича сенга тегишли: боя айтганимдек, бу отангдан қолган китоблар ва бошқа буюмларнинг пули – уларни ўзим сотиб олдим; кейинчалик отангнинг ўрнига бирорта ўқитувчи келса, ўшанга пуллайман, мўлжалимча, уч-тўрт танга чойчақа қолади шекилли. Яна учта нарса эса мен билан миссис Кемпбеллдан совға; қўлимизни қайтарма – чол-кампирни хурсанд қилгин, болам. Бири – юм-юмалоқ, дастлабки пайтлари шуниси кўпроқ ёқса керак. Лекин Дэви, жигарим, бу дарёдан томчи, холос. Ҳаш-паш дегунча тамом бўлади – унинг изи ҳам қолмайди. Япалоқ, тўртбурчак тумор эса бир умр сенга мададкор бўлади: узоқ сафарларда ҳориб-толсанг унга ҳасссадай суянасан, тобинг қочган пайтларда юмшоқ ёстиқдай бош қўйиб ётасан. Хўш, охиргиси – ҳамма томони тенг ашё – мен чин дилдан ишонаманки, бу нарса мушкулингни осон қиласи, сени боқий дунё сари етаклайди.

У сўзларини тугатдию ўрнидан турди, шляпасини ечиб ҳаётга илк бора мустақил қадам қўяётган ўсмир ҳақига қизғин дуо ўқиди. Кейин мени

<sup>3</sup> Тажнис – сўз ўйини. Бу ерда «шаккоклик» маъносида қўланяпти (*таржимон изоҳи*).

илкис бағрига босди-да, ўзидан нари суреб, дий-доримга түйиб-түйиб тикилиб олди – унинг юзлари чўғдай қизарип кетган эди; сўнгра шартта орқасига бурилдио: «Алвидо!» деб қичқирган кўйи биз келган йўл бўйлаб шитоб изига қайтди. Назаримда, бегона одамга бу ҳолат кулгили кўринса керак, аммо ўзим ҳозир куладиган аҳволда эмасдим. У кўзга кўринмай кетгунча орқасидан термилиб турдим; у қадамини секинлатмади, бир марта ҳам орқасига қайрилиб қарамади. Шундагина айрилиқ нақадар оғир эканини англаб етдим ва бирдан ўзимдан ўзим уялиб кетдим – қани энди ер ёрилсаю кириб кетсам! Ахир, овлоқ қишлоқни тарқ этаётганимдан бениҳоя шод эдим, босар-тусаримни билмай қолган эдим: данғилла-ма, гавжум хонадонга – қондош, жондош бўлган бадавлат, савлат тўкиб юрадиган жаноблар ҳузурига кетяпман-ку!

«Эҳ, Дэви, Дэви! – дедим ичимда. – Ахир бу кўрнамаклик эмасми! Наҳотки донгдор кишиларнинг номларини эшлишинг билан дарҳол кўзларингни чирт юмиб, барча яхшиликларни, дўстларингни эсдан чиқариб юборишга тайёр бўлсанг-а? Уялгин-э, уят!»

Мен боягина кўнгилчан руҳоний қўним топган юмалоқ тош устига ўтиридим-да, совғаларни кўздан кечириш учун бўғчани очдим. «Ҳамма томони тенг ашё» дейилгандеёқ нима назарда тутилаёттанини англаган эдим: албатта, бу чўнтақбоп мўъжаз Таврот эди – муқаддас диний китоб. «Юм-юмалоқ» – танга экан, бир шиллинг<sup>4</sup>. Узоқ сафарларда ҳориб-толсам, тобим қочса ва умуман, менга бир умр мададкор бўладиган «тумор» эса сарғайиб кетган

<sup>4</sup> Шиллинг – пул бирлиги, фунт стерлингнинг йигирмадан бир бўлагига тенг (*таржимон изоҳи*).

бир парча дағал қоғоз экан – унга қызил сиёҳ билан қуидаги сўзлар битилган эди:

«Марваридгулдан томчи дори тайёрлаш усули. Марваридгул олинади-да, рангсиз винога ташлаб қўйилади, кейин ҳар куни бир ёки икки чой қошиқдан ичилади, эҳтиёжга қараб истеъмол қилинади. Натижада дудуқларнинг нутқи изга тушиб кетади, офтоб урган кишилар шифо топадилар, юрак ўйногини тўхтатади ва хотирани мустаҳкамлайди. Гул шиша идишга солинадиу қопқоғи маҳкам беркитилади ва чумоли уясига тиқиб қўйилади, ўша жойда бир ой тургандан сўнг қайтариб олинади: гуллардан шарбат ажрабиб чиққанини кўрасан, уни кичик идишларда асраш лозим – бу бемору соғ кишиларга ҳам, эркак ва аёлларга ҳам бирдай фойдалидир».

Битик остига руҳоний ўз қўли билан ушбу сўзларни қўшимча қилган эди.

«Айни чоқда суяқ чиққанда (суртиш керак) ва санчиқ бошланганда (ҳар соатда бир чой қошиқдори ичилади) ҳам фойдаси тегади».

Тўғрисини айтсам, бу қоғозга қараб туриб кулгим қистади ва айни пайтда кўзларимдан ёш тирқираб кетди. Мен зудлик билан тугунчани қайқи таёқ учига илдим-да, кечувдан дарёнинг нариги соҳилига ўтиб олдим. Қияликдан адир тепасига кўтарилидим ва икки четини супурги гуллар қоплаган, пода юрадиган кўм-кўк сўқмоқقا қадам қўйдиму Эссендин ибодатхонасига, руҳоний хонадони теварагида чайқалаётган дарахтларнинг учларига ва ота-онам дағн этилган қабристоннинг баланд-баланд четан деворларига бир қур назар ташладиму унсиз хайрлашдим.

## ИККИНЧИ БОБ

### МАНЗИЛГА ЕТДИМ

Иккинчи куни эрталаб яна адир чүққисига күтарилидим: күз ўнгимда денгиз соҳилига туташган манзара яққол намоён бўлди, чек-чегараси кўринмайдиган тоф тизмаси ёнбағрида – нишаблик ўртасида гўё қиздирилган печдай Эдинбург шаҳри тутаб ётарди. Кўргон тепасида байроқ ҳил-пиради, кўрфаз узра кемалар сузиб юрарди ёки бандаргоҳга лангар ташлашган эди: масофа хийла йироқ бўлишига қарамай, уларни аниқ кўриб турадим ва каминанинг – қишлоқи йигитчанинг қалби бирдан тўлқинланиб кетди,

Тез орада битта чўпон қулбасига рўпара келдим, Кремондга бориш учун қайси йўналиш бўйича кетиши лозимлигини билиб олдим. Шундай қилиб, дуч келган йўловчидан сўрай-сўрай пойтактнинг ёнидан ўтиб, гарб томонга кетавердим – Колингтон ҳам ортда қолиб кетди ва охири Глазгога олиб борадиган йўлга чиқдим. Кўча бўйлаб ўтиб бораётган полк аскарларини учратдим; улар мусиқа садолари остида бир маромда қадам ташлашарди: олдинда қулранг отга минган, фиштга ўхшаш дағал юзли кекса генерал борарди, норгул йигитлардан саралаб олинган гренадерлар ротаси эса сафнинг охирига тизиб қўиилган эди – уларнинг бош кийимлари Рим папасининг тожини эслатарди. Мен негадир ичичимдан суюниб, оғзим очилганча аскарларни кузатиб турадим: жангчиларнинг қизил мундирларию тантанавор мусиқа садолари аъзойи баданимни жимирилатиб юборди.

Бир оздан кейин мен Кремонд вилоятига қадам қўйдим; энди одамлардан, Шос қўргонини

сўрай бошладим. Ажаб ҳол: кимга мурожаат эт-сам, у менга ҳайратланиб тикилиб қоларди. Дастьлаб, қишлоқи турқу атворим, сафар мобайнида обдан чангга беланган қопга ўхшаш уст-бошим ўзим йўқлаб бораётган гаройиб масканга сира ҳам муносиб бўлмаса керак, деб ўйладим. Лекин икки ёки уч марта бир хил жавоб қайтаришгач, турли қиёфаларда ҳайрат аломатларини кўрдиму кўнглимда шубҳа пайдо бўлди: «Балки Шос кўргонида ишлар пачавадир? Ҳарҳолда, у ерда бир сир бўлса керак».

Кўнглимда уйгонган шубҳага чек қўйиш мақсадида бошқача тарзда савол беришга қарор қилдим: дала-йўлда фойтун кўринди, ўриндиқда олижаноб зот ўтиради; мен ундан «Шос кўргони» деб аталадиган уйнинг хўжайини ҳақида бирор гап эшитган-эшитмаганини сўрадим. У аравани тўхтатди-да, бошқа йўловчилар сингари бошимдан-оёғимгача синчилаб разм солди. Сўнг:

- Эшитганман, – деди. – Нимайди?
- Ростдан ҳам бадавлат хўжаликми? – деб сўрадим.
- Бўлмасам-чи, – деди. – Данфиллама иморати бор.
- Тушунарли, – дедим. – Хўп майли, одамлари қанақа?
- Одамлари?! – деб қичқириб юборди. – Эс-хүшинг жойидами ўзи? Ахир у ерда одам йўқ-ку!
- Нималар деяпсиз? – дедим. – Мистер Эбенезер одам эмасми?
- Ҳа-я, у ростдан ҳам одам, – деди. – Агар сенга кўргоннинг эгаси керак бўлса, шак-шубҳасиз, у мавжуд. Аммо бунинг нима ҳожати бор-а?
- Мени ишга ёллармикан деб ўйлаган эдим, – дедим ўзимни гўлликка солиб.

– Нима?! – деб бақириб юборди аравакаш. То-  
вушидан ҳатто от ҳуркиб кетди. – Менга қара, ў-  
лим, – деб давом этди, – албатта, бу менинг ишим  
эмас, аммо хушмуомала йигитчага ўхшаяпсан,  
шунинг учун битта маслаҳат бермоқчиман: эсинг  
бўлса, Шос қўргонидан узоқроқ юргин!

Сўнгра бошига дабдабали ясама соч қўндириб  
олган ҳаракатчан киши дуч келди; фаҳмлашим-  
ча, у мижози ҳузурига ошиқиб кетаётган сарта-  
рош эди: аввалдан билардимки, сартарошлар гап  
ташишга ниҳоятда ўч бўлишади – шунинг учун  
ундан тўппа-тўғри Шосда яшайдиган мистер  
Бэлфур қанақа одам деб сўраб қўя қолдим.

– Дийдори қурсин! – деб пишқирди сартарош. –  
Одам эмиш, топган гапингни қара-ю! Ахир унинг  
одамлик сиёқи йўқ-ку! – Кейин тилёғламалик би-  
лан менинг асл ниятимни билиб олишга уринди,  
лекин мен айёрлик қилдим – унинг қўйинини пуч  
ёнгоқقا тўлдириб юбордим.

Қулоқ-чаккамга бирор тарсаки тортиб юбор-  
гандай бўлди, эсанкираб қолдим. Мен галварс, чу-  
чварани хом санаб юрган эканман-да!.. Мавҳум  
имо-ишоралар жонимга тегди, хомхаёллардан  
миям ғовлаб кетди. Бу қандай жанобнинг уйи  
бўлдики, ўша томонга элтадиган йўлни сўраб-су-  
риштирсанг – бас, тўсатдан бутун вилоят бир  
сапчиб тушади, одамлар эса кўзларини пирпи-  
ратганча сенга қараб бақрайиб қолишади? У қа-  
нақа одам эканки, катта кўчада учраган йўлов-  
чи отнинг қашқасидай таниса? Агар пиёда юриб  
Эссендинга бир соатда етиб бориш мумкин бўл-  
ганда, саргузаштларим аллақачон поёнига етган  
бўларди – мен мистер Кемпбелл ҳузурига қайтар-  
дим. Лекин узоқ йўлнинг асосий қисмини босиб  
ўтдим, энди ортга қайтишга фурурим изн бермас-

ди: ҳеч бўлмаса иззат-нафсимни қондириш учун ҳам гап нимада эканини аниқлашим, манзилга етиб боришим лозим. Фалати гапларни эшитавериб довдираб қолган, оёғимга тош боғлангандай судраб қадам ташлаётган эсам-да, ўжарлик билан йўлни сўраб-суриширишда давом этардим, олга борардим.

Кун ботаётган пайтда битта аёлга дуч келдим; у миқтигина эди, қора соч, афтидан хийла вайсақи кўринарди – ҳарсиллаб-ҳарсиллаб нишабликдан пастга тушарди. Унга ҳам одатдаги савол билан мурожаат этдиму у орқасига терс бурилиб, ўзи ҳозиргина тарк этган адир чўққисига мени эргаштириб чиқди ва қўли билан водий тубини кўрсатди – ям-яшил ўтлоқзорда улуғвор тош-кўрғон савлат тўкиб турарди. Чор атроф ниҳоятда гўзал эди: тепаликни дов-дараҳтлар қоплаган эди, ирмоқда шилдир-шилдир сув оқарди, серҳосил экинзор кўриниб турарди, лекин иморат одам яшайдиган масканга ўхшамасди; у томонга олиб борадиган бирорта ҳам сўқмоқ кўринмасди, мўрилардан тутун чиқмасди, боф эса ҳувиллаб ётарди. Бирдан юрагим товонимга тушиб кетгандай бўлди.

– Анавими? – деб юбордим беихтиёр.

Аёлнинг кўзларида ғазаб учқуни ёлқинланди.

– Худди ўзи! – Бирдан унинг жазаваси тутиб вайсай бошлади: – Инсон жонидан бунёд этилган, қонсираб ётибди, бегуноҳ тўкилган қонлар уни ер билан яксон қиласди.

Қараб тур: мен унга туфурман! Туф-туф! абадулабад ириб-чириб кетсин! Уй эгасини кўрсанг, эшитган гапларингнинг ҳаммасини айтгин, хўпми? Женнет Клустон сени бир минг икки юзу ўн тўққизинчи марта қарғади, лаънатлади деб айт-

гин! Худоё худовандо, унинг уйини, молхонасию отхонасини, ошхонасию ошпазларини, барча қавму қариндошлариниу хизматкорларини, меҳмонларию етти пуштини ер ютсин!

Аёл шартта орқасига бурилиб фойиб бўлди. Мен худди тиззамгача ерга ботиб кетгандай турган жойимда қаққайиб қолдим, қўрқувдан сочларим тикка бўлиб кетди. Ўша замонларда ҳали ялмоғиз кампир борлигига ишонардик, қарғиш одамларни бирпасда даҳшатга солиб қўярди; хуллас, манзил остонасида бундай гапларнинг янграши яхшилик аломати эмасди, балки йўлимдаги тўсиқлар нишонаси эди. Оёқдаримда мажол қолмади. Аста ерга ўтирдим-да, Шос қўрғонини кўздан кечира бошладим. Қанчалик узоқ тикилганим сари бу ўлкага нисбатан тобора меҳрим ортиб борарди: чаман-чаман гуллаб ётган қалин дўлана ҳам, ям-яшил ўтлоқ, алоҳида пайкалларда оқаришиб кўринаётган сулизорлару тўп-тўп бўлишиб осмонда парвоз этаётган гўнгқарғалар – буларнинг ҳаммаси бу ер ниҳоятда унумдор ва об-ҳавоси оромбахш эканини билдиради, факат майдон ўртасидаги рутубатли тошқути кўнглимга кўланка ташлаб турарди, холос.

Дала-туздан қайтаётган дехқонлар ён-веримдан ўта бошладилар, мен бўлсам, ҳамон йўл четида ҳафсалам пир бўлиб ўтирадим, ҳатто уларга: «Хорманглар!» дейишга ҳам ярамасдим. Ниҳоят, қуёш уфққа бош қўйди ва шунда мен сарғиш осмонга ўрлаётган ҳилолдай тутунни кўриб қолдим, у худди шамдан чиқаётганга ўхшарди – ингичка. Лекин бари бир бу бошпанадан тараลาётган тутун эди; демак ўчоққа ўт ёқилган, уй иситиляпти, косага қайнатма овқат қуйилади – хонадонда тирик жон бор, у гулхан ёқяпти, шунинг ўзидаёқ кишиига таскин берарди.

Мен майса қоплаган торгина сўқмоқ бўйлаб ўша томонга жўнадим. Сўқмоқни аранг илғаб олиш мумкин эди, холос. Инсон боласи истиқомат қилаётган масканга элтадиган ягона йўлнинг бундай кўриниши фалати туюларди, лекин бошқа йўл кўринмасди. Тез орада тошдан ясалган иккита устун рўпарасидан чиқиб қолдим; уларнинг устига герб ўрнатилган эди. Ёнгинасида эса тошдан қурилган, томсиз қоровулхона турарди. Кўриниб турибдики, бу ерда қурилиш охирига етказилмаган эди: ҳашаматли – қуйма дарвоза ўрнида устунларга сомон бовлиқ билан бофлаб қўйилган икки қанотли боф эшик турарди. Сўқмоқ на боф четига тортилган тўсиққа, на бўсағадаги мўъжаз хиёбонга дуч келарди – устунларни ўнг томондан айланиб ўтардию илонизи мисоли иморат сари йўналарди. Манзилга қанчалик яқинлашсам, иморат менга тобора ҳувиллаб ётгандай туюла бошлади. Гўё у чала-ярим қурилишнинг чўлтоқ қанотига ўхшарди: дастлаб режалаштирилган ўрта қисми маълум қаватгача тикланган эди, холос. Погона-погона фишт деворлар шундоқ кўриниб турибди. Кўпгина деразаларга ойна солинмаган эди; кўршапалаклар пир этиб учиб чиқишардию яна ортларига қайтишарди – бамисоли болаҳонада истиқомат қилаётган капитарларга ўхшарди.

Иморат томон борардим. Оқшом чўқди. Одатдагидан юқори биринчи қаватнинг учта деразасидан фира-шира шуъла кўрина бошлади. Деразаларга қалин-қалин панжара қопланган эди. Ўҳҳў, мен узоқ йўл босиб, истиқболига интилаётган сарой шунаقا экан-да! Наҳотки мана шу деворлар қуршовида каминани янги дўстлару порлоқ келажак кутиб турган бўлса? Ҳа, жонажон Эс-

сен-Уотерсайдимда ҳам киндик қоним тўкилган уйнинг деразаларидан шунаقا ёғду тараларди, мўрилардан шунаقا тутун чиқарди – бир чақирим наридан кўриниб турарди. Қолаверса, эшигимизни ҳатто тиланчи тақиллатса ҳам дарров очар эдик!

Уйга оёқ учida яқинлашдиму ичкарига қулоқ солдим: бирор ликопчаларни тарақдатди, кимдир қув-қув йўталди, лекин кошкийди инсон зотининг товуши эшитилса, жилла қурса ит ҳурса ҳам гўргайди – юрагим сиқилиб қилиб кетди.

Фира-ширада илгашимча, эшик улкан дарахтнинг бир бўлаги шекилли, зил-замбидай туюларди, мих қоқилмаган жойи йўқ. Зўргатдан юрагим бетлаб қўлимни кўтардим ва эшикни бир марта тақиллатдим. Сўнг кутиб турдим. Жимжитлик – худди ўлик чиқсан уйга келиб қолгандай бўлдим; абадиятдай чўзилган дақиқалар ўтиб бораарди, аммо тиқ этган товуш эшитилмасди, фақат бошим узра кўршапалаклар чарх уرارди, холос. Яна бир бора эшикни тақиллатдиму ичкарига қулоқ тутдим. Энди қулоқдарим жимжитликка шу қадар кўнигиб қолган эдики, беихтиёр ичкарида чиқиллаётган соат товушини пайқаб қолдим – сониялар бир маромда ҳисоб-китоб қилинарди; лекин уйнинг номаълум эгалари ҳамон сукут сақларди, ҳатто нафас олмасдilar.

Кўнглимда шубҳа уйғонди, яхшиликча жуфтакни ростласаммикан деб йўладим. Лекин бирдан жаҳлим чиқиб кетди ва эшикни муштлай бошлидим, гумбурлатиб тепиб-тепиб юбордим, товушимнинг борича мистер Бэлфурни чақирдим. Умуман, ўзимни идора қилолмай қолдим. Бирдан айнан менинг тепамда бирор йўталди; зудлик билан орқага чекиниб, бошимни кўтардим; пастки қаватнинг

деразасидан тунги қалпоқ кийиб олган эркак киши-  
нинг боши ва пилтамилтиқнинг қувури кўринди.

– Ўқланган, – деди товуш эгаси.

– Мен Шос қўрғонининг соҳиби бўлмиш мистер  
Эбенезер Бэлфурга хат олиб келдим, – дедим. – Бу  
ерда ўша киши яшайдими?

– Хатни ким ёзган? – деб сўради пилтамилтиқ-  
ли киши.

– Бунинг ишга алоқаси йўқ, – дедим, чунки  
газабим бениҳоя жўшиб кетган эди.

– Майли, – деган товуш эшитилди юқоридан.

– Хатни эшик остига тиқиб қўйгину туёғингни  
шиқиллат!

– Нима-нима? – деб қичқириб юбордим. – Бу  
хат кимга аталган бўлса, ўша кишига берилади:  
мистер Бэлфурнинг ўз қўлига топширилади. Бу  
оддий хат эмас, тавсиянома.

– Қанақа нома? – деб сўради кимса тарадду-  
ланиб.

Мен гапимни такрорладим.

– Хўш, ўзинг ким бўласан? – деб сўради у хий-  
ла вақт ўтгач.

– Мен ўз номимдан уялмайман, – дедим зарда  
аралаш. – Менинг номим Дэвид Бэлфур.

Қасам ичишим мумкинки, бу сўзларни эши-  
тиши биланоқ номаълум кимса титраб кетди:  
пилтамилтиқ дераза рафига тарақ этиб урилди.  
Навбатдаги савол анча-мунча фурсатдан кейин  
берилди ва ажабки, у кишининг товуши муло-  
йимлашиб қолган эди.

– Отанг вафот этдими?

Мен ҳайратдан донг қотиб қолдим, тилим ка-  
лимага келмасди: кўзларимни пирпиратганимча  
серрайиб туравердим.

– Афсус, вафот этибди, афсус, – деб бош чайқаб  
қўйди у киши. – Шунинг учун менинг эшигимни

дўмбира қилиб чалаётган экансан-да. – Яна сувунат бошланди. Сўнг у бир оз дадиллашиб сўзларини якунлади: – Начора, дўсти азиз, мен сени меҳмон қиласман.

У дераза ортида фойиб бўлди.

## УЧИНЧИ БОБ

### **АМАКИМ БИЛАН ТАНИШУВ**

Тез орада қатор-қатор зулфинлару занжирлар-нинг жаранг-жаранг товуши эшитилдию эшик салгина қия очилди ва мен остона ҳатлаб ичкарига кирган заҳотим яна ёпилди.

– Ошхонага кир, бирор нарсага тега кўрма, – деб буюрди менга таниш товуш эгаси.

Қўрғон соҳиби зўр ҳафсала билан эшикни қулфлай бошлади. Мен таваккал қилиб олдинга юрдиму бирдан ошхонага кириб қолдим. Ўчоқда гуркираб олов ёнар, хонага ёғду тараларди; умримда бу даражадаги шип-шийдам ошхонани кўрмаган эдим. Жавонда беш-олтита ликопча турибди, стол устига овқат қўйилган эди: сули бўтқа сузилган косаю суяқ қошиқ, бир кружка пиво. Тош гумбазли ушбу кенг-мўл хона яроқсиз буюмлар маконига айлантирилган бўлиб, девор ёnlарида қулфланган сандиқлару бурчакда каттагина қулф осилган идиш-товоқ жавончаси турарди.

Анави кимса эшикка охирги занжирни илдию орқамдан ошхонага кирди. У заҳил юзли, нимжонгина киши эди: букчайиб қолибди, елкалари пучмайган – афтидан ёшини билиб олиш мушкул; уни элликка кирган ёки етмишга борган мўйсафиид чол дейиш мумкин. Қалпоғи тўқима эди, йиртиқ-

ямоқ күйлагининг устидан ҳам тўқима халат кийиб олган: на нимчаси, на белбурма камзули бор эди. Кўпдан буён соқолига устара тегмагани қўриниб турарди. Лекин энг ажабланарлиси, ҳатто даҳшатлиси – унинг кўзлари эди: у мендан нигоҳини узмасди, юзларимга еб қўйгудек бир алфозда тикилиб-тикилиб қарапди. Унинг касб-кори, ҳунари нима эканини айтиш қийин албатта. Шундай бўлса ҳам, у кўпроқ кекса хизматкорга ўхшарди – аллақачон ҳеч ишга ярамай қолгану фақат қорнини тўйдириш учун уйни қўриқлаб ётарди.

– Овқат ейсанми? – деб сўради у, нигоҳини тахминан тиззаларимга қадаган кўйи.– Манави бўтқанинг туzinи кўришинг мумкин.

– Назаримда, бу овқатни ўзингиз емоқчисиз, – деб жавоб бердим.

– Ҳечқиси йўқ, – деди у. – Мен шундоқ ҳам бир иложини қиласман. Лекин пивони ичиб қўяман, бу йўталимга дори бўлади. – У мендан кўзларини узмай ярим кружкани бўшатди-да, бирдан қўлини чўзиб: – Қани, кўрайлик-чи, қанақа хат экан, – деди.

Мен эътиroz билдиридим:

– Бу хат сизга эмас, мистер Бэлфурга аталган, – дедим.

– Сенингча, мен кимман? – деди у. – Александрнинг хатини буёққа бер!

– Сиз отамнинг исмини биласизми?

– Билмас эканман-да! – деб тўнфиллади у. – Отанг менинг туғишган оғам, азиз дўстим Дэви, мен сенга амаки бўламан. Қўриниб турибидики, сен мендан ҳам, уйимдан ҳам, тўйимли сули ошимдан ҳам жирканяпсан. Тағин менинг туғишган жиянимсан. Қани, хатни бер-чи, ўзинг ўтири – қорнингни тўйдириб ол.

Агар бир-икки ёш кичикроқ ўсмир бўлганимда борми, уялганимдан, чарчаганимдан, ҳафсалам пир бўлганидан ҳўнграб. юборардим. Ҳозир на бир оғиз ҳақорат ёки мақтov сўзи айтишга қурбим етмаса-да, индамай хатни унга бердим ва ёрма бўтқани пок-покиза туширдим.

Бу пайт амаким гулханга энгашган кўйи қўлидаги хатни айлантира бошлади.

– Унда нималар ёзилганини биласанми? – деб сўради у туйқусдан.

– Сэр, муҳр бузилмаган, – деб жавоб қайтардим. – Ўзингиз ҳам кўриб турибсиз-ку.

– Шундайликка шундайку-я, – деди у. – Лекин сен буёқقا бекордан-бекорга келмагандирсан, тўғрими?

– Хатни топширгани келдим.

– Ана холос! – деди мугомбирлик билан. – Ўйлайманки, нимадандир умидвор ҳам бўлгансан, шундайми?

– Тонмайман, сэр, – дедим. – Бой-бадавлат қариндошларим бор эканини айтишган пайтда ростдан ҳам умидвор бўлганман: улар менга мадад беришади, деб ўйлаганман. Аммо мен тиланчи эмасман, сизнинг садақангизга қараб қолганим йўқ. Ҳарҳолда, чин кўнгилдан ҳадя этилмаган инъом ўзингизга сийлов. Одмигина уст-бошимга эътибор берманг, менинг дўстларим кўп – ҳар доим жон деб ёрдам берадилар.

– Пақ-пуқ, милтиқдори! – деди Эбенезер амаким. – Бекордан бекорга тажанг бўлаверма. Мана қўрасан, биз ҳали апоқ-чапоқ бўлиб кетамиз. Дэви, дўстгинам, агар бўтқага тўйиб қолган бўлсанг, косани ўзим ялаб қўяман. Ҳм-м, сули бўтқа – донғи кетган овқат, – деди у ва мени табуреткадан нари сурдию қўлимдан қошиқни

олди. – Түйимли емиш, ширинлигини айтмайсанми! – У шоша-пиша калима қайтардию овқат емоқقا тутинди. – Эсимда бор, отанг ҳам овқат ейишни жуда яхши күрарди. Уни ебтүймас деб бўлмасди-ю, лекин ниҳоятда хўра эди, мен ундан эмас – бир-икки чўқилайману тўяман-қоламан. – У пивони лўқ-лўқ ичдию бирдан меҳмондўстлиги ёдига тушиб қолди шекилли: – Агар томогингни хўллаб олмоқчи бўлсанг, эшик орқасида сув бор, – деди.

Мен индамадим, амакимдан кўзларимни узмай, серрайиб туравердим. Сабр косам лим-лим тўлган эди. Амаким эса ҳамон оғзига овқат тиққан кўйи дам-бадам менинг бошмоқдаримга, дағал, қишлоқча пайпоқларимга назар ташлаб кўярди. У фақат бир марта нигоҳини кўтардию кўзларимиз тўқнашди: амаким худди қўлга тушган киссавур каби саросимага тушиб қолди. Бу ҳолат кўнглимда галати мулоҳаза уйғотди: балки, у кўпдан бери одамларга аралашмай қўйгани учун ҳам ўзини файритабий тутаётгандир, бир оз кўникма ҳосил қилгач, ҳаммаси ўтиб кетар – амаким бутунлай бошқа одамга айланар? Унинг хирилдоқ товуши хаёлларимни тўзгитиб юборди.

- Отангнинг вафот этганига анча бўлдими-а?
- Уч ҳафта бўляпти, сэр, – деб жавоб бердим.
- У хаёлчан одам эди, Александрни айтаман-да, сирли кўринарди, индамас эди, – деб давом этди амаким. – Ёшлигига баъзан қун бўйи бир оғиз ҳам гапирмасди. Ҳойнаҳой, мен ҳақимда ҳам кўп гапирмаган бўлса керак-а?
- Сэр, ўзингиз айтганингизга қадар мен унинг укаси борлигини ҳам билмасдим.
- Бай-бай-бай, – деди Эбенезер. – Наҳотки, у Шос ҳақида ҳикоя қилиб бермаган?

- Бу номни бирор марта тилга олмаган, сэр.
- Ақл бовар қилмайди! – деди амаким. – Ҳай-ронман, у қанақа одам экан!

Шунга қарамай, у ўзиданми, менданми ёки отамнинг ажабтовур хулқ-атвориданми – билмадим-у, лекин ниҳоятда мамнун эди. Шубҳасизки, мен пайдо бўлган дастлабки пайтлардаги бегонасираш, ҳатто кин-адоват кайфияти аста-секин тарқала бошлади. Ҳарқалай, бирпасдан сўнг у сагчид ўрнидан турдию менга орқа томондан яқин келиб, дадил-дадил елкамга қоқиб қўйди.

– Озгина муддат ўтсин, ана иннакейин биз апоқ-чапоқ бўлиб кетамиз! – деб қичқирди у. – Очигини айтсан, мен сени уйга таклиф этганимдан хурсандман. Ҳўп, энди ўринга кириб дамингни олгин.

Ажабланарлиси шундаки, у фонус ёки шамчироқ ёқиб ўтирамди, қоп-қоронги йўлакка чиқдию пайласланганча, ҳансираб-ҳансираб зинапоядан юқорига кўтарила бошлади, кейин қандайдир эшик қаршисида тўхтади ва уни очиб ичкарига кирди. Мен кўр-кўrona равишда унинг орқасидан эргашиб борардим; оёғини босиб олган заҳотим у мана шу хона менга аталганини эълон қилди ва ичкарига киришга таклиф этди. Остонадан ўтдиму бир неча қадам юрганимдан сўнг жойимда тақقا тўхтаб, ўринга кириб олиш учун чироқ сўрадим.

– Пақ-пук! – деди Эбенезер амаким. – Оппоқ ойдинда-я!

– Сэр, на ой бор, на юлдуз! – деб эътиroz билдиридим. – Зим-зиё, каравотни кўрмаяпман.

– Пақ-пук, сафсата! – деди у. – Мен уйда чироқ ёқиб ўтиришни ёмон кўраман. Ёнгин чиқишидан ўлгудай қўрқаман. Хайрли тун, Дэви, азиз дўстгинам.

У яна эътиroz билдиришимни кутиб ўтиrmай зудлик билан эшикни ёпди-да, ташқаридан қулфлай бошлади.

Дам кулгим қистарди, дам йифлагим келарди. Хона қудукдан ҳам совуқроқ эди; пайпаслай-пайпаслай каравотни топдим; маълум бўлдики, у ҳам ботқоқ мисоли шилта экан. Яхшиямки, қалин жун рўмол билан бўғчани қўлтиғимга қистириб олган эканман; рўмолга ўрандиму салобатли каравот ёнига – полга чўзилдим. Бирпасда кўзим илинди.

Тонг отиши билан уйғониб кетдим: кенг-мўл хонада ётардим, деворларга нақш солинган терилар ёпиштирилган эди, хилма-хил мебеллар териб қўйилганди ва учта йирик-йирик деразаси бор экан. Ўн йил, эҳтимолки, йигирма йил муқаддам бундай жойда ухлаш ёки уйғониш кишига хузур бағишлиаган бўлиши мумкин, албатта. Лекин ўтган давр мобайнида намлик, тартибсизлик, кўршапалаклару ўргимчаклар ўз ишларини адо этиб улгуришган эди. Боз устига, деразаларнинг барча ойналари чил-чил синиб тушган эди ва умуман, бутун қўргон ойнасиз ҳувиллаб ётарди; беихтиёр ўйлаш мумкинки, бир замонлар амаким Женнет Клустон бошчилигидаги фазаби қайнаган қўни-қўшниларининг тажовузкорона ҳужумларига дош берган бўлса-да ажаб эмасди.

Айни чоқда дераза ортидан чарақлаб қуёш кўринди. Мен бўлсанм, лаънати хонада жунжикиб ўтирадим. Зўр бериб эшикни тақиллата бошладим ва товушимни баралла қўйиб, зиндонбонни чақирдим. Ниҳоят, у мени озод қилди,

У каминани уй орқасидаги қудук бошига эргаштириб борди. Қудук тепасида ёғоч пақирча осиғлиқ туради.

«Мана, истасанг – ювингин», – деди амаким. Ювениб-тарандим ва тезда ошхонага бордим: у

ўчоққа олов қалаб, яна сули бўтқа пиширади. Стол устида иккита коса, икки дона суюк қошиқ турарди-ю, лекин бир кружка пиво бор эди, холос. Назаримда, дастурхонга бир оз синчков назар солдим шекилли, балки ажабланаётганимни амаким сезгандир, ҳарқалай, у менинг фикримга жавоб қайтараётгандай:

- Пивожон ичгинг келяптими? – деб сўради. Суюқ ичимликни улуғлаб, «пивожон» деб атарди.
- Одатда оз-моз ичиб турардим, лекин сиз хотиржам бўлинг, – деб жавоб бердим.
- Нега энди, – деди у. – Сен учун ҳеч нарсамни аямайман. Албатта, меъёрни унутмаслик керак.

Жавондан иккинчи кружкани олдию унга кўздан тўлдириб пиво қуиши ўрнига ўзининг кружкасидаги пивонинг роппа-роса ярмини бўлишитирди. Бу ҳаракат ўзига хос олижаноблик аломати эди; қалбим тўлқинланиб кетди. Албатта, қаршимда хасис чол турарди, лекин у учига чиққан хасис эди – унинг иллати ҳам гўё фазилатдай туюларди.

Овқатланиб бўлдик. Эбенезер амаким идиш-тобоқлар сақланадиган жавон ғаладонини очди-да, сопол трубкасини, бир қути тамакисини олди ва бир чекимлик тамакини ушатдию қутичани жойига тиқиб қўйди. Кейин деразадан тушаётган офтобга ўзини тоблаганча жимгина тамакисини тутатди. Гоҳ-гоҳ менга назар ташлаб қўярди ва узуқ-юлуқ саволлар берарди. Бир пайт у мендан:

- Кампир қалай, онангни айтаман? – деб сўради.
- У ҳам вафот этган, – деб жавоб бердим.
- Ҳа, хушрўй қиз эди бояқиши. – Кейин анча пайтгача миқ этмади ва охири: – Дўстларинг қанақа одамлар? – деб сўради.

– Ҳаммаси жентальменлар – Кембеллар авлодидан, – деб жавоб бердим. Аслида эса, уларнинг орасида менга зифирча эътибор берадигани бўлса, у ҳам ёлғизгина руҳоний эди, холос. Аммо, назаримда, амаким мени камситаётгандай туюлди ва юзма-юз турган пайтимизда сўроқлайдиган жонкуярларим борлигини унга писанда қилиб қўймоқчи бўлдим.

Афтидан, у ичида нималарни дир хомчўт қилиб кўрди, сўнг тилга кирди:

– Дэви, дўсти азиз, амакинг Эбенезер ҳузурига ташриф буюриб хато қилмагансан. Мен учун оила шон-шарафи ҳамма нарсадан юқори турди. Бурчимни адо этаман, қарзимни узаман. Лекин мен сени қаёққа жойлашни узил-кесил ҳал этмагунимча оғзингдан гуллаб қўймагин; аллақандай тоғли ўлгадаги ялангоёқ Кембеллар оддида Бэлфур ўз қадрини туширмаслиги лозим. Сени ҳуқуқшунослик соҳасига тавсия этсам-микан ёки руҳонийлик дурустми, балки ҳарбий хизмат маъқулдир – ахир йигитлар фақат сипоҳ бўлишни орзу қиласилар-ку?.. Илтимос, ҳозирча ўзингга маҳкам бўл: ҳеч қандай хат-пат ёзмайсан, бирор билан алоқа қилмайсан. Хуллас, ҳеч кимга ҳеч нарса демайсан, агар бу талабим ёқмаса, ана – катта кўча, хоҳлаган томонга кетавер, худо ёр бўлсин!

– Эбенезер амаки, сизга ишонаман – менга фақат яхшилик қилмоқчисиз, – дедим. – Шундай бўлса ҳам билиб қўйингки, мендаям ўзимга яраша фуур бор: бу ерга ўз хоҳишинга кўра келганим йўқ, агар бир марта кўчани кўрсатадиган бўлсангиз, кейин бу сўзни такрорлашга ҳожат қолдирмайман.

Оҳ, кўрдимки, жавобим унга ёқмади!

– Пақ-пүк! – деди у. – Шошқалоқ экансан, муҳтарам дүстим. Бир-икки кун сабр қилгин, ахир! Күриб турибсан-ку, мен сеҳргар эмасман – бүтқа сузилган анави косадан жаранглаб олтин түколмайман. Сен фақат менга бир ёки икки кун муҳлат бергин, ҳеч кимга ҳеч нарса демагин: хотиржам бўл, мен сенинг ғамингни ейман, холос.

– Хўп майли, – дедим. – Қисқа ва лўнда. Агар сиз менга ёрдам бермоқчи бўлсангиз, миннатдор бўлардим.

Назаримда, амакимнинг попуги пасайиб қолди (балки, янгишаётгандирман), шунинг учун дарров унга янги талабимни баён этдим: кўрпатўшакларимни офтобга ёйиб қуритиш лозим, бундай ҳўл латта-путталарга бурканиб ухлашни мутлақо истамайман.

– Бу уйда ким хўжайин: сенми ёки мен? – деб хириллади у ёқимсиз товушда, сўнг бирдан дами ичига тушиб кетди. – Дэви, дўстгинам, биз энди талашиб-тортишиб ўтирсак уят бўлар... Қондошлиқ – қуруқ гап эмас, Бэлфурлар авлодидан фақат икковимиз қолдик, холос.

У тутилиб-тутилиб шажарамизнинг қадимиий шон-шуҳрати ҳақида сўзлай бошлади: айтишига қараганда, бувам ушбу қўрғон қурилишига асос соглан экан, лекин у ортиқча сарф-харажатларга чек қўйибди. Шу пайт Женнет Клустон топширигини бажаришга аҳд қилдим.

– Ярамас маҳлуқ! – деб тўнғиллади у. – Бир минг икки юзу ўн тўққиз – демак, мен унинг қарзлари эвазига лаш-лушларини сотиб юборганимдан бери ҳар куни қаргаётган экан-да! Ҳечқиси йўқ, Дэви, ҳали у қўлимга тушади – додини бераман! Мен буни шундоқ қолдирмайман. Жодугар, кимдан хоҳласанг – ўшандан сўра, у жодугар! Мен ҳозироқ воситачи қозига учрашаман.

У жавраб-жавраб сандиқни очди-да, кийил-масдан эскириб кетган чакмонини, нимчасини ҳамда бинойидек мовут шляпасини олди: уст-бошларига уқа қадалмаган эди. У бор бисотини кийди, жавончадан таёқ олди – қуролланди, сўнг-ра сандиқقا қулф осди ва эндиғина остоная қа-дам қўяман деган пайтда хаёлига бир гап келдию жойида таққа тўхтади.

– Уйни сенга ёлғиз ташлаб кетолмайман, – деди у. – Ташқарига чиқ, мен ҳозир эшикни қулфлай-ман.

Миямга қон тепди, газабим қайнаб кетди.

– Агар уйни қулфласангиз, бундан кейин мени кўрмайсиз, – дедим. – Ишқилиб, бундан буён ях-шиликча учрашмаймиз.

Амакимнинг ранг-рўйи оқариб кетди ва лаби-ни тишлади.

– Дэвид, бундай қилиш ярамайди, – деди у ҳирқираб, бурчакка тикилган кўйи. – Бу аҳволда икки дунёда ҳам кўнглимга йўл тополмайсан.

– Сэр, мен ёшингизни, қариндош эканингизни ниҳоятда қадрлайман, аммо иззат-ҳурмат эвази-га сиздан садақа олишга номус қиласман. Аввало, ўзимни ҳурмат қиласман – каминага шундай тарбия берганлар: менга йигирма баробар амаки бўлсан-гиз ҳам, бу дунёда сиздан бошқа бирорта паноҳим бўлмаса ҳам, лекин бундай тарзда кўнглингизни овлашни асло истамайман, – деб жавоб бердим.

Эбенезер амаким ошхонага ўтди ва деразага қараганча жим туриб қолди. У худди безгак тут-ган кишидай дир-дир титрарди. Бироқ у орқаси-га ўгирилган пайт юзларига ханда юргурган эди.

– Хўп, майли, – деди. – Бари бир худонинг айт-гани бўлади, биз ожиз бандалармиз. Мен ҳеч қа-ёққа бормайман, вассалом.

– Эбенезер амаки, ҳайронман: нима бало, сиз мени үгри деб үйлаяпсизми?! – дедим үзимни ту-толмай. – Муомалангизга қараганда, каминани күрарга күзингиз, отарга үқингиз йўқ шекилли. Ҳар дақиқада, ҳар бир сўзингиздан шу нарса маълуум бўляпти. Сиз жиянингизни унчалик хушламадингиз, энди ҳеч қачон яхши кўрмайсиз. Үзимга келсак, мен вақти-соати келиб одамлар билан худди ҳозиргидай муомала қиласман деб, етти ухлаб тушимда ҳам кўрмаганман. Ҳўш, нега мени ушлаб турибсиз? Келинг, мен ўз дўстларим – мени яхши кўрадиган кишилар ёнига қайта қолай!

– Йўқ, йўқ! – деди у ҳаяжонланиб. – Йўқ. Сен менинг жигаримсан. Биз ҳали апоқ-чапоқ бўлиб кетамиз. Қолаверса, бу уйдан қуп-қуруқ чиқиб кетсанг ёмон бўлади. Озгина сабр қил, сабрнинг таги олтин. Эсли бола бўлгин – меҳмонсан: индамай, бемалол юравер. Мана кўрасан, ҳали ҳаммаси миҳдай бўлиб кетади!

– Начора, сэр, – дедим бир оз үйлаб. – Майли, яна уч-тўрт кун яшаб кўраман. Ҳарҳолда, бегоналардан кўра, қариндошларим яқинроқ – бари бир суюк тортадида. Агар биз чиқиша олмасак, үйлайманки, бунга фақат сиз айбдор бўласиз.

## ТЎРТИНЧИ БОБ

### ШОС ҚЎРФОНИ – БАЛО-ҚАЗОЛАР УЯСИ

Хийла ноҳуш бошланган кун баҳарнав поёнига етди. Биз тушда сули ёрмасидан тайёрланган бўтқа едик: у яхдай эди, кечки пайт иссиқ овқат ичдик. Маълуум бўлишича, бўтқа билан кучсиз пиво амаким хуш кўрадиган «анвойи таомлар» си-

расига кирап экан. У кам гапиради, ўз одатига содиқ эди; анча вақтгача чурқ этмай ўтирадио бирдан саволларга кўмиб ташларди; мен ўз келажагим хусусида гап очишга уриниб кўрдим, лекин у доимо жавобдан ўзини олиб қочди. Менинг ихтиёrimга топширилган хонада сон-саноқсиз лотинча, инглизча китоблар бор экан: жон-жон деб эртадан-кечгача китоб титкилаб ўтирадим. Суюмли машгулот билан банд бўлганим туфайли вақт қандай ўтганини ҳам сезмай қолдим: энди тақдирга тан беришга – Шос қўргонига кўнишига деярли рози эдим, лекин Эбенезер амакимни, унинг олма-кесак тераётган бежо кўзларини кўрдиму кўнглимда яна шубҳа уйфонди.

Туйкус ғалати нарсага дуч келдимки, натижада кўнглимдаги шубҳаларим баттар аланга олиб кетди. Юпқагина манзумалар тўплами (Патрик Уокер туркумидан) қўлимга тушиб қолди; китоб муқовасига менинг отам ўз қўли билан (бунга заррача ҳам гумон қилмайман) қўйидаги жумлаларни ёзиб қўйган эди: «Акам Эбенезерни беш ёшга тўладиган кун билан табриклайман». Бунга ақл бовар қилмасди: чунки отам ака-укаларнинг кичкинтои эди-да, демак у қўпол хатога йўл қўйган ёки ҳақиқатан ҳам ҳали беш ёшга етмасданоқ катта кишилардек чиройли, дона-дона ёзишни ўрганиб олган.

Кейин бирталай эски-туски тарихий китобларни, шерлар ва ҳикоялар тўпламини кўздан кечирган бўлсам-да, бироқ отамнинг дастхати сира хаёлимни тарк этмади – у менга сирли бўлиб туюлаверди. Ниҳоят, бўтқаю пиво билан қорнимни тўйдириб олиш мақсадида яна ошхонага қайтиб кирдиму Эбенезер амакимдан, отам осонликча савод чиқарганми, деб сўрадим шоша-пиша.

– Александрми? Қаёқда! – деб жавоб берди. – Ундан күра, ўзим тезроқ савод чиқарғанман, болалигимда ниҳоятда қобилиятли эдим. Отанг билан баробар ўқишиңи ўрганиб олғанман.

Бундан сўнг янада ҳайратландим, бошим қотди ва амакимдан, мабодо сизлар эгизак эмасмисизлар, деб сўрадим.

Амаким худди чаён чақиб олғандай сапчиб табуреткадан турди, суяқ қошиқ тушдию полда юмалаб кетди.

– Сен нега мени тергов қиляпсан?! – деди ҳирқираган кўйи ёқамга ёпишар экан. У чақнаб турган биткўзларини кўзларимга қададиу киприкларини ажабтовур пирпиратди.

– Ие, бу яна нима қилиқ бўлди? – дедим босиқ оҳангда; чунки мен ундан хийла кучли эдим, каминани қўрқитиб қўйиш осон эмасди. – Ёқамни қўйиб юборинг! Уялмайсизми?

Амаким зўр-базўр ўзини қўлга олди.

– Парвардигори олам ҳаммасини кўриб турибди, Дэвид, – деди. – Менинг ёнимда отанг ҳақида гап очмагин. Чакки қилдинг. – У қалт-қалт титраганча жойига ўтиреди, ликопчасига қараб кўзларини пирпиратди. – Биласанми, менинг фақат биттаю битта биродарим бор эди, – деб қўшиб қўйди ясама оҳангда. Кейин полда ётган қошиқни олдию яна овқатини ея бошлади: ҳамон титроғи босилмаган эди.

Нега у менга қўл кўтарди? Нима учун қутилмаганда раҳматли отам тўғрисида яхши гапириб қолди? Унинг охирги сўзлари тасаввуримга асло сифмасди: қўнглимдаги гумон баттар кучайди, айни чоқда юрагимнинг тубида милт этган умид учқуни ҳам пайдо бўлди. Ростини айтсам амаким ақлдан озган шекилли, деб ўйладим. Агар шундай

бўлса, у билан ёлғиз қолиш хавфли эди. Беихтиёр халқ ўртасида машҳур бўлган битта манзума воқеалари хаёлимга келиб қолди: унда қўргоннинг қонуний меросхўри баҳтиқаро ўсмир ва уни ҳамма нарсадан бенасиб қилмоқчи бўлган ёвуз қариндош ҳақида ҳикоя қилинарди. Дарҳақиқат, кутилмагандага остонасига бош уриб келган камбағал, қашшоқ қариндоши олдида амаким нега ўзини минг мақомга соляпти, нима учун юзидағи ниқобни сидириб ташламаяпти, нимадан хавфсираяпти?

Ўзим истамасам-да, бадбин ўй-хаёллар миямга михланиб қолди ва ногаҳон амакимнинг ажабтурвур одатини ўзлаштириб олдим: кўз қирим билан унинг хатти-ҳаракатларини зимдан кузата бошладим. Биз стол теварагида худди сичқон-мушук мисоли бир-биримизни яширинча таъқиб этардик. У энди дўнғиллалай қўйди, тилёғламалик ҳам қилмасди, миқ этмай ўтираверди, лекин муттасил равишда нималарнидир ўйларди; биз қанчалик узоқ ўтирган бўлсак, мен уни шунчалик кўпроқ синчиклаб кузатардимки, охир-оқибатда ёмон нияти борлигига тўла-тўкис ишонч ҳосил қилдим.

Товоқни ялаб-юлқаб бўлгач, у худди эрталаб-кидай бир чимдим тамаки олди, табуреткани бурчакка – ўчоққа яқинроқ жойга сурди, ўтиреди ва менга орқа ўтирганча тамаки чека бошлиди.

– Дэви, хаёлимга бир нарса келди... – деди узоқ жимлиқдан сўнг. Бир оз сукут сақлаб тургач, яна бояги гапини такрорлади: – Ҳа, бир нарсани ўйлаб қўйдим. Сен ҳали дунёга келмасингдан аввал мен отангга, чақалоққа бир ҳовуч тилло совфа қиласман, деб ваъда бергандай бўлганман. Йўқ, сен тўғри тушунгин, унга расман ваъда берган

эмасман; улфатчилик қилиб ўтириб, ҳазил ара-лаш шундай деганман, холос. Хўш, ўзимга заар бўйса-да, лекин ўша пулни асраб қўйдим – ваъда-га вафо қилиш керак, ахир! Йиллар ўтгани сайин пул болалайверади, ҳозир роппа-роса... – У сўзида тутилиб қолди, сўнг: – Роппа-роса... деярли қирқ фунт<sup>5</sup> бўйди! – деди тўрсиллаб.

Елкаси оша менга назар ташлади ю шу заҳоти қўшимча қилди: – Шотландия пули ҳисобида!

Шотландия фунти – инглиз шиллинги қаторида туради; амакимнинг қистирма гапи туфайли ер билан осмонча тафовут вужудга келарди, албатта. Қолаверса, унинг ҳамма гаплари фирт ёлғон эканлиги ҳам яққол сезилиб турарди: нима учун шунча уйдирмаларни тўқиб чиқараётганини англаб етмоқчи бўйдиму заҳарханда аралаш:

– Бас қилинг, сэр, яхшилаб ўйлаб кўринг! – дедим. – Балки фунт стерлингдир-а?

– Мен ҳам «фунт стерлинг» дедим-ку! – деб кўкрагига муштлади амаким. – Сен бир дақиқа ташқарига чиқиб, об-ҳаво қанақа эканини билиб келганингда бўларди, мен ўша пулни ҳозирлаб қўяман-да, сени чақираман.

Унга итоат этдим, мийифимда кулганимча ташқарига йўл олдим: у мени осонликча лақиллатаман, деб ўйляяпти, галварс! Кеча қоп-қоронги эди, осмони фалакда онда-сонда юлдузлар милтираб кўринарди; остоңада турар эканман, узоқлардаги қир-адирлар узра эсаётган шамолнинг мунгли товуши қулоғимга чалинди. Ҳаво айниб турибди, момақалдироқ бўлади, деган қарорга келдим. Лекин бу қарорим қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини билмасдим...

<sup>5</sup> Фунт – пул бирлиги. Англияда бир фунт стерлинг йигирма шиллингга тенгдир, Шотландияда эса анча қадрсиз (*таржи-мон изоҳи*).

Кейин амаким мени чақириб олди; ўттиз етти-та тилла тангани санаб-санаб қўлимга тутқазди, лекин ҳовучида бир сиқим майда-чуйда тилла, кумуш тангалар қолган пайтда юраги дош беролмади ва уларни чўнтағига солиб қўйди.

– Мана сенга пул, – деди у. – Энди билдингми? Мен ғалати одамман, айниқса, бегона кишилар билан сира тил топиша олмайман. Аммо сўзимдан қайтмайман, бунинг исботини кўриб турибсан.

Тўғрисини айтсам, амаким бойликка ўтакетган даражада хирс қўйган кимсага ўхшарди; унинг фавқулодда ҳотамтойлигини кўриб, донг қотиб қолдим, ҳатто кўнгилдагидай миннатдорчилик билдира олмадим.

– Қўй, гапирма! – деб хитоб қилди. – Миннатдорчиликнинг кераги йўқ! Мен ўз бурчимни адо этдим; ҳамма ҳам шундай қиласарди, деёлмайман. Лекин эҳтиёткор инсон бўлсам-да, туғишган биродаримнинг ўғлига яхшилик қилаётганимдан бениҳоя хурсандман. Ўйлайманки, энди биз апоқ-чапоқ бўлиб кетамиз, аслида ҳам, яқин қариндошлар орасидан қил ўтмас дўст бўлиши керак.

Унга қўлимдан келганча жавоб бердим. Айни чоқда энди нима бўлишини тахмин қила бошлидим; ахир у жони дилидан ҳам азиз кўрадиган тангаларини бекордан-бекорга инъом этиб юбормагандир: сохта «дил сўзлари» гўдакни ҳам аврай олмасди.

Ниҳоят, у менга қиялатиб нигоҳ ташлади.

– Ўзинг ҳам биласан: мушук бекорга офтобга чиқмайди – сиздан угинаю биздан бугина, – деди.

Мен миннатдорчилигимни исботлашга тайёр эканимни изҳор этдим ва бирон-бир мушкул вазифани ижро этишимни сўраса керак деб, кутиб

турдим. Бироқ амаким иродасини жамлаб олдию фақат кексайиб, кучдан қолганидан нолиди ҳамда мендан уй ишларига, томорқага қарашиб туришимни сўради, холос. Менга унинг гаплари жўялидек туюлди.

– Жон деб хизматингизни қиласман, – дедим.

– Ундай бўлса, бошлаймиз! – Чўнтағидан занг босган қалитни олди. – Бу – қўргоннинг нариги қанотидаги болхона-миноранинг қалити, – деди. – Уёқقا фақат ташқаридан чиқиш мумкин, чунки уйнинг ўша қисми ҳали битмаган. Қани, бўлақол, пиллапоядан кўтарилигин-да, юқорида турган сандиқни менга келтириб бергин. Унинг ичиди қофозлар бор, – деб илова қилди.

– Сэр, чироқ кўтариб олсам майлими? – деб сўрадим.

– Йў-ўқ! – деди у мугамбirona оҳангда. – Менинг уйимда ҳеч қандай чироқ ишлатилмайди.

– Бахайр, сэр. Пиллапоя бақувватми?

– Пиллапоя ажойиб, – деди ва мен эшик томон ўтирилишм билан қўшимча қилди: – Деворга яқинроқ юргин, панжараси йўқ. Лекин пиллапоя зўр!

Ташқарига чиқдим. Зим-зиё тун эди. Узок-узоқларда ҳамон шамол чийилларди, лекин Шос қўргонида қилт этган шабада йўқ эди. Теварак-атрофни деярли кўриб бўлмасди; яхшиямки ча-ла-ярим уй қаноти бўйлаб, деворни пайпаслаб минора пиллапояси эшигини топиб олдим. Қулф тешигига қалитни солдиму ҳали уни бурашга ҳам улгурмасимдан туйкус чарақлаб чақмоқ чақди ва яна ҳамма томонни зулмат қоплади. Шамол йўқ, атрофда мозор сукунати ҳукмрон эди. Қоронгилликка қўникма ҳосил қилиш учун кўзимни қўлларим билан беркитдим, лекин бари бир минорага шапкўрга ўхшаб кириб бордим.

Ичкари янада қоронфироқ эди, худди нафас олишга ҳаво етишмаётгандек туюларди. Эҳтиёткорлик билан ҳаракат қила бошладим; одинга чўзилган қўлларим тез орада деворга тегдию пиллапоянинг пастки поғонасига оёқ босдим. Си-лаб-сийпалаб билдимки, девор силлиқ йўнилган тошдан тикланган эди, пиллапоя поғоналари ҳам теп-текис, мустаҳкам силлиқ тошлардан ясалган бўлса-да, лекин хийла энсиз ва айланма эди. Панжара йўқлиги ҳақидаги амакимнинг йўл-йўриқларига амал қилиб, деворга яқинроқ юришга интилардим: зим-зиё қоронфилик қўйнида юрагим дукурлаши аниқ эшитилиб турарди, поғоналарни пайпаслаб-пайпаслаб зўрға топардим.

Шос қўргони чордоқдан ташқари, яна бутун бошли беш қаватдан иборат экан. Юқорига кўтарилиганим сайин, назаримда, пиллапояда нафас олиш ҳам енгиллашаётгандай туюларди, қоронфилик бир оз сийраклашди гўё. Факат яна-тағин туйқус чақмоқ чаққанига ҳайрон қолдим, холос. Агар қўққисдан қичқириб юбормаган бўлсам, бунинг сабаби – қўрқув томогимдан ғиппа бўғиб олган эди; агар тўсатдан пастликка учиб кетмаган бўлсам, бунинг сабаби – менинг эпчилигим эмас, балки парвардигори оламнинг марҳаматидир. Ҳар томондаги девор ёриқларидан минорага чақмоқ ёғдуси бостириб кирди: маълум бўлдики, гўё ўрмон бағридаги яланглик бўйлаб юқорига ўрмалаб чиқаётган эканман, боз устига, поғоналар ўртасидаги масофанинг ҳар хил эканини ва ўнг оёғим тубсиз жарликдан бор-йўғи икки энлик берида турганини пайқаш учун ўткинчи ёруғлик кифоя қилди. Пиллапоя қай даражада «ажойиб» эканини энди билдим! Ана шу фикр хаёлимдан кечиши биланоқ қалбимни аллақандай ўжар жа-

сорат чулғаб олди. Демак, амаким билиб туриб мени хавф-хатар сари йўллабди-да, эҳтимолки, ажалга йўлиқтиromoқчи бўлгандир! Ҳатто бўйним остимда қолган тақдирда ҳам амаким «билиб туриб» ёки «бilmасдан» шундай қилганини аниқлашга қасам ичдим. Аста энгашдиму тошбақага ўхшаб тўрт оёқлаб эмаклаганимча пиллапоядан ўрлай бошладим; ҳар бир қарич жойни пайпаслаб кўрардим ва тошларнинг мустаҳкам эканига ишонч ҳосил қилганимдан кейингина олға силжирдим. Чақмоқ чақнагандан сўнг қоронгилик гўё икки баробар қуюқлашиб кетгандай бўлди; устига-устак, юқорида – минора тўсинлари остида кўршапалаклар даҳшатли шовқин-сурон кўтарди, натижада қулоқларим битиб қолди, хаёлларим паришон бўлиб кетди; ўлганнинг устига тепгандай, жирканч махлуқлар пастга қараб учиб туша бошлашди: уларнинг қанотлари гоҳ юзларимга, гоҳ елкаларимга тегиб ўтарди.

Айтиш мумкинки, минора тўртбурчак шаклида эди. Ҳар тўрт зина оралиғидаги бурчакли супа плиталари эса кенгроқ бўлиб, ҳажми жиҳатидан аввалгиларига ўхшамасди. Мен яна битта бурилиш жойга кўтарилем-да, кўрлардай пайпаслаб ўзимга йўл қидира бошладим ва туйқус қўлларим бўшлиқقا дуч келди: юқори томонда поғоналар йўқ эди. Нотаниш кимсани зимистон кечада бундай пиллапоядан кўтарилишга мажбур қилиш – уни нақ ўлимга гирифтор этиш билан баробар эди. Албатта, чақмоқ шарофати ва ўзимнинг эҳтиёткорлигим туфайли омон қолдим, лекин қандай хатарга рўбарў келганимни, нечоғли даҳшатли баландликдан қулаги тушишим мумкинлигини ўйлаган заҳотим бутун вужудимдан совуқ тер чиқиб кетди ва бирдан дармоним қуриди.

Шунга қарамай, энди бундан кейин нима қилишим кераклигини билардим: ортимга бурилдим-да, эмаклаб пастга туша бошладим. Юрагим нафратга тұла эди. Тахминан ярим йүлга келган пайтим минорага кучли шамол уриб бердию бир-пастдан кейин тинди ва шариллаб ёмғир қуя бошлади; охирги погонага оёқ босар-босмасымдан ёмғир шунчалар кучайдыки, худди чөлаклаб сув қуяётганга үхшарди. Ташқарига чиқдим-да, ошхона томон назар солдим. Боя ташқарига чиққанымдан сўнг зичлаб ёпиб қўйилган эшик энди қия очиқ туради, ичкарида гира-шира ёргулек кўринарди. Ёмғир остида эса одам шарпаси қимир этмай, гўё нимагадир қулоқ солиб туради. Шу чоқ кўзларимни қамаштириб чақмоқ чақдию янглишмаганимга амин бўлдим: ўша жойда ҳақиқатан ҳам амаким қаққайиб туради. Бирдан момақадироқ гулдиради. Момақадироқ гулдур-гулдури мобайнода Эбенезер амакимнинг қулоғига қандай товуш чалинганини билмайман: эҳтимол, у мен тап этиб қулаб тушганимни илғагандир, балки қотилни фош этаётган парвардигори оламнинг газабнок товушини эшитгандир? Қайдам. Бу ҳақда ўқувчи мулоҳаза юритиб кўрар деган умиддаман. Лекин бир нарса шубҳасизки, у талвасага тушиб қолди: шоша-пиша ўзини уйга урди, эшикни ёпиб қўйиш ҳам эсидан чиқиб кетди. Иложи борича товуш чиқармасликка тиришиб, унинг орқасидан эргашдим: сездирмай ошхонага кириб олдиму тўхтадим ва кузата бошладим.

У аллақачон товадонни очиб, похолга ўралган каттагина виски шишиласини олишга улгурган эди ва эшикка орқа ўтирган кўйи стол ёнида ўтиради. Дағ-дағ титрарди: бирдан товушининг бори-

ча, инграб юборди ва шишани бўғзидан ушлаб даст кўтардию сув аралаштирилмаган қувватли арақни қулт-қулт этказиб ича бошлади. Мен олга қадам ташладим, унга орқа томонидан яқинлашдим-да, елкасига зарб билан шап этказиб туширдим.

– Ҳа-а! – деб қичқириб юбордим,

Амаким маърашга ўхшаш фалати товуш чиқардию қулочини ёйганча ўлиқдай қулаб тушди. Ўзим ҳам эсанкираб қолдим; ҳарҳолда, аввало ўзимнинг ғамимни ейишим лозим эди, кўп ўйлаб ўтирамай амакимни ётган жойида қолдиришга қарор қилдим. Идиш-товоқлар сақданадиган жавончада бир боғлам калит осиғлиқ турарди: амаким бирорта ҳийла-найранг ишлатишга қодир бўлмаган – бехуш ётган пайтдан фойдаланиб, ўзимга қурол топиб олишим лозим эди. Жавончада қандайдир бўш шишачалару дори-дармонлар, шунингдек, кўплаб ҳисоб-китоб дафтарларию ҳар хил қоғозлар сақданар экан: агар вақт тифиз бўлмаганда жон-жон деб уларни титкилаб кўрадим. Бундан ташқари, турли-туман хўжалик буюмлари ҳам шу жойга тиқиб қўйилган эди, лекин уларнинг сариқ чақалик қиммати йўқ. Кейин сандиқларни ағдар-тўнтар қила бошладим. Биринчи сандиқ лиммо-лим ун экан, иккинчи сандиқда эса халта-халта тангалару боғлам-боғлам қоғозлар уюлиб ётарди. Учинчи сандиқда эски-туски кийим-кечаклар орасидан занглаған бўлса-да, лекин кўриниши хийла маҳобатли шотланд ханжарини топиб олдим: қинсиз эди. Уни нимчамнинг остига яширдиму амаким ётган жойга қайтдим.

У худди бўш қопга ўхшаб шалвираб ётарди, ҳолати ўзгармаган эди: бир тиззаси букилган, қулочи ёйилган бўлиб, башараси кўкариб кетиб-

ди, нафас олиши эшитилмасди. Ростини айтсам, қүрқиб кетдим: ўлиб қолган бўлса-я! Сув келтирдим-да, юзларига пуркай бошладим; шундан кейингина унга жон кирди – лабини чапиллатди, қовоқлари қимирлади. Ниҳоят, кўзларини очдию мени кўриб қолди ва файритабиий қўрқувдан афт-башараси жийилиб кетди.

– Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, – дедим. – Қани, астагина ўрнингиздан туринг-чи!

– Сен тирикмисан? – деди ҳиқиллаб. – Худо-йим-эй, наҳот сен тириксан-а?

– Тирикман, кўриб турибсиз-ку, – дедим. – Бунинг учун сиздан миннатдор бўлишим керакми?

У ҳансира-ҳансира, чуқур-чуқур нафас ола бошлади.

– Мовий шишача... – деди эшитилар-эшитилмас товушда. – Жавончада мовий...

Унинг нафас олиши янада сустлашди.

Мен жавонча томон югурдим. Ҳақиқатан ҳам у ерда қорнига ўлчовли миқдор ёзилгаи ёрлиқ ёпиштирилган мовий дори шишачаси бор эди. Зудлик билан дорини амакимга келтириб бердим.

– Юрагим, – деди бир оз ўзига келгач. – Дэви, юрагимнинг мазаси йўқ, мен касалманд одамман.

Амакимни стулга ўтқаздим-да, синчиклаб назар солдим: кўриниши ниҳоятда аянчли эди, тўғрисини айтсам, унга раҳмим келди, лекин айни пайтда қаҳр-ғазабимни аранг жиловлаб турардим. Уни саволларга кўмиб ташладим, жавоб беришни талаб қилдим.

– Нега сиз ҳар доим ёлгон гапирасиз? Нима учун мени қўйиб юборишдан қўрқасиз? Нима учун отам билан эгизакмисиз деб сўрасам, жинингиз қўзиб кетди? Демак, тахминан тўғри

экан-да? Нега пул бердингиз, ахир бу пул меники эмас-ку?! Ва ниҳоят, нега мени ўлдирмоқчи бўлдингиз?

У ҳамма гапимни охиригача тинглади-да, кейин титроқ товушда ўринга ётқизиб қўйишимни илтимос қилди.

– Эрталаб ҳаммасини айтиб бераман, – деди. – Ҳаётимни гаровга тикиб, қасам ичаман...

У шу қадар мажолсиз эдики, ноилож таклифига рози бўлдим. Ҳар эҳтимолга қарши у ётган хонани қулфладим-да, калитни чўнтағимга солиб қўйдим; сўнgra ошхонага қайтиб келдим ва ўчоққа гуриллаб гулхан ёқиб юбордим: бу ўчоқ кўп йиллардан бери бундай иссиқ оловни кўрмаган бўлса керак. Жун рўмолга ўраддиму сандиқнинг устига чиқиб чўзилдим ва тезда кўзларим илинди.

## БЕШИНЧИ БОБ

### «КУИНСФЕРРИ» КЕЧУВИ ТОМОН ЙЎЛ ОЛДИМ

Тун бўйи ёмғир ёғди. Эрталаб шимолий-тарбдан аччиқ изгирин эса бошлади: жулдуровоқи булатларни қаёқдаргадир ҳайдаб кетди. Дарё соҳилига югуриб бориб, сув тўла бочкага шўнғиб-шўнғиб олган пайтим ҳали қуёш ётоғидан бош кўтармаган эди, осмонда тонг юлдузи – чўлпон чарақлаб турарди. Чўмилганимдан сўнг бутун вужудимни гўё оташ чулғаб олди; яна ўчоқ ёнига ўтиридиму гулханга тараша ташладим ва ҳозирги аҳволим тўғрисида жиддий ўйлай бошладим.

Амаким душман эди – бунга энди мутлақо шубҳаланмасдим; шубҳа йўққи, мен ҳар қадамда ўз ҳаётимни хавф остида қолдираман, чунки у жа-

мики ҳақ-ноҳақ йўллар билан бўлса-да, каминани жувонмарг қилишга интилиши тайин эди. Лекин мен ёш эдим, файрат-шижоатим жўш уриб ётарди ва ҳар қандай қишлоқи ўсмир сингари ўз ақл-идрокимга ниҳоятда бино қўйган эдим. Мен гўё тиланчи мисоли, деярли ўз боласидай унинг осто-насига нажот истаб борган эдим: у мени қандай кутиб олди? Макр-ҳийла ишлатди, тошбагирлик қилди; агар энди уни ўзимга итоат эттириб олсан ҳам, чўпон қўй подасини минг мақомга йўргалат-гандай, хўрласам ҳам ҳаққим кетади!

Гоҳ-гоҳ тиззаларимни силаб-сийпалаб, киприклиарим орасидан гулханга термилган кўйда жилмайиб ўтирадим: хаёлимда аллақачон унинг сирларини бирин-кетин фош этиб, амакимнинг соҳиби қиролига айланиб улгурган эдим. Мишмишларга қараганда, эссендинлик жодугар гаройиб кўзгу ясаган эмиш – ҳар қандай одам ўша кўзгуга қараб туриб ўз пешонасидағи ёзувни ўқиб олиши мумкин экан; назаримда, ўша устаси фаранг зот ойнасини кўмир чўфида тобламаган шекилли, чунки менинг кўз ўнгимда турфа хил манзаралар, ажойиботлар сурати намоён бўлган эса-да, лекин улар орасида на кема, на саватдек шапка кийган денгизчилару ва на менинг хумкалламга мўлжалланган таёқ бор эди – хуллас, тез орада мурғак бошимга ёfilaжак кулфатлар тўгрисида жиндек имо-ишора ҳам учрамасди.

Ниҳоят, хурсандлигимдан теримга сифмай, ўпкамни қўлтиқлаганимча юқорига кўтарилидим ва ўз маҳбусимни озодликка чиқардим. У хушмуомала оҳангда каминага «хайрли кун» тилади, мен бўлсан заҳарханда аралаш, кеккайиб, худди ўшандай тилак изҳор этдим. Кўп ўтмай биргала-

шиб нонушта қилишга ўтириш: гүё кечадан бери ҳеч нарса ўзгармагандек эди.

– Хўш, сэр? – дедим аччиқ қилиб. – Наҳотки менга айтадиган гапингиз қолмаган бўлса? – Жавоб аниқ бўлгани учун сабрим чидамай, қўшимча қилдим: – Назаримда, энди бир-бирамизни тушунмогимиз лозим. Сиз мени қишлоқи бўш-баёв бола, қўрқоқ, аҳмоқ, худди тўнкага ўхшайди деб ўйладингиз. Мен эсам, сизни олижаноб инсон деб, ҳеч бўлмаса, бошқалардан ёмон эмасдир деб ўйладим. Кўриниб турибдики, иккимиз ҳам хато қилибмиз. Хўш, нима учун мендан қўрқасиз, нега одамни алдайсиз, нечун ҳаётимга суиқасд қиласиз?..

У, ҳазилкаш одамман, беғараз ҳазил қилмоқчи эдим, деб тўнғиллади-ю, менинг лекин мийифида кулиб ўтирганимни кўриб, дарҳол муомала йўсинини ўзгартирди ва нонуштадан кейин зудлик билан ҳаммасини тушунтириб беришга ваъда берди. Бироқ афт-башараси айтиб турардики, ҳозирча бирорта ёлғон-яшириқ уйдирма тўқишига улгурмаган эди: унга бекорга чираняпсиз, демоқчи бўлдим-у, аммо шу пайт ноҳосдан эшик тақиллаб қолди.

Амакимга жойидан жилмай ўтиришни тайинладимда, эшикни очгани кетдим. Остонада денгизчилар кўйлагини кийиб олган қандайдир ўсмир турарди. У мени кўриши биланоқ тиззалирига шаппатилаб, денгизчиларга ўхшаб рақсга туша бошлади (у пайлари денгизчиларнинг шунақа ҳунари ҳам борлигини билмасдим): рақкос бармоқларини қасирлатар, оёқлари билан ерни дупир-дупир тепар эди. Шунга қарамай, у совуқдан гезариб кетган, афтидан, ўсмир ночор аҳводда эди: мана ҳозир ё кулиб юборади ёки йифлаб юборади, деб ўйладим – унинг чапанилиги сира-сира шу тобдаги ҳолатига мос тушмасди.

– Дўстим, аҳволлар қалай? – деб сўради ҳазил товушда.

– Нима ишинг бор? – дедим мағур туриб.

– Менинг кўнглимни шод этингиз! – деди ва ашула айта бошлади:

Ойдин оқшом, баҳор айёми

Оҳ, нақадар соз!<sup>6</sup>

– Қўпол гапириб қўйсам кечирасан-у, лекин бу ерга бирор иш юзасидан келмаган бўлсанг, бор йўқол – тошингни тер! – дедим.

– Шошма, оғайни! – деб қичқирди. – Нима бало, ҳазилни тушунмайсанми? Ёки мени боплаб савалашларини истайсанми? Мен мистер Бэлфурга мўйсафид Хози-озидан мактуб келтирдим. – У менга хатни кўрсатди-да, қўшимча қилди: – Бундан ташқари, оғайни, очдан ўлай деяпман.

– Хўп, майли, – дедим. – Уйга кир. Қорнимнинг пўстаги чиқса чиқсинки, лекин сенга бир бурда нон топилади.

Уни ошхонага бошлаб кирдим ва ўз ўрнимга ўтқазиб қўйдим: шўрлик нонуштанинг қолган-қутганини пок-покиза тушира бошлади; гоҳгоҳ менга қараб қўзини қисиб қўярди, ғайритабиий қилиқлар қиласи – қўриниб турибдики, у одамохун йигитча эди ва ҳақиқий эркак ўзини айнан мана шундай тутиши керак, деб ўйларди. Бу пайтда амаким хатга кўз югуртириб чиқиб, теран ўйга толган эди. Бирдан дилгири тортиб, ўрнидан сапчиб турди-да, мени ошхона бурчагига етаклаб борди.

– Ма, ол, ўқиб кўргин, – деб у хатни қўлимга тутқизди.

---

<sup>6</sup> Шеърий тизмаларни Равшан Файз ва Мушфиқ таржима қилган.

Мана ҳозир ҳам – ушбу жумлаларни ёзаётган пайтимда ҳам ўша хат қўйл остимда турибди.

«Куинсферри» кечуви,  
«Дўлана» меҳмонхонаси

Сэр!

Мен бандаргоҳга кираверишдаги жойда бекор ётибман ва кичик денгизчи воситачилигида сизга хабар юборяпман. Агар аввалги топшириғингизга бирор нарса қўшимча қилишни лозим кўрсангиз, бугун охирги имкониятингиз бор, чунки шамол ўнгай томондан эсяпти – биз эртага кўрфазни тарқ этамиз. Тонмайман, биз ишончли вакилингиз бўлмиш мистер Ранкилер билан баъзи бир масалаларда келиша олмадик; шошилинч равишда ҳал этилмаган ҳар қандай муаммо маълум миқдорда зарар келтириши мумкин. Мен сизга тушум ҳисоботини тартиб бўйича тузиб қўйдим, сэр, маблағ ўзимда турибди, деб

камина қулингиз Элайс Хозисон».

– Биласанми, Дэви, бу Хозисон икки елканли «Васият» савдо кемасининг дарғаси, Дайсетдан келяпти. Биз у билан бир иш қиляпмиз. Агар икковимиз ҳозир анави бола билан бирга борсак ёмон бўлмасди: шунда мен дарға билан «Дўлана» меҳмонхонасида ёки «Васият» кемасида юзма-юз учрашардим ва зарур бўлса бирорта қоғоз-поғозга имзо чекардим-да, кейин вактни бекор ўтказмасдан тўппа-тўғри ишбоши – мистер Ранкилер ҳузурига бораардик. Бўлиб ўтган воқеалардан сўнг, ўйлайманки, гапларимни сариқ чақага ҳам олмайсан, лекин Ранкилерга ишонарсан. У маҳаллий зодагонларнинг teng ярмининг ишбошисидир, кекса одам, ҳамма ҳурмат қилади, боз устига, у отангни ҳам танирди.

Үйланиб қолдим. У мени бошлаб бормоқчи бўлган томонда кемалар сероб, демак, одамлар ҳам кўп бўлса керак; амаким одамлар олдида зуфум ўтказишга ботинмас, қолаверса, бизнинг ёнимизда кичик денгизчи бор-ку – хавфсирашга ҳожат йўқ. Ҳозир амаким алдаш учунгина ишбошини эслатган бўлса-да, лекин у ёқдан амакимни ўша киши ҳузурига боришга мажбур қиласман. Бундан ташқари, денгизни ва кемаларни яқинроқдан томоша қилишни жуда-жуда истардим! Эсингизда бўлсинким, мен соҳидан олисда – тоғда ўсган боламан; фақат икки кун аввал бепоён, кўм-кўк кўрфазни ва худди ўйинчоқча ўхшаш, жимитдай елканли кемаларни кўрдим. Ишқилиб, нима бўлганда ҳам, рози бўлдим.

– Маъқул, – дедим. – Майли, кечувга бориб келамиз.

Амаким шляпа ва чакмонини кийиб, занг босган эски ханжарини белига тақиб олди. Сўнгра ўчоқдаги оловни ўчирдик ва эшикни қулфладик-да, йўлга тушдик.

Йўл яйдоқ далалар бағрини кесиб ўтган эди. Шимолий-гарбдан эсаётган изғирин юзимизни чимдиб-чимдиб оларди. Июнь ойи эди, майсазор узра досторгуллар оқаришиб кўринади, дарахтлар чаман-чаман гулларга бурканган, лекин кўкариб кетган бармоқларимизу тўнгиб қолган кўлларимизни кўрган киши қиши келдимикан, худди декабрь ойидагидек қаҳратон-ку, деб ўйлаши мумкин.

Эбенезер амаким йўл четида имиллаб, тарванглаб бораради – худди даладан ҳориб-толиб қайтаётган қўшчига ўхшарди. У йўл бўйи миқ этмади ва мен беихтиёр кичик денгизчи билан суҳбатлашиб кетдим. Унинг исми Рансом экан; тўққиз ёшидан

бошлаб дengиз бўйлаб сафарга чиқади, ҳозир неча ёшда эканини аниқ айтолмайди, чунки ҳисобини чалкаштириб юборибди. У панд-насиҳатларимга қулоқ солмай, кўкрагини очиб шамолга тутди, шамоллаб қолсанг борми, ажалингдан беш кун бурун ўлиб кетасан, дейишинга қарамай, баданидаги нақшинкор ёзувларни менга кўз-кўзлади; ҳуда-бехуда болахонадор қилиб сўкинаверарди, лекин сўкинишни қойиллатмасди – бўз болалиги билиниб қоларди; у қаҳрамонона жасоратларини бирма-бир санаб берди: яширин ўғриликлар, түхматлар ва ҳатто қотиллик ҳам қилганмиш. Лекин тафсилотларига одам боласи ишонмасди, булар қуп-қуруқ, ночор мақтанчоқликдан бошқа нарса эмасди, ундан кўра, туяning думи ерга тегибди, деган уйдирма ростроқ туюларди, айни чоқда бола пақирга одам ачинарди.

Мен ундан елканли кема ҳақида сўрадим: «Ў-ў, олам-жаҳондаги энг зўр кема – ўша!» – деди. Ка питан хусусидаги сўровимга ҳам оғзидан бол томиб, оташин жавоб қайтарди. Таърифларига қараганда, Хози-ози (у хўжалик бошлигини ҳамон шундай ном билан атарди) шайтону иблисдан ҳам ҳайиқмайдиган довюрак зотлардан экан, яъни «ҳатто қиёмат қойимга ҳам елканли кемада учеб борар»миш, феъл-атвори ҳам шунга монанд экан: ваҳший, қутурган, шафқатсиз. Шунга қарамай, шўрлик бола пақир дарға шаънига таҳсинлар ўқирди, уни дengиз бўриси ва ҳақиқий эркак деб биларди! Рансом ўз тангрисининг биттаю битта иллатини илғаган экан.

– Фақат дengизчи сифатида уч пулга қиммат, – деди қулоғимга шивирлаб. – Кемани мистер Шуан бошқаради, у ҳақиқий дengизчи! Бунақаси етти иқлимдан ҳам топилмайди, лекин ичкиликка

муккасидан кетгани ёмон-да, баччағар! Муни қарагин! – Пайпогини туширдию яллигланиб турган ўйдим-чуқур ярасини менга қўрсатди. Нафасим ичимга тушиб кетди. У бўлса, ғуурланиб илова қилди: – Бунинг ҳаммаси ўша мистер Шуаннинг хунари!

– Нима?! – деб қичқириб юбордим. – Сен шундай ваҳшийликка ҳам чидаяпсанми? Нима бало, кулмисан, нега сенга бундай муомала қилишади?

– Ҳали қўрсатиб қўяман! – деб сўзимни илиб кетди омадсиз савдойи ва дарҳол тўнини тескари кийиб олди. – Шошмай турсин, тавбасига таянтираман! – Филофдан катта пичогини чиқарди. Ўзининг айтишича, буни ўғирлаб олган экан.

– Кўрдингми? – деб сўради. – Қани энди қўлини теккизиб қўрсин-чи! Мен уни бўғизлаб қўяман! Худога шукрки, у биринчиси эмас! – Дағдағасини мустаҳкамлаш мақсадида болаҳонадор қилиб сўкинди, лекин сўкиши ўрнига тушмади.

Ҳеч қачон ҳеч кимга манави гариб калтадағамга ачинганимдек ич-ичимдан куйинмаган эдим; шундай бўлса-да, англай бошладимки, еланли кеманинг номи илоҳий – «Васият» эса-да, маълум бўлишича, унда камдан-кам кишигина жаҳаннамдагидан бир оз афзал умргузаронлик қиласар экан.

– Қариндош-уруғларинг йўқми? – деб сўрадим.

Унинг айтишича, инглиз бандаргоҳларининг бирида, афсуски, номи эсида қолмабди, отаси бор экан.

– Яхши одам эди, бироқ вафот этди.

– Худойим-эй, наҳотки қуруқдикда ўзингбоп бирорта иш тополмайсан-а? – деб сўрадим тувақиб.

– Э-э, йўқ, – деб эътиroz билдириди у ва маккорлик билан кўз қисиб қўйди. – Мен сен ўйлаган одам эмасман! Қуруқликда бирпаста бирорта ҳунармандга шогирд туширишади,

Мен ундан ҳозир ҳунаридан ҳам ҳаёт учун хавфлироқ – нафақат бўронлару тўлқинлар, айни пайтда хўжайнинг бағритошлигидан-да даҳшатлироқ касб-кор бормикан, деб сўрадим. У, гапларинг тўғри, деди. Аммо шу заҳоти ўша ҳаётни кўкларга кўтариб мақтай бошлади, чўнтақ тўла пул бўлса, қуруқликка қадам қўйишнинг ҳам ўзгача гашти борлиги тўгрисида, даста-даста пулни сарфлаш нақадар соз эканлиги, олма харид қилиш ва умуман, «қуруқлик чурвақалари»нинг (у айнан шундай деди) кўзини куйдириш хусусида тўлиб-тошиб гапириб берди.

– Унчалик даҳшатли эмас, – деди мардонавор.  
– Бошқаларнинг пешонаси янада шўрроқ. Масалан, «йигирма фунтлик»ни олиб кўрайлик. Эҳ! Уларга нечоғли оғир эканини бир кўрсанг эди! Биттасини ўз кўзим билан кўрганман: сен тенг-қур эркак (мен унинг назарида гўё чол эдим), соқолдор – миҳдай: кўрфазни тарқ этишимиз биланоқ кайфи тарқалиб кетди ва дунёни бошига кўтариб, шунақаям додладики! Бундан кўра ўлгани яхши-е! Ишонавер, уни роса калака қилдим! Ёки яна-тагин тирмизаклар масаласига қайтайлик. Оҳ, булар ниҳоятда майдагаплар! Ишонавер, уларни чизган чизигимда юргизаман. Ҳар эҳтимолга қарши, кемада тирмизаклар пайдо бўлиб қолишса, асқотиб қолар деган мақсадда атайлаб битта таёқ олиб қўйганман – уларни калтаклайман-да.

Эс-ҳушимни йигиб олгунимча ана шунаقا олди-қочди гапларни роса эшилдим. Фаҳмлашим-

ча, «йигирма фунтлик» – бу Шимолий Америкага сургун қилинган баҳтиқаро жиноятчилар бўлса керак, балки ўша замонларда расм бўлган ибора билан айтганда, гаразли ниятда ёки қасос олиш учун алдаб-сулдаб олиб қочилган бегуноҳ шўртумшуқлардир?!

Биз тепалик устига кўтарилдик ва қўз ўнгимизда кечув билан кўрфаз намоён бўлди. Маълумки, Фёрт шу жойда хийла торайган; шимолий қисми ўртача дарё кенглигида – кечиб ўтиш учун жуда қулай жой, юқори томонида эса ҳар қандай кема фойдаланса бўладиган ёпик, бандаргоҳ вужудга келган; кўрфазнинг нақ бўғзида харобазорга айланган орол бор; жанубий қирғоқда соллар боғлаб қўйиладиган махсус жой ҳозирланган ва ушбу причал охирида, йўлнинг нариги бетида, гуллаб ётган найзабаргли дараҳтлару дўланалар орасида меҳмонхона биноси қўзга ташланиб туради.

Куинсферри шаҳарчаси гарбий томонда жойлашган эди. Ҳозир меҳмонхона атрофида одам сийрак бўлиб, йўловчилар чиқарилган сол яқинда шимолий соҳил томон жўнаб кетганди. Дарвоҷе, причалга эшкакли қайиқ боғлаб қўйилган эди, эшкакчилар бочкаларнинг устида мудраб ўтиришарди. Рансом, бу «Васият»га қарашли қайиқ, дарғани кутиб турибди, деб изоҳ берди. Тахминан соҳилдан ярим миль<sup>7</sup> нарида лангар ташлаб турган «Васият» кўринди. Палубада сафарга қизгин тайёргарлик кўриларди: арқонларга ёпишиб олган денгизчилар мачталардаги елкан боғланадиган кўндаланг ёғочларни шамол эсадиган томонга тўғрилашарди, улар жўровоз бўлиб куйлаётган қўшиқни шамол соҳилга учириб келмоқда эди. Мен йўл-йўлакай эшитган гаплардан сўнг

<sup>7</sup> Денгиз мили 1852 метрга teng (*таржимон изоҳи*).

икки елканли кемага жирканиб назар ташладим ва денгиз сафарига жүнайдиган манглайи қора одамларга чин дилдан ачиндим.

Тепалик четида мен йўлнинг нариги бетига ўтдим-да, амакимга:

– Сэр, сизни огоҳлантириб қўйишим лозим: нима бўлганда ҳам «Васият» бортига қадам босмайман, – дедим.

Назаримда, амаким уйкудан энди уйғонгандек бўлди.

– И? Нима гап? – деб сўради,

Мен гапимни тақрорладим.

– Майли, майли, – деди у. – Сен айтганча бўла қолсин, сўзимдан тонмайман. Нега фўдайиб турибмиз? Совуқ жон-жонимдан ўтиб кетди. Агар янгишмаётган бўлсам, «Васият» елканларини кўтаришга ҳозирлик кўряпти шекилли...

## ОЛТИНЧИ БОБ

### КЕЧУВДА РЎЙ БЕРГАН ҲОДИСА

Меҳмонхона остонасини ҳатлаб ўтишимиз биланоқ Рансом пиллапоя бўйлаб бизни юқорига бошлиб чиқди: битта каравот турган хонага кирдик, ўчоқда кўмир лов-лов ёнарди, хона худди тандир мисоли исиб кетган эди. Ишchan қиёфали бақувват, қорайган эркак ўчоқ ёнидаги столга ўмганини берганча бир нималарни қофозга тушириш билан машғул эди. Хона иссиқ бўлишига қарамай, денгизчилар курткасининг ҳамма тутмаларини қадаб олган, саватдай шляпасини эса қулоғигача бостириб кийган эди; ростини айтсан, умрим бино бўлиб мен бу денгизчи дарғадек совуқён, оғир-вазмин инсонни учратмаганман,

унинг олимона қиёфасига ҳатто мажлислар залида ўтирадиган судья ҳам ҳасад килиши мумкин эди.

У дарҳол ўрнидан турди-да, бизнинг истиқболимиз сари пешвоз чиқди ва қуракдай қўлинни Эбенезер амакимга узатди.

– Менга мурувват кўрсатганингиз учун миннатдорман, мистер Бэлфур, – деди жарангдор товушда. – Кечикмай келганингиз яхши бўлди. Шамол ҳам йўлимизга монанд равишда эсяпти, умид қиламанки, кеч кирмасдан Мей ороли соҳиридаги кўхна манқалдон<sup>8</sup> бизни имлайди.

– Дарға Хозисон, хонангиз тоқат қилиб бўлмайдиган даражада иссиқ экан, – деди амаким.

– Ўрганиб қолганман, мистер Бэлфур, – деди денгизчилар бошлиғи. – Табиатан совуққа чидамсиз кишиман, қоним совуқ, сэр. Нафси ламрни айтганда, мўйна ҳам, жун ҳам, ҳатто иссиқ арақ ҳам баданимни иситмайди. Тропик денгизларда жигаригача қовурилган одамлар шунаقا бўлиб қолар экан, сэр.

– Начора, дарға, – деди амаким. – Киши ўз табиатидан ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайди.

Шундай бўлса ҳам дарғанинг ғалати қилифи бошимга битган бало бўлди. Қариндошимни кўздан қочирмайман деб ўз-ўзимга сўз берган бўлсам-да, лекин денгизни яқинроқдан кўриш истаги юрак-бағримни шунчалар ўртаб юбордики, асти қўяверасиз! Боз устига, хона димиқиб кетган эди, шунинг учунми, амаким, «пастликка тушиб, бир айланиб келсанг бўлармиди-а?» дейиши билан аҳмоққа ўхшаб тезда кўна қолдим.

Қандайдир қофозларга кўмилиб, вино ичиб ўтиришган кишиларни хонада қолдирдим-да, меҳмонхонадан ташқарига чиқдим ва йўлни кесиб

<sup>8</sup> Манқалдон – кўмир билан ёқиладиган кўчма ўчоқ.

ўтиб, сув бўйига тушдим. Кучли шамол эсаётган бўлишига қарамай, фақат майин-майин тўлқинлар соҳил томон югуриб келарди – булар мен кўлда кўрганимдан сал йирик эди, холос. Лекин майсалар янгилик эди: гоҳ кўум-кўк, гоҳида қўнғир нақ белга уриб қолибди, баъзилари говачак ҳосил туғибди, уларни бармоқларим орасига олиб эзсам «пак-пук» этиб ёриларди. Ҳатто шу ерда – кўрфаздан анча олисда ҳам денгиздан келаётган шўртак таъм бурунларимни қичиштиради. Ана, «Васият» мачталарига елканлар кўтариляпти: ҳамма нарса узоқ сафар руҳи билан сугорилган эди, кўнгилда нотаниш ўлкаларга нисбатан ажаб қизиқиши уйғонарди.

Қайиқда ўтиришган эшкакчиларни ҳам томоша қилдим: бадқовоқ азаматлар экан; баъзилари кўйлакчан, бошқалари бушлатда, бир неча киши томоқларини гулдор рўмол билан боғлаб олганди, биттаси белига иккита тўппонча осиб олибди, икки-уч киши эса белига ханжар осиб, серкўз таёқ ушлаб олган эди. Кўринишидан ширакайф бўлган бир киши билан салом-алик қилдим-да, ундан, кема қачон жўнаб кетади, деб сўрадим. У, тўлқин орқага қайтган заҳоти йўлга тушамиз, деди ва на майхонаси бор, на машшоқлар учрайдиган лаънати шаҳарча аллақачон жонига текканини айтди, сўнг болохонадор қилиб сўкина бошладию камина шоشا-пиша жуфтакни ростладим.

Бу учрашувдан кейин яна Рансом ҳақида ўйлай бошладим: назаримда, у мана шу шайка орасидаги энг мўмин-қобил йигитча эди. Тез фурсатда унинг ўзи меҳмонхонадан чиқиб қолди ва мусаллас билан сийлашимни сўраб, ялиниб-ёлворганча югуриб кела бошлади. Мен унга, чучварани хом санаяпсан, тиранча, уларга ўхшаб тантиқдик қилишимизга ҳали еттита қовун пишиғи бор, дедим.

– Илтифот қылсиналар, тақсир! Атиги бир кружка пиво ичаман, холос, – деб қўшиб қўйди.

У афт-башарасини буриштириб мени роса бўралаб сўккан бўлса-да, лекин бари бир пиво олиб беришга рози бўлдим. Бирпасдан кейин биз меҳмонхона пешайвонида пиво билан газакни мақтаб ўтирадик. Меҳмонхона хўжайини билан танишиб олсан ёмон бўлмасди, деб ўйладим, ахир у шу ерлик киши. Ўша замон одатига кўра, мен уни ўзимиз ўтирган столга таклиф этдим; аммо у бизга ўхшаган тирмизаклар билан улфатчилик қилиб ўтирадиган кишилар тоифасидан эмасди, мўътабар зот эди. У салмоқди қадам ташлаган кўйи залдан чиқиб кета бошлади, аммо қулай фурсатни қўлдан бой бермай, мистер Ранкилерни танимайсизми, деб сўрадим.

– Нега танимас эканман! – деди хўжайин. – Бениҳоя ҳурматли инсон! Айтмоқчи, сен Эбенезер билан бирга келдингми?

– Ҳа.

– Мабодо сизлар ёру дўст эмасми? – Бу шотланд тилида «сизлар қариндош эмасми» деган маънони билдиради.

«Йўқ», деб жавоб бердим.

– Ўзим ҳам шундай ўйлаган эдим, – деди хўжайин. – Ҳартугул, сен мистер Александрга жуда ҳам ўхшар экансан.

– Нима бало, Эбенезер ўлкада ёмон ном чиқарганми? – деб сўрадим.

– Бўлмасам-чи, – деб жавоб берди хўжайин.

– Сассиқ чол. Унинг «марҳамати» туфайли битидан бошқа ҳеч вақоси қолмаган Женнет Клустон каби одамлар Эбенезерни дорда тишларини тиржайтириб турганини кўришса, кўз ҳақига бор дунёсини ҳадя этишарди. Тавба, у қачонлардир

бамаъни йигит бўлган эди. Кейин мистер Александр ҳақида мишмишлар тарқалдию бутунлай ўзгариб кетди.

- Қанақа мишмишлар? – деб сўрадим.
- Эбенезер унинг бошини еган, дейишарди, – деди хўжайин. – Наҳотки, эшитмаган бўлсанг?
- Нима учун бошини еган экан-а? – дедим талмовсираб.
- Нима учун бўларди, қўргонни ўзиники қилиб олиш илинжида, албатта.
- Қайси қўргонни? Шосними?
- Бўлмасам-чи! – деди хўжайин.
- Аниқроғи, иззат-икром талашибди-да? Тўғрими? Демак, менинг... Демак, Александр тўнғич фарзанд экан-да?
- Албатта. Акс ҳолда, Эбенезер унинг бошини еганидан нима фойда?

Шундай дедио аввал-бошданоқ кетишга баҳона тополмай турган хўжайин пешайвонни тарк этди.

Албатта, кўпдан бери шулар тўғрисида гумонсираб юрадим, аммо гумон – бошқа нарса, асл ҳақиқат – бошқа. Ростини айтсам, бу хабар мени эсанкиратиб қўйди, қулоқларимга ишонмасдим; икки кун аввал чўнтағида сариқ чақаси бўлмаган, Этрик ўрмонининг чанг-тўзон йўлида тентираб юрган йигитча бирдан бойиб кетса, қўргону ер-мулк эгасига айланиб қолса ва эҳтимолки, эртадан бошлаб қонуний ҳуқуқи кучга кирса-я! Хуллас, пешайвонда лаззатбахш ўй-хаёлларга гарқ бўлиб ўтирадим, ҳеч нарсага эътибор бермасдим; фақат эсимда бори шуки, тўсатдан дарфа Хозисонни қўриб қолдим – у соҳилдаги эшкакчиларига қандайдир фармойиш берар эди. Кейин яна меҳмонхона томон йўл олди; денгиз-

чилар каби лапанглаб әмас, балки шахдам қадам ташлаб, азamat қад-қоматини тик тутиб, оғир-вазмин ҳаракат қиласы, қиёфаси жиддий, ўйчан әди. У ҳақда Рансом айтган гаплар күнглимда шубҳа уйғотди: камина эшитган дийди-әлар дарғанинг ҳозирги қиёфасыга мутлақо ёт әди. Аслида, у мен тасаввур этгандек олижаноб әмасди ва айни пайтда Рансом тасвиrlагандай ёвуз кишига ҳам ўхшамасди: унинг жисми жонида гүё иккита одам истиқомат қиласын кемага чиқаётган чоқда дарғанинг «яхши» қисми бандаргоҳда қолиб кетарди.

Ниҳоят, амаким мени чақира бошлади: бoshимни күтариб қарасам, улар иккаласи йўлда туришган экан. Мен билан биринчи бўлиб дарға гаплашди; иззат-хурматимни ўрнига қўйиб, худди тенгқуридек муомала қилди – ширин гап-сўзлар билан ўсмиirlарни бирпасда оғдириб олиш мумкин.

– Сэр, мистер Бэлфур сизга ниҳоятда юксак баҳо берди, – деди у. – Қолаверса, бир кўришимдаёқ менга жуда ёқиб қолдингиз. Афсуски, бу ерда сиз билан яқиндан таниша олмайман – вақт тифиз, лекин ихтиёrimda қолган фурсатдан оқи-лона фойдаланишга ҳаракат қиласман. Тўлқин қайтишигача яна ярим соат бор, мен сизни кема бортига таклиф этаман: насиб этса бир пиёладан май ичамиз.

Ҳақиқий кеманинг ички қисми қанақа эканини бир кўришни жуда ҳам истардим-у, аммо ўз ҳаётимни хавф остида қолдиролмасдим; шунинг учун, биз амаким билан ишбошига учрашмоқчи эдик, деб жавоб бердим.

– Дарвоҷе, у ҳам менга шунақа деган әди, – деди дарға. – Бўпти, қайиқда сизларни шаҳар

бандаргоҳигача құзатиб құйман, кейин Ранкилер-га бир қадам қолади, холос. – Түйқұс әнгашди-да, қулоғимга шивирлади: – Қары тулкига құз-қулоқ бўлиб туриңг, унинг нияти ёмон. Юринг, менинг кемамга чиқайлик – ўша жойда бир-икки оғиз гаплашиб оламиз. – У қўлтиғимдан олдию қайиқ томон бошлади ва товушини баландлатиб сўзлай бошлади: – Очигини айтаверинг, Каролинадан мен сизга нима олиб келай? Доимо мистер Бэл-фурнинг дўстларига жон-жон деб хизмат қилишга тайёрман. Бир қути тамакими? Патдан тўқилган ҳиндиёна бош кийими керак эмасми? Балки худди мушукка ўхшаб миёвлайдиган тўтиқуш оларсиз-а? Ёки қизил қанотли сайроқи кардинал қуши маъқулми? Кўнглингиз тусаганини танлайверинг!

Биз деярли қайиқ ёнига бориб қолдик, у мени ўриндиққа ўтқазди... Қаршилик қўрсатишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ; олижаноб дўст, маслаҳатгўй топганимдан хурсанд эдим – аҳмоқ бўлмасам, кемани ҳам томоша қиласман деб суюнармидим! Биз жой-жойимизга ўтиришимиз биланоқ қайиқни қирғоқдан итариб юборишди ва у тўлқинда чайқалганча сузиб кетди. Бу ҳаракат янгилик эди, қалбимни ғалати ҳис-туйфулар чулғаб олди: мен сув ичида ўтирадим, соҳил ҳам кўзимга ажабтовур кўринарди, ҳув нарида турган кема аста-секин катталаша бошлади – буларнинг барчаси мени ўзига ром қилиб қўйди; дарғанинг гап-сўzlари элас-элас қулоғимга чалинарди, холос. Ўйлашимча, унга тумтароқ жавоб қайтаардим.

Биз «Васият»га ёндошган пайтда (кеманинг нақадар улкан эканини, бортга тўлқинлар зарб билан урилаётганини, ҳар хил юмушларни бажа-

раётган қувноқ денгизчиларни күриб оғзим очи-ли-иб қолди) Хозисон, дастлаб кема бортига чиқамиз, деди ва ўртада кўндаланг турган нарвонни пастга тушириш ҳақида буйруқ берди. Мени палубага тортиб олишди ва дарга худди шуни кутиб тургандай дарҳол қўлтиғимдан қўлини ўтказди. Бирмунча вақт жойимда қимирламай турдим; бошим айланиб кетди: оёқларим остида қалқиб турган тахтада мувозанатимни сақлашга интилардим, бегона одамлар олдида сал-пал истиҳола қиласардим-у, лекин хилма-хил таассуротлардан ниҳоятда мамнун эдим. Айни чоқда дарга мени ажойиботлар билан таништира бошлади: кема қисмларининг вазифаларини, номларини ҳижжалаб тушунтириди.

– Ие, амаким қани? – деб сўрадим бирдан.

– Амаки?! – деб такрорлади Хозисон ва дарҳол юзлари жиддий тусга кирди. – Ана холос – пишди гилос!

Ҳолим хароб эканини англадиму кучим бори-ча юлқиниб, унинг чангалидан чиқиб кетдим ва ўзимни борт тўсиғига урдим. Не кўз билан кўрайки, қайиқ шаҳар томон сузиб борарди, қайиқнинг қўйруқ томонида амаким ўтиарди.

– Ёрдам бери-инг! – деб қичқирдим томофим йиртилгудай бўлиб ва товушим кўрфаз узра баралла тараади. – Ёрдамга-а! До-од, ўлдириб қўйишади-и!

Амаким мен томон ўгирилиб қаради: унинг юз-кўзларида раҳм-шафқатдан асар ҳам йўқ эди.

Шундан бошқа ҳеч нарсани кўрмадим. Бақувват кишилар мени тўсиқдан ажратиб одилару гўё бирор бошимга гурзи билан туширгандай бўлди ва кўзларимдан олов чақнаб кетдию ҳушимни йўқотиб қўйдим.

## ЕТТИНЧИ БОБ

### «ВАСИЯТ» КЕМАСИДА ДЕНГИЗ БҮЙЛАБ САФАР

Зим-зиё қоронгиликда ўзимга келдим, аъзойи баданим сирқираб оғрирди, қўл-оёқларим чирмаб боғланган эди. Қандайдир ғалати товушлар қулоқни қоматга келтиради. Сув худди тегирмон новидан тушаётгандек тинимсиз шовулларди; тўлқинлар кема бортига гурс-гурс уриларди, елканлар жазавага тушиб «чапак» чаларди, дengизчилар эса бақириб-чақиришарди. Олам-жаҳон гоҳ кўкка сапчиради, гоҳо чирпирак бўлиб тубанликка шўнфириди: ҳолимга маймунлар йифларди, кўнглим айнирди, жисми жоним эски увадага ўхшаб ҳилвираб қолган эди, кўз олдимда алланималар жимирилашарди, узуқ-юлуқ хаёлларимни жамлаб, инграй-синграй оёқ-қўлим боғлиқ эканини англаб етгунимча бир қанча вақт ўтди; лаънати кеманинг аллақайси бурчагида ётардим, шамол борган сари кучаярди, довул бошланаётган эди. Бошимга қандай кулфат тушганини тўла-тўкис идрок этишим биланоқ қоним қайнаб кетди, бемаънилигим аччиғимни келтирди, шу тобда амакимни кўрарга кўзим, отарга ўқим йўқ эди. Сўнг яна эс-ҳушимни йўқотдим.

Ҳушимга келган чоғимда ҳамон ўша шовқин-сурон қулоқларимни қоматга келтиради, бетартиб зарбалардан дам нариги томонга, дам бериги томонга юмалаб кетардим. Қуруқдикда яшашга ўргангандай бечора, ўлганинг устига тепгандай, дengизда чайқаларди. Елдирим болалик йилларимда бошимга не-не мусибатлар ёғилган бўлса-да, лекин ҳеч қачон елканли кемадаги

дастлабки соатлардагидек умидсизликка тушмаланган эдим, бунчалик азобланмагандим.

Мана, охирги замбарак товуши қүлогимга чалинди: энди кема довулга бас келолмайди шекилини, шунинг учун табиий офат түгрисида сигнал бериляпти. Менга қолса, бу азоб-уқубатлардан кутулиш учун ҳатто денгиз тубига чўкиб кетишига ҳам рози эдим. Бироқ ўқ отилишнинг сабаби бошқа экан: кейинчалик менга ҳикоя қилишларича, дарғанинг шунаقا одати бор экан. Демоқчиманки, энг бемаъни одамнинг ҳам қандайдир бемаъни фазилати бўлиши мумкин. Маълум бўлишича, биз Дайсет ёнидан ўтаётган эканмиз; еланли кема шу ерда қурилган бўлиб, бир неча йил муқаддам дарғанинг онаси, кекса миссис Хозисон ҳам ушбу масканга кўчиб келган экан – «Васият» сафарга кетаётиб ёки уйига келаётиб, байроғи баланд қўтарилган ҳолда албатта замбаракдан ўқ узиб кампиршони муборакбод этаркан.

Вақт ҳисобини чалкаштириб юбордим, камина ётган бижғиб кетган кема қорнидаги бу «молхонада» кундуз ҳам тунга ўхшарди; устига-устак, бундай расво аҳволда ҳар бир соат одатдагидан икки баробар узокроқ чўзиларди гўё. Шунинг учун кема қандайдир қояга урилиб, тумшуғи билан гирдоб комига ботиб кетишига илҳақ бўлиб қанча ётганимни аниқ айтольмайман. Ниҳоят, кўзим илиндию барча азоб-уқубатлардан фориг бўлдим.

Юзимга тушаётган қўлфонар нуридан уйғониб кетдим. Кўзларимни очсан, ўттиз ёшлардаги кўк кўз, патила сочли йигит устимга энгашган кўйитикилиб туради.

– Хўш, ишлар қалай? – деб сўради у.

Жавоб бериш ўрнига инграндим; нотаниш киши томиримни ушлаб, чаккамга кафтини бо-

сиб кўрди ва бошимдаги яра-чақаларимни ювиб, боғлашга киришди.

– Ҳа-а, боплаб дўппослашибди-ку, – деди. – Оғайничалиш, мунча шалвирайсан?! Э-э, қўйсанг-чи, тетик бўл! Нима бало, охир-замон бўптими?! Ҳай, бу гал омадинг юришмабди, кейинги сафар ишларинг юришиб кетади. Мана кўрасан! Овқат-повқат беришдими?

Овқат ҳақида ўйласам, кўнглим айнийди, дедим. Шундан сўнг тунука кружкада бир қултум сув аралаштирилган коńяқ ичирди-да, яна ўзимни ёлғиз ташлаб чиқиб кетди.

У қайтиб келган чоқда қоронфиликка тикилганимча ё ухлаб ётардим ёки уйғоқ эдим; денгиз касалидан қутулгандим-у, аммо бошим гир-гир айланарди, нарсалар кўзимга оёғи осмонда бўлиб кўринарди, хуллас, азоб-уқубатларим зифирча ҳам камаймаган эди. Боз устига, аъзойи баданим зирқирарди, чирмаб боғланган арқон эса оёқ-қўлларимни оловдай қуидирарди. Бу ерда ётар эканман, назаримда, ўзим ҳам бижғиб кетганга ўхшардим; ёлғиз ётган пайтларим гоҳ атрофимда изғиб юрган, баъзан устимга ҳам ўрмалаб чиқиб кетадиган кема каламушлари, гоҳ алоқ-чалоқ тушлар ҳоли-жонимга қўймасди.

Қопқоқ очилдию фонарнинг гира-шира ёфдуси чарақлаган қуёш нури остига кўмилиб кетди: кўзимга фақат ўзим ётган «зиндан»нинг йўғон-йўғон қорамтири ёғочлари кўринган бўлса-да, лекин қувонганимдан қичқириб юборишга тайёр эдим. Нарвондан биринчи бўлиб бояги кўк кўз йигит тушди; негадир оёқларини аранг кўтариб босарди. Унинг орқасидан дарга пайдо бўлди. Иккаласи ҳам миқ этишмасди: кўк кўз худди аввалгидай зудлик билан у ёқ-бу ёғимни текшириб

күрди ва яра-чақаларимни янгитдан бօғлаб қўйиди, Ҳозисон эса афт-башарамга ўқрайганча тикилиб туарди.

– Сэр, мана, ўзингиз ҳам кўриб турибсиз, – деди кўк кўз. – Исимаси юқори, иштаҳаси йўқ; на ёруглик, на овқат бор – оқибати нима бўлиши ўзингизга аён.

– Мистер Риак, мен фолбин эмасман, – деб жавоб берди дарфа.

– Етар, сэр, – деди Риак. – Елкангизда турган бошингиз бутун, тилингиз бийрон; ҳар қандай шотландни мот қиласиз – хўп, майли, менинг гапим ҳам ичимда қолмасин: йигитчани бу кандингдан чиқариб, кеманинг умумий хонасига жойлаштиришни истайман.

– Истайсизми ёки истамайсизми, бу сизнинг ишингиз, сэр, – деб эътиroz билдирид дарфа. – Лекин мен нима десам, шу бўлади. Бу жойда ётибдими, майли, ётаверсин.

– Айтайлик, сизга мўмайгина ҳақ тўлашди, хўп, бироқ менга-чи? – деди Риак. – Беодобчилик бўлса-да, эслатиб қўйишга ижозат берасиз: камина ҳемири ҳам олганим йўқ. Менга ҳақ тўлашади, албатта. Дарвоқе, маошим унчалик кўп эмас; фақат ушбу эски тогорада иккинчи ёрдамчи бўлганим учунгина мояна беришади, холос. Ўзингизга жуда яхши маълумки, пешона теримни тўкиб пул топаман. Афсуски, ҳамёнимга моянамдан ташқари сариқ чақа ҳам тушмайди.

– Агар сиз, мистер Риак, топган-тутганингизни дарҳол сувдонга тиқавермаганингизда борми, ҳозир бунчалик нолимасдингиз, – деб жавоб берди дарфа. – Шунинг учун илмоқди гапларни йифишигринг, тилингизга эҳтиёт бўлинг. Хўп, энди палубага чиқиш керак, – деди у ҳукмдор оҳангидага ва нарвон поғонасига оёқ қўйди.

Мистер Риак унинг енгидан ушлаб қолди.

– Хў-ўш, айтайлик, сизга қотиллик учун ҳам пул тўлашса... – деб гап бошлади у.

Хозисон таҳдид солиб ортига ўгирилди.

– Нима-нима? – деди гулдирак товушда. – Бу яна қанақа гап?

– Кўриниб турибдики, сизни фақат шунаقا гаплар билан сергак торттириш мумкин, холос, – деди мистер Риак, унинг кўзларига тик боқиб.

– Мистер Риак, биз сиз билан уч марта денгиз сафарида бирга бўлдик, – деди капитан. – Назаримда аллақачон менинг феъл-авторимни билиб олишингиз керак эди: ҳа, мен чўрткесар, шафқатсиз кишиман, лекин оғзингизга қараб гапиринг!.. Уялмайсизми? Фақат кўнглида кири бор, виждан тоза бўлмаган одамгина шунаقا дейиши мумкин. Агар сиз ростдан ҳам йигитчанинг ўлиб қолишига ишонсангиз...

– Сув берилса – бас, ўлади! – деб таъкидлади мистер Риак.

– Бўпти, сэр, – деди Хозисон. – Уни хоҳлаган жойингизга элтиб қўйинг.

Шундан сўнг дарфа нарвондан юқори кўтарилиди, мистер Риак эса унинг ортидан масхараомуз таъзим бажо келтирди: камина ҳайратона сухбатга гувоҳ бўлдим. Жоним кўзимга кўриниб турган бўлса ҳам, лекин иккита нарсани тушуниб олдим: биринчидан, дарфа шаъма қилганидек, ёрдамчи ширакайф эди; иккинчидан, маст ёки маст эмаслигидан қатъи назар, у билан яқинроқ дўстлашиб олишим лозим.

Беш дақиқалардан кейин кўл-оёқларимга боғланган арқон кесиб ташланди ва қандайдир дengизчи мени елкасига ортди-да, кеманинг умумий хонасига элтиб, дағал адёл тўшалган ўринга ётқизиб қўйдию бирдан хушимдан кетдим.

Эх, күппа-кундузи, одамлар орасида ҳушга келишнинг гашти ўзгача бўлар экан! Умумий хона кенг-мўл бўлиб, шифтга осма каравотлар илиб қўйилган эди: посбонликдан холи денгизчилар та-маки чекиб ўтиришарди, баъзилар ўринда чўзи-либ ётишарди, бошқалар эса ухлашарди. Об-ҳаво сокин эди, фир- фирм шабада эсарди; туйнук қопқори очиқ бўлгани учун хонага ёруғлик тушарди, кема бир ёнига қийшайган маҳалда осмони фалакда порлаб турган қуёш ҳам хонага мўра-лардик, бирдан кўзларим қамашиб, ич-ичимдан тўлқинланиб кетардим. Бундан ташқари, сал-пал қимиirlадиму дарҳол битта денгизчи мистер Риак тайёрлаб қўйган дорини оғзимга тутди ва тезроқ соғайиш им учун жимгина ётишим лозим экани-ни таъкидлади.

– Суякларинг бутун, – деди у. – Парво қилма, бошинг ҳам янчилгани йўқ. – Сўнгра қўшиб қўй-ди: – Биласанми, сени каминаи камтарин сийла-ган эди!

Бу жойда узоқ кунлар мобайнида қатъий на-зорат остида ётдим, дармонга кирдим ва йўл-дошларим билан сиртдан танишдим. Денгизчи-лар асосан дағал ҳалқ бўлади, булар ҳам ўша-лар тоифасидан эди: инсонни олижанобликка, хушмуомалаликка ўргатадиган муҳитдан мосу-во, шафқатсиз хўжайин қўл остида яктану як-жон бўлиб, алғов-далғов, бераҳм табиат қучоги-да умргузаронлик қилишга маҳкум этилганлар. Уларнинг баъзи бирорлари илгари қароқчилар кемасида хизмат қилган бўлса, бошқалари қи-роллик флотидан қочганлар ва бўйнидаги сирт-моқ билан яшайдилар-у, лекин ўтмишларини сир тутмайдилар: улар кўрган-кечирган ҳодисаларни ҳикоя қилишга тил ҳам ожиз: ажабки, энг қадр-

дон дўстлар «сал нарсага ҳам бир-бирларининг тумшуқларига солиб» қолиши ҳеч гап эмасди. Умумий хонада бир неча кун ётганимдан кейин амин бўлдимки, дастлаб бандаргоҳда улар ҳақда ёмон хулоса чиқарганим – уларни ҳайвонлардан ҳам баттар экан, деб ўйлаб хато қилган эканман, бундан вижданим қийнала бошлади. Одамлар ёппасига абраҳ бўлмайдилар: ҳар қандай тоифа орасида яхши-ёмон кишилар учрайди ва айни пайтда «Васият» денгизчилари ҳам бундан холи эмас. Тўғри, дағал эди, афтидан, ахлоқсиз кўри-нишарди, лекин уларнинг ичидаги яхши кишилар ҳам кўплаб топиларди. Кези келганда, ниҳоятда дилкаш бўлиб кетишарди, ҳатто мен каби содда қишлоқи йигит қаршисида ҳам очик кўнгил эканликлари билиниб турарди, ҳалолликни ҳамма нарсадан устун қўярдилар.

Ўшалардан бири – қирқ ёшлар чамасидаги денгизчи каравотим четида соатлаб ўтиради ва тинимсиз равишда ўз хотинию ўғли ҳақида ҳикоя қилаверарди. Илгари у балиқ овларди, аммо қайигидан ажralиб қолади ва очиқ денгизда сузизб юрадиган кемага ишга ёлланишга мажбур бўлади... Мана, ўшандан бери неча йиллар ўтиб кетди, бироқ уни сира ҳам унугомайман. Ўзининг севимли ибораси билан айтганда, «ниҳолдай, мендан икки мучал кичкина хотиним» уйда интизорлик билан кутарди. Афсуски, у энди ҳеч қачон эрта тонгларда хотини учун ўчоқقا ўт ёқолмайди, хотини бетоб бўлиб қолган пайтларда эса ўғилчасига қараб туролмайди. Ҳа, шўрпешоналарнинг қўпчилиги ўшандаги охирги сафарга жўнаган экан: уларни денгиз ўз бағрига олди, жасадлари балиқларга ем бўлиб кетди. Айтмоқчи, марҳумлар тўғрисида ёмон гапириб бўлмайди.

Менга кўрсатилган олижаноб ёрдамларидан бири – ҳаммага тенг бўлашиб, тарқатиб юборилган пулимни каминага қайтариб беришганидир: пулимнинг учдан бир қисми изсиз йўқолган бўлса-да, лекин мен бари бир курсанд бўлиб кетдим ва чўнтағим қуруқ эмаслигини ўйлаб, биз бораётган мамлакат тўғрисида ширин хаёлларга чўмар эдим. «Васият» Каролина томон борарди, лекин у жойни мен сургун қилинган овлоқ деб ўйламанг. Ростини айтганда, ўша замонларда ҳали қулфурушлик қизғин давом этарди, фақат Америка мустамлакаларида қўзғолонлар бўлиб ўтгач ва Кўшма Штатлар ташкил топгач, ўз-ўзидан равшанки, қулдорликка чек қўйилди. Бироқ болалик йилларимда оқ танлилар ҳам заминдорларга сотиларди; ёвуз ниятли амаким мени қулбаччадек сотиб юборишни кўзлаган эди.

Кичик денгизчи Рансом қўйруқдаги бошқармада ётиб-туриб юрарди, ўша ерда хизмат қиласарди ва гоҳ-гоҳ мендан хабар олгани келардию (бу ёвузликлар ҳақида илк бора ундан эшигтан эдим) моматалоқ бўлиб кетган юзларини, лат еган жойларини миқ этмасдан силаб-сийпалаб ўтиради ёки жазаваси тутиб мистер Шуаннинг гўрига фишт қалай бошларди. Юрагим зардобга тўлиб кетарди, аммо денгизчилар катта ёрдамчини ниҳоятда ҳурмат қилишарди, у ҳақда гап кетса, «барча шаллақилар орасидаги бирдан-бир денгизчи – ўша, кайфи тарқалган пайтда одамга ўхшаб қолади», дейишарди. Ҳақрост, мен биринчи ва иккинчи ёрдамчиларнинг аломат хусусиятларини пайқадим: мистер Риак жиддий, бадқовоқ, ўжар, асабий эди; мистер Шуан эса кайф бўлмаган пайтларида чивинга ҳам озор бермасди. Дарфа тўғрисида сўраб-суриштиридим, бу те-

мир одам масть бўлган чоқларида ҳам эс-хушини йўқотмайди, деб жавоб беришди.

Узук-юлуқ суҳбатлар мобайнида Рансом исмли нотавон жонзотни одам қилишга, аниқроғи, уни рисоладагидек йигитча мақомида тарбиялашга ҳаракат қиласдим. Лекин унинг ақл-хуши жойида эканига шубҳаланаардим. У болалик йилларини, денгизга кетгунча бўлган даврини мутлақо эслай олмасди, фақат отасини сал-пал биларди; отаси соатсоз эди, устахонасида чуғурчиқ боқарди, чуғурчиқ: «Менинг масканим шимол», деб сайранарди; бошқа нарсалар муҳтожлик ва шиддаткор йиллар мобайнида хотирасидан буткул ўчиб кетган эди. Денгизчиларнинг ҳикоялари асосида унда қуруқликдаги ҳаёт тўғрисида қўрқинчли тасаввур пайдо бўлган эди: Гўёки у ёқда ўғил болалар ҳунармандчилик деб аталадиган маҳсус қулчилик «дўкон»ига топширилар экан ва шогирдваччалар рутубатли қамоқхоналарда кечасию кундузи ачиб-сасиб ётишаверар экан. У дуч келган шаҳарликни одам ёллайдиган жосус деб, ҳар учта уйдан биттасини эса денгизчилар алдаб-сулдаб тузоққа тушириладиган, сўнг масть қилиниб сўйиладиган ўғрихона деб биларди. Даррагини эшитса – бас, унинг лабларига учук тошадиган қуруқликдаги одамлар ҳақида, уларнинг меҳрибончилигию ширин-шакар таомлар билан сийлашгани, ота-онам ва дўстларим менинг таълим олишимга қанчалик ғамхўрлик қилишгани борасида «эртаклар» сўйлардим. Одатда, у калтак еб келгандан кейин аччиқ-аччиқ йифларди ва «Худо ҳаққи, қочиб кетаман!» деб, қасамлар ичарди-ю, аммо бошқармада бир стакан мусаллас ичиб келган, хушчақчақ чоғларида менинг кулгимни қистатарди, холос.

Шуббұхасизки, мистер Риак (ишиқилиб, унинг гуноҳини худонинг ўзи кечирсинг!) кўнгилчанлик қилиб йигитчага «оби замзам» қўйиб берарди, лекин алкўҳил Рансомнинг саломатлигини путурдан кетказарди: бечораҳол жонивор нима балолар ҳақида жаврай-жаврай довдирағ рақсга туша бошлаган кезлари унга одамнинг раҳми келарди. Бу ажаб ҳолни кўрган баъзи бир денгизчилар тишларининг оқини кўрсатишиб тиржайишиарди, аммо ҳаммаси эмас; бошқалар эса ўзларининг болалигини ёки фарзандларини ўйлашиб, тумтайиб олишарди, қовоқларидан қор ёғарди ва раққоснинг енгидан тортиб каравотга ўтқазиб кўйишиарди. «Бемаъниликтин йифишири, эсингни едингми, чўчқа!» дейишиарди. Мен бўлсам, шўрлик йигитчага қарашга ҳам уялиб ўтирадим. У ҳозир ҳам менинг тушларимга киради.

Айтиш лозимки, ўтган кунлар давомида «Васият» шамолга қарама-қарши йўналиш томон сузиси борди, рўпарадан бостириб келадиган тўлқинлар елканли кемамизни у ёқдан-бу ёққа итқитиб юборарди, туйнук қопқоғи доимо ёпиқ турагарди, умумий хонани шифтда чайқалиб турган фонар фира-шира ёритарди, холос. Юмуш ҳаммага етиб ортарди: бир соат ўтар-ўтмас елкан кўтарилиарди ёки пастроқ тушириларди. Одамлар ниҳоятда ҳолдан тойдилар, дам нариги каравотда, дам бериғисида даҳанаки жанг бошланиб кетарди; менга эса палубага қадам қўйиш тақиқланган эди, бундай ҳаёт нақадар жонимга теккани, бирор ўзгаришга қанчалик муштоқ бўлганимни тасаввур этиш унчалик мушкул эмас, албатта.

Ниҳоят, ўзгариш рўй берди, лекин авваломбор, мистер Риак билан қилган битта сухбатим тафсилоти тўғрисида гапириб беришим лозим, чунки

ўшандан кейин синовларга бемалол бардош берадиган бўлиб қолдим. Унинг кайфи тароқ бўлиб турган қулай фурсатни (мистер Риак маст бўлмаган пайтлари мен томонга ҳатто қиё боқмасди) пойлаб туриб, тилни тийишга қасам ичирдим-да, кўрган-кечиргандаримни очиқ-оидин гапириб бердим.

У, мен эшитган гапларнинг ҳаммаси манзумага ўхшайди, деди ва куч-қувватини аямасдан менга ёрдам беришга ваъда берди, фақат перо, қофозу сиёҳ топиб мистер Кемпбелл билан мистер Ранкилерга хат битмоқ даркор: агар мен ёлғон гапирмаётган бўлсам, Риак уларнинг кўмагида мени узил-кесил кулфатдан қутқариб олади ва ҳуқуқдаримни ҳимоя қиласди.

– Ҳозирча руҳинг тушмасин, – деди у. – Сен дастлабкиси ҳам, охиргиси ҳам эмассан, менга ишонавер. Баҳри муҳитнинг нариги қирғофида тамаки экишиб, дехқончилик қилиб юришган кимсалар жуда кўпчилик. Эҳ, ким ҳам ўз юритида шоҳ бўлишни орзу қилмайди-я! Аччиқ-чучукни татиб кўрмаган инсон бу ҳаётнинг қадрига етармиди? Ҳаммамиз эски ашулани хиргойи қилишга мажбурмиз шекилли. Мана, ўзим заминдорнинг ўғлиман, салкам ўқимишли табибман, лекин Хозисоннинг соясида яшайман!

У мени беадаб экан деб ўйламаслиги учун ўз ўтмишини сўйлаб беришни илтимос қилдим.

Ҳуштак чалиб юборди.

– Қанақа ўтмиш ахир! Эрмак қилишга ишқивоз эдим, вассалом.

У зудлик биллан умумий хонани тарк этди.

## САККИЗИНЧИ БОБ

### ҚУЙРУҚДАГИ БОШҚАРМА

Бир куни ярим кечаси, соат ўн бирларда мистер Риак сменасидаги пособон бушлатини олиш учун палубадан пастга тушди ва бирпасда умумий хона бўйлаб мишмиш тарқалди: «Шуан уни бари бир ўлар ҳолатга етгунча дўппослабди». Манглайи қоранинг номини ҳеч ким тилга олмасди, аммо ким тўғрисида гап кетаётганини билардик; биз бу янгиликни ростакамига идрок этиб, муҳокама қилишга улгурмасимиздан туйнук қоп-қофи очилдию нарвондан дарфа Хозисон тушиб келди. У фонарнинг ўйноқи шуъласи тушаётган каравотларга бир қур синчков назар солди-да, тўппа-тўғри менинг ёнимга келди ва ҳеч кутилмаганда мулоийим оҳангда сўзлай бошлади:

– Оғайни, гап бундай; биз сени қуйруқдаги бошқармага хизматга олмоқчимиз. Рансом билан каравотларингни алмаштирасан. Қани, бошқармага югар!

У ҳали гапини тугатмасдан туйнукда иккита денгизчи кўринди – улар Рансомни кўтариб тушишарди. Шу пайт кема бир томонга қийшайиб кетдию фонар чайқалди-да, кичик денгизчининг юзига шуъла тушди. Унинг юзи қофоздай оппоқ эди, лабларида қўрқинчли заҳарханда қотиб қолганди. Худди мени бирор зарб билан ургандек юрагим ҳаприқиб кетди, нафасим бўғииди.

– Бошқармага югар, имиллама! – деб қичқирди Хозисон.

Мен денгизчилар кўлида сас чиқармай, беҳуш ётган Рансом ёнидан қисилиб ўтдиму нарвондан жадал юриб палубага чиқдим.

Кема худди масть кишидек чайқалиб, сон-саноқсиз түлқинларни ёриб борарди. У ўнг томонга қийшайиб қолган эди, чап томонда эса, олдинги мачтанинг пастки елкани остидан қип-қизил уфқ қўриниб турарди. Мен ҳайратдан донг қотиб қолдим – вақт алламаҳал бўлса ҳам қуёш эндинига ётогига бош қўярди! Шотландиянинг шимолий чегарасини кесиб ўтаётганимизни, Оркней ва Шетланд ороллари оралиғидан Пентленд-фёртнинг ваҳшиёна оқимини четлаб, очиқ денгиз сари йўл олганимизни билмасдим, албатта, кўз ўнгимдаги ажабтовур ҳодисаларни тўгри баҳолаш учун билимим етишмасди. Бир қанча вақт тутқунликда бўлганим, ёруғликни кўрмаганим туфайли ва доимо рўпарамиздан шамол эсаётганини эътиборга олмай, ўзимча Атлантика океанининг ярмига ёки ундан ҳам нарига бориб қолган бўлсак керак, деб ўйладим. Кечаси қуёш ботаётганини қўриб, ёқамга туфлаб қўйган бўлсам-да, лекин бошимни қашлашга ҳам фурсатим йўқ эди: дам-бадам палуба устига тўлқин шалоп этиб тушарди, таранг тортилган арқонни ушлаган кўйим зўр-базўр олфа, силжирдим; агар доимо марҳаматини дариф тутмайдиган битта денгизчи ёнгинамда пайдо бўлиб қолмагандан борми, кучли тўлқин мени бирпасда кемадан итқитиб ташларди.

Қўйруқ устига қурилган болаҳона палубадан бир қулоч чамаси баланд бўлиб, «Васият» каби кемаларга муносиб эди. Энди шу ерда ётишим, хизмат қилишим лозим. Ичкарида палубага маҳкамланган стол, ўриндиқ ва иккита каравот бор экан: биттаси дарғага мўлжалланган, бошқасида эса навбати билан ёрдамчилари ухлашарди. Деворга қадалган жавон шифтга тегиб турарди;

унда бошлиқларнинг шахсий буюмлари ва кеманинг асбоб-анжомлари сақланарди; қуйироқда яна битта хона бўлиб, унга маҳсус қопқоқдан кириларди: энг яхши озиқ-овқатлар, аъло навли тузланган гўштлар, спиртли ичимликлар ҳамда мильтикдорининг барча қўр-қути асраб қўйилган эди. Бир жуфт мис замбаракдан ташқари «Васият»нинг барча ўқ отиш қуроллари хона деворига осилган бўлса-да, қурол-яроқларнинг асосий қисми бошқа жойда сақланарди.

Бошқармага кундузи қўш қаватли дарчадан ёргулик тушарди, юқоридаги қопқоқли туйнукдан ҳам нур кираварди; оқшом чўкиши билан лампа ёқиларди. Ичкарига кирган чофимда лампа ёниб туради, гира-шира шуъла сочарди; бошқармада мистер Шуан ўтирганини дарҳол пайқадим: унинг олдидаги столда бир шиша конъяк билан тунука кружка тураг эди. У новча, қад-қомати келишган, қорача, қора соч киши бўлиб, ҳозир маънисиз нигоҳини столга қадаб ўтиради.

У менга мутлақо эътибор бермади; дарга кириб келган пайтда ҳам жойидан қўзғалмади, дарга менинг ёнимга келди-да, каравотга суюнганча ёрдамчисига ўқрайиб назар ташлади. Хозисондан ўлгудек қўрқар эдим, лекин у ҳозир менга унчалик қўрқинчли туюлмасди ва негадир дадиллашиб қулогига пичирладим:

– У қанақа одам?

Дарга бош чайқади, гўё билмайман ва билишини ҳам истамайман демоқчи бўлди; афтидан, заби қўзиб кетган эди.

Тез орада мистер Риак етиб келди. У дарфага маъноли нигоҳ ташлади: унинг қарашларидан йигитча ўлганини билиб олиш мушкул эмасди; кейин у ёнимизга яқинлашди ва биз учаламиз

индамасдан мистер Шуанга тикилиб туравердик, айни пайтда мистер Шуан ҳам столга тикилган қўйи миқ этмасдан ўтиради.

Бирдан у конъяк шишасига қўл чўзди, лекин худди шу тобда мистер Риак олға интилдию шишани тортиб олди (у кучли бўлгани учун эмас, балки Шуан кутилмаган ҳаракатдан эсанкираб қолган эди) ва товушини баланд кўтариб сўкинди; бу жойда кўп бемаъни ишлар қилинди, бунинг касофати кемага ҳам урди, деди. Шундан сўнг у шимолга беткай томондаги икки ёққа очиладиган эшикдан шишани денгизга улоқтириб юборди.

Кўз очиб-юмгунча Шуан оёққа қалқди. У ҳамон таажжубланиб турарди; кўзлари қонга тўлган эди; агар уларнинг ўртасига дарфа туриб олмаганида борми, қотил бир кечада иккинчи марта қон тўкишдан ҳам қайтмасди, албатта.

– Жойингга ўтир! – деди Хозисон гулдурак товушда. – Нима қилиб қўйганингни биласанми ўзи, ҳайвон?! Норасида болани ўлдирдинг!

Афтидан, мистер Шуан тушунди; ҳарҳолда у жойига ўтирди-да, кафти билан пешонасини ишқалади.

– Нима бўпти? – деди у. – Ўзи менга ювиқсиз кружкани тутқазди-да!

Шу сўзлар қулогимизга чалиниши биланоқ мен, дарфа, Риак – ҳаммамиз бир-биримизга хавотирланиб назар ташладик; Хозисон ўзининг катта ёрдамчисига яқинлашдию елкасидан қучганча каравот ёнига бошлаб келди ва ётиб ухла, деди. Одатда, шўхлик қилаётган бола пақирни худди шундай тарзда овунтирадилар. Қотил йифлаб юборди, лекин этигини ечиб, каравотга итоаткорона чўзилди.

– Ў-ў! – деб қичқириб юборди мистер Риак даҳшатли товушда. – Сиз аллақачон аралашмоғингиз лозим эди! Энди жуда ҳам кеч бўлди.

– Мистер Риак, бугун кечаси рўй берган ҳодисани Дайсетда ҳеч ким билмаслиги керак, – деди дарға. – Сэр, бола пақир бортдан йиқилиб тушди, ҳамма гап шундан иборат, холос. Агар менга қолса, айнан шундай бўлиши учун чўнтағимдан кетадиган беш фунт пулимни ҳам аямасдим. – У стол томон ўтирилди-да, қўшиб қўйди: – Нима учун сиз лиқ тўла шишани ирғитиб юбордингиз? Бу қалтафаҳмлик, сэр. Қани, Дэвид, менга оғзи очилмаганидан олиб бер-чи! Ҳув, анави жойда, пастдаги қутида. – У менга калитни ирғитди. – Дарвоке, сэр, сиз ҳам бир стакан отиб олсангиз зиён қилмасди, – деб у яна Риакка мурожаат этди. – Чамаси, жасадга роса тикилиб қараган бўлсангиз керак-а?

Иккаласи ҳам стол теварагига ўтиришди-да, стаканларини уриштиришди, шу чоқ каравотда ҳиқиллақ ётган қотил тирсагига суюниб, ўмганини кўтардию аввал шишадошларига, сўнгра менга нигоҳини қадади...

Янги хизмат жойимдаги дастлабки кеча худди шундай ўтди, эртаси куни эса ўз вазифаларими ни деярли ўзлаштириб олдим. Мен емишларга кўз-қулоқ бўлиб туришим лозим эди: дарға посбонликда турмаган бирорта ёрдамчиси билан биргалашиб ҳар соатда албатта овқатланарди, худонинг берган куни ҳали унисига, ҳали буниисига ичкилик таширдим; бошқарма пойгаҳидаги икки эшик ўртасида яйдоқ тахта устида адёлга ўралиб ухлардим, ён-веримдан елизак фириллаб ўтарди. Бу қаттиқ, совуқ ўрин эди: қолаверса, ҳеч бемалол ухлатишмасди; дам-бадам палуба-

дагилар томоқларини ҳўллаб олишга кириб туришарди, посбонлар алмашаётган пайтлари эса иккала ёрдамчи ҳам (кўпинча уларга дарға ҳам шерик бўларди) стол атрофига ўтиришарди-да, пиёлаларни тўлдиришиб мусаллас ичишарди. Уларнинг ва ўзимнинг ҳам қандай қилиб соғ-саломат юрганимга ҳеч ақдим бовар қиласди.

Умуман, хизмат унчалик оғир эмасди. Столга ҳеч қандай дастурхон ёзилмасди, асосий овқат – бўтқа билан тузланган гўшт эди, ҳафтасига икки бора сули ёрмасидан қовурдоқ ҳозирланарди; чайқалаётган кемада зўрга оёқда турсам ҳам, баъзан таом тўлдирилган патнисни кўтариб бораётib тўнтирилиб кетардим-у, лекин мистер Риак билан дарға менга ниҳоятда босиқдик билан муомала қилишарди. Ўзимча уларнинг вижданлари азобланаётган бўлса керак, деб ўйлардим, агар илгари Рансомга нисбатан ноҳақдик қилишмаганда, ҳозир мен билан пачакилашиб ўтиришмасди.

Мистер Шуанга келсак, ичкиликбозликоми ёки жиноят азобими, эҳтимол, иккаласи қўшилишиб, унинг эс-хушини хиралаштириб қўйди. Уни ақлидрохи жойида бўлган ҳолатда бирор марта ҳам кўрмадим. Бошқармада туришимга у сира кўниколмасди, доимо кўзларини олайтириб қарапди, назаримда, мени ногаҳон кўриб қолса, қўрқиб кетарди, стол теварагида ўтирган пайтида унга бирор нарса узатсан тушунмаяпти, деб ўйладим ва икки кундан сўнг бунга ишонч ҳосил қилдим. Бир куни икковимиз ёлғиз қолдик; у узоқ вақт менга тикилиб ўтириди-да, кейин сапчиб ўрнидан туриб кетди ва жон-понимни чиқариб, ёнимга яқин келди: ранги ўликникидай оппоқ эди. Лекин бекорга қўрққан эканман.

– Сен илгари бу ерда йўқ эдинг-а? – деб сўра-ди у.

– Ҳа, сэр.

– Бу ерда қандайдир бошқа бир бола борми?

Мен жавоб бердим.

– Ў-ў! Ўзим ҳам шунаقا бўлса керак деб ўйла-ган эдим, – деди у ва мендан узоқлашди, жойига бориб ўтиридию лом-мим демади, фақат: «Конъяк келтир!» деб буйруқ берди, холос.

Бу ҳолат ғалати туюлиши мумкин. Уни қанча-лик ёмон кўрсам ҳам, ичимда унга ачинардим. У уйланган эди, хотини Литада яшарди; улар-нинг фарзандлари бор-йўқдигини ҳозир аниқ эслолмаяпман; чамамда, фарзанд кўришга улгур-маган эди.

Умуман айтганда, бу ерда унчалик кўп яша-маган бўлсам-да (тез орада ўзингиз шунга амин бўласиз), ҳаёт кечиришим оғир бўлмади. Мени дарга ҳисобидан боқишарди, тузланган гўшт ва зиравор сепилган балиқ беришарди (энг ноёб емиш), ёрдамчилар билан теппа-тенг миқдорда овқат ажратишарди; агар ўзим истасам эрта-дан-кечгача мистер Шуан каби ичкиликбозлик қилишим мумкин эди. Боз устига, ошна-оғайни-лардан ҳам нолимасам бўларди. Ҳартугул, мистер Риак коллежда сабоқ олган эди, у хуноби ошиб турмаган кезлари дўстона равища гурунглашиб ўтиради, қизиқарли, ибратомуз ҳикоялар сўйлаб берарди; одатан, дарга мени ўзидан сал нарироқ тутишга интилса-да, лекин баъзан кўнгли юмшаб кетардию ўз кўзи билан кўрган ажиб мамлакат-лар тўғрисида гапиришдан сира чарчамасди.

Биз ўзимизни қанчалик у ёқдан-бу ёққа урмай-лик, аммо бари бир тўртовимизни ҳам, айниқса, мен билан мистер Шуанни шўрлик Рансомнинг

арвоҳи тинмасдан таъқиб этаверарди. Устига-устак, кулфатим ўзимга етиб ортади. Хўш, қаерга келиб қолдим? Қора ишчиман, учта эркакнинг югурдагиман; лекин уларни кўргани кўзим йўқ, энг камидан биттаси дорга осилиши лозим. Ҳозирги аҳволим шундай. Келажагим-чи? Тамаки экиладиган далаларда занжилар билан елкама-елка туриб, қулдек ишлашим зарур: бундан бошқа нарсага умид қилолмасдим. Мистер Риак, эҳтиёткорликни кўзлабми, мени оғиз очиргани қўймасди; дарга эса унга мурожаат этишга оғиз жуфтлаши биланоқ худди итга гапиргандек: «Жим бўл!» деб пўписа қилиб берарди, ҳатто гапимни эшитишни ҳам истамасди. Кунлар бирин-кетин ўтаверди, борган сари руҳим чўқаверди, охир-оқибатда жон-жон деб ишга ёпишардим: ҳеч бўлмаса, оғир ўй-хаёллардан қутулардим, бoshимни қашлашга фурсатим ҳам қолмасди.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### ТИЛЛА КАМАРЛИ КИШИ

Бир ҳафтадан кўпроқ вақт ўтди. Сафар мобайнини «Васият»ни таъқиб этиб келаётган шум тақдир ўзини яққол кўрсата бошлади. Баъзи кунлари оз-моз олға силжирдик, холос. Бошқа пайтлари эса кемамизни тўлқинлар орқага итқитиб ташларди. Ниҳоят, оқим бизни жануб томонга суриб кетдию тўққиз сутка давомида одам оёғи етмаган, Рат бурнининг серқоя қирғоқлари кўриниб турган жойда тебраниб ўтиравердик. Дарга кенгаш чақирди; қандайдир қарор қабул қилинди, лекин қарорнинг мазмунини тўлиқ тушунмадим, фақат унинг оқибатини кўрдим, холос: биз

шамол йўналиши бўйлаб суза бошладик, демак, жануб томон бурилибмиз.

Ўнинчи куни оқшом маҳали довул пасая бошлади, аммо намчил, оқиши, қалин туман тушди – қуйруқда туриб кема тумшуғини кўриб бўлмасди. Тун бўйи палубага чиққан пайтим мен ҳар гал борт тўсигига ўмгандарини бериб турган денгизчиларни, дарға ва унинг ёрдамчиларини учратардим, улар ниманидир илғаб олмоқчи бўлишарди, бир-бирла-ридан: «Оқ тўлқин кўринмаяптими?» деб сўрашарди. Бу сўзларнинг асл маъносини билмасдим-у, қандайдир хавф-хатар борлигини ҳис этардим, шунинг учун ҳушёр тортиб қолган эдим.

Чамамда, кечаси соат ўнларда – мистер Риак билан дарғага эндиғина кечки овқат бераётган чоғимда елканли кема бир нарсага гумбурлаб урилдию бирдан шовқин-сурон кўтарилди. Иккаласи ҳам сапчиб ўрнидан туришди.

– Сув остидаги қояга урилдик! – деб қичқирди мистер Риак.

– Ундей эмас, сэр, – деди дарға, – Бор-йўғи қандайдир қайиқ билан тўқнашиб кетдик, холос.

Улар шоша-пиша палубага кўтарилишди.

Дарға ҳақ бўлиб чиқди: биз туманда битта қайиққа урилган эканмиз; қайиқ иккига бўлинниб кетибди ва бутун командаси билан фарқ бўлибди. Фақат бир киши омон қолибди: кейинчалик билсам, у йўловчи экан, қайиқ қуйруғида ўтирган экан, бошқалар эса банкалар устида ўтиришганча эшкак эшаётган эканлар. Тўқнашув чоғида қайиқ бошқармасию йўловчи осмонга учиб кетибди, у тиззасидан пастрогини пахмоқ чопон билан ўриндиққа боғлаб қўйган бўлса-да, қўллари бўш бўлгани учун ҳаводан қайтиб тушаётган пайтда кемамиз тумшуғидаги елкан ўрнатила-

диган ёғочга осилиб қолибди. Кўриниб турибдики, омади бор экан; агар шундай оғир вазиятдан ҳам омон-эсон қутулиб чиқибдими, демак эпчил, бақувват экан. Кўп ўтмай, дарга уни бошқармага олиб кирди ва мен биринчи марта нотаниш йўловчини кўрдим: унинг қиёфаси ниҳоятда хотиржам эди, гўё ҳеч нарса рўй бермагандек бепарво. Ўрта бўйли, зуваласи пишиқ, эчкидай абжир киши эди; истараси иссиқ, офтобда хийла қорайган юзларида чечак излари бор эди, сепкилдор, кўзлари чақнаб, олма-кесак териб турарди, нигоҳидан жунуни зўр эканини билса бўларди, бу ҳол дарров эътиборни ўзига тортарди ва кўнгилга фулгула соларди. У эгнидан плашчини ечди-да, камарига қистирилган бир жуфт аломат, кумуш дастали тўппончасини олиб столга қўйди; белида узунгина қилич осиғлиқ турарди. Боз устига, нозик ҳаракат қиласарди; бажонидил дарғанинг соғлифи учун қадаҳ кўтарди. Хуллас, дастлабки, таассуротларимга биноан, бундай кишини душманим деб эмас, дўстим деб атаган бўлардим.

Дарга ҳам нотаниш кимсани синчилаб кўздан кечирарди, лекин унинг шахсиятидан кўра, уст-бошига кўпроқ эътибор берарди, чамамда. Табиийки, меҳмон плашчини ечиб ташлагандан сўнг кўз ўнгимизда ажиб кўриниш намоён бўлди: патли шляпа, лоларанг нимча, қоп-қора ипдухоба енгича-шим тиззасига қадалиб турарди, ёқаларига зар уқа қадалган, кумуш тугмали мовий чакмон – қимматбаҳо кийим-боши туман таъсирида бир оз намиққан, ечинмасдан ухлагани учун жийилиб қолган эди, шунга қарамай савдо кемасининг бошқармасида бундай инсонни учратиш камёб ҳодиса ҳисобланарди.

– Мен сизнинг қайифингизга жуда ачиндим, сэр, – деди дарга.

– Нақадар ажайиб инсонлар сув остига ғарқ бўлдилар-а! – деди нотаниш кимса афсусланиб.  
– Уларни яна ер юзида кўриш учун ўнта қайиқ беришга ҳам рози эдим.

– Улар дўстларингиз эдими? – деб сўради Хосисон.

– Сизларнинг ўлкангизда ундан дўстлар бўлмайди, – деган жавоб эшитилди. – Улар мен учун итдай ўлишга ҳам тайёр эдилар.

– Бари бир, сэр, ер юзида одамлар шунчалар кўпки, ҳаммага қайиқлар етмайди, – деди дарфа, меҳмонни синчилаб кузатишда давом этаркан.

– Тўгри, нима ҳам дердим! – деб қичқирди нотаниш кимса. – Кўриниб турибдики, сиз, сэр, жуда ҳам синчков одам экансиз.

– Тақсир, мен Фарангистонда бўлганман, – деди дарфа сирли оҳангда нимагадир ишора қилиб.

– Ижозатингиз билан, барча муносиб инсонлар сингари, деб қўшиб қўймоқчиман, – деди меҳмон.

– Шубҳасиз, сэр, – деди дарфа. – Айтмоқчи, ярашиқли мундир кийиб борган эдим.

– Ўҳ-хў! – деди нотаниш кимса. – Мана, гап қаёқса қараб кетяпти! – У зудлик билан қўлларини тўппончаларига узатди.

– Шошманг, – деди дарфа. – Бемаврид ёмонлик қилманг. Ҳа, сиз фаранги ҳарбийларининг мундирини кийиб олибсиз, лекин худди шотландга ўхшаб гапирияпсиз, хўш, нима бўпти? Бизнинг замонда жуда кўпчилик ҳалол кишилар шундай қилишади ва ростини айтганда, бундан ҳеч нарса ютқазмайдилар.

– Шунақами? – деди мундир кийган жентельмен. – Демак, сиз ҳалол одамлар тўдасига мансуб экансиз-да?

Бу дегани – якобинчилар<sup>9</sup> түдасини билдиради. Ҳозиргидек ўзаро даҳанаки жангларда ҳар қайси томон фақат ўзини ҳалол деб билади.

– Ўзингиз биласиз, сэр, – деди дарга. – Худога шукрки, мен ҳақиқий протестантман. – Бу менинг олдимда дин ҳақида айтилган дастлабки сўз эди; кейинчалик билсам, у қуруқликда ибодатхонага канда қилмай бориб турар экан. – Шунга қарамай, деворга тақаб қўйилган бўлса-да, лекин таслим бўлишни истамаётган кишига ёрдам беришга қодирман.

– Ростданми? – деб сўради якобинчи. – Начора, агар бор гапни айтадиган бўлсан, мен қирқ бешинчи ва қирқ олтинчи йилларда бошига мусибат тушган ҳалол жентельменлардан биттаси бўламан. Энди гапнинг индаллосини айтсан, мабодо қизил мундирли жаноблар қўлига тушиб қолсан борми, аҳволим ёмон бўлади. Шундай қилиб, сэр, мен Фарангистонга йўл олган эдим. Мана шу жойларда фарангি кемаси соқчилик қиласи; улар мени кемага тортиб олишлари лозим эди, лекин туман ҳалақит берди – анча наридан ўтиб кетишидди; сизлар ҳам мени кўрмасдан ўтиб кетгандарингда айни муддао бўларди! Бир гапни айтиб қўймоқчиман: агар сизлар каминани ўзим айтган жойга элтиб ташласаларинг, муносиб тақдирлашга қурбим етади.

– Фарангистонгами? – деб сўради дарга. – Йўқ, сэр, бу иш қўлимдан келмайди. Агар сиз ҳозир келган жойингизда бўлган тақдирингизда бу ҳақда келишиб олиш мумкин эди.

---

<sup>9</sup> Якобинчилик – XVIII аср охирларида Францияда бошланган инқилобий-демократик ҳалқ ҳаракати.

<sup>10</sup> Протестантлик – Фарбий Европада XVII асрда христиан динидан ажralиб чиққан турли илоҳий мазҳабларнинг номи (*таржимон изоҳи*).

Бахтга қарши, дарға шу пайт бурчакка кўз ташладио мени кўриб қолди ва ошхонага зинғиллаб бориб, жентельменга овқат келтир, деб буюрди. Ишончингиз комил бўлсин, вақтимни зое кетказганим йўқ, аммо бошқармага қайтиб келган чоғимда меҳмон белидаги камарини ечиб, унинг қатидан икки ёки учта тилло тангани стол устига қоқиб туширган экан. Дарға эса гоҳ тилла тангаларга, гоҳ камарга, гоҳида нотаниш кимсанинг юзларига қаради; назаримда, у сезиларли дараҗада ҳаяжонланарди.

– Ярмини берсангиз, хизматингизга тайёрман! – деб қичқирди у.

– Нотаниш кимса тилла тангаларни камарга тиқди-да, уни нимчаси остидан белига боғлади.

– Хўқизнинг қулоғига танбур чертаётганим йўқ, сэр. Бунинг ичida мени бир чақа ҳам ҳаққим йўқ. Пуллар қабиламиз бошлиғига тегишли. – У ҳурмат маъносида таъзим бажо келтирди. – Мен бор-йўғи битта чопарман, холос. Улгуржи бойликни асраб қолиш учун жиндек чиқимдан қочилса, бемаънилик бўларди. Аммо ўз бошимни сақлаб қолиш учун хонумонимдан кечиб юборсам, ҳайвондан фарқим қолмайди. Агар мени қирғоқча чиқариб қўйсангиз – ўттиз танга, Лоҳ-Линнга элтиб қўйсангиз – олтмиш танга оласиз. Истасангиз – шу, истамасангиз – ўзингиз биласиз.

– Ана шунаقا, – деди Хозисон. – Мабодо сизни аскарлар қўлига топширсам нима бўлади?

– Чучварани хом санаяпсиз, – деб жавоб берди меҳмон. – Хабарингиз бўлса керак, қабиламиз бошлиғининг бор бисоти Шотландиядаги барча ҳалол инсонларнинг мол-мулки қаторида мусодара қилинган. Ерлари қирол Георг номли кишининг ихтиёрига ўтиб кетган, энди келгинди амал-

дорлар мўмай даромад олишмоқда; аниқроғи, даромад олишга тиришмоқдалар. Шотландиянинг ҳақ-ҳурмати, батрак-чоракорлар йўлбошчилари қувфинда бўлса-да, унинг юзига оёқ қўймаяптилар: бу пуллар ўша даромаднинг бир қисми, қирол Георг ҳам шунга кўзини олайтириб турибди. Сэр, назаримда, тушунадиган одамга ўхшайсиз; хўш, айтинг-чи, агар бу пуллар бир ямлаб-бир ютадиган ҳукуматнинг қўлига тушшиб қолса, сизга қанча улуш берилади?

– Албатта, унчалик кўп эмас, – деб жавоб қайтарди Хозисон ва бирпас жим тургач, қуруққина оҳангда қўшиб қўйди: – Пул борлигини билишса ҳисоб-да. Мен бўлсам, ишончингиз комил бўлсинки, агар ҳаракат қиласам тилимни тия оламан. Худди шу ўринда мен сизга панд бераман! – деб қичқириб юборди нотаниш кимса. – Ал қасосул миналҳақ! Агар қўлга тушсам борми, қанча пуллим борлиги ҳаммага ошкор бўлади.

– Хўп, кўриниб турибдики, иложи йўқ, – деди дарфа. – Хулласи калом, олтмиш танга. Қўл ташлайсизми?

– Қўл ташладик, – деди меҳмон.

Дарфа негадир шоشا-пиша ташқарига чиқиб кетди ва мен нотаниш киши билан бошқармада ёлғиз қолдим. У пайтларда қирқ бешинчи йил садолари ҳали тинмаган эди; жуда қўпчилик қочоқлар ҳаётларини хавф остида қолдириб бўлса ҳам ватанига қайтарди – дўстлар билан дийдор кўришмоқчи ёки оз-моз пул фамлаб олмоқчи бўлишарди; мол-мулки мусодара қилинган шотланд тоғликларининг йўлбошчилари ҳақида ҳар хил мишмишлар тарқалган эди; чорикорлар эса ўзлари емай-ичмай, топган-тутгандарини хорижга жўнатишарди, лекин аскарларнинг тумшуғи

остида қабилалар оралаб пул түплаш, усталик билан хайрия йиғиш ва шавкатли Буюк Британия флотининг кўзини шамғалат қилиб, маблагни Катта ерга юбориш хийла мушқул эди. Ўз-ўзидан равшанки, улар тўғрисида бирорлардан эшитган эдим, ҳозир эса гуноҳдари учун ўлим жазосига ҳукм этилиши мумкин бўлган инсонни ўз кўзим билан кўриб турардим: устига-устак, у фақат фалаёнда иштирок этиб ёки чегарадан яширинча пул олиб ўтиб қўя қолмасдан, айни чоқда фарангি қироли Людовик туғи остида хизмат қилмоқда эди. Булар ҳам камлик қилаётгандек, у қатига тилла танга тўлдирилган камарни белига боғлаб олганди. Дунёқарашиб қандай бўлишидан қатъи назар, бундай одам қизиқиш уйғотмаслиги мумкин эмасди.

– Демак, сиз якобинчисиз-а? – дедим унинг олдига овқат қўяр эканман.

– Ҳа, – деди у таомга қўл чўзаётиб. – Сен, найнов, бўй-бастингга қараганда, виг<sup>10</sup> бўлсанг керак, тўғрими?

– Яримта ўртамиёнаман, – деб жавоб бердим унинг ғазабини қўзратиб юборищдан хавотирланиб. Аслида, мистер Кемпбеллдан сабоқ олган ашаддий виг эдим.

– Бу дегани – бүм-бүм! – деб чўрт кесди у. – Бироқ, менимча, мистер Яримта-Ўртамиёна, шиша бўм-бўшга ўхшайди-ку! Ярамаслар-эй, олтмиш тангамни шилиб олишади-ю, яна-тағин бир қултум мусалласини қизғанишади-я!

– Мен ҳозир калитни олиб келаман, – дедим-да, палубага чиқдим.

Туман ҳали ҳам қалингина эди, лекин довул ти-нибди. Биз қаерга бориб қолганимизни ҳеч ким

<sup>10</sup> Биг ёки бўлмагур виглар – қирол Георг мухлисларининг масхараомуз лақаби (*муаллиф изоҳи*).

аниқ билмасди; шамол ҳам (ёки шамолнинг қолдифи – шабада) бизга ўнгай бўлмаган томондан эсарди, бундай пайтда кемамиз лангар ташлаб бир жойда туришга мажбур эди. Баъзи бир дengizchilar ҳамон кўпикли тўлқин бор-йўқлигини кузатиб туради, лекин дарға ва унинг ёрдамчилари юқори палуба саҳнида тўп бўлиб олишиб, ўзаро шивир-шивир қилишарди. Сабабини билмайман-у, аммо уларнинг нияти бузук эканини дарров кўнглим сезди ва писибгина яқинлашган пайтимда эшитган дастлабки сўзлар ҳам тахминим тўғрилигини тўла-тўкис тасдиқлади. Мистер Риак гўё теша тегмаган фикр топиб олгандек бундай деди:

– Агар уни алдаб-сулдаб бошқармадан чиқарсан-чи?

– Аксинча, ўша жойда турса бизга фойда бўлади, – деб эътиroz билдириди Хозисон. – Қиличи билан бемалол ҳаракат қила олмаслиги лозим.

– Гапингиз тўғри, – деди Риак. – Лекин уни осонликча қўлга тушириб бўлмайди-да.

– Сафсата! – деди Хозисон. – Уни гап билан чалғитиб турамизу сиз бир томонидан, мен бошқа томонидан – шартта қўлига ёпишамиз. Сэр, агар бунга муваффақ бўлолмасак, бошқа йўли ҳам бор: иккала эшикдан туйқус бостириб кирамиз-да, қиличини қинидан сугургунча қўлини қайириб, таппа оstimизга босиб оламиз.

Бу гапларни эшитганимдан сўнг вужудимни қўрқув, fazab чулғаб олди: тақдир тақозоси билан кемада тасодифан ҳамроҳ бўлиб қолганим муноғиқ, иккиюзламачи, қонхўр одамларни қўрарга қўзим йўқ эди. Дастлаб дарҳол жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлдим, аммо бирпасдан кейин қайсарлигим тутиб қолди.

– Дарға, анави жентельмен конъяк сўраяпти, шиша эса бўм-бўш, – дедим. – Сиз менга калитни берасизми?

Учаласи ҳам сесканиб кетишидиу мен томонга ўгирилиши,

– Воҳ, ана, қурол-яроқ олиб чиқиш учун қулай имконият туғилди! – деб қичқирди Риак. – Менга қара, Дэвид, сен тўппончалар қаердалигини биласанми? – деди у менга.

– Нега билмас экан, нега билмасин! – деб гапни Хозисон илиб кетди. – Дэвид билади, Дэвид зўр бола! Оғайничночи, Шотландия тоғларидан тушиб келган анави каллакесар кемамизни албатта бирорта фалокатга гирифтор қиласди; уни худо ярлақагур қирол Георгнинг қутурган фаними эканини айтиб ўтирумайман,

«Васият»га чиққанимдан бери атрофимда бунчалик гирдикапалак бўлишмаган эди: «Дэвиджон, Дэвидбой!» ва ҳоказо, асти қўяверасиз! Бироқ мен:

– Кўргилик экан-да, сэр, – деб қўя қолдим пинагимни бузмай.

Гап шундаки, қурол-яроқларимиз – пилта милифимиздан тортиб то охирги тўппончамизгача бошқармага яширилган, анави кимсанинг тумшуғи остида турибди, – деб давом этди дарға. – Пороҳ ҳам ўша ерда. Мабодо мен ёки менинг ёрдамчим бошқармага қурол олгани кирсак борми, унинг кўнглида шубҳа уйғониши мумкин. Дэвид, сенга ўҳшаган ёш бола бир жуфт тўппонча билан унча-мунча пороҳ олиб чиқса, ҳеч ким сезмайди. Эвини тополсанг, буни унутмайман, зарур пайтда сени қўллаб-қувватлайман, Каролинага борган чоғимиизда бирорвнинг ёрдамига муҳтоҷ бўлишинг тайин, албатта.

Шу пайт мистер Риак унинг қулогига бир ни-  
малар деб пицирлади.

– Мутлақо, тўғри, сэр, – деб жавоб берди дарга  
ва яна каминага мурожаат этди: – Бундан ташқа-  
ри, Дэвид, анави нусханинг бели тўла тилла: чин  
сўзим шуки, сени ҳам қуруқ қўймаймиз!

– Хоҳишингизни бажо келтираман, – дедим.  
Назаримда, товушимни ўзимдан бошқа одам  
эшитмади шекилли. Шундан сўнг дарга менга  
ичимлик сақланадиган сандиқ қалитини бердию  
аста-секин бошқармага йўл олдим. Нима қилмоқ  
керак? Улар итвачча, талончилар эди; мени ват-  
танимдан жудо қилдилар, шўрлик Рансомнинг  
бошини едилар: наҳотки, навбатдаги қотиллик-  
ка замин ҳозирласам? Айни пайтда қўрқув кўнг-  
лимга фулгула соларди, билардимки, агар улар-  
нинг айтганини қиласам борми, ҳолимга май-  
мунлар йигларди: битта ўсмир билан битта катта  
киши, ҳатто арслондек жасур бўлсалар ҳам бутун  
бошли кема денгизчиларига қарши нима қила  
оларди?

Бошқарма остонасига қадам қўйган пайтимда  
ҳам қатъий бир қарорга келмаган эдим, ўйлаб  
ўйимнинг охирига етолмасдим; якобинчи эса чироқ  
шуъласида ўтирганча апил-тапил овқатланарди:  
ажабки, бирпасда аниқ тўхтамга келдим. Бу ерда  
менинг хизматим йўқ: гўё бирор орқамдан итара-  
ётгандай беихтиёр стол ёнига яқинлашдим-да, яко-  
бинчининг елкасига қўлимни қўйдим ва:

– Қачон ўлишингизни кутиб ўтирибсизми? –  
деб сўрадим,

У сапчиб ўрнидан турдию савол назари билан  
менга тикилди.

– Ҳа, уларнинг ҳаммаси қотиллар! – деб қичқир-  
дим. – Кеманинг ичи одамхўрларга лиқ тўла! Улар

битта йигитчани асфаласофилинга жўнатиши, энди сизнинг навбатингиз.

– Ҳай-ҳай, – деди у. – Ҳозирча мен уларга таслим бўлганим йўқ, ахир. – У менга қизиқсиниб назар ташлади. – Мен томонда туриб уришасанми?

– Бўлмасам-чи! – дедим қуюнчаклик билан. – Мен талончи ҳам, қотил ҳам эмасман. Мен сиз томонда бўламан.

– Ундай бўса, айт-чи, исминг нима?

– Дэвид Бэлфур, – дедим ва бунчалик башанг кийинган одамга баландпарвоз унвон мойдай ёқса керак деган хаёлга бордиму умримда илк бора: – Шос қўргониданман, – деб илова қилдим.

У каминанинг сўзларига шубҳаланмади, албатта. Чунки тоғлиқ шотланд тагли-тугли заминдорларни қашшоқ аҳволда кўравериб дийдаси қотиб кетган эди; ўзининг ер-мулки бўлмаса-да, болалардек мактантчақдиги тутиб кетдими, бирдан қаддини ростладио:

– Мен эсам, Стюартлар авлодидан бўламан, – деди. – Исмим – Алан Брек. Каминага қиролнинг исми шарифини кўтариб юришнинг ўзиёқ кифоя, агар номим қўйруғига қишлоқ кўчаларида илаштириб олган ахлатни илова қилмаётган бўлсам, айбга буюрмайсан-да!

Гўё муҳим нарса ҳақида гап кетаётгандек пи-чинг қилдио «қалъа»ни кўздан кечира бошлади. Қуйруқдаги бошқарма кучли тўлқинлар зарбасига дош берадиган даражада мустаҳкам қурилган эди. Унда бешта тирқишу туйнук бўлса ҳам, бироқ фақат юқоридаги қопқоқдан ва бир жуфт эшикдан одам сифарди, холос. Боз устига, эшиклар жипсласиб ёпиларди: қалин, эмандан ясалган эшик қанотлари у ёқ-бу ёққа қараб ариқ-часимон из бўйлаб силжирди ва зарур пайтда

очиб ёки ёпиб қўйиш учун маҳсус илгак билан жиҳозланган эди. Ёпиқ турган эшикка илгак солдим-да, наригиси томон йўл олган чофимда Алан каминани тўхтатиб қолди.

– Дэвид... – деди у. – Негадир сенга қарашли ернинг номи эсимдан чиқиб кетяпти, шунинг учун ижозат берсангу сени шунчаки Дэвид деб чақира-версам... Хуллас, мудофаа режамиз зафар келтир-син десак, ўша эшикни очиқ қолдирган маъқул.

– Ёпиб қўйсак янада ишончли бўларди, – дедим.

– Э-э, йў-ўқ, Дэвид! Ахир менинг юзим битта, тушундингми?! Агар шу эшик очиқ бўлса, унга юзма-юз тураман: душманларимнинг асосий қисми ҳам кўз ўнгимда бўлади – бу ҳаммасидан-да қулай-ку!

У пештахтада турган ханжарларнинг биттасини менга олиб берди; милтиқ ва тўппончалардан ташқари Алан ҳам битта ханжарни танлаб олдию бош чайқаганча, умримда бунаقا расво қуролни кўрмаганман, деб қўйди. Кейин у мени стол ёнига ўтқазди-да, порох тўлдирилган мугуз ва ўқ тўла халтачани олдимга қўйди: бирпасда стол устини тўппончаларга тўлдириб ташлади-да, ҳаммасини бирма-бир ўқлагин, деди.

– Ижозат берсинлар, тақсир! Туғма дворян фужалоқ денгизчиларнинг коса-товоини ювиб, уларга ичкилик ташиб юрганидан кўра, мана шунаقا иш билан машғул бўлгани афзал. Кейин у эшик рўпарасига борди-да, қиличини қинидан суғуриб, bemalol қиличвозлик қилишга имкон бор-йўқлигини чамалаб кўрди.

– Фақат қиличининг уни билан ишлашга тўғри келар экан, – деди у бош чайқаб. – Мен эсам, аксига олгандек қулочкашлаб қиличвозлик қилиш-

нинг ҳавосини олганман. Афсуски, бу ерда бор ҳунаримни намойиш этолмас эканман. Ҳечқиси йўқ. Сен тўўппончаларни ўқлайвергину айни чоқда гапларимни ҳам эшишиб ўтиргин.

– Қулоғим сизда, – дедим. Юрагим ҳаприқмоқда эди, оғзим қуриб қолди, кўз олдим қоронfilaшди; бу ерга қанақа тўда бостириб киришинию устимизга ташланишини ўйласам, беихтиёр юрагим орқасига тортиб кетарди ва кема ташқарисидан эшитилаётган денгиз шовуллаши қулоғимдан нари кетмасди: чамамда, жонсиз жасадимни тонг отгунча денгизга улоқтириб юборишиша керак.

– Авваламбор, бизнинг душманимиз нечта? – деб сўради Алан.

Бармоқдаримни букиб санай бошладим, лекин хаёлларим паришон бўлганлиги туфайли тезда ҳисобдан адашиб кетдим ва қайтадан хомчўт қилиб кўрдим.

– Ўн бешта.

Алан ҳуштак чалиб юборди.

– Майли, нима ҳам қилардик, – деди у. – Энди гапимга қулоқ сол: менинг вазифам – шу ерда туриб эшикни ҳимоя қилишдир; сезяпманки, олишув ниҳоятда қизғин бўлади. Олишувда сен иштирок этишинг шарт эмас. Эҳтиёт бўлгин, бу томонга қаратиб ўқ узмагин – фақат мени қулатасан, холос. Сенга ўхшаган орқамдан отадиган битта иттифоқдош ортимда тургандан кўра, ўнта душманим рўпарамда тургани минг марта афзал.

Ростдан ҳам менинг қандай мерган эканимни худо билади, дедим.

– Мардонавор гап бўлди! – деди у тўлқинланиб.

– Ҳар қандай олижаноб дворян ҳам очиқчасига гапиришга журъят этавермайди.

– Сэр, орқанғиздаги әшикни нима қиласыз? – деб сүрадим. – Туйқус уни бузиб юборишса-чи?

– Буниси энди сенинг вазифанг бўлади, – деди у. – Тўппончаларни ўқлаб бўлган заҳотинг, тирқиши рўпарасидаги ҳув анави каравот устига чиқиб оласан. Мабодо бирон-бир киши әшикка қўйини теккизса – бас, отасан! Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳозир сендан қанақа аскар чиқишини кўрамиз. Хўш, яна нимани қўриқдашинг лозим?

– Қопқоқни, – деб жавоб бердим. – Бироқ мистер Стюарт ҳам унисини, ҳам бунисини қўриқлаш им учун менинг орқамда тағин бир жуфт кўзим бўлиши даркор; ахир қопқоққа қараб турган пайтим тирқишига орқа ўтириб тураман-да.

– Жуда тўғри, – деди Алан. – Хўш, қулоғинг борми?

– Ҳақ-рост! – деб қичқирдим. – Ойна чил-чил синса эшитилади-ку!

– Сенда соғ ақлнинг куртаклари кўриняпти, – деди Алан маъюс оҳангда.

## ЎНИНЧИ БОБ

### **БОШҚАРМА ҚАМАЛИ**

Айни замонда тинчлик фурсати поёнига етиб қолган эди. Палубада кутиб турган кишиларнинг сабр косаси тўлди: Алан ҳали гапларини тугат-масданоқ оstonада дарға пайдо бўлди.

– Тўхта! – деб қичқирди Алан, қиличини рақибининг кўксига йўналтириб.

Дарға жойида такқа тўхтади-ю, қиёфасида бирор ўзгариш сезилмади, айни чоқда ортига ҳам чекинмади.

– Қилич яланғочланибди-ку! – деди у. – Мехмондўстлик кираси шу экан-да!

– Сиз мени аниқ күряпсизми? – деди Алан. – Мен қироллар авлодидан бўламан, исми шарифим ҳам қиролларга хос. Гербимга эман тасвири туширилган. Қиличимни күряпсизми? Бу қилич шунчалар кўпчилик бўлмағур вигларнинг калласини узганки, марҳумларни санашга сизнинг оёқ-қўлингиздаги бармоқлар ҳам етмайди. Сэр, қаланги-қасанғиларни мададга чорланг-да, ҳужум қилинг! Олишув қанчалик эрта бошланса, ушбу пўлат таъмини шунчалик барвақт татиб кўрасиз!

Дарга Аланга ҳеч қандай жавоб бермади, мен томонга қаттолона нигоҳ ташлади.

– Дэвид, мен сенга ҳали кўрсатиб қўяман! – деди у.

Унинг товушини эшитдиму аъзойи баданимдан совуқ тер чиқиб кетди.

Бирпасдан сўнг у фойиб бўлди.

– Хўп, энди маҳкам бўл, довдирама: ҳозир муштлашамиз, – деди Алан.

Бирорта муртад юқори кўтарилиган қилич остидан ўтиб кетишга ҳаракат қилса йўлини тўсиш учун Алан чап қўлига ханжарини ушлаб олди. Мен бўлсам, бир қучоқ тўппончани кўтардиму каратов устига чиқдим ва нафасимни ичимга ютганимча дарчани очдим: шу ерда ташқарини кузатиб ўтиришим лозим эди. Палубанинг бир парчаси кўриниб турарди, биз учун шунинг ўзи кифоя эди. Денгиз тинчиди қолганди, шамол ҳамон ўша йўналиш бўйича эсмоқда – елканлар қилт этмасди, кемада мозор сукунати ҳукм сурарди, аммо қасам ичишим мумкинки, бўғиқ шовқин-сурон элас-элас қулоққа чалинарди. Бир оз вақт ўтгач, пўлат жаранг-журунги эшитилди, демак, рақибларга ханжар тақсимланарди; кимдир қуролини

палубага тушириб юборди шекилли, сўнгра яна ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди.

Билмадим, қўрқаётган эдимми-йўқми, ишқилиб, юрагим қафасдаги қушча мисоли типирчиларди, кўзларимни дам-бадам юпқа парда қоплаб оларди; мижжаларимни тез-тез уқалаб қўйсам-да, хоб яна босим келаверарди. Кўнглимда жимитдай ҳам умид учқуни йўқ эди, шу тобда ҳеч нимадан тап тортмасдим, бутун дунёдан нафратланардим ва ўз ҳаётимни баимкон қадар арзигулик ишга қурбон қилишни истардим, холос. Эсимда, калима қайтаришга уриниб кўрдим, лекин паришон хаёлларимни бари бир жамлай олмадим: диққат-эътиборим чалғиб кетаверарди. Ҳаммаси тезроқ бошланишини истардим; кейин нима бўлса бўлар!

Ниҳоят, биз кутган дамлар етиб келди-ю, бу мен учун бари бир кутилмаган ҳол бўлди: туйкус тапир-тупур қадам товушлари: бақир-чақирлар, Аланнинг жанговар даъвати эшитилди ва шу заҳоти зарба берилидио кимдир оғриққа чидамай инграб юборди. Ўгирилиб қарасам, остоноада Алан мистер Шуан билан қиличларини уриштириб туришарди.

– Ўша болани ана шу абллаҳ ўлдирган! – деб қичқирдим.

– Дарчадан кўзингни узма! – деб бақирди Алан ва унинг қиличи катта ёрдамчининг қорнига фирч этиб кириб кетганини кўз қирим билан илғаб қолдим.

Алан ўз вақтида огоҳдантирган экан, мундоқ қарасам, дарча ёнидан беш киши югуриб ўтиб кетди: улар елкан боғланадиган ёғочни қучоқлаб олишган эди, чамаси, эшикни пачоқламоқчи эдилар. Мен бир-икки марта милтиқ отиб кўрган

бўлсам-да, аммо тўппончани қўлимга ҳам олмаган эдим: устига-устак, одамга қарата ҳеч қачон ўқ узмагандим. Шунга қарамай, ҳозир ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ эди: ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётганди. Улар ёғочни сарсон қилишиб, эшикка уришмоқчи бўлган пайтда мен: «Мана, сизларга!» деб қичқирдиму тўдага қарата ўқ уздим. Ҳартугул, биттасига ўқ тегди шекилли, додлаган кўйи ортига чекинди, бошқалари эса каловланиб қолишиди. Эс-ҳушини ийифишириб олгунча осмонга қаратиб яна бир марта ўқ уздим: нишонга тегмаган учинчи ўқдан кейин тўда ёғочни ташладио жуфтакни ростлади.

Сўнгра теварак-атрофимга нигоҳ ташладим: ўқ узилгандан кейин бошқарма порох тутунига тўлиб кетган эди, қулоқларим эса битиб қолганди. Алан эса ҳамон ҳеч нарса бўлмагандай бепарво турарди: қиличи дастасигача қип-қизил қонга ботган эди: худди ғалаба нашидасини сурاء́тган жангчига ўҳшарди: ҳақиқатан ҳам, у енгилмас паҳдавонни эслатарди. Оёқлари остида Шуан эмаклаб турарди, оғзидан тинмасдан қон кетарди, ҳолсизланиб тобора ерга ёпишарди; кўз ўнгимда кимдир унинг оёқларидан ушлаб ташқарига судради ва бошқармадан олиб чиқиб кетди. Афтидан, бирпасдан сўнг жон таслим қилган бўлса керак.

– Мана, сизга виглардан биттаси! – деб қичқириди Алан ва менга ўгирилиб, қандай ютуқни қўлга киритганимни сўради.

– Биттасини қулатдим, ўлашимча, у дарға эди, – деб жавоб бердим.

– Мен иккитасини тинчитдим, – деди у. – Ҳа, кўп қон тўкилмабди, улар яна қайтиб келишади. Жой-жойимизга борайлик, Дэвид. Бу хамир учидан патир, холос.

Яна ўз постимни эгалладим ва дарчага қўз-қулоқ бўлиб турдим, боя отилган тўппончаларни қайта ўқладим.

Рақибларимиз палубада кенгаш бошлашди: тўлқинларнинг шовуллашига қарамай уларнинг баъзи бир гап-сўзларини эшитиб турардим – баланд товушда гаплашишарди-да.

– Манави Шуан биз бошлаган мусиқани расво қилди! – деб хитоб этди кимдир.

– Энди фойдаси йўқ, оғайни! – деб жавоб қайтарди бошқаси. – У ўз насибасини олди-ку.

Шундан сўнг, одатдагидек, тушуниб бўлмайдигак шивир-шивир бошланди. Энди кўпроқ бир киши гапирмоқда эди, гўё у галдаги вазифалар ҳақида кўрсатма берардию бошқалар худди буйруқ олган аскарлар каби қисқа-қисқа жавоб қайтишарди. Англадимки, улар янги ҳужумга тайёргарлик кўришарди. Аланга ўз фикримни баён этдим.

– Шундай бўлса, худога шукр! – деди у. – Агар биз уларнинг эс-хушини жойига келтириб қўймасак борми, иккаламизни ҳам тинчтишмайди. Фақат эсингда бўлсин: улар энди ҳазиллашиб ўтиришмайди.

Бу пайтда тўппончаларим жангу жадалга тайёр бўлган эди; биз энди тиқ этган товушни ҳам эътибордан четда қолдирмай пайт пойлашимиз лозим. Қизғин олишув пайтида қўрқув ҳақида ўйлашга фурсат тополмаган эдим, лекин ҳозир ҳам, ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолган чоқда ҳам хаёлимга ҳеч нарса келмасди. Ўткир тиф ва муздай пўлатни яққол тасаввур этардим: бошқарма сиртидан эҳтиёткорона қадам товушларинию кийим-кечак шитирлашини пайқаган пайтим амин бўлдимки, рақиблар қоронги тушганидан фой-

даланишиб, қулай жойларни эгаллаб олишмоқда эди. Ростини айтсам, додлаб юборишимиға озгина қолди. Кўнгилсиз ҳодисалар Алан турган томонда рўй бермоқда эди; энди жанг қилишимга ҳожат қолмаса керак, деб ўйлай бошладиму бирдан кимдир бошқарма томидан нақ бошим узра оси-либ тушса бўладими!

Боцманнинг ҳуштаги чуриллади (шартли имо-ишора нишонаси) ва тўдалашиб туришган ханжарли кишилар бирдан эшикка ўзларини урдилар; худди шу сонияда ёруғлик тушадиган қопқоқ ойналари чил-чил синдию сочилиб кетди ва туйнукдан битта денгизчи амал-тақал қилиб ўтди-да, полга сакради. Ҳали қаддини ростлашга ҳам улгурмасдан унинг орқасига тўппончамни тирадим: бирдан уни отиб ташлардим-у, лекин тирик вужудга қўлим теккан заҳоти бутун борлиғимни қаҳр-ғазаб чулғаб, тепкини босишга ҳолим қолмади. Айни пайтда қанот чиқариб учиб кетиш ҳам қўлимдан келмасди, албатта.

У полга сакраб тушган чоқда қўлидаги ханжар учиб кетиб эди, орқасига тўппонча қувури тираганини сезган маҳалда шартта ўтирилдию мени маҳкам ушлаб олди: болахонадор қилиб сўкина бошлади: шундагина мардлигим қўзиб кетди ёки қўрқув ўрнини шижоат эгалладию қулоқни қоматга келтирадиган даражада чинқирганимча унинг қорнига қарата ўқ уздим. Ваҳимали тарзда инградиу полга қулади. Шу пайт туйнукдан оёғини осилтириб турган иккинчи денгизчи пошнаси билан бошимнинг учига тепди: дарҳол бошқа тўппончани қўлимга олдиму унинг сонига қарата ўқ уздим. У тешикдан сирғалиб ўтдию пастда ётган шеригининг устига қоп мисоли дуп этиб тушди. Нишонга урмаслик мумкин эмасди,

лекин мүлжаллаб ўтиришга ҳам фурсат йўқ эди: тўппонча қувурини унга теккизиб туриб тепкини босдим, вассалом.

Жасадлардан кўзимни узмай яна қанча пайт тикилиб турардим билмадим-у, лекин Аланнинг қичқирганини эшитишим биланоқ дарров эс-ҳушшимни йиғиб олдим: чамамда, у мени ёрдамга чорларди.

У шу пайтга қадар эшикка қалқон бўлиб турарди, аммо Алан битта малъун билан олишаётган чоқда бошқаси қилич остидан эмаклаб ўтибди-да, орқасидан қучоқлаб олибди. Алан чап қўлидаги ханжари билан тинмасдан рақибининг қорнига зарба берарди-ю, бироқ у Аланни сира қўйиб юбормасди – худди канага ўхшаб ёпишиб олган эди. Бошқармага яна бир киши ёпирилиб кирди. Эшик ўрнида айқаш-уйқаш қиёфалардан иборат сунъий девор пайдо бўлди. Энди биз ас-фаласофилинга кетдик, деб ўйладим ва ханжаримни чангллаган кўйим ён томондан тўдага ташландим. Лекин ёрдам беришга шошилмасам ҳам бўларди: ниҳоят, Алан рақибини устидан улоқтириб юборди: орқасига тисарилиб туриб худди ярадор ҳўқиз мисоли бўкирганча душманлари устига ўзини отди. Улар икки томонга ажраб, тумтарақай қоча бошлашди: бечоралар бир-бирларига урилганча йиқилиб тушишарди. Аланнинг қиличи эса ҳавода ялт-юлт қилардию питракка ўхшаб қочоқ душманлар тўдасига санчиларди ва пўлатнинг ҳар бир чақнашига жавоб тарикасида ярадорларнингвой-войлаши эшитиларди. Ҳамон энди кунимиз битди, деб турардим ичимда. Лекин бирдан ҳужумчиларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолди: Алан уларни палуба бўйлаб қувлаб кетди – гўё бўри қўй-қўзиларни олдига солиб қувлаётганга ўхшарди.

Бирок у бошқармани тарк этгандан сүнг дарҳол изига қайтди, чунки эҳтиёкорлиги жасурлигидан қолишмасди: денгизчилар эса ҳамон бир-бирларини туртқилашганча, бақиришиб-чақиришиб қочиб боришарди, худди изларидан Алан югуриб бораётгандек туюларди шекилли. Улар шоша-пыша умумий хонага киришди-да, туйнук қопқоғи-ни ёпиб олишди.

Күйруқдаги бошқарма қассобхонага ўхшарди: ичкарида учга жасад ётарди, останада биттаси ўлим билан олишмоқда эди: мен билан Алан – фолиблар соғ-саломат эди.

Алан қучогини очган күйи яқинлашди.

– Кел, сени бир қулоқлаб олай! – деди у ва мени қучоқладио икки ёноғимдан чўлп-чўлп этказиб ўпид қўйди. – Дэвид, сенга худди укамдек меҳрим тушиб қолди. Ростини айт-чи, баҳодир жангчига ўхшайманми? – деди у тантанали оҳангда.

Сўнгра у тор-мор келтирилган душманларимиз томон ўгирилди-да, тўртталасини ҳам бирин-кетин судраб ташқарига чиқариб ташлади. Гоҳ қандайдир қўшиқни эслашга уринарди, аслида эса ўзи қўшиқ тўқимоқчи эди! У худди янги ўйинчоқقا кўзи тушган беш яшар бола сингари юzlари қизариб, кўзлари чақнаб кетди. Кейин стол устига ўтиридио қиличини дирижёр таёқчаси мисоли силкитганча кўнглидаги таронани излай бошлиди: дастлаб ўзига ишонқирамай куйлади, охири товушини вадаванг қўйганча шотланд кельтлари тилида ўзи тўқиган қўшиқни айтиб юборди.

Қўйида ўша қўшиқнинг мазмунини келтирмоқчиман, лекин уни назм билан ифода этолмайман, чунки мен шеър тўқишига уста эмасман: лекин инсон боласи тушунадиган тиlda баён этишга ҳаракат қиласман. У кейинчалик ҳам тез-тез хиргойи

қилиб турарди, ҳатто ўша қўшиқ машҳур бўлиб кетди: қисқаси, уни бир неча марта эшитишга мусассар бўлганман ва турлича талқин қилинганига ҳам ўзим гувоҳман.

*Бу қўшиқ Аланнинг қиличи ҳақда:  
Уни дегрез ўғли чархлаган.  
Гулхан ўз бағрида тоблаган,  
Энди Ален Брек илкида чақнамоқда ул.*

*Сон-саноқсиз эди ёвнинг кўзлари,  
Ҳар бир нигоҳ, наиза ёки жоҳ.  
Қулларнинг сон-саноқсиз  
қўллари талпинаверади,  
Қилич эса танҳо, тураверади.*

*Тогда ўйноқлади саргии бугулар,  
Улар ҳам сон-саноқсиз, тог эса танҳо.  
Саргии бугулар ҳам кетарлар абас,  
Тог эса қўр тўкиб тураверади.*

*Ҳей, ўткиркўз лочинлар,  
Арчагулли яшил қирлардан,  
Ороллардан учиб келингиз,  
Бу ерда ўлаксалар мунтазир сизга!*

Илк ғалабани қўлга киритган пайтимиз Алан томонидан яратилган (сўзини ҳам, куйини ҳам ўзи тўқиган) ушбу қўшиқда каминанинг хизматлари муносиб баҳолангандеб бўлмайди: ахир мен ҳам у билан елкама-елка туриб курашганман-ку! Ўша кураш пайти мистер Шуан ва яна беш дангизчи бандаликни бажо келтирди: баъзилари тил тортмай ўлди, бошқалари оғир ярадор бўлди, ўшалардан иккитаси – бошқармага туйнукдан

тушган кимсаларни ўз қўлларим билан нариги дунёга равона қилдим. Бундан ташқари, яна тўрт киши яраланган эди, энг камида ўшаларнинг биттасини камина сафдан чиқардим. Кўриниб турибдики, умуман айтганда, душманимизни тор-мор этишда муносиб ҳисса қўшганман ва Алан тўқиган қўшиқдан жой олишга ҳақим бор эди. Сир эмаски, шоирлар аввало шеърнинг қофияси хусусида қайғурадилар, лекин Алан ўзаро суҳбат чофида (қофиядор тарзда жумла тузмаса ҳам) доимо хизматларимни юксак баҳоларди.

Бироқ ўша пайтларда менга нисбатан қандайдир адолатсизлик қилинаётганини хаёлимга келтирмасдим. Тўғри, шотланд шевасида айтилган сўзларнинг маънносини тушунмасдим. Серташвиш дамлар, қизғин олишувлар натижасида бошимни қашлашга ҳам фурсатим етмасди: устига-устак, қўлим қонга ботганини эсласам беихтиёр вужудимни ваҳима босарди, ур-йиқитлар поёнига етганидан бениҳоя хурсанд эдим, тезда стулга ўзимни ташладим. Кўкрак қафасим тобора торайиб бораётгандек туюларди, ҳансираб-ҳансираб зўрга нафас олардим: ўз қўлим билан отиб ўлдирган анави икки кишини эсласам алоқ-чалоқ туш кўраётгандай сандирақлай бошлардим. Ўзимга нима бўлганини тўла-тўқис идрок этолмасдим: бирдан ёш бола мисоли ҳўнграб юбордим.

Алан елкамга қоқди-да, довюраксан, азамат йигитсан, сен озгина мизғиб олишинг лозим, деди.

– Биринчи бўлиб ўзим қоровуллик қиласман, – деди у. – Дэвид, бошидан охиригача менга панд бермадинг. Сени бутун бошли Эпин тоғларига ҳам алмаштирумайман. Э-э, Эпин нима бўлибди! Бредалбенга алмаштирумасман!

Полга жой солдим, у бўлса белига қиличини таққанча, қўлида тўппонча тутиб биринчи сменада қоровул турди: деворда осиглиқ вақт ўлчагич (дарғаники) бўйича уч соат постни тарк этмаслиги лозим эди. Кейин у мени уйғотди, мен ҳам уч соат туриб бердим: навбатчилигим поёнига етгунча осоиишта тонг отди; қиялама тўлқинлар кемани оҳиста тебратарди, дарға бошқармаси полига тўкилган қон ҳалқоби у ёқдан-бу ёққа бориб-келярди: томга тақир-туқур этиб ёмғир ёға бошлади. Навбатчиликда турган вақтимда ҳеч ким бош кўтартмади, рулнинг тарақ-туруқ этишидан сездимки, ҳатто штурвал ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Кейин маълум бўлишича, улар орасида ўлган ва ярадор бўлганлар анчагина экан, қолганлар эса очиқ-ойдин норозилик билдира бошлишибди ва дарға билан мистер Риак худди мен билан Алан каби навбатма-навбат посбонлик қилишибди (кема нохосдан қирғоққа чиқиб қолмаслигини исташарди). Шукрки, тун осоиишталик билан ўтди, ёмғир ёға бошлаган заҳоти шамол ҳам тинди. Кема атрофида чир айланган кўйи балиқчи қушларнинг янгроқ товушидан билдимики, тўлқин «Васият»ни Шотландия соҳилига ёки Гебрид оролларининг бирорта қирғоғи томонга суриб кетган эди. Ниҳоят, бошқарма туйнугидан бошимни чиқариб қарадим: бортнинг ўнг томонида Скай тогининг улкан қоялари салобат тўкиб турарди, янада нарида эса сирли Рам ороли ястаниб ётарди.

## ҮН БИРИНЧИ БОБ

### **ДАРГА ТАҚДИРГА ТАН БЕРДИ**

Эрталабки соат олтиларда биз Алан иккала-  
миз нонушта қылгани ўтиридик. Бошқарма поли-  
да ойна синиқлари сочилиб ётарди ва қон билан  
булғанған эди – даҳшатли манзара: унга күзим  
түшгән заҳоти ишташам бүғилиб, томоғимдан  
овқат ўтмай қолди. Лекин, умуман олганда, ахво-  
лимиз ёмон эмасди, балки алмат эди: дарга би-  
лан унинг ёрдамчиларини қаютасидан ҳайдаб  
чиқарғанимиздан сўнг кемадаги барча спиртли  
ичимликлар захираси (винолар ҳам, конъяклар  
ҳам), зиравор сепиб тайёrlанған сабзавот қоқи-  
ларию оппоқ ундан ҳозирланған қотган кулчалар  
каби лаззатли озиқ-овқатлар ихтиёrimизга ўтиб  
қолди. Шуларнинг ўзиёқ дилларимизни шод этар-  
ди. Ачинарлиси шунда эдики, Шотландиянинг  
иккита ютоққан ўғли (марҳум мистер Шуан бу  
ҳисобга кирмайди) ташқарида – барча ноз-неъ-  
матлардан бенасиб бўлиб ўтиришарди ва ўzlари  
жинидан ҳам баттар ёмон кўрадиган нарсани,  
яъни совуқ сувни ичишга мажбур эдилар.

– Ишонавер, тез орада улар тавбасига таяни-  
шади, – деди Алан. – Уришқоқ одамни инсофга  
келтириш мумкин, лекин ичкиликбоз одам икки  
дунёда ҳам инсофга келмайди – ичмаса турол-  
майди.

Биз жуда иноқ эдик. Алан ниҳоятда меҳрибон  
эди: у столда турган пичноқни олдию мундири-  
га қадалган кумуш тутмачадан биттасини кесиб  
берди.

– Булар отамдан – Дункан Стюартдан мерос, –  
деди у. – Энди ўшалардан бирини сенга бераман,

ўтган кунлардан эсдалик сифатида асраб қўйгин. Қаёққа боришингдан қатъи назар, ушбу тугмани кўрсатсанг бас, дарҳол атрофингда Алан Брекнинг дўстлари ҳозири нозир бўлишади.

Жиддий қиёфада сўзларди, беихтиёр уни Буюк Карл деб ўйлаш мумкин эди, гўё қўл остида сон-саноқсиз қўшин битта ишорасига маҳтал бўлиб туради: мен эсам, ростини айтсам, довюраклигига қойил қолардим-у, аммо шуҳратпастлигидан кулгим қистарди – аранг ўзимни тутиб қолардим, чунки «пик» этиб кулиб юборсам борми, худо кўрсатмасин-у, оламшумул жанжал бошланиши турган гап эди.

Овқатланиб бўлганимиздан кейин Алан дарғанинг сандигини титкилаб чўтка топди-да, мундирини эгнидан ечиб, синчиклаб кўздан кечирди ва эринмасдан доғларни тозалай бошлади. Менимча, бу фақат аёлларга хос фазилат эди. Тўғри, бошқа мундирни йўқ эди. Қолаверса, агар гаплари рост бўлса, бу мундир қиролга тегишли эди, демак, уни сидириб-сийпалаш ҳам улуғ мартаба ҳисобланарди. Шунинг учунмикан, кесиб олган тугмача ўрнидаги ҳар битта ипни диққат билан суфуриб олаётганига қўзим тушдию совфаси бебаҳо эканига имон келтирдим.

Мистер Риак палубада турганча бизни чақириб, ярашиш учун музокара бошлашни таклиф этган пайтда Алан ҳамон чўткани қўлдан қўймаган эди. Бошқарма томига чиқдим-да, туйнук ёнига ўтирган кўйим мардонавор қиёфада (ойна синиқларига қўзим тушиб, юрагим орқасига тортиб кетаётганига қарамасдан) унга тўппонча ўқталиб, берироқ келиб сўзлашни буюрдим. У бошқарма ёнига келди-да, арқонга суюнди: ияги том билан баробар эди, шу тарзда бир неча

дақиқа бир-биримизга лом-мим демай тикилиб турдик. Кўринишдан мистер Риак жанг майдонида унчалик жон койитмаганга ўхшарди, шунинг учун юзи салгина шилинибди, холос. Лекин тун бўйи дам ярадорлар тепасида, дам посбонликда тик тургани туфайли ниҳоятда афтодаҳол, ҳориб-толган кишидек кўринар эди.

– Хунук воқеа бўлди, – деб минғирлади бош чайқаганча.

– Уни биз бошлаганимиз йўқ, – деб жавоб бердим.

– Дарга сенинг дўстинг билан гаплашмоқчи экан. Дераза орқали бўлса ҳам майли.

– Балки яна хиёнат қилмоқчиdir, мен қаёқдан биламан?! – деб қичқирдим.

– Асло ундей эмас, Дэвид, – деди мистер Риак.

– Ростини айтсан, у истаган тақдирда ҳам биз бари бир одамларни ўз томонимизга оғдириб ололмаймиз.

– Шунақами ҳали! – дедим жўрттага.

– Сенга бундан бошқа гапларни ҳам айтаман, – деб давом этди у. – Гап фақат денгизчиларда эмас, гап ўзимда. Менинг бўларим бўлди, Дэвид.

– Мийигида кулиб қўйди. – Биз бир нарсани истаймиз, холос: у бизга тегмасин.

Шундан кейин Алан билан маслаҳатлашиб олдим ва музокара бошлашга рози бўлдик: иккала томон ҳам ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиши мажбуриятини ўз зиммасига олди. Бироқ мистер Риакнинг ваколати шу билангина чекланмади: ялиниб-ёлвориб бир қултум ичкилик беришимни сўрай бошлади, хира пашшадек финғирлайверди, раҳмимни келтирадиган тарзда илгари яхшилик қилганини бот-бот эслатди: охири тунука кружкани яримлатиб конъяқ қуйиб бердиму қутулдим.

У озгинасини ичди-да, қолган қисмини дарға билан тенг баҳам күриш учун олиб кетди.

Шартномага кўра, бирпастдан кейин бошқарма дарчаларининг биттаси остига дарға яқинлашди: у ёмғир остида турарди, қўлини боғлаб бўйнига осиб олган эди, қиёфаси тунд, ранг-рўйи оппоқ, қаримсиққа ўхшарди: уни ярадор қилганим учун ич-ичимдан афсусландим.

Алан дарғанинг манглайига тўппончасини тўғрилади.

– Бу зормандани нари олинг! – деди дарға. – Сэр, сўзимда тураман деб кафолат бердим-ку, ахир! Ёки мени калака қилмоқчимисиз?

– Дарға, бари бир гапингизнинг бурди бўлмайди, – деб жавоб берди Алан. – Кеча оқшом ҳам бозордаги чайқовчи хотинга ўхшаб роса қийшангладингиз, кўзларингизни суздингиз: гапингиздан тоғмасликка ваъда бердингиз, боз устига, ишончли бўлишимиз учун эркакчасига кўл ташлашдик. Кейин нима бўлганини эса ўзингиз биласиз. Сиз берган ваъдаларга лаънатлар бўлсин!

– Кўйинг-э, сэр, – деди дарға. – Сўкинишдан ҳеч қандай фойда чиқмайди. – Қойил қолиш лозим, дарғанинг ўзи шундай нуқсондан холи эди.

– Бошқа гапларимиз кўп. Сиз кемани кулфатга гирифтор этдингиз, – деди у алам билан. – Кемани қандай бошқаришни ҳам билмайман, одамлар етишмаяпти: менинг ўнг қўлим бўлиб қолган катта ёрдамчимнинг қорнига қиличингизни зўғотасигача ботириб олибсиз шекилли, шўрлик хайр-маъзурни ҳам насия қилиб нариги дунёга равона бўлди. Сэр, энди Глазго бандаргоҳига қайтишга мажбурман, бошқа иложим йўқ: янги денгизчилар ёллайман, кейин... агар ижозат этсангиз, сиз билан яхшироқ тил топишадиган кишилар ҳам топилади.

– Шунақами? – деди Алан. – Бахайр, худо ҳаққи, менинг ҳам уларга айтадиган гапларим күп! Ўша шаҳарда инглиз тилини тушунадиган ҳар қандай кишига қизиқ-қизиқ воқеаларни сўйлаб бераман. Бир томонда шаънини булғаган ўн бешта денгизчию иккинчи томонда – битта эркак билан фурӯсмири. Туф-э, шармандалик!

Хозисон қисқичбақага ўхшаб қип-қизариб кетди.

– Йўқ, – деб давом этди Алан. – Бунақаси кетмайди. Истайсизми-истамайсизми, шартномага биноан, мени қирғоқда қолдириб кетишингиз лозим.

– Тўғри, лекин менинг катта ёрдамчим ҳалок бўлди, – деди Хозисон. – Қандай ўлганини ўзингиз жуда яхши биласиз. Бундан ташқари, сэр, бирортамиз ҳам ўша қирғоқни билмаймиз, бу ерлар кема қатнови учун ниҳоятда хавфли.

– Сизни йўл танлаш имкониятидан маҳрум қилмайман, – деди Алан. – Мени Эпин соҳилига ташлаб кетишингиз мумкин. Ардгур, Морвен, Арисейг ёки Морар соҳилига, хуллас, Кембеллар ўлкасидан бошқа истаган жойингизда – ватаним сарҳадларидан ўттиз миль атрофидаги ҳар қандай соҳилда қолдириб кетсангиз ҳам розиман. Бу хийла катта нишон. Агар яна мўлжалга уролмасангиз борми, бир пулга қиммат, жангари денгизчи эканингизни намойиш қиласиз, холос. Агар билмоқчи бўлсангиз, биз томонларда ҳар қандай камбағал одам ҳам кечасию кундузи шалоқ қайиқ билан бир оролдан бошқасига бемалол сузиб ўтаверади.

– Сэр, қайиқ – кема эмас, – деб эътиroz билдириди дарфа. – У тўнкарилиб кетса ҳам сувга чўкмайди.

– Ундей бўлса, ижозат этинг, Глазгога кетдик!  
– деди Алан. – Жилла қурса, сизнинг устингиздан  
кулиб қайтамиз.

– Ҳозир менинг кўнглимга хушчақчақлик сиф-  
майди, – деди дарга. – Сэр, мушук бекорга офто-  
бга чиқмайди.

– Бахайр, сэр, – деди Алан. – Мен ҳўкизнинг  
қулоғига танбур чертишни ёмон кўраман. Агар  
соҳилга элтиб қўйсангиз – ўттиз танга, Лох-Линн-  
га олиб бориб қўйсангиз – олтмиш танга бераман.

– Аммо ўзингиз ўйлаб кўринг, сэр, бу ердан,  
биз ҳозир турган жойдан Арднамёрхангача бир  
неча соатлик масофа бор, холос, – деди Хозисон.  
– Олтмиш танга берсангиз сизни ўша ерга элтиб  
кўяман.

– Сизга қулай бўлсин деб этигимни тўзитаман-  
ми, ўз ҳаётимни хавф остида қолдириб, қизил  
мундирли тўнғизларга дуч келаманми-а?! – деб  
хитоб қилди Алан. – Йўқ, сэр, отмиш танга олиш-  
ни хоҳласангиз, марҳамат, аввало пешонангиз-  
дан тер чиқсин – мени она юртимга элтиб қўясиз.

– Сэр, шундай қилсам кемани хавф-хатар  
остида қолдирган бўламан, – деди дарга. – Айни  
чоқда ҳаётингиз таҳликада бўлади.

– Истамасангиз, кераги йўқ, – деди Алан.

Дарга қошларини чимирди.

– Ҳеч бўлмаса, бир нави йўл кўрсатиб борасизми?

– Ҳм-м, қўлимдан келармикан? – деб жавоб  
берди Алан. – Ўзингиз амин бўлдингизки, мен  
жангчиман, зинҳор-базинҳор денгизчи эмас-  
ман. Қолаверса, каминани тез-тез ўша соҳиллар-  
га элтиб қўйишарди, ўйлайманки, қандай қилиб  
қирғоқча боришни билсам керак.

Дарга яна қошларини чимирган кўйи бош чай-  
қади.

– Сэр, агар мен бу хосиятсиз сафар мобайнида чиқимдор бўлмаганимда борми, ўз кемамни хавф остида қолдиргандан кўра, танобингизни тортиб қўйишга жон-жон деб рози бўлардим, – деди у. – Майли, энди сиз айтганча бўлақолсин. Шамол йўналиши ўзгариши биланоқ йўлга тушман. Янглишмасам, шамол йўналиши ўзгаряпти. Лекин яна бир гапни айтиб қўйишим лозим: агар йўл-йўлакай қирол ихтиёридаги кемага дуч келиб қолсак, улар бизни исканжага олишади – мендан рухсат сўраб ўтиришмайди. Бу ерларда соҳил бўйлаб соқчи кемалар изгиб юришади. Улар кимнинг манфаатини ҳимоя қилиши ўзингизга маълум, албатта. Шундай қилиб, сэр, бирор кор-ҳол рўй берса, пулингизни менга қолдирсангиз дуруст бўларди.

– Дарга, агар сиз камбар байроқчани – таниқдик белгисини кўриб қолсангиз, зудлик билан жуфтакни ростлашингиз лозим, – деди Алан.

– Эшлишимга қараганда, палубада спиртли ичимлик танқис экан: хўш, икки пақир сувга бир шиша конъяк алмаштирсак қандай бўларкан-а? Хоҳлайсизми?

Шартноманинг охирги моддасини иккала томон ҳам сидқидилдан адo этди. Шундан кейин биз Алан билан бошқармани тартибга келтирдик: марҳумларни эслатиб турган изларни ювиб ташладик. Мистер Риак билан дарга эса кўнгиллари истаган тарзда, яъни бир шиша майни майдалаб ўтиришиб, роҳат-фароғат қилиш имкониятига сазовор бўлдилар.

## ЎН ИККИНЧИ БОБ

### МАЛЛА ТУЛКИ

Шимолий-шарқ томондан шамол кўтарилган пайтда биз ҳамон дарға бошқармасини тозалаш билан овора эдик. Шамол булатни ҳайдаб кетди, қуёш кўринди.

Кези келганда, бир оз нафасимни ростлаб олишм ва баъзи бир нарсаларга изоҳ бериб ўтишим лозим, айни пайтда ўқувчи лутф қилса, харитага кўз ташлаб қўйсам ҳам чакки бўлмасди. Денгизга қалин туман тушган ўша машъум куни биз Аланнинг қайифини сувга фарқ этиб юборган Кичик Минч бўғози узра сузиб бораардик. Қирғиндан сўнг, эрта тонгда Канн оролининг шарқий томонида, аниқроғи, Лонг-Айленд ороллари туркумига мансуб бўлмиш Эриске билан Канн ороли ўртасида – аросатда қолдик. У ердан тўппа-тўғри Лох-Линнга бориш учун Саундоф-Малл бўғозини кесиб ўтиш лозим эди. Лекин дарғанинг қўлида денгиз харитаси йўқ эди, шунинг учун у кемамиз билан ороллар орасида адашиб кетишдан қўрқарди: шамол йўналишимизга монанд томонга эсаётгани туфайли Тайри оролини фарбий соҳилидан айланиб ўтишни афзал деб билди ва улкан Малл оролининг жанубий қирғоқлари бўйлаб манзилга этиб олмоқчи бўлди.

Кун бўйи тинмасдан шамол эсди, йўналиши ҳам ўзгармади; кечга томон биз Гебрид ороли теварагидаги тўлқинлар диёрига этиб олдик. Ичкарида сочилиб ётган гуруҳ-туруҳ оролларни четлаб ўтишимиз, яъни жанубий-фарб томон бурилишимиз лозим эди: шунинг учун дастлаб кемамизнинг ён тарафига тўлқинлар шалоплаб тегардию

денгизчилар дам-бадам бериги бортдан нарига бортга бориб урилишарди. Оқшом чўккан паллада, Тайри оролининг этагидан айланиб ўтганимиздан сўнг, йўналишимизни шарқ томон ўзгартирдик ва тўлқин кемамиз орқасига келиб урила бошлади.

Дарвоқе, куннинг биринчи ярмида денгиз осоиишта бўлиб, сув бетида сузуб юриш жуда ёқимли эди: қуёш чараклаб нур сочарди, тева-рак-атрофимизни тоғли ороллар қуршаб олганди. Шамол кемамизнинг қўйруқ томонидан эсаётганини ҳисобга олиб, бошқарма эшикларини ланг очиб қўйдим ва Алан билан мен дарга фамлаб қўйган хушбўй тамакидан олдик-да, трубкага солиб чека бошладик. Худди шу пайт бир-биrimизга ўзимиз ҳақда гапириб бердик: сухбатимиз, айниқса, мен учун фойдали бўлди, чунки тез орада қадам қўйишими лозим бўлган тоғли Шотландиянинг ёввойи ўлкалари борасида баъзи бир қимматли маълумотларни билиб олдим. Ўша замонларда, буюк қўзғолон яқин ўтмиш бўлган ийлларда арча гуллар мамлакатига яширинча ташриф буюраётган одам у ерда ўзини нималар кутаётганини билиб қўйса зиён қиласди.

Биринчи бўлиб камина ўrnак кўрсатдим: бошимга тушган мусибатлар тўғрисида Аланга ҳикоя қилиб бердим. У гапларимни диққат-эътибор билан тинглади, олижаноб дўстим – руҳоний Кемпбелл номини тилга олган пайтим Алан ўзини идора қилолмай қолди ва қичқира бошлади: ўша номни эслатадиган одамларни кўргани кўзим йўқ, деди.

– Сизга нима бўлди? – дедим. – У киши ажойиб инсон, у билан қўл бериб сўрашишнинг ўзи фахрку!

– Ҳартугул, Кемпбеллга қўлимни узатмаган бўлардим, – деди Алан. – Фақат уни пешонасидан отишим мумкин. Менга қолса, уларни қабила-пабиласи билан қарчигайлар каби қириб ташлаган бўлардим. Жон бераётган бўлсам ҳам ўшаларнинг биттасини отиб ўлдириш учун деразамнинг остигача эмаклаб борардим.

– Раҳмингиз келсин, Алан! – деб қичқирдим. – Кемпбеллар сизга нима ёмонлик қилишди?

– Мана, эшит бўлмасам, ўзингга маълумки, мен эпинлик Стюартлар авлодидан бўламан, – деди. – Кемпбеллар эса азал-азалдан қавм-қариндошларимга ёмонлик қилишади, зарар етказишади: доимо макр-ҳийла ишлатишиб ерларимизни тортиб олишади: қурол кучи билан зўравонлик қилишса ҳам гўрга эди! – Охирги сўзларни товушининг борича бақириб айтди-да, столга зарб билан мушт туширди. Рости, бу ҳолга унчалик эътибор бермадим, чунки мағлубиятга учраган кишилар одатда ўзларини шунаقا тутишини билардим. – Бундан ташқари ҳам кўп ишлар бор, лекин ҳаммаси бир хил йўсинда амалга оширилади: ёлғон сўзлар, ёлғон қофозлар, товламачилик – чакана савдогарга хос хусусиятлар: ажабки, ишлар қонунийлик ниқоби остига олинади ва баттар газабни қўзғатади.

– Сизга ўхшаб тугмаларини сахийлик билан тарқатадиган киши амалий иш борасида бирор нарсанинг фарқига борармикан? – деб танбеҳ берди.

– Ҳм-м! – деди у ва яна лабларига табассум ёйилди. – Исрофгарчилик ҳам тугмаларнинг эгасидан мерос қолган: фариб отахонимнинг исми шарифи Дункан Стюарт эди: илойим мозорининг тупроги енгил бўлсин! Ўз қавм-қариндошлари орасида

энг зўр, Шотландиянинг илфор қиличбози эди: бу дегани «дунёдаги энг илфор» деган гап билан барабар! Ахир биламан-ку, у менга бекорга таълим бергани йўқ! Илк бора йўқдаган пайтларда Қора Постда турарди ва барча асилзода посбонлар каби доимо орқасидан қуролбардорини эргаштириб юрарди: қуролбардори эса жангу жадалга унинг пилтамилигини кўтариб киради. Афтидан, қирол ҳазратлари шотланд тогликлари қандай қиличбозликка тушишини томоша қилмоқчи бўлибди шекилли. Отам билан яна уч кишини танлаб олишибди ва маҳоратларини намоён этишлари учун Лондонга жўнатишибди. Улар саройда – қирол Георг, қиролича Каролина, жаллод герцог Кемберлендский ва бошқаларнинг кўз олдида (уларнинг ҳаммасини номма-ном эслолмайман) икки соат мобайнида қиличбозлик санъатининг барча нозик сирларини кўрсатишибди. Томоша ниҳоясига етгач, қирол нечоғли сурбет мустабид бўлишига қарамай, қиличбозларни олқишилабди ва ҳар бирига ўз қўли билан уч тангадан улашибди. Саройдан ташқарига чиқиш пайтида дарваза қоровулхонасидан ўтишлари лозим экан: ўша маҳалда отамнинг миясига ғалати фикр келиб қолибди – у шотланд заминдорларидан биринчи бўлиб шу дарвозадан ўтиптими, демак, камбағал дарвозабонга хайр-эҳсон бериб кетиши керак, токи у кимга қуллуқ қилганини бир умр эсидан чиқармай юрсин. Шундай қилиб, дарвазабон кафтига беписандлик билан қирол берган учта тилла тангани ташлаб ўтади: орқасидан келлаётган уч ҳамроҳи ҳам худди шундай қиладилар. Қанчалик тер тўккан бўлишларига қарамай, шип-шийдам бўлиб кўчага қадам қўядилар. Баъзи кишилар қирол дарвозабонига биринчи бўлиб

фалончи тангаларини берган, дейди: бошқа бирор эса пистончи берган, дейди, лекин ҳақиқатда бу ишни биринчи бўлиб Дункан Стюарт бошлаган – мен қилич ҳамда тўппонча ёрдамида гапимнинг чин эканини исботлашга тайёрман. Отам мана шунаقا зот эди: илойим, жойи жаннатда бўлсин!

– Ўйлайманки, ундан зот сизга мўл-кўл бойлик қолдирмаган бўлса керак, – дедим.

– Тўғри айтасан, – деди Алан. – У киши уят жоиймни яшириб юришим учун бир жуфт иштон қолдирган, холос. Бошқа ҳеч вақо йўқ. Шунинг учун ҳарбий хизматга ёлландим: ана шу нарса дориломон кунларда шаънимга доф бўлиб тушди, агар қизил мундирли тўнгизларнинг қўлига тушганимда борми, нақ онамни кўрсатишарди.

– Йўғ-э?! – деб хитоб қилдим. – Ахир сиз инглизлар қўшини сафида хизмат қилгансиз-ку!

Ҳамма гап шунда, – деди Алан. – Энди мен Престонпанс<sup>11</sup> остоналарида ҳақиқат учун курашаётган жангчилар томонига ўтиб кетдим деб, ўзимга таскин бераман, холос.

Бундай дунёқарашиб билан асло муроса қилолмасдим: жанг пайтида қочоқлик қилган одам ўз номига доф туширади. Ёш бўлишимга қарамай, бу ҳақда товушимни чиқармай лом-мим демаслигим лозим эканига ақдим етарди.

– Ҳа-а! – дедим. – Ахир бунинг учун қатл эта-дилар-ку!

– Ҳа, агар Алан уларнинг қўлига тушса борми, пачакилашиб ўтиришмайди – шартта дорга осадилар! Тўғри, чўнтағимда Фарангистон қироли имзо чеккан сипоҳи унвонининг ҳужжати бор: ҳартугул, арзимас бўлса-да, лекин ҳимоя воситаси ҳисобланади.

---

<sup>11</sup> 1745 йил 21 сентябрь куни Престонпанс остоналарида шотландлар инглиз қўшинини тор-мор келтирди.

– Унчалик ишонмайман, – дедим.  
– Менинг кўнглимда ҳам иштибоҳ йўқ эмас, –  
деди Алан қуруққина оҳангда.

– Ё худо! – деб юбордим беихтиёр. – Сиз ахир  
ашаддий галаёнчи, қочоқ, фаранги қиролининг  
малайи экансиз-ку, яна нимадан умидвор бўлиб  
Шотландияга боряпсиз? Тақдир билан ҳазиллаш-  
манг-да!

– Во-о! – деди Алан. – Мен қирқ олтинчи йилдан  
бери ҳар йили у ёқقا қайтиб бораман.

– Сизни нима мажбур қиласди?

– Биласанми, жудаям соғиниб кетаман, – деди  
у. – Дўстларимни, юртимни соғинаман. Таъриф  
йўқ, Фарангистон дилбар мамлакат, лекин арча-  
гуллар масканига, бугулар гўшасига боргим кела-  
веради. Йўл-йўлакай бекордан-бекор сангиб юр-  
майман, иш топилади. Ёш-ялангларни фаранги  
қироли хизматига ёллайман. Мажбурий хизмат-  
га, билдингми? Шундай йўсинда оз-моз пул топа-  
ман. Лекин бу ёқقا келишимнинг асосий сабаби  
шуки, йўлбошчим Ардшилнинг топширигини ба-  
жараман.

– Менимча, йўлбошчингизнинг исми Эпин  
бўлса керак, – дедим.

– Тўғри, лекин Ардшил – қабила йўлбошчиси,  
– деб изоҳ берди Алан, аммо гапига ишонқира-  
мадим. – Ўзинг танангга ўйлаб кўргин, Дэвид:  
насл-насаби тоза – қирол авлодидан, умр бўйи  
эгар устида юрган зот ҳозир қашшоқ аҳволда  
яшаяпти. Фарангилар шаҳрида мусофирикда  
умргузаронлик қиласди. Ўша одам, яъни бирин-  
чи даъватидан сўнг тўрт юзта жасур қиличбозни  
атрофида тўплай олган одам (ўз кўзим билан кўр-  
ганман!) энди бозордан мой харид қиласди ва ка-  
рам япрогига ўраб уйига кўтариб кетяпти. Бу ҳол

кишига фақат алам қилмайды, айни чоқда бутун қабилани иснодга қолдиради. Эпинга киндик қони түкілған болалари – сүнмас умидлари бор: улар мусофирликда илм олишлари қиличбозлик саңъатини эгаллашлари лозим. Шунақа. Эпинглик ижарадорлар қирол Георгга фойданинг маълум қисмини беришга мажбур бўляптилар, лекин уларнинг юраги бутун ўз йўлбошчиларига содиқ: шу тариқа – кучли муҳаббат туфайли ва сал-пал тазийқ қилинганд (баъзан дўқ-пўписа қилишга ҳам тўғри келади), бечора камбагаллар тирноқдаб йиққан-терганларининг бир бўлагини Ардшилга берадилар. Мен эсам, Дэвид, ўша улушни эгасига элтиб берадиган воситачиман, холос.

У белидаги камарига шаппатилаб қўйди: тилла тангалар жиринг-жиринг товуш чиқарди.

- Халқ икки ҳокимга солиқ тўляяптими? – деб сўрадим ҳайратланиб.
  - Шундай, Дэвид. Иккаласига ҳам тўляяпти.
  - Наҳотки? Ҳеч жаҳонда иккиёқлама солиқ ҳам бўладими?
  - Бўлар экан, Дэвид, – деб жавоб берди Алан.
- Анави дарғаваччага ёлғон гапирган эдим, лекин сенга ростини айтаман. Керакли улушимни осонгина ундириб олаётганимдан ўзим ҳам ҳайронман. Бу борада Генлар авлодидан бўлмиш Жеймснинг (бизнинг қариндошимиз, у раҳматли отамнинг дўсти эди), бошқача айтганда, Ардшилнинг туғишган укаси Жеймс Стюартнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидламоқ зарур, албатта. Барча ташкилий масалалар ўшанинг зиммасида, пулни ҳам унинг ўзи тўплайди.

Кейинчалик дорга осилгач, номи тилларда доистон бўлиб кетган Жеймс Стюарт ҳақида илк бор ўшанда эшитган эдим. Бироқ нотаниш киши но-

мига деярли эътибор бермагандим: камбағал тоғикларнинг тантилигига ич-ичимдан қойил қолиб ўтирадим.

– Олижанобликни қаранг-а! – деб хитоб қилдим. – Майли, мен виг ёки ўшанга ўхшаш тоифага мансуб бўлсам ҳам, комил ишонч билан айтамки, бу фирт олижаноблик!

– Тўгри, – деди Алан. – Сен вигсан, аммо жентельменсан, шунинг учун ҳамма нарсага ақдинг етади. Агар анави падар лаънати Кембеллар қабиласидан бўлганингда борми, бундай гапни эшигтан заҳотинг тишларингни гичирлатардинг, холос. Мабодо Малла Тулки... – Алан шу сўзларни айтдио тилини тишлади, тишларини қайради. Мен умримда кўп фазабнок қиёфаларни кўрганман, лекин уларнинг бирортаси ҳам Алан Малла Тулкини эслаган пайтидагидек заҳар сачратмасди.

Сал-пал ҳайиқдим-у, қизиқувчалигим бари бир устун келди.

– Малла Тулки ким ўзи? – деб сўрадим.

– Ким бўларди?! – деб қичқирди Алан. – Яхши, сенга айтаман. Куллонден остоналарида шотланд қабилаларининг жангчилари тор-мор келтирилди, ҳақиқат топталди, отлар эса шимолдаги асилизода зотлар – хотинлар ихтиёрига топширилди. Ардшил худди заҳарланган буғудек тоғларга қочиб чиқиб кетишга мажбур бўлди – хотини, бола-чақаси билан биргаликда қочди. Биз уларни кемага чиқариб олгунимизча она сутимиз оғзимизга келди. Йўлбошчимиз ўрмонда яшириниб юрган кезларда ярамас инглизлар уни ҳаётдан маҳрум этолмадилар, лекин азалий ҳуқуқларини поймол этдилар. Ундан ҳокимиятни, ер-мулкни ўттиз асрдан бери қурол-яроқ кўтариб юрадиган қабиладош оға-инилари қўлидан қиличини тор-

тиб олдилар, эгниларидағи кийим-бошларини йиртиб ташладилар: шундай қилиб, энди қалин жүн рўмол ўраб юриш ҳам жиноят ҳисобланади, шотландларга ўхшаб юбка кийиб юрганинг учунгина зинданга ташлашлари мумкин. Улар фақат бир нарсанинг уддасидан чиқолмадилар: қабила-ларнинг ўз йўлбошчилари га бўлган муҳаббатини отиб ўлдиролмадилар. Манави тангалаар – гувоҳдир. Энди саҳнада янги қиёфалар пайдо бўлади: Кемпбелл, Гленурдан чиққанmall Колин...

– Малла Тулки деганда сиз ўшани назарда тутяпсизми? – деб сўрадим.

– Эҳ, бирор киши ўша тулкининг думини кесиб келса борми! – деди Алан тишларини фижирлатиб.

– Ҳа, ўша аблაҳ! У ўйинга қўшилди, қирол Георг уни Эпиннинг бошқарувчиси лавозимига тайинлади. Дастлабки пайтлари ўзини хокисор кўрсатиб, Шеймус (яъни, йўлбошчимизнинг ваколатли вакили Жеймс Глен) билан оғиз-бурун ўпишиб юрди. Кейинчалик аста-секин боя айтган ҳодисани пайқаб қолади: эпинлик камбағаллар, оддий дехқонлар, ижарачилар, ёйандозлар дengиз ортида умргузаронлик қилаётган Ардшил ва унинг баҳтиқаро болаларига ўз насибаларининг маълум бўлагини жўнатаётганини билиб олади. Сен буни нима деб атадинг-а?

– Олижаноблик, дедим, Алан.

– Виглардан унчалик фарқ қилмайдиган сендей одам шундай деса-я! – деб хитоб этди Алан.

– Лекин бу гап Колин Рой қулоғига етиб боргач, томирларида гупураётган кемпбеллона ҳаром қон миясига тепади. У тўкин дастурхон теварагида ҳам тишларини қайраб ўтиради. Наҳот! Стюарт бир бурда нонни бемалол еб ўтиrsa-ю, ҳеч нарса қилолмаса?! Уҳ, сариқ иблис, ҳали қўлимга тушар-

сану ўшанда додингни худога айтасан! – Алан ҳовурини босмоқчи бўлиб, тилини тишлади.– Хўш, Дэвид, сенинг назарингда, кейин у нима қилди? Барча фермалар ижарага берилади, деди. Аслида эса, нияти қора: «Бирпасда янги ижарачилар топаман, улар савдо-сотиқ жабҳасида барча Стюартлару, Макколлару Макробларни ер тишлатади, дейди ўзича; Дэвид, уларнинг ҳаммаси қабиладошларимиздир. Кейин Ардшил истаса-истамаса Фарангистон қўчаларида гадой тўрvasини елкасига осиб юришга мажбур бўлади».

– Хўш, кейин-чи? – деб сўрадим.

Алан аллақачон ўчиб қолган трубкасини бир четга қўйди-да, кафтларини тиззаларига тиради.

– Кейинми? – деди у ўсмоқчилаб. – Умр бўйи бош қотирсанг ҳам кейин нима бўлганини тасаввур этолмайсан! Сўнгра иккиёқлама солиқ (бирини мажбурият бўйича қирол Георгга, иккинчисини одамгарчилик юзасидан Ардшилга) тўлайдиган Стюартлар, Макколар, Макроблар биргаликда Маллавойдан мисли қўрилмаган пора сўрадилар. Бундай маблағ бутун Шотландияни эгаллаб олган Кемпбелларнинг тушига ҳам кирмайди! У Клайднинг номини рўкач қилиб кирмаган эшиги, бош суқмаган тешиги қолмади, Эдинбурггача борди: ялинди-ёлворди, кўз ёш тўқди: Кемпбелл малла кўппаги Стюартни хомталаш қилишини истасангиз, марҳаматингизни дариг тутманг, ёрдам беринг!

– Алан, бу ҳайратомуз, ажойиб тарих экан, – дедим. – Эҳтимол, мен вигдирман, лекин ўша абраҳмининг яксон бўлганидан ниҳоятда хурсандман.

– Яксон бўлган? – деб сўзимни илиб олди Алан.

– Кимни айтаяпсан?! Кемпбелларни яхши билмас экансан, боз устига, Малла Тулки ҳақида та-

саввурга ҳам эга эмассан. Токи тоғ ёнбағирлари унинг қонига бўялмас экан, у яксон бўлмайди. Дўстим Дэвид, агар бир-икки кун бўш вақтим бўлганда борми, унга овчилик қанақа бўлишини кўрсатиб қўярдим: арчагуллар мамлакатида – Шотландияда у жон сақдайдиган бирорта кандик ҳам топилмай қоларди!

– Дўстим Алан, шунчалик дарғазаб бўлишдан нима фойда бор? – дедим. – Бу гаплар жўяли эмас, мўмин бандалар бундай қилмайдилар. Қуруқ гапларингиз сиз Тулки деб атаётган маҳлуқقا ҳеч қанақа зиён-заҳмат етказмайди, бекорга хуноб бўляпсиз. Воқеаларни бирма-бир сўзлаб беринг, вассалом. Кейин у нима қилди?

– Дэвид, ўз вақтида танбеҳ бердинг, – деди Алан. – Дарҳақиқат, ачинарлиси шундаки, унга гап билан зарар етказиб бўлмайди! Агар «мўмин бандалар» деган иборангни ҳисобга олмагандা (чунки «мўмин бандалар» деганда бутунлай бошқа нарсани тушунаман) барча гапларингга тўлаттўқис қўшиламан.

– Фикр-мулоҳазалар ўз йўлига, аммо бутпарастлар дини қасоскорликни тақиқлади – буни ҳамма билади.

– Ҳа-я, яққол кўриниб турибдики, Кемпбелл сени тамоман йўлдан оздириб ташлабди! – деди у. – Агар арчагуллар тўпи ортида қўлига қурол ушлаган бирорта азамат пойлаб ётмаса борми, Кемпбеллга ўхшаган исқиртлар бу дунёда ўзлари билган номаъқулчилигини қилишарди! Шундай бўлса-да, бу гапларнинг ишга алоқаси йўқ. Хулас, кейин у нима қилди?

– Балли! Шуни айтиб беринг! – дедим.

– Дэвид, сенга малол келмасин-у, лекин у энг жирканч йўллар билан бўлса ҳам содда одам-

лардан қутулмоқ ғамини еди. Фақат Ардшил оч қолса бас: асосий муддаоси шу эди. Мусофириңи моддий жиҳатдан таъминлаётган кишиларни пул билан енга олмадими, демак, ёлғон-яшириқ усуллар ёрдамида сиқиб сувини ичади. У қонун-шунослардан күмак сўрайди, қофоз-поғозларни тўғрилайди-да, қизил мундирлиларга одам жўнатади! Шундай қилиб, бечораларни киндик қони тўкилган, болалиги ўтган азиз гўшалардан қувиб чиқаради, бегона юртларга ҳайдаб юборади. Хўш, уларнинг ўрнини кимлар эгаллади? Чувринди гадойваччалар! Энди қирол Георг хайр-эҳсонни ҳаммомда олади! Энди бешала панжасини оғзиға тиқмай қўя қолсин: шундоқ ҳамmall Колиннинг ташвишлари бошидан ошиб-тошиб ётибди! Ардшилга зарап етказдими бас, энди унинг кўнгли тўқ! Худди ёш боланинг қўлидан қўғирчоғини тортиб олгандек, йўлбошчимнинг насибасини қийди: у то ўз уйига – Гленурга етгунча хурсандлигидан ўйинга тушиб кетади.

– Ижозат берсангизу бир оғиз гапирсам! – дедим. – Ишончингиз комил бўлсинки, агар солиқ камайтирилгани рост бўлса, демак, бу ҳукуматимиз марҳаматидан нишонадир. Кемпбелл айбдор эмас, унга шунаقا буйруқ берилган. Айтайлик, эртага Колинни гумдон қилдингиз, лекин бундан бирор фойда чиқармикан? Сиз ҳали бошингизни қашлашга улгурмай туриб, ўрнида янги ишбоши пайдо бўлади.

– Тўғри, – деди Алан. – Жанг чоғида сендан азатматроқ йигит бўлмайди, лекин бошқа пайлари турган-битганинг виг!

Дафъатан, у бегараз гапираётгандек туюларди, лекин беписанд гап оҳангидан қаҳр-ғазаб сезилиб турарди. Шунинг учун суҳбат мавзусини

ўзгартиришни лозим топдим. Мен ҳайратланаёт-  
ганимни яшириб ўтирмадим.

– Шимолий Шотландия худди қамал қилинган  
шаҳар мисоли аскарлару соқчиларга тўлиб ётган  
бўлса-да, ҳар йили бу ёққа бемалол келиб-кетаёт-  
ганингиз, қўлга тушириб олишмаётгани ниҳоят-  
да ажабланарли, – дедим.

– Бу ҳол сен ўйлаганчалик мураккаб эмас, – деб  
жавоб берди Алан. – Биласанми, ўз йўлингни яхши  
билсанг кифоя: тоғ ёнбағирлари яйдоқ – агар бир  
жойга соқчи қўйишса, бошқа жойдан чап бериб  
ўтиб кетаверасан. Қолаверса, арчазор – энг зўр  
мададкор. Ҳар томонда дўст-ёрларнинг уйлари,  
молхоналари, пичан фарамлари бор. Боз усти-  
га, «ҳамма ёқ аскарлару соқчиларга тўлиб ётиб-  
ди», деган гап сафсата, сўз ўйини, холос. Битта  
аскарвачча фақат ўз этигининг изини тўлдириб  
туради. Шундай пайтлар бўлганки, ҳатто нариги  
қирғоқда қоровуллар изгиб юришган чоғларда  
ҳам балиқ овлаганман: шунақаям катта гулмоҳи  
илинтирганманки, асти қўяверасан! Соқчидан  
беш-олти қадам наридаги арчазор тўпи остида  
ўтирадим, э-э, ўшанда ундан ниҳоятда таъсир-  
чан ҳуштак чалишни ўрганиб олганимчи! Мана  
бундай! – Алан қандайдир қўшиқ куйини ҳуштак-  
да чала бошлади. – Бундан ташқари, ҳозир қирқ  
олтинчи йилдагичалик қийинчилклар йўқ, – деб  
давом этди Алан. – Айтиш мумкинки, тоғларда  
тинчлик ҳукм сурмоқда. Бунинг ҳеч ажабланадиган  
жойи йўқ, чунки Киптайрдан то Рат бу-  
рунингача на бирорта пилтамилтиқ, на бирорта  
қилич топилади. Албатта, кимдир томга босилган  
похол остига қурол-пуролини яшириб қўйган бў-  
лиши мумкин. Дэвид, мен фақат бир нарсани би-  
лишни истардим: бундай ҳолат қачонгача давом

этаркан? Бир қараашда, бу узоқ давом этмайди: токи Ардшил каби инсонлар муҳожирликда азоб чекар экан, токи Малла Тулки сингари ярамас махлуқлар майпарастликка муккасидан кетиб, камбағалларни қон-қора қақшатар экан, охири халқнинг сабр косаси тўлади. Бироқ халқнинг сабр косаси қачон тўлажагини ҳеч ким аниқ айтиб беролмади. Йўқса, малла Колинни жафокаш Эпиним бўйлаб отда сайру саёҳат қилиб юрганини қандай изоҳлаш мумкин? Наҳотки, шартта пешонасидан отиб ташлайдиган битта довюрак чиқмаса?!

Алан сўзлашдан тўхтадиу теран ўйга толди ва лом-мим демасдан, қайгули қиёфада узоқ ўтириди.

Дўстим ҳақида айтилган барча гап-сўзларга қўшимча қилиб қуидагиларни илова қилмоқчиман: у хилма-хил мусиқа асбобларини, айниқса, сибиргани қойиллатиб чаларди: ўз она тилида ажойиб шеърлар ёзган машҳур шоир эди; фарангни ва инглиз тилларида яратилган кўплаб китобларни мутолаа қилганди: нишонга бехато урадиган мерган, устаси фаранг балиқ овчи эди: севимли қиличини жонидан ҳам азиз биладиган ажойиб қиличбозу рапирачи эди. Айни чоқда камчиликлари ҳам кафтдагидек яққол кўриниб турарди, уларни бирма-бир санаб беришим мумкин. Тўғри, дарфа бошқармасидаги олишувдан сўнг у (менга нисбатан) болаларча аразгўйлигинию жанжалкашлигини деярли йигиштириб қўйди. Фақат нима учун бундай ўзгариш рўй берганини аниқ айтольмайман: балки мен тубанлашмагандирман, эҳтимол довюраклигига гувоҳ бўлгандирман? Негаки, Алан Брек бошқаларнинг жасоратини қанчалик юксак қадрламасин, энг аввало, ўзининг – Алан Брекнинг жасоратига тан берарди.

## ҮН УЧИНЧИ БОБ

### КЕМА ҲАЛОКАТИ

Қуйруқдаги бошқарма эшигини кимдир тақиллатган ва бир оздан кейин ичкарига Хозисон мүралаган чоқда вақт алламаҳал бўлган эди (агар йилнинг ҳозирги мавсумини эътиборга олсак, ҳали қоронги тушмаганди).

– Эй, бу ёққа чиқинглар! – деди у. – Бир қараб кўринглар-чи, сизлар кемани ҳув аваби жойдан олиб ўтасизларми-йўқми?

– Яна кўзбойлоқчилик қилмоқчимисиз? – деб сўради Алан.

– Кўзбойлоқчиликка йўл бўлсин! – деб қичқирди дарға. – Шундоқ ҳам бош-кетимни йўқотиб қўйдим-ку, кема ҳалокат ёқасида турибди!

Унинг ташвишманд қиёфасию кема ҳақида жон куйдириб гапираётганидан амин бўлдикки, дарға бу гал мутлақо самимий эди: Алан икковимиз панд еб қолищдан чўчимай палубага чиқдик.

Суякни қақшатадиган изғирин эсарди, булатизиз осмон шафақдан тараалаётган заррин шуълага бурканган эди ва айни чоқда кўкда тўлин ой балқиб турагди. Изғирин кеманинг ён томонидан уриларди: чунки Малл ороли этакларини жанубий-фарб томондан айланиб ўтиш мўлжалланмоқда эди: орол-тоғ ва улуғвор чўққилари булат бағрига санчилиб турган Бен-Мор кема тумшуғининг чап тарафида ястаниб ётарди. Шамол «Васият» йўналишига нисбатан хийла ноқулай томондан эсаётган бўлса-да, кема фарбий тўлқинлар забти остида зир титраб, баъзан тумшуғи сувга ботиб-ботиб катта тезликда олга сузиб борарди.

Аслини олганда, бу оқшом денгиз сафари учун хавфли эмасди. Шунинг учун улкан пўртана кемани бирдан кўтариб юборган пайтда дарга қўли билан қаёққадир ишора қилганча ваҳимали тарзда қичқирганини эшитдиму бир оз ҳайрон бўлдим.

– Қаранглар-а! – деб хитоб қилди у.

Шамол ялаб-юлқаб ўтаётган борт олдида – ойдинда денгиздан фавворага ўхшаш бир нарса ҳавога кўтарилини бирдан узокдан бўғиқ шов-шув эшитилди.

– Сизнингча бу нима? – деб сўради дарга ҳасратли оҳангда.

– Тўлқинлар сув остидаги қояга бориб уриляпти, – деди Алан. – Энди хатарли жой қаерда эканини билиб олдингиз. Яна нимадан норози бўляпсиз?

– Билиб олдим, албатта, – деди Хозисон. – Афсуски, сув ости қояси ёлғиз бўлмайди-да...

Дарҳақиқат, у сўзларини яқунлашга улгурмасдан денгизнинг хиёл жанубий томонидан яна битта фаввора кўтарилиди.

– Кўрдингизми? – деди Хозисон. – Ана холо-ос! Агар қоялар мавжуд эканини билганимда, қўлимда денгиз харитаси бўлганида борми, ҳеч бўлмаса Шуан тирик қолганда эди, олтмиш танга учун, ҳатто олти юз танга эвазига ҳам кема билан бундай тошлоқда таваккалчилик қиласадим! Сэр, янгилиш масам, йўл кўрсатиб бориш кафолатини зиммангизга олган эдингиз, энди нима дейсиз?

– Менимча, булар Торрен қоялари деб аталади, – деди Алан.

– Ҳали кўпми?

– Сэр, сал инсоф қилинг ахир, мен лоцман эмасман, – деди Алан. – Назаримда, йигирма чақиримгача ҳала-дўнгалак бўлса керак.

Мистер Риак билан дарға бир-бirlарига қараб олишди.

– Лекин қаердадир бехавотир йүлак бордир ахир? – деб сүради дарға.

– Шубҳасиз, – деди Алан. – Бироқ қаерда ўша йүлак? Аниқ айтолмайман-у, қирғоққа яқын жойлар бехавотир бўлса керак.

– Шунақами? – деди Хозисон. – Ундан бўлса, мистер Риак, шамолга тескарироқ йўналишдан боришимиз лозим. Сэр, Маллни айланиб ўтаётган пайтимиз иложи борича қирғоққа яқинроқ юрилсин. Тўғри, қирғоқ бизни бари бир шамолдан тўсив туроди, шамолга беткай томон эса тошлоқдан иборат. Қолаверса, энди орқага чекиниб бўлмайди, аста-секин олға силжийверамиз.

У бошқарувчига буйруқ берди ва Риакни кема бурнидаги мачтанинг кузатиш супачасига жўнатди. Дарға билан ёрдамчисини қўшиб ҳисоблагандан палубада ишга яроқли (ишга жалб этилган) фақат бештагина экипаж аъзоси бор эди. Шунинг учун, юқорида таъкидлаганимдек, мачта устига чиқиб ўтириш вазифаси мистер Риак зиммасига тушди ва энди у кузатувчилик қиларди: дам-бадам олдинда нималарни кўраётгани ҳақида овозининг борича бақириб ахборот берарди.

– Жануб томонда қоялар тиқилиб ётибди, – деб огоҳлантирди ва бир оздан кейин: – Ҳақиқатан ҳам, қирғоққа яқын жойлар бехавотирга ўхшайди, – деди.

– Хўш, сэр, кўрсатмангиз бўйича ҳаракат қилишга уриниб кўрамиз, – деб Хозисон Аланга мурожаат этди. – Тасаввур қилишимча, кўр мусиқачига ҳам худди шу тарзда ишонч билдириш мумкин. Худоё худовандо ҳақ бўлиб чиқинг-да!

– Ѕ раббим! – деб қулогимга шивирлади Алан.  
– Шошма, шу гапни қаерда эшитган эдим-а? Э-э, майли, бари бир тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди.

Қирғоқча яқинлашиб борганимиз сари денгиз тубидан бўртиб чиққан қоялар ҳам кўпайиб кетди: улар йўлимиз устида тез-тез пайдо бўлиб қолардию мистер Риак, йўналишни ўзгартириш керак, деб қичқиради. Гоҳида ўз вақтида хавфдан хабардор бўлиб қолардик: масалан, битта қоя устига харита ёйиладиган тахтачага тегай-тегай деб ўтиб кетди: унга пўртана келиб урилган чоқда майда томчилар палубага ёмғир мисоли ёғилди ва биз бошдан-оёқ шалаббо бўлдик.

Ойдин кеча эди, барча хавф-хатар кафтдагидай яққол қўриниб турарди: шунинг учун кўз ўнгимизда рўй бераётган ҳодисалар янада ваҳималироқ туюларди. Мен дарғанинг қиёфасини аниқ-равshan қўриб турардим: у бошқарувчи ёнида дам чап оёғига, дам ўнг оёғига оғирлигини ташлаган кўйи гоҳ-гоҳ бармоқларига куҳ-куҳлар эди, лекин диққат-эътибори бир нуқтага жамланганди, денгиздан кўзларини узмасди, қоядек событ эди. Олишув пайтида на у, на мистер Риак жасорат кўрсатганди, аммо мен ишонч ҳосил қилдимки, жасорат бобида тенг келадиган инсон йўқ экан: бу ҳол уларнинг қадр-қимматини хийла кўтариб юборарди, албатта. Боз устига, Алан бўздай оқариб кетган эди,

– Оҳ-оҳ-оҳ, Дэвид, шу аҳволда ўлиб кетишни асло истамайман! – деб ғудраниб қўйди у.  
– Алан, сизга нима бўлди?! – деб хитоб қилдим.  
– Иштонингизни ҳўллаб қўйдингизми-а?  
– Йўғ-э, – деди у қуриб қолган лабларини ялаб. – Кўриб турибсан-ку, итдай ўлиб кетамиш шекилли...

Бу пайтда сув ости қояларига урилмаслик учун йұналишимизни тез-тез үзгартыриб, ҳамон шамолга ёндош ҳолатда ва қирғоқдан унчалик узоқлашмасдан Айон оролини айланиб ўтдик-да, Малл соҳили бўйлаб олға сузавердик. Бурун этакларига бориб урилаётган тўлқинлар ниҳоятда кучли эди: кемани худди пайраха мисоли у ёқдан-бу ёқقا итқитиб ташларди. Рулни иккита денгизчи бошқариб борарди, баъзан Хозисон ҳам ўз ихтиёри билан уларга ёрдамлашиб турарди, лекин учта ғўлабирдай эркак бутун оғирлигини дастак устига ташласа-да, у гўё тирик жонзот каби қаршилик кўрсатарди, рулчиларни орқага улоқтириб юборарди: фалати манзара! Бу ҳол шундоқ ҳам қалтис бўлиб турган вазиятни янада чигаллаштиради, албатта. Аммо баҳтимизга, мана, бир неча чақиримдан сўнг сув ости қоялари таъқибидан холос бўлдик. Кузатув мачтасида ўтирган мистер Риак бирдан, йўналишимиз топ-тоза, деб хабар берди.

– Сиз ҳақ бўлиб чиқдингиз, – деди Хозисон Аланга. – Сэр, ҳисоб-китоб қиласидиган пайт келган пайтда мен буни унумтайман: сиз кемани асраб қолдингиз.

Имоним комилки, бу сўзларни чин дилдан айтаеттган эди ва албатта, сўзининг устидан чиқарди: «Васият» дарға учун бениҳоя азиз эди. Бироқ булаар менинг шунчаки тахминим, холос. Чунки ҳаммаси у айтгандан бошқа томонга үзгариб кетди.

– Қаршимизда улкан қоя турибди! – деб қичқирди бирдан мистер Риак. – Шамол эсаётган тарафда сув ости қояси бор!

Шу тобда қирғоқça зарб билан урилган пўртана кема устига шалоп этиб тушди-ю елканлар пучайиб қолди. «Васият» бизбизакдай шамолга

юзма-юз турдию туйқус сув ости қоясига зарб билан урилди ва ҳаммамиз палубага устма-уст йиқилдик, мистер Риакнинг эса мачтадан учиб кетишига бир баҳя қолди.

Бирпасда ўрнимдан сапчиб турдим. Кемамиз тўқнашиб кетган сув ости қояси Малнинг жанубий-фарб этакларида бўлиб, бортнинг чап томонидан қорайиб кўриниб турган мўъжазгина Иррейд оролчасидан унчалик узоқ эмасди. Тўлқинлар гоҳ кемага уриларди, гоҳида эса бечорани қояга олиб бориб уради, биз қандай қилиб унинг абжаги чиқаётганини эшитиб турадик: бунинг устига, елканлар тинимсиз шалопларди, шамол чийилларди, ойдинда пўртана кўпикланиб ҳар ёнга сачрарди, хавф-хатарни ҳис этиб турадик – эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, бошим гиргир айланарди, ҳартугул, эс-ҳушим жойида эмасди, кўз ўнгимда рўй бераётган ҳодисаларни тузукроқ идрок этолмасдим.

Кўп ўтмай, мистер Риак билан денгизчилар қайиқ теварагида ўралашиб юришганини илғаб қолдиму ақл-ҳушим ўзимда бўлмаса-да, уларга ёрдам беришга шошилдим; ишга қўл урган чофимда бирдан миям тиниқлашди. Бизнинг вазифамиз хийла мушкул эди, чунки қайиқлар палубанинг ўрта қисм саҳнига маҳкамланганди ва ҳар хил лаш-лушлар билан боғлаб ташланганди: палубани эса оғатли пўртаналар тинимсиз чайқалтираридио ишимизни ташлаб тез-тез арқонларга ёпишиб олардик, лекин имкон туғилган заҳоти ўлиб-тирилиб фимирилай бошлар эдик.

Айни замонда кема тумшуғидаги туйнук қоп-қоғидан палубага чиқиб олган ярадорлар ҳам қўлларидан келганча кўмаклашмоқча киришдилар: каравотларда bemажол ётган ярадорлар бўл-

са: «Бизни қутқаринглар!» дейишиб ялиниб-ёлвардилару бундан кўнглим бузиларди.

Дарга бир четда серрайиб турарди. Назаримда, ақддан озиб қолганга ўхшарди. У мачталар боғланган йўғон арқонни ушлаб олган эди, ўзи билан гаплашарди, тўлқинлар кемани қояга элтиб урган пайтларда ҳар гал инграб юборарди. «Васият» унинг учун умр йўлдоши, ҳам фарзанд эди: Хозисон баҳтиқаро Рансомга ҳар куни азоб беришаётганини кўриб турса-да, пинак бузмасди, лекин кема бошига қулфат тушган пайтда кўриниб турардики, дарга суюмли фарзандининг азоб-уқубатларига тенг шерик бўлаётган эди.

Эсимда, биз қайиқлар билан овора бўлиб турган пайтимиз қирғоққа нигоҳ ташладиму Аландан бу ўлка ҳақида сўрадим. У, мен учун бундан ҳам баттарроқ жой бўлиши даргумон, чунки бу ерлар Кембелларга қарашли, деб жавоб берди. Ярадорлардан бирига тўлқинларга кўз-қулоқ бўлиб туриш ва агар бирор кор-ҳол рўй бериб қолса, зудлик билан хабар бериш вазифаси топширилди. Ниҳоят, биз қайиқни сувга туширишга ҳозирлик кўраётган чофимиизда бирдан унинг ваҳимали чинқириғи эшитилиб қолди: «Худо ҳақи, эҳтиёт бўлинглар!» Билдики, мана ҳозир қандайдир даҳшатли ҳодиса рўй беради ва охири ўйлаганим бўлди: баҳайбат пўртана бостириб келди-да, кемани пат мисоли кўтариб туриб отиб юборди. Ҳайронман, огоҳлантириш садосини кечроқ эшитиб қолган эканманми ёки арқонни маҳкамроқ ушламаганим учунми, ишқилиб, кема туйкус қийшайган маҳалда борт тўсифидан учиб кетдиму денгизга қулладим. Худди тошга ўхшаб сув остига чўка бошлидим: боз устига, анча-мунча сув ҳам ютиб юбордим, кейин сув сатҳига чиқдим ва

ойга кўзим тушдию яна бошим билан сувга ботиб кетдим. Айтишларича, учинчи марта ҳам сувга чўкиб кетсанг борми, кейин умуман ёруф дунёни кўрмайсан. Агар ўша гап рост бўлса, демак, мен бошқаларга ўхшамас эканман: чунки камина неча марта чўкиб, неча марта сув сатҳига сузиб чиққанимни ҳам билмайман – саноқда янгишиб кетдим. Бу вақт мобайнода ниҳоятда силлам қуриди, урилиб-сурилдим, нафасим бўғилди ва охири денгиз тубига гарқ бўла бошладим; шу қадар эсанкираб қолибманки, ҳатто қўрқув нима эканини ҳам унугиб юборибман!

Бир замон қарасам, қандайдир ёғоч бўлагига ёпишягману сув сатҳида туришим хийла енгиллашиб қолди. Кейин тўсатдан осойишта сувда пайдо бўлдим. Маълум бўлишича, захира лангарга ёпишиб турган эканман: мундоқ қарасам, кемадан ниҳоятда йироқлашиб кетибман. Ажабландим. Албатта, дарҳол бақира бошладим, аммо товушимни бирор эшлиши амримаҳол эди. «Васият» ҳамон сув юзасида турарди: қайиқни сувга туширган-туширмаганларини билолмадим: масофа узоқ эди, мен пастда эдим – кема устидаги важларни илғаб бўлмасди.

Кемадагиларни ёрдамга чақираётган пайтимда ўзим билан кема орасида улкан пўртаналар етиб келмайдиган йўлак борлигини илғаб олдим: ойдинда бу ерда оппоқ кўпик кўпириб, атрофга пуфакчалар сачраётгани ҳам яққол кўриниб турарди. Гоҳ сокин йўлак худди илоннинг думи сингари бир томонга буралар, гоҳида ҳеч қандай из қолдирмай тўғриланардию бирдан кўпиривб кетарди. Бу не сеҳр эканлигини сира ақдим бовар қилмасди ва бутун вужудимни беихтиёр қўрқув чулғаб оларди. Ҳозир аниқ биламанки, у

қирғоқ бўйидаги қучли оқим, «туйилган тўлқин» эди: у мени оқизиб кетарди, аёвсиз равишда ҳар томонга отиб юборарди ва ниҳоят, ўз эрмагидан зериқди шекилли, каминани ҳам захира лангар билан биргаликда қирғоқча итқитиб ташлади.

Бу ерда гир этган шабада йўқ бўлса-да, совуқда қотиб қолиш ҳеч гап эмасди. Иррейд соҳили қўл узатса етадиган жойда эди, ой ёруғида арчагуллар қорайиб кўринарди, қояларда эса ёнувчи тоғ жинслари чарақлаб нур таратарди.

«Нима бўпти? – дедим ўзимча. – Озгина қолди-ку, наҳотки сузиб боролмасам?»

Сузишни яхши билмасдим: Эссен-Уотер дарёси биз томонларга келган пайтда чумчуқнинг тўпифини ҳам қўмомласди. Лекин лангарни икки қўллаб ушлаганимча оёқларим билан сувни тепкилай бошлаган чофимда олға силжиётганимни сезиб қолдим. Бу ниҳоятда мушкул машғулот бўлиб, имиллаб олдинга қараб кетардим: шунга қарамай, бир соатча шалоп-шулуп қилганимдан сўнг икки бурун оралиғидаги хийла масофани ортда қолдирдим ва тепаликлар қуршовидаги қумлоқ кўрфазга кириб бордим. Кўрфаз жимжит эди, тўлқин шовулламасди; оппоқ ойдин кеча, умримда бунчалик ҳувиллаган, кимсасиз овлоқ жойни учратмаган эдим. Шунга қарамай, бу қуруқлик эди. Ниҳоят, соҳилга яқин масофа қолгач, лангарни қучогимдан бўшатиб юбордим ва қулочкашлаб сузиб кетдим: қирғоқча етган чофимда вужудимни кўпроқ чарчоқ олган эдими ёки мамнуниятми – буни аниқ айтольмайман. Ҳарҳолда, иккаласи ҳам шу тобда «мехмоним» эди: шу кечага қадар дунёда бунақа чарчоқ ҳам бор эканини билмасдим, айни чоқда яратган эгамдан бениҳоя мамнун эдим ва ундан мамнун бўлишимга етарли асосим ҳам бор эди.

## ҮН ТҮРТИНЧИ БОБ

### МҮЛЬЖАЗ ОРОЛ

Шундай қилиб, қирғоққа қадам қўйдим ва ўз саргузаштларимнинг энг аянчли саҳифасини очдим. Ярим кеча эди. Тоғлар соҳилни шамолдан тўсиб турган бўлса-да, аммо совуқ кишини қақшатиб юборарди. Ерга ўтиришга юрагим бетламади, музлаб қолишдан чўчишим: бунинг ўрнига оёқ кийимимни ечдим-да, ўлар ҳолатда ҳориб-толганимга қарамасдан, қумлоқда сарпойчан у ёқдан-бу ёққа юра бошлидим: сал-пал баданим қизирмикан деган умидда кўкракларимга шап-шап уриб қўярдим. Яқин атрофдан на одам боласининг товуши, на уй ҳайвонларининг бўкиргани эшитиларди: айнан тонг отаётган бўлса ҳам бирорта ҳўroz қичқирмади: узоқ-узоқларда тўлқинлар ҳамон қояларга зарб билан урилар эдию яна бошимдан кечирган хавф-хатарлар эсимга тушарди: денгиз соҳилида бемаҳал кезаётганим, бу жойлар инсон оёғи етмаган овлоқ эканини ўйласам юрагим орқасига тортиб кетарди.

Тоғлар орти бўзараётган паллада бошмоғимни кийдиму баландликка ўрлай бошлидим; умримда бу қадар машаққатли ғовни сира ҳам енгиб ўтмаган эдим; баъзан ортимга чекинардим-да, улан гранит палаҳсалар орасидан ўтиб кетардим ёки биридан наригисига сакрар эдим. Чўққига омон-эсон етиб борган пайтимда расмана тонг отди. Кеманинг изи ҳам кўринмасди, ҳойнаҳой, у қоя устидан сирғалиб тушиб, гарқ бўлиб кетган бўлса керак. Теварак-атрофда қайиқ ҳам йўқ эди. Денгизда кўзим етган сарҳадларда на елкан, на қуруқлик ва на бирорта тирик жону бошпана бор.

Ҳамроҳларим бошига тушган кулфат ҳақида ўйлашнинг ўзи даҳшатли эди, бўм-бўш бўшлиққа термилиб туриш янада даҳшатли туюларди. Қолаверса, ўзимнинг ғам-ташвишим ўзимга етиб ортарди: кийимларим жиққа ҳўл, ўлардек чарчаганман, қорним очганди, ичакларим сурнай чаларди. Жанубий соҳил бўйлаб шарқ томон йўл олдим: бирорта бошпанага дуч келишдан, уйга кириб исиниб олмоқдан умидвор эдим. Эҳтимол, баҳтсиз ҳодиса туфайли айрилган сафдошларим тўғрисида қандайдир хабар топарман. Ҳеч бўлмаса, тез орада қуёш чиқади, кийимларимни қуритиб оламан-ку, деб ўйлардим,

Бир оздан сўнг кичик қўлтиқчага дуч келдим, у торгина кўрфазга ҳам ўхшарди: қуруқликдан ниҳоятда чуқур кўринарди, ундан ўтиш учун тагимда қайигим бўлмагани туфайли ортга қайтиб, ҳавзани айланиб ўтишдан ўзга чoram қолмади. Ҳамон олға силжиш мashaққатли эди: аслини олганда, нафақат Иррейд, балки унга туташиб кетган Малл ороли бўлаги – Росс деб аталувчи орол ҳам бутунлай улкан гранит қояларидан иборат эди: қоялар оралиғида эса арчагуллар фуж-фуж бўлиб ўсиб ётарди. Ўйлаганимдек, дастлаб қўлтиқча торайиб борди, лекин бирмунча вақтдан кейин, ажабки, яна кенгая бошлади. Ташвишланиб, энсамни қашлаб қўйдим. Нега бундай бўлаётганига асло ақлим етмасди. Ниҳоят, йўлим тағин баландликка кўтарила бошлади бирдан кўзим ярқ этиб очилди: камина тентираб юрган ер мўжазгина ташландиқ орол бўлиб, ҳар томонидан денгизнинг шўр суви қуршаб олган эди.

Кўпдан буён қуёш чиқишини кутаётган бўлсам-да, лекин ҳадемай қалин туман тушди ва шивалаб ёмғир ёға бошлади: хуллас, аҳволимга маймунлар йифларди.

Ёмғир остида қалт-қалт титраб туравердим, нима қилишимни билмасдим. Охири құлтиқни кечиб ўтсам-чи, деган фикрга келдим. Яна судралиб изимга қайтдим ва құлтиқнинг тор жойидан сувга тушдим. Бирок қирғоқдан уч қадам-ча узоқлашган пайтимда бирдан ўмбалоқ ошиб кетдим: агар бир йўла нариги дунёга равона бўлмаган эсам, бу менинг оқиллигимдан нишона эмас, балки оллоҳнинг иноятидир. Яна баттарроқ шалаббо бўлдим десам, кулгили бўларди. Чунки уст-бошим шундоқ ҳам жиққа ҳўл эди: сувга йиқилиб тушганимдан кейин совуқ суюк-суюгимдан ўтиб кетди, умидим пучга чиқди, кайфиятим тушди. Шундан кейин бирдан ёғочни эслаб қолдим: унга осилиб балои қазодан қутулган эдим. Шундоқ бўлгач, торгина құлтиқчадан ҳам бемалол сузизб ўтсам керак, ахир. Шу мақсадда оролчанинг қоқ ўртасидан тепалик сари дадил йўл олдим: ўша ёғочни топиб, бу ёққа келтирмоқчи бўлдим. Йўл олис, мاشаққатли эди: агар умидим менга мададкор бўлмагандага борми, ҳолдан тойиб йиқилиб қолардим ва бемаъни саъй-ҳаракатлардан дарҳол воз кечардим. Денгизнинг шўр сувини ичганим учунми ёки иситмам кўтарилаётганиданми чанқоқ юрак-бағримни ўртаб юбордию йўл-йўлакай ботқоқлик ёқасида тўхтадим-да, лойқа сувдан ичиб олдим.

Ниҳоят, оёқларимни аранг судраб ўзим тарк этган кўрфазга етиб бордим ва бир қараашда-ёқ сездимки, лангар анча нарига оқиб кетибди. Учинчи марта сувга тушдим... Сув ости сип-силиқ қумлоқ текислик эди, ичкарига қараб қиялаб бораради: бўйнимга қадар сувга ботгунимча, майин тўлқинлар юзимга урилгунча олға юрдим. Оёғим сув тубига етмай қолгунча юриб бордиму

түхтадим, яна ичкарироқ боришига юрагим дов бермади. Лангар-ёғоч эса мендан йигирма қадамча нарида, сув юзасида тебраниб турарди. Оёқларим ердан узилгунча сабот-матонат вужудимни тарк этмаган эди, лекин охирги зарбага дош беролмадим – изимга қайтдим-да, құмлоқ соҳилга үзимни ташлаб, ҳұнграб юбордим.

Оролда үтказған вақтимни эсласам, ҳозир ҳам юрак-бағрим эзилиб кетади: шунинг учун воқеалар тафсилотига батағсил түхталиб ўтирумайман. Олди-қочди китобларни ўқисанғиз, кема ҳалокатига учраган одамларнинг чүнтаклари зарурий асбоб-анжомларга лиқ тұла бўлади ёки денгиз тўлқинлари ҳаёт учун биринчи навбатда керак бўладиган важлар солинган сандиқни «буюртма бўйича» қирғоққа чиқариб ташлайди. Лекин камина фойибдан келадиган хайр-эҳсондан баҳраманд бўлмадим – пешонамга ёзилгани бошқа экан-да. Чўнтағимда озгина пул билан Алан ҳадя этган кумуш тугма бор эди, холос. Қолаверса, денгизчи маҳоратидан ҳам бенасиб эдим, чунки болалигим денгиз соҳилида кечмаганди.

Тўғри, бир пайтлар денгиз моллюскаларини тановул қылса бўлади, деб эшитгандим: оролдаги сув ости қояларида мўл-кўл «озуқалар»ни қўлга киритдим, лекин тажрибасизлигим туфайли егулик қисмини ажратиб оолмай роса овора бўлдим. Билмасдимки, бу борада уддабуронлик талаб қилинарди. Оролда кичкина шиллиққұртлар яшар экан: Шотландияда уларни «тасқара» деб аташарди; инглизлар эса, менимча, «минорча» дейишади. Емишим ана шунаقا «озиқ-овқатлар»у «тасқаралар»дан иборат эди, уларни тириклайнин, муздай ҳолатда ютиб юборардим: ниҳоятда очлигим туфайли бундай «таомлар» дастлабки пайтлари мазали туюларди.

Эҳтимол, ҳозир уларни овлайдиган мавсум эмасди, балки камина қўноқ бўлган оролнинг сувида бирон-бир чатоқдик бор эди, чамамда. Ишқилиб, нима бўлганда ҳам, «тасқара»нинг дастлабки қисмини пок-покиза тушириб улгурмасимдан кўнглим айний бошлади: ичак-чавогим оғзимдан отилиб чиқиб кетай дерди. Шундан сўнг анча пайтгача қимирамай ётиб қолдим: на ўлик эканим, на тириклигим маълум эди. Ўша озуқани иккинчи марта (бошқа егулик йўқ эди-да) синовдан ўтказиш хийла муваффақиятли кечди ва дармонга кириб қолдим. Умуман, оролда яшаган пайтимда овқатланганимдан кейин нима бўлишини бари бир билолмасдим: бир гал ҳеч нарса бўлмасди, бошқа сафар эса ҳаммаси чаппасига кетарди, лекин қайси моллюска мижозимга ёқаётганини аниқлаб олишга сира ҳам ўрганолмадим.

Кун бўйи худди пақирлаб қуяётгандай шариллаб ёмғир ёғди, орол увада мисоли сувга бўкиб қолди: қуруқ жойни излаб топиш амримаҳол эди: кечаси бир-бирига тегиб турган иккита тош остида ухладим, оёқларим эса ботқоққа ботиб, ивиб кетган эди.

Эртаси куни оролни узунасига ҳам, кўндалангига ҳам кезиб чиқдим. Лекин бирор жойда, жилла қурса, ташландиқ бошпанага дуч келмадим: чор атроф қип-қизил тошлоқ эди, ҳаёт нишонаси йўқ, фақат мен овлай олмайдиган ёввойи паррандалару олисдаги қояларга ин қўйган балиқчи қушлар чарх уриб юрарди, холос. Шунга қарамай, кўрфазнинг шимолий қисмида, аниқроғи, Ирреидни Росс оролидан ажратиб турган бўғоздан кўрфазга ўтиладиган жойда (айни чоқда шу ердан Айон бўғозига ўтиларди) яшашга муносиброқ бошпана топдим: аслида, бундай яйдоқдик-

ни «бошпана» деб аташнинг ўзиёқ кишига алам қиласарди. Албатта, бу жойни бекорга танламаган эдим. Оролнинг шу қисмида кичкинагина кулба бор эди, каталакка ўхшарди: назаримда, оролга ташриф буюрган балиқчилар шу ерда тунаб қолишарди: илма-тешик томи аллақачон қулаб тушган эди, шунинг учун кулбанинг фойдаси тегмасди ҳисоб – ундан кўра, харсанг тош остида ётганим тузук эди. Аммо бошқа томондан қулайлиги бор эди: чиганоқлар бу ерда тўлиб-тошиб ётарди, тўлқин орқага қайтиши биланоқ ярим кунга етадиган озиқ-овқат «маҳсулотлари»ни тўплаб олардим. Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳол айни муддао эди. Лекин ҳақиқий сабаб жиддийроқ: оролда якка-ёлғиз эканимдан изтироб чекардим, бунга сира кўниколмасдим ва қочоққа ўхшаб чор тарафга термилавериб сира чарчамасдим: одамзот қорасини қўришдан умидвор эдим, ҳам қўрқардим. Хуллас, кўрфаз томондаги қоя устига чиқиlsa, олис-олислардан улуғвор кўжна ибодатхона ҳамда Айонидаги иморатларнинг томлари кўзга чалинарди. Нариги қанотда, Росс паст-текисликларида эса жарликдаги қандайдир қўрғондан эрталаб ва оқшом чоғлари кўкка тутун ўрларди. Аъзойи баданим музлаб, бошдан-оёқ ҳўл бўлиб, ёлғизликдан гангид қолган кезларим олисдаги тутундан кўз узмасдим: лов-лов гулхан ёнаётган ўчоқ атрофида дўстона суҳбат қуриб ўтирган одамларни эсласам, беихтиёр юрагим ҳаприқиб кетарди. Айондаги иморатлар томига орзиқиб термилардим. Инсон зоти истиқомат қилаётган бошпаналар қўриниши, ҳузур-ҳаловат нишонаси ўзимнинг бошимга тушган кулфатни янада тे-ранроқ англаб етишимга ундинса-да, лекин кўнглимдаги умид учқунларининг аланга олишига

ҳам ёрдам берарди: шиллиққуртларни иштаха билан ютардим-у, тезда меъдамга урагди: ўлик қоялару ёввойи қушлар, ёмфиру муздай денгиз қуршовида ғам-гуссага ботсам-да, ҳаётдан умидимни узмасдим.

«Умидимни узмасдим», дедим. Дарҳақиқат, ўз ватаним соҳилида, оддий кўзга ҳам ибодатхона қўнгироқлари ва инсон яшаётган уйдан таралайтган тутун кўриниб турган жойда итдай ўлиб кетишимни сира тасаввур этолмасдим. Иккинчи кун ўтиб борарди: қоронги тушганча яна-тағин сергаклик билан атрофга назар ташладим, лекин бўғозда на бирорта қайиқ, Росс оролида на бирорта йўловчи кўринди – менга ёрдам берадиган жонзот йўқ эди. Ҳамон ёмғир ёғарди. Сувга тушган сичқондай жиққа ҳўл аҳволда ўринга чўзилдим: томогум оғрий бошлади, бироқ яқин қўшниларимга – Айон ороли аҳолисига «хайрли кеч!» тилаш имкониятига эга бўлганимдан мамнун эдим, шу нарса менга таскин берарди.

Ажойиб кунларнинг бирида иккинчи Карл, дунёнинг бошқа жойларидан кўра Англия шароитида йилнинг кўпроқ қисмини очиқ ҳавода ўтказиш мумкин, деган эди. Агар қирол бўлсанг, саройда йўлингга интизор бўлиб туришса ва ҳар дамда эгнингга қуп-қуруқ уст-бош кийдириса, мулоҳаза юритишнинг ҳам гашти ўзгача бўлади. Кўриниб турибдики, бу лаънати оролда мен тортган азоб-уқубатлар олдида у Вустердан жуфтакни ростлаган пайтдаги кўргилик ҳолва экан! Айни ёз бўлишига қарамай, бир кечаю бир кундуз тинимиз ёмғир ёғди: фақат кечга томон ҳаво очилди.

Ўша кун таассуротларга бой бўлди. Эрталаб сарғиши тусли, шоҳдор эркак буғуни учратдим: у оролнинг энг баланд жойида, ёмғир остида ту-

парди, аста-секин қўналғамда қаддимни ростлашм билан буғу каминани кўриб қолди шекилли, оролнинг қарама-қарши томонига йўртиб кетди. У бўғоздан сузиб ўтган бўлса керак, деб ўйладим. Тирик жонзот нима учун Иррейдга келганини сира ҳам ақдим бовар қиласди.

Анчадан сўнг, тошдан-тошга сакраб юрган пайтимда (емиш қидирадим) нимадир жаранглаб кетдию чўчиб тушдим: қоя устига танга тушди-да, денгиз томонга юмалаб кетди. «Васият» денгизчилари пулларимни қайтариб беришган чоқда учдан бир қисмини ва отамдан мерос бўлиб қолган ҳамёнимни ҳам олиб қолишган эди: ўша кундан бери тилла тангларимни чўнтағимга солиб, тутгамни қадаб юрардим. Маълум бўлишича, чўнтағим йиртилиб кетибди: шоша-пиша чўнтағимга ёпишдим. Лекин кечиккан эдим! Күнисферри кечувини тарқ этаётганимда мен эллик фунт пули бор бойвачча эдим, ҳозир эса ёнимда бор-йўғи иккита тилла тангаю кумуш шиллинг қолган эди, холос.

Шундан сўнг янада маъюс бўлиб қолдим, аҳволим чатоқ эди. Уст-бошим, айниқса, пайпоқларим илма-тешик бўлиб кетган, баданим кўриниб туради: муттасил намгарчиликда юриб қўлларим шалвираб қолди, томогим сирқираф оғир, мадорим борган сари қуриб борарди. Мен тановул қилишга мажбур бўлганим жирканч нарсалар меъдамга шу дараражада урдики, уларга кўзим тушиши биланоқ кўнглим айний бошларди.

Бироқ энг ёмон кўргилик ҳали олдинда эди.

Иррейд оролнинг шимолий-тарб томонида хийла баланд қоя бор, ўшанинг устига тез-тез чиқиб турадим: чунки унинг тепасида теп-текис майдонча бўлиб, у ердан Саунд-оф-Мали кафт-

дагидай яққол кўринарди. Очифини айтсам, мен бир жойда узоқ ушланиб қолмасдим, фақат тунардиму яна орол бўйлаб тентирай бошлардим: ҳеч қаерда қўним топмасдим: ёмғирда бекордан-бекорга дайдиб юраверганим туфайли ўлар ҳолатга етардим. Хуллас, қуёш кўриниши биланоқ исиниб олиш учун ўша қоя устига чўзилдим. Куёш тафтининг бунчалик қадрдан эканини сўз билан таърифлаб бўлмаса керак! Жонимдан тўйиб турган пайтимда дилимда халос бўлишимга умид уйғонди ва яна денгиз билан Россия қизиқиб томоша қила бошладим. Мен ётган қоянинг жануб томонидан оролнинг бир қисми денгизга бўртиб кирган эди: уфқ тараф тўсилиб турарди ва ўша ёқдан кема ёнгинамдан ўтиб қолса уни пайқамаслигим ҳеч гап эмасди.

Туйқус, гойибдан тушгандек, оролнинг айнан ўша бурчагидан елкани таранг балиқчи қайиқ (унда иккита балиқчи бор эди) отилиб чиқдию зудлик билан Айон томон йўл олди. Мен кучимнинг борича қичқирдим ва тиз чўкканимча қўлларимни чўзиб, илтижо қилдим. Улар бундай яқин масофадан товушимни эшитмасликлари мумкин эмасди: ҳатто уларнинг соchlари қанақа рангда эканини ҳам аниқ ажратса олдим: шубҳасиз, мени кўришди, шунинг учун қулги аралаш, геллар тилида бир нималар деб бақиришди. Аммо ясси қайиқ йўналишини бир қарич ҳам ўзгартирмади ва шувиллаганча ёнимдан Айон томонга ўтиб кетди.

Ўз кўзларимга, одамларнинг бунчалар бағритошлигига ишонмасдим. Тошдан-тошга сакраб, қирғоқ бўйлаб югурдим, уларнинг орқасидан ялинчоқ оҳангда чинқиравердим: ҳатто товушимни эшитмайдиган масофага узоқлашган

пайтда ҳам қўлларимни силкитиб ёрдамга чақиравердим. Қайиқ қўзга кўринмай кетгандан кеийин мана энди, юрагим торс ёрилиб кетса керак, деб ўйладим. Сарсон-саргардон юрган кезларим фақат икки марта кўз ёшларимни тия олмаганман, холос. Биринчи марта – лангар-ёғочни бой берган пайтимда, иккинчи марта – мана ҳозир, балиқчилар мени зор-зор қақшатиб кетган дамларда беихтиёр ҳўнграб юбордим. Бу сафар шунчаки кўз ёш тўқмадим, балки саннаб-саннаб, сўкиниб йифлардим: худди инжиқ болаларга ўхшаб тирноқларим билан ерни юмдалардим, юзимни майсаларга буркаб олган эдим. Агар қотилликка майл билдирганимда ўша иккала балиқчи эрталабгача тирик қолмасди. Қолаверса, ўзим ҳам тез орада ана шу оролда жон таслим қилиб қўя қолардим.

Қаҳр-ғазабим сўнгач, қорнимнинг ғамини ейдиган пайт яқинлашиб қолганди, лекин иштаҳам фиппа бўғилган эди: охири бари бир очлик устунлик қилди. Ростини айтсам, оч қолсам яхши бўларди: чунки лаънати моллюскадан яна заҳарландим. Даствабки галдагидек азоб-уқубатни тағин бошимдан кечирдим: томогум лўқ-лўқ оғрир, зўрга ютинардим, баданим увишар, безгакдан тишларим такилларди: шотланд тилида ҳам, инглиз тилида ҳам аниқ номи бўлмаган – юракни хун қилиб юборадиган ғам-ғусса, сирқовланиш дарди бутун вужудимни чулғаб олди. Бу дунёдан қўлимни ювив, қўлтифимга урдим. Дорил баҳога равона бўлишимга ишончим комил эди: ўзимни яратганнинг ихтиёрига топшириб, хаёлан ҳамма билан ва ҳар бир киши билан хайр-хўшлашдим, ҳатто амакимдан, анави ёвуз ниятли балиқчилардан ҳам рози-ризолик сўрадим, хуллас, адойи та-

мом бўлдим деб ўйладим. Бироқ сира кутилмаганда кўзларим ярқ этиб очилиб кетди: ойдин кеча эртага чароғон кун бўлишидан дарак берарди, уст-бошим ҳам деярли қуриб қолганди, қисқаси, оролга қадам қўйганимдан бери бунчалик тўкис баҳтга мұяссар бўлмаган эдим. Ана шундай ширин хаёллар огушида уйқуга кетдим.

Эртаси куни (бемаъни ҳаётим бошлангандан кейинги тўртинчи кун) ниҳоятда bemажол эканимни ҳис этдим. Шукрки, тепамда қуёш нур сочар, ҳаво мусаффо ва топ-тоза эди: кўзларимни чирт юмиб ютиб юборган моллюскалар ҳам менга озор етказмади. Руҳим хийла тетиклашди.

Қоя устига қайтиб чиққан пайтим (одатда, овқатланиб бўлишим биланоқ дарҳол тепага кўтариладим) Саунд бўйлаб битта қайиқ сузиб келаётганини кўриб қолдим. Янглишмасам, у тўппа-тўғри мен томон келарди. Бирдан қалбими ни ҳам кўрқув, ҳам қандайдир умид чулғаб олди: эҳтимол, ўша кишилар ўзларининг тошбафирлиги учун афсусланиб ёрдам бергани келишашётгандир? Аммо худди кечагидек умидим пучга чиқса, бундай кулфатга дош беролмаслигим аниқ эди. Мен денгизга орқамни ўғирдим-да, ичимда уч юзгача санамагунимча ўша томонга қайрилиб ҳам қарамадим. Қайиқ ҳамон орол томон яқинлашиб келарди. Кейинги гал иложи борича имиллаб минггача санадим, юрагим эса қинидан чиқиб кетай дерди. Ҳа, ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмади! Қайиқ тўппа-тўғри Иррейд сари йўл олган эди! Ўзимни ортиқ тутиб туролмадим: соҳилга югуриб тушдим-да, сувдан чиқиб турган қоялардан-қояларга сакраб, охирги тош-супага бориб турдим. Мўъжиза туфайли сувга қулаб тушмадим, гарқ бўлиб кетишими ҳам ҳеч гап эмасди:

түхтаган чөгимда тиззаларим қалтирар, оғзим қуриб қолган эди, денгизнинг шўр суви билан оғзимни чайиб олишга мажбур бўлдим, акс ҳолда, товушим чиқмасди.

Бу вақтда қайиқ анча яқинлашиб қолган эди: у кечаги қайиқ бўлиб, ичида ўша кишилар ўтиришарди. Уларни соchlаридан танидим: бирининг сочи сарғиш-малла, бошқасиники қатрондек қоп-қора эди. Энди қайиқда учинчи одам ҳам бор эди: афтидан, у муҳтарам зотга ўхшарди.

Мен билан бемалол гаплашадиган масофага яқинлашгач, елканни йигиштириб олдилар-да, қайиқни ўз ҳолига қўйдилар. Ялиниб-ёлворишимга қарамай, берироқ келишмади. Энг даҳшатлиси шундаки, учинчи одам менга бошдан оёқ разм солиб, шерикларига бир нималар дедиу қорнини чанглаб хаҳолай бошлади. Кейин қайиқ устида қаддини фоз тутиб узундан-узун нутқ сўзлади: сўзларни нўхатдек сочиб ташлади, қўлини арра-арра қилди. Унга, гэллар тилини тушунмайман, дедиму балога қолдим: жаҳди чиқиб кетди. Чамамда, у инглизча гапирияпман деб ўйларди. Сўзларига диққат билан қулоқ солдиму бир неча марта «нама» деганини илғаб олдим. Ҳамма сўзлар гэлча эди: менга қолса, бу тил хитойчадан деярли фарқ қиласди.

– Нима, – деб такрорладим, ҳеч бўлмаса битта сўзни тушунганимни англатиш мақсадида.

– Ҳа-ҳа, – деб илиб кетди у. – Ҳа-ҳа. – Шерикларига гердайиб назар ташлади, гўё: «Кўрдила-рингми, мен инглизча биламан демаганмидим!» деб мақтанмоқчи бўларди. Сўнгра гэллар тилида янада тумтароқ оҳангда бидирлай бошлади.

Кейинги гал ҳам битта сўзни илғаб қолдим: «қайтиш». Шу тобда тўсатдан миямга бир фикр

келди. Унинг нима учун боядан бери Росс томонга имо-ишора қилаётганини энди тушуниб етгандим. – Сиз, тұлқин қачон қайтади демоқчимисиз? – дедиму яна нафасимни ичимга ютдим.

– Ҳа-ҳа, – деди у. – Тұлқиннинг қайтиши.

Унинг гап-сүзларига қулоқ солмай қўйдим: маслаҳатга муҳтож зот пиқир-пиқир кула бошлади, сўнг хахолаб юборди. Камина эса тошдан-тошга сакраб, боя келган йўлимдан изимга қайтдим: соҳилга чиқиб олганимдан сўнг оролни ўрталаб тирақайлаб қочдим – умримда бу қадар тез югурмаган бўлсан керак. Тахминан яrim соатлардан сўнг қўлтиқчага етиб бориб қарасам унинг ўрнида кичкинагина ариқча пайдо бўлибди. Мен шимимни тиззамгача қайтариб нариги қирғоққа ўтиб олдим ва Росс ороли бўйлаб голибона югуриб кетдим.

Соҳидда яшайдиган бола Иррейд оролида бир кун ҳам қолмайди, чунки у бор-йўғи «сувнинг пасайиши натижасида ҳосил бўладиган дўнглик» эди, бундан ташқари, ҳар ойнинг жуфт кунларининг биринчи чорагида сайр этиш учун Росс оролидан қуруқлик орқали ёки кечувдан ўтиш мумкин, вассалом. Кўрфазда ўтириб тұлқиннинг келишини ва қайтишини кузатганимда, ҳатто тұлқиннинг қайтишини пойлаб ётган чоғларим (чиғаноқларни йиғишириб олиш учун қулай фурсат келишини кутардим-да), ўзим ҳам Иррейд ороли сирини билиб олардим ва озодликка чиқардим. Афсуски, аччик тақдиримдан нолиб ўтираверибман, калламни ишлатиш ҳақида ўйлаб кўрмабман. Шунинг учун балиқчилар дафъатан гап нимада эканини тушунишмади. Янада ҳайратланарлы жойи шундаки, улар охир-оқибатда мени аҳмоққа ўхшаб ўзимни ўзим адаштириб ўтирга-

нимни англаб етишибди ва эринмасдан изларига қайтиб келишибди. Бу оролда деярли юз соат очнаҳор яшадим, совқотдим. Агар балиқчилар бўлмаганда суюкларим ўша ерда чириб кетиши мумкин эди ва бунга фақат ўзимнинг калтабинлигим сабаб бўларди. Шундоқ ҳам бемаънилик қилганим қимматга тушди: ўтган кунлар мобайнинда тортган азобларимни-ку қўя турайлик, ҳозирги ҳолатим ҳам аянчли эди: уст-бошларимга қараб мени гадой-падой деб ўйлаш мумкин эди, оёқларимни аранг судрардим, томогум сирқ-сирқ оғрирди.

Дунёда аглаҳларни ҳам кўрдим, аҳмоқларни ҳам учратдим: бу икки тоифага мансуб кимсалар бижиб ётибди. Ўлайманки, қачон бўлмасин ҳар қайси одам ўз қилимишига яраша жазосини тортади: ҳарҳолда, аҳмоқлар сал илгарироқ ўз «улушлари»ни олсалар керак.

## ЎН БЕШИНЧИ БОБ

### **«КУМУШ ТУГМАЧАЛИ ЎСМИР» МАЛЛ ОРОЛИДА**

Росс оролида, бошқача қилиб айтганда, Малл оролининг ўзим қадам қўйган қисмида ҳам нариги томондагидек йўлсизликка дуч келдим: чор атроф ботқоқлик, бутазору харсанг тошлардан иборат. Эҳтимол, бу жойларни яхши биладиган одам ўзига йўл топар-у, лекин менинг билиш қобилиятимдан бошқа йўл бошловчим ҳам, Бен-Мор чўққиларидан бошқа ишорат қозигим ҳам йўқ эди.

Оролда турган чоғимда тез-тез орзиқиб термилаб қўядиган тутун буруқсиётган томон боришга ҳаракат қилдим ва нечоғли ҳориб-толганимга,

йўлсизлик азобларига қарамай, кечки соат олтиларда жарлик тубидаги уйни топиб бордим. Уй пастқамгина бўлса-да, аммо узун эди: деворлари тошдан тикланган, томига чим босилганди: ташқарида, офтобшувоқда битта мўйсафид та-маки чекиб ўтиради.

У инглиз тилини бузиб гапиради: тушунтири-шича, ҳалокатга учраган йўлдошларим омон-эсон соҳилга чиқиб олишибди-да, мана шу бошпанада бир кун меҳмон бўлишибди.

– Улар орасида башанг кийинган битта жаноб ҳам бормиди? – деб сўрадим.

Мўйсафид, уларнинг ҳаммаси дағал плаш кий-ган эди, лекин биринчи бўлиб келган киши хий-ла орастга кўринарди, найчасимон шими бор эди, бошқалар эса денгизчилар иштонида эдилар, деб жавоб берди.

– Ҳа, ҳа, албатта, шляпасига пат қадалган бўлса керак-а? – дедим.

– Йўғ-э, – деб эътиroz билдириди мўйсафид, – йўловчи худди сен каби ялангбош эди.

Дастлаб, Алан шляпасини йўқотиб қўйганми-кан, деб ўйладим: кейин ёғингарчилик эсимга тушдию у қимматли бош кийимини авайлаб, қўлтиғига тиқиб олган бўлиши ҳам мумкин деган қа-рорга келдим. Беихтиёр кулгим қистади: демак, дўстим соғ-саломат экан, демак у ҳамон ўзига бино қўйишини канда қилмабди.

Шу пайт сухбатдошим кутилмаганда пешона-сига шапатилади-да, э-э, жин урсин, сен анави, ҳалиги кумуш тугмачали ўсмир бўлсанг керак-а, деб сўради.

– Ҳа, нимайди? – дедим пинак бузмай.

– Ҳеч нима, – деди мўйсафид. – Ундей бўлса, зудлик билан Торос орқали дўстингга етиб оли-шинг лозим.

У бошимга не кунлар тушганини сўраб-сүриштириди, мен эсам кўрган-кечиргандаримни ҳикоя қилиб бердим. Жанубий Шотландияда рўй берган бундай ҳодиса ҳар қандай одамнинг кулгисини қистатарди, албатта. Аммо кекса жентельмен (у бағоят одобли бўлгани ва оҳори тўкиланг уст-бош кийиб олгани учун шундай деяпман) сўзларимни охиригача қунт билан эшилди, гоҳгоҳ баш чайқаб, ҳамдардлик билдириб турди. Гапимни тугатганимдан сўнг, қўлтиғимдан олди-да, ўзининг фақирона кулбасига (бу бошпанани «фақирона кулба» деб атасам ҳам ҳақим кетмасди) бошлаб кирди ва мени худди герцог мисоли улуғлаб кампирига таништириди – гўё кампиршо қиролича эдилар.

Меҳрибон бувигинам олдимга зорора нон билан муздай каклик гўшти қўйдию елкаларимни силаб-сийпалаб, атрофимда парвона бўла бошлиади, ул зоти мукаррама инглиз тилини мутлақо билмасди: кекса жентельмен ҳам кампиридан қолишишмасликка ҳаракат қиласарди, у майга шарбат қўшди-да, ширингина ичимлик тайёрлаб берди. Мен бўлсан, овқатимни пок-покиза тушираётib ҳам, унинг орқасидан пунш ичаётib ҳам иқболим бунчалар баланд эканига асло ишонмасдим: тезак тутунидан қорайиб кетган, панжарадек илма-тешик бу вайрона кўзимга қасрдек кўринарди.

Пуншни ичиб олганимдан кейин аъзойи баданимдан фар-фар тер чиқиб кетди ва ширин-ширин эснай бошлиадим: дилкаш уй эгалари мени ўринга ётқизишдию сўнгра безовта қилишмади: эртаси куни йўлга отланаётган пайтим чошгоҳ бўлиб қолган эди, томофим сал-пал оғрирди, холос. Тўйиб овқатланганимдан, хушхабар эшиштаганимдан кейин ғам-ғуссалар ҳам вужудимни тарк

этган, кўнглим равшан тортган эди. Худонинг зорини қилсам-да, кекса жентельмен пул олиши ни асло истамади, боз устига, бошимни иссиқ-совуқдан асраним учун эски шапкасини қўйнимга солиб қўйди: ростини айтсам, қўналғадан хийла узоқлашган заҳотим йўл четидаги булоқчада совфани обдан сузиг олдим. Ичимда эса: «Агар тоғликларнинг ҳаммаси шунаقا меҳр-оқибатли бўлишса, юртдошларим ҳам оз-моз ёввойилашсалар зиён қилмасди», деб ўйлардим.

Алҳол, кечикиб йўлга тушганим етмагандек, адашиб ҳам қолдим, янгишмасам, вақтимнинг teng ярми зое кетди. Тўғри, кўпгина одамларни учратдим: баъзилар ўзларининг бир тутамгина, ҳатто жўжаларини боқишга ҳам етмайдиган лахтак ерида уймаланишарди: бошқалар эса пак-пакана, жайдари сигиру эшакларини яйловларда ўтлатиб юришарди. Кўзғолон кўтарилган йилдан бери тоғликларга чопон кийиб юриш қонун бўйича тақиқланган эди: туб жой аҳолиси етти ёт бегона халқ кийим-кечакларини кийиб юришга маҳкум этилганди: ҳозир уларнинг ола-қуроқ ташқи кўриниши кишида фалати таассурот қолдиради. Баъзи бирорлар елкасига плаш ёки рўдапо чакмон ташлаб олиб яланғоч юрарди, иштонларини эса бўйинтуруқ мисоли елкаларида кўтариб юришарди: бошқалар қуроқ матолардан кампирларнинг қурама тўшакларига ўхшаш шотландча рўмол тикиб олишганди: ҳанузгача тоғликларга хос юбкаларни ечмаган кишилар ҳам учтарди. Фақат юбканинг ўртасига икки-уч жойидан бурма солишган ва худди голландларнинг шалворига ўхшатиб олишган эди. Бундай ҳийла-найранглар учун танбех бериларди, жазоланарди: қон-қардошлиқ, уругчилик удумларини

барбод этиш мақсадида қонун кучайтирилган бўлса-да, лекин овлоқ оролда кишиларни жазолайдиган ишқивозлар кам топиларди, чақимчи муттаҳамлар эса ягонда бир учарди, холос.

Кўрганларим бўйича хулоса чиқарадиган бўлсам, бу жойларда одамлар даҳшатли даражада қашшоқ турмуш кечиришарди; қароқчиларнинг хуружларига барҳам берилмаган эди, йўлбошчилар яшириниб юришарди: олис қишлоқлардаги эгри-буғри йўл ёқаларида тиланчилар фиж-фиж эди. Айни чоқда бу жойлар билан бизнинг юртимиз ўртасида қиёслаб бўлмайдиган тафовут бор экан: бизда тиланчилар (ҳукумат томонидан хат-хужжат бериб қўйилган бўлса-да) ниҳоятда хушмуомала, итоатгўй: агар унга кумуш танга ҳадя этсанг борми, албатта мис танга қайтим беради. Тоғлик тиланчи бўлса, ўз гурурини ўртага қўйиб тамагирлик қиласди; хайр-эҳсон сўрайди – тамакингни бир ҳидлаб кўрайин, дейди-ю, аммо қайтариб бермайди.

Албатта, майда-чуйда тафсилотларга тўхталиб ўтириш каминанинг вазифасига кирмайди, лекин йўлда шуларга алаҳсиб қолдим-да. Бу ерларда камдан-кам кишиларгина инглиз тилини тушунишлари мени ҳайрон қолдиради: биладиган кимсалар ҳам (тиланчи оғайниларимиз бундан мустасно, албатта) ёрдам беришни унчалик хушлашмасди. Манзилим Торос эканини билардим, қўлим билан ишора қилиб: «У ёқдами?» деб сўрардим. Улар йўл кўрсатиб қўйиш ўрнига, бир-бирлари билан гэллар тилида минфир-минфир қилишардию нима балоларни узок мұҳокама этишарди, мен эсам қулоқларимни динг қилиб тураверардим. Шунинг учун аслида тўғри йўналиш бўйича юраётган бўлсам ҳам, лекин тез-тез ададишиб кетганим унчалик ажабланарли эмас.

Ниҳоят, кечки соат саккизларда (чарчаганимдан зўрға оёқда турардим) битта ёлғиз уйга дуч келдим: хонадон соҳибидан бошпана сўрадим, лекин рад жавоби олдим. Ўз вақтида пулнинг қудрати (айниқса, мана шундай қашшоқ ўлкаларда) эсимга тушиб қолдию тилла тангларимдан бирини хонадон соҳибига кўрсатдим. У шу пайтгача имо-ишоралар билан мени остонаядан ҳайдайтган ва ўзини инглиз тилини тушунмаётган қилиб кўрсатаётган бўлса-да, бирдан тили чиқиб қолди: бузилган талаффузда беш шиллинг эвазига бир кеча тунаб қолишга ва эртаси куни Торосгача кузатиб қўйишга рози эканини билдириди.

Ўша кечаси хавотирланиб ухладим, тунаб кетишлидан қўрқардим, аммо бекорга ташвиш чеккан эканман: уй эгаси ўғри эмасди, фақат ибодатхонадаги сичқонлар каби оч эди, холос. Албатта, муттаҳамлиқда шайтонга ҳам сабоқ берарди. Бу ерда ҳамма қашшоқ ҳаёт кечирарди: эрталаб биз тилла тангани майдалаш учун беш чақирим жойга – маҳаллий бойнинг уйига (мезбоннинг ибораси) яёв бордик. Эҳтимол, Маллда бундай кишиларни «бой» деб аташар, лекин бизнинг жанубда истиҳола қилишарди: чунки йигирмата кумуш танга бериш учун у бор бисотини, уйини ағдар-тўнтар қилиб ташлади: боз устига, қўшнисидан товон ундириб олди. Йигирма биринчи шиллингни бой ўзига олиб қолди ва бунчалик йирик «ўлик мол»ни – битта тилла тангани асраб ўтиришга қурбим етмайди, деди. Айни замонда у бафоят хушчақчақ, назокатли эди: бизни оила аъзолари қаторида тушлик қилишга таклиф этди ва ажойиб чинни косада пунш тайёрлади: муттаҳам йўлбошловчимнинг оғзи ичқиликка теккач, очи-либ кетдию ўрнидан туришни эсидан ҳам чиқа-

риб юборди. Тобора фифоним фалакка чиқарди: мадад сўраб бойваччага илтижо қилдим (унинг исми шарифи Гектор Маклин эди) – у бизнинг олди-бердимизга гувоҳ бўлган – беш шиллинг бераётганимни кўрганди. Бироқ Маклин ҳам аллақачон томофини ҳўллаб олган бўлиб, ўзини ҳурмат қиласиган жентельмен дастурхонга бир коса пунш қўйилгандан кейин ўрнидан туриб кетса, уят бўлади, деб худонинг зорини қила бошлади: шундай қилиб, якобинчиларнинг қадаҳ сўзларини, гэлча қўшиқларни тинглашга мажбур бўлдим. Ниҳоят, улфатчилик поёнига етгач, бирор каравотга, бошқаси эса пичан фарамига ўзини таппа-таппа отдию уйқуга кетди.

Малл ороли бўйлаб дайдиб юрганимнинг тўртинчи куни эрталаб ҳали соат беш бўлмасданоқ ўрнимиздан турдик, аммо каззоб йўлбошловчи кўзини очар-очмас дарҳол шишага ёпишди: бир эпини қилиб, уни уйдан судраб чиққунимча уч соат вақтим кетди: бундан топган фойдам шу бўлдики, у янги ишқалликни бошлади.

Биз Маклиннинг уйи рўпарасидаги арчагуллар ўсиб ётган кўкаламзорга тушганимизча ҳамма иш кўнгилдагидек эди: фақат йўлбошловчи тез-тез олазарак бўлиб орқасига қараб қўярди, ундан бунинг сабабини сўрасам, тишларининг оқини кўрсатиб, тиржайиб қўйди. Бироқ уйининг деразалари кўринмай кетиб тепалиқдан ошиб ўтаётганимизда у Торосга бориш учун тўғрига юриш лозимлигини, йўлдан адашмасликнинг энг яхши кафолати – ҳув анави чўқини (қайси чўқи эканини кўрсатди) кўздан қочирмаслик эканини обдан тушунтира бошлади.

– Э-э, ёнимда сиз борсиз-ку, менга нима фам?  
– дедим.

Пихини ёрган фирибгар гэллар тилида зудлик билан, инглизчада тушунмайман, деди пинагини бузмай.

– Шунақами ҳали, яхши йигит! – дедим. – Сиз инглиз тилини қай даражада тушунишингизни биламан: гоҳ тилингиз чиқиб қолади, гоҳ соқов бўлиб қоласиз. Нима қилсак сизга забон битар экан-а? Айтмайсизми? Балки яна пул керакдир?

– Яна беш шиллинг берсанг, шахсан ўзим манзилингга элтиб қўяман, – деб жавоб берди у.

Бир оз ўйлаб турдим-да, икки шиллинг таклиф этдим, у ҳарислик билан дарров рози бўлди ва ўзининг иборасига кўра, «бахт учун» пулни қўлига беришимни талаб қилди. Билардимки, унга ни-маики баҳт келтирса, менинг пешонамга шўрва бўлиб тўкиладарди.

Икки шиллинг унга икки чақирим йўл босиши учун ҳам етмади: сўқмоқ четига чиқди-да, оёқларидан қўпол бошмоқларини ечди – гўё бамайли-хотир дам олишга ҳозирланарди.

Фифонимдан дуд чиқиб кетди.

– Ҳа, ярамас! – дедим. – Яна инглиз тилини унутиб қўйдингми?

– Худди шундай, – деди пинак бузмай.

Шундан кейин тоқатим тоқ бўлиб сурбетнинг қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юбормоқчи бўлдим, у эса жулдурвоқи чопонининг ички чўнта-гидан пичоини суфуриб олди-да, ўзини орқага ташлаб, худди ёввойи мушукдай энгашганча менга кўзларини олайтириб тикилиб қолди. Фазабим жўшиб кетганидан ўзимни тутолмай унга ташландим: пичноқ ушлаган қўлини уриб юбориб ўнг қўлим билан тумшуғига туширдим. Мен ёш бўлишимга қарамай, хийла кучли эдим, устига-устак, фазабимни жиловлай олмасдим: у бўлса

нимжонгина эди – бир зарбадан кейин түнтарилиб тушди. Бахтимга, йиқилаётган чоқда пичоги учиб кетди. Пичноқни ва бошмоғини олдиму унга таъзим бажо келтирдим. Сүнгра ялангоёқ, қуролсиз йўлбошловчимни қолдириб тўғрига кетавердим. Мийигимда кулиб борардим, чунки учига чиққан муттаҳамдан қутулганимга ишончим комил эди ва бунга етарли асосларим ҳам йўқ эмасди. Биринчидан, у энди сариқ чака ҳам ундириб ололмаслигини яхши биларди: иккинчидан, ўлкада бундай бошмоқни бир неча тийинга сотиши мумкин эди. Қолаверса, қонун бўйича у ёнида пи-роқ (аслини олганда, бу ханжар эди) олиб юришга ҳақсиз эди.

Тахминан ярим соатлардан сўнг йиртиқ-ямоқ кийимли бир кишига етиб олдим: у илдам одимларди-ю, лекин йўлини ҳассаси билан пайпаслаб борарди. Унинг икки кўзи ҳам ожиз эди, қонуншуносликдан сабоқ берар экан. Бир қарашда ундан гумонсирашга ҳеч қандай асос йўқ эди. Бироқ қиёфаси менга шубҳали туюлаверди: ташқи кўриниши яхшиликдан дарак бермас, ўтакетган ҳийлакор, фитначига ўхшарди. Биз ёнма-ён кета бошлидик ва мен тез орада чўнтағидан тўппончанинг пўлат дастаси кўриниб турганини пайқаб қолдим. Бундай матоҳни кўтариб юрган киши дастлаб эллик фунт стерлинг жарима тўлашга ҳукм этиларди, сўнгра эса мустамлака ўлкаларга сургун қилинарди. Умуман, қонун-қоидалардан ваъзхонлик қиласиган домланинг қуролланган ҳолда юриши кишини ажаблантиради.

Бошимга битган кулфат – йўлбошловчим ҳақида гапириб бердим: мен хийла мағрур эдим, шунинг учун фурурим ақд-идрокимдан устунлик қилди. «Беш шиллинг» дейишим биланоқ ҳамроҳим

товушининг борича «оҳ!» уриб юбордию кейинги икки шиллинг борасида индамай қўя қолишни мақсадга мувофиқ деб топдим ва йўлдошим менинг юзларим лавлагидай қизариб кетганини кўрмаётганидан ич-ичимдан қувондим.

– Нима, ортиқча ҳақ тўлаб юборибманми? – деб сўрадим тутилиб.

– Бўлмасам-чи! – деди у ваҳима аралаш. – Азизим, бир қултум арақ қўйиб берсанг ўзимоқ сени Торосга кузатиб қўяман. Боз устига, каминадек билимдон инсоннинг суҳбатидан баҳра оласан.

Кўр қандай қилиб йўлбошловчи бўлиши мумкин, деб эътиroz билдиридим: бунга жавобан у хахолаб юборди ва токи қўлимда ҳассам бор экан, кўзларим лочинникидан ҳам ўткирдир, деди.

– Ҳартугул, Малл оролида мен билмайдиган жой йўқ, – деб қўшиб қўйди у. – Бу ердаги ҳар бир тош, ҳар туп арчагул болалигимдан буён ёд бўлиб кетган. Мана, ўзинг қара-чи! – деди ишонч билан чап ва ўнг томондаги ерни тақиллатар экан. – Ҳув анави пастликда ирмоқ шарқираб оқяпти: ирмоқ тепаликдан бошланади, тепаликнинг энг устида битта харсанг тош осилиб турибди: тепаликнинг пойидан Торосга элтадиган йўл ўтади, шу йўл бўйлаб кўпинча пода ҳайдалади: йўл обдан шиббаланган супургигуллар ўртасидағи уватни кўм-кўк майса қоплаган.

У зифирдек ҳам хатога йўл қўймаганини тан олишга мажбур бўлдим: таажжубланганимни яширомадим.

– Ҳа-а, бу нима? – деди. – Қарор эълон қилингандан кейин ўлкада қурол-яроқ қўринмай қолди десам, ишонмайсан. Мен эсам, зўр мерган эдим! Шунақаям зўр эдимки! – деб қичқирди-да, мийирида кулганча қўшимча қилди: – Айтайлик, мабо-

до сенда тўппонча топилса ҳозироқ қанақа отишмни кўрсатиб қўярдим.

Тўппончам йўқ, дедим ва ундан узокроқ юра бошладим. Эҳ, агар у чўнтағида тўппончаси борлиги яққол сезилиб турганини, тўппончасининг дастаси қўёшда ялтираётганини билганда эди! Бахтимга ҳеч нарсани билмас, ўзича ҳаммаси маҳфий, яширин деб ўйларди. Хуллас, ғофил бандада ёлғон гапиришда давом этарди.

Сўнгра ҳийлакорлик билан мени қаерда туғилгансан, бой-бадавлатмисан, беш шиллинглик тангамни майдалаб бермайсанми деб аврай бошлади. Унинг айтишича, шотландча чарм ҳамёнида пули бор эмиш. Ўзи эса тобора менга яқинлашишга интилар, мен бўлсам, ундан узоқдашардим. Бу пайтда биз пода ҳайдаладиган йўлга чиқиб олган эдик: тепаликдан ошиб ўтилса, Торосга бориларди. Қизифи шундаки, йўлда кетаётуб худди шотландча рақс тушгандек тез-тез ўрнимизни алмаштиравердик. Устунлик мен томонда эди, кўзбойлоқчилик ўйини ёқиб қолди, кайфим чоғ бўлди; бироқ қонуншунноснинг хуноби ошиб кетди, охири гэл тилида бўралаб сўкина бошлади, ҳатто ҳассаси билан оёғимга солмоқчи ҳам бўлди.

Шундан сўнг унга, ҳақиқатан ҳам, чўнтағимда тўппончам бор; сизда ҳам қурол бор, албатта. Агар ҳозироқ орқангизга қайтмасангиз, ўйлаб ўтирасдан пешонангиздан отиб ташлайман, дедим.

У дарҳол мулоим тортиб қолди, кўнглимни овлашга киришди, лекин бекорга овора бўлаётганини сездию яна бир марта гэл тилида бўралаб сўкинди-да, жуфтакни ростлади. Унинг орқасидан қараб турдим: катта-катта қадам ташлаганча ботқоқзору арчагуллар оралаб, ҳассасини тўқиллатиб кетиб борарди: ниҳоят, тепаликдан

бурилдию жарликка тушиб, күздан фойиб бўлди. Шундан кейингина йўлимда давом этдим: ёвуз ниятли йўлдошимдан – олимваччадан қутулганимга хурсанд эдим. Умуман олганда, бу кун омадсиз бўлди, аммо анавиларга ўхшаш фириб-гарлар бошқа дуч келишмади.

Торосда, Саунд-оф-Малл қўрфазида деразалири Морвенга қараган меҳмонхона бор бўлиб, унинг хўжайини ҳам Маклинлар уруғидан экан. Афтидан, мўътабар зотлардан шекилли. Биз томонларда ҳам меҳмонхона эгаси ҳурматли киши ҳисобланарди, лекин тоғли Шотландияда бундай кишига ҳавас билан қарашаркан. Чунки меҳмондўстликни жойига қўяркан. Қолаверса, бу машғулотнинг ўзига яраша гашти борга ўхшайди. Қаҳвахона эгаси инглиз тилида bemalol гапирап экан: менинг саводим ёмон эмаслигини билгач, дастлаб француз тилидан билимим қанаقا эканини синаб кўрди ва осонгина каминани ўсал қилди: кейин лотинчага ўтди, бу соҳада ким кими ни доғда қолдирганини айтолмайман. Ҳарҳолда, ажойиб мусоҳаба бизни дарҳол дўстлаштириб қўйди: кейин унинг ёнида пунш ичиб ўтиридим: аниқроғи, у пунш ичиб ўтириди, мен томоша қилдим ва охири кайф аралаш елкамга бошини қўйди-да, кўз ёшини тўка бошлади.

Кези келганда, Аланнынг тугмачасини кўрсатдиму жўрттага синаб кўрдим: маълум бўлдики, у бунаقا нарсани умуман билмас экан. Боз устига, Ардшилнинг қариндош-уруғларинию дўст-ёрларини жинидан ҳам баттар ёмон кўраркан: ич-килиқдан эс-ҳушини йўқотмасдан аввал у менга қабиланинг битта вакилига бағишлаб ўзи ёзган ҳақоратномасини ўқиб берди: мазмуни ниҳоятда

заҳарли бўлса-да, аммо лотинча сайқал берилган, мунгли рубобий шеър эди.

Кейин йўлда учратганим қонуншунос ҳақида гапириб бердим. У бош чайқаганча, баҳтинг бор экан, осон қутулибсан, деди.

– Ўша одам ниҳоятда хавфли, – деб изоҳ берди. – Унинг номи Дункан Маккей: товуш чиққан жойни узоқ масофада туриб аниқ нишонга олади: бир неча марта қароқчиликда айбланган, бир пайлар қотилликка ҳам қўл урган.

– Яна-тағин уялмай-нетмай «қонуншуносман» дейди-я! – дедим.

– Нега уялсин, ахир ростдан ҳам қонуншунос-ку! – деб эътиroz билдириди Маклин. – Диуартилик Маклин кўрга раҳми келганидан шунаقا унвон ҳадя этган. Афсуски, бу нарса ҳам бечора-га наф келтирмади, – деб қўшимча қилди қаҳва-хона соҳиби. – Сира тиниб-тинчимайди, доимо дайдиб юради: ёшлар тоат-ибодатни рисоладаги-дек ижро этяптиларми-йўқми, текшириб туриш лозим, деб юради. Шу нарса бу мискин кимсага таскин беради...

Ниҳоят, қаҳвахона эгаси ичкиликка тўйиб олгач, мени каравот тепасига бошлаб борди ва ба-майлихотир ухлагани ётдим. Тўрт кун мобайнида Иррейддан Тороғача бўлган йўлни унчалик қийналмасдан босиб ўтдим: агар тўғри йўлдан юрилса, эллик миль: бекорга сарсон-саргардан бўлганимни ҳам ҳисобга олсак, юз миль атрофида масофани босиб ўтдим – бепоён, машаққатларга тўла Малл оролининг ўртасидан кесиб чиқдим. Бундай узоқ сафардан сўнг ўзимни илгарига нисбатан хийла тетик ҳис этардим.

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

### «КУМУШ ТУГМАЧАЛИ ЎСМИР» МОРВЕН ОРОЛИДА

Торосдан Кинлохалинга – қуруқликка доимо паром қатнаб туради. Саунднинг ҳар икки соҳилидаги ерлар Маклинларнинг қудратли қабиласи тасарруфида бўлиб, мен билан бирга паромга чиққан одамларнинг деярли ҳаммаси ўша қабила аъзолари эди. Бироқ паромчининг исми шарифи Нийл Рой Макроб эди: Макроблар эса Алан Брек мансуб қабила таркибига киришарди. Дарҳақиқат, кечувга ҳам каминани шахсан унинг ўзи кузатиб қўйди: энди Нийл Рой билан юзма-юз ўтириб гаплашишга интиқ эдим. Паром йўловчиларга лиқ тўла эди, жуда секинлик билан олга силжирдик. Равшанки, гавжум жойда холи қолишнинг сирам иложи йўқ эди. Қилт этган шабада йўқ, шўрлик кеманинг жихозлари ниҳоятда ночор: чап томондаги борттида бир жуфт човхода бўлса-да, ўнг томондаги бортда фақат биттагина эшкак мавжуд эди, холос. Лекин эшкакчилар чин дилдан ҳаракат қилишарди: боз устига, йўловчилар навбати билан уларнинг ўрнига ўтиришарди, бошқалар жўровоз бўлишиб гэл тилида қўшиқ хиргойи қилишарди. Кечувнинг ўзига хос гашти бор эди: денгизчиларнинг қўшиқлари янграп, денгизнинг шўртак таъми димоқقا урилар, тетиклик ва биродарлик кайфияти ҳукм сурарди, ҳаво мусаффо, киши ажиб манзарага қараб тўймасди!

Шунга қарамай, бир ҳодиса дилимизни хуфтон қилди. Лохалиннинг қуишиш жойида улкан кемага дуч келдик: у лангтар ташлаб турарди: дастлаб, қиролликнинг соқчи кемаларидан бўлса ке-

рак деб ўйладим – якобинчилар фарангилар билан алоқа қиласлиги учун яқинлашганимиздан сўнг у савдогарларнинг кемаси эканлиги маълум бўлди, таажжубланарли жойи шунда эдик, нафақат палубада, ҳатто соҳилда ҳам оломон гавжум эди ва соҳил билан кема ўртасида эшкакли қайиқлар тинимсиз қатнарди. Яна бир оз олдинга борганимиздан кейин мотам куйи қулогимизга чалинди: палубадаги, қирғоқдаги одамлар бир-бирларининг елкаларига бошларини қўйганча ўз дардларини айтиб-айтиб йиглашарди. Беихтиёр бизнинг кўзларимизда ҳам ёш милтилади. Шундагина бу Америкадаги мустамлака ўлкаларга сургун қилинаётган маҳбуслар солинган кема эканини англаб етдим.

Кемага ёндашган пайтимиз қувфинга учраган кимсалар кеманинг борт тўсиғидан энгашиб, ҳўнг-ҳўнг йиглашганча паромдаги ҳамроҳдаримга қўлларини узатиши: ёру дўстлар бир-бирларининг дийдорига тўймасдилар. Бу ҳол яна қанча давом этиши мумкинлигини билмайман: назаримда, вақт ўтаётгани ҳеч кимнинг эсига келмасди: охири дарға борт тўсиғи олдига ўтди-да, оҳ-воҳлардан, тўс-тўполондан эс-ҳушини йўқотар ҳолатга етганига қарамасдан (бу табиийдир!), биздан йўлимизда давом этишимизни ўтишиб сўради.

Нийл дарҳол кемадан нари кетдию хиргойичиларимиз ғамгин қўшиқ бошлаб юборишиди, уни қувфинга учраган кишилар илиб олишиди, сўнгра соҳилда турган қузатувчилар ҳам жўровоз бўлишиб қўшиқ айта бошладилар – гўё марҳумни сўнгги манзилга кузатиш маросими авжида эди. Паромдаги эркаклар-у аёллар, энгашганча човхода эшаётган эшкакчиларнинг юзларидан шашқатор

ёшлар оқарди. Беихтиёр ўпкам түлди. Айниңса, қүшик оқанги қаттиқ таъсир этди (унинг номи «Абадулабад кечиргил, Лохабер» эди).

Кинлохалин соҳилида Нийл Ройни бир четга тортдим-да, сиз Эпинда туғилган бўлсангиз керак-а, деб сўрадим.

– Хўш, нима бўпти? – деди у.

– Мен битта одамни қидириб юрибман. Назаримда, сиз ўша одам тўғрисидаги баъзи маълумотлардан хабардор бўлсангиз керақ, – дедим.

– Унинг исми шарифи Алан Брек Стюарт. – Негадир дарфага тугмачани кўрсатиш ўрнига чўнта-гига шиллинг солиб қўймоқчи бўлдим.

У ортига чекинди.

– Бу ҳақорат, – деди у. – Йигит кишига бунаقا муомала қилмаслик керак. Сиз номини тилга олган инсон Фарангистонда юрибди. Агар у шу ерда бўлган тақдирда ҳам ҳамён-ҳамён пулни унинг ҳаром тукигаям алмаштирумаган бўлардим.

Кўпол хатолик ўтганини пайқаб қолдиму фурратни бой бермасдан, дарҳол табаррук тугмачани кўрсатдим.

– Ҳа-а, ана, – деди у. – Гапни шундан бошлаш керак эди-да! Хўш, ҳақиқатан ҳам кумуш тугмачали ўсмир бўлсанг, хотиржам бўл – сени керакли манзилга омон-эсон элтиб қўйиш чорасини кўраман. Ҳафа бўлмагину сенга очиқ-оидин айтиб қўйишим керак, бундан буён ўша Алан Брекнинг номини сира тилга олмайсан – кейин ҳалиги бемаъниликтин қайта такрорламагин, яъни тоғлик жентельмен чўнтағига палид пулингни тиқишитиришга уринма.

Мушкул аҳволда қолдим: ахир ўзини асл йигитман деб юрган (айнан шундай эди) кишини афтидан билиб бўлмайди-ку! Айни пайтда Нийл

пачакилашиб ўтиришни унчалик хушламасди – зиммасига юклатилган вазифани тезроқ адо этсаю бир ташвишдан қутулса: у зудлик билан йўлйўриқ кўрсата бошлади. Мен шу ердаги, Кинлохалиндаги қўнаржойда тунаб қолишим лозим эди: эртаси куни эса Марвендан Ардгургача бўлган масофани босиб ўтишим ва Клейморда Жон исмли кимсадан бир кеча тунаш учун жой топиб беришни илтимос қилишим керак (албатта, уни огоҳлантириб қўйишган экан): учинчи куни Корран ва Баллахулиш кўрфазларидан ўтганимдан сўнг, Эпиннинг Дгороро музофотидаги Жеймс Гленнинг ер-мулкига қандай бориш мумкинигини сўраб-сурештиргомим зарур эди. Кўриниб турибдики, яна иккита кўрфазни кечиб ўтишим керак: қуруқлик атрофини денгиз қуршаб олган бўлиб, торгина қўлтиқчалар тоғларнинг пойига бориб тақаларди. Бундай ўлкаларни мудофаа қилиш осон-у, лекин яёв кезиб чиқиш мушкул, табиати шафқатсиз, жилов нималигини билмайди: фожеий ҳолатларга ҳар қадамда дуч келиш мумкин.

Нийлдан зарур маслаҳатларни ҳам эшиитдим: йўл-пўлда бегона одамлар билан гаплашмаганим, виглару, кемпбеллару қизил мундирлилардан узоқроқ юрмоғим, агар аскарларни кўриб қолсам, дарҳол йўл четига чиқиб, бутазор орасида яшириниб ўтиришим керак экан, «акс ҳолда, бу халқдан яхшилик кутиб бўлмайди», деди. Бир сўз билан айтганда, ўзимни худди қароқчи ёки якобинчиларнинг айғоқчиси каби (афтидан Нийл мени жосус деб биларди) тутишим лозим эди,

Кинлохалиндаги мусофирихона дунёдаги энг расво ташландиқ жой экан: бундай жойда фақат чўчқа боқиши мумкин эди: тутун буруқсиб ётар, бурганинг ҳисоби йўқ эди. Ётоқда камгап тоғлиқ-

лар ҳам учрарди, албатта. Бундай жойда тунаш менга алам қилди ва Нийлга дағал муюмала қилганим учун ўзимдан ўпкалай бошладим. Назаримда, бундан баттар бўлиши мумкин эмасди. Лекин тез орада бундан-да баттар аҳвол бўлиши мумкин эканига амин бўлдим: келганимга ярим соат бўлар-бўлмас (бу вақт ичида эшик кесакисига суяниб турдим, кўзларим сира ҳам тезак тутунига кўниколмасди), момақалдироқ гулдирадио бирдан сел босиб келди, мусофирихона ҳовлисида кўлмак пайдо бўлди ва биз турган уйнинг бир қисмидан шарқираб «анҳор» оқиб ўта бошлади. У замонларда бутун Шотландияда кўнгилдагидек меҳмонхонани учратиб бўлмасди, аммо остодан ўрингача тўпиқдан сув кечиб бориш – мен учун ёввойилик аломатидан бошқа нарса эмасди.

Эртаси куни йўлга чиққанимдан сўнг кўп ўтмасдан гирдифум, миқтигина ёши улуғ кишига етиб олдим: у маймоқланиб аста кетиб бораарди: қандайдир китобчадан кўз узмас, баъзи жойларини тирноғи билан чизиб ҳам қўярди: ўзи руҳонийларга ўхшаб одмигина кийинган, уст-боши ярашиб турарди. Маълум бўлишича, бу киши дин пешволаридан экан, лекин Малл йўлида учраган кўр қоридан мутлақо фарқ қиласкан: йўловчи чакана одам эмасди: Эдинбургдаги «Христианлик таълимотини тарқатувчилар» жамиятининг ишончли вакилларидан бири эди: унинг зиммасига олис Шимолий Шотландияда Инжил ғоялари тўғрисида ваъз ўқиши вазифаси юклатилганди. Исми Хендерленд бўлиб, мен соғинган жанубликлар шевасида сўзларди. Бундан ташқари, бизни фақат юртдошлиқ туйғуси боғлаб турмаган экан, шахсий манфаатларимиз ҳам туташади. Гап шундаки, меҳрибон устозим – эссендинлик

руҳоний бўш пайтларида баъзи бир диний қўшиқларни, илоҳиётга оид рисолаларни геллар тилига таржима қиласди; Хендерленд эса улардан фойдаланаар, буни юксак қадрларди. Йўлда уни айнан ўша рисолалардан бирини мутолаа қилиб кетаётган пайтда учратган эдим.

Биз дарҳол ҳамроҳ бўлишга қарор қилдик: боз устига, иккаламиз ҳам Кингерлохгача боришимиз лозим эди. У ҳар бир дарвиш билан ҳам, ишчи-хизматчи билан ҳам эринмасдан суҳбатлашарди: улар нималар хусусида сўзлашашётганини тушунмасдим албатта, лекин бу ўлкада мистер Хендерлендинг иззат-хурматга сазовор экани кўриниб турарди. Ҳарҳолда, кўпчилик чўнтагидан суяқ тамакидонини чиқарабарди-да, уни бир чимдим тамаки билан сийларди.

Ўз ишларимнинг баъзи бир қирралари тўғрисида гапириб бердим. Аниқроғи, Аланга алоқадор жиҳатлари борасида лом-мим демадим: охирги манзилим – Баллахулиш, ўша ерда дўстимни учратишим лозим, дедим. Охарн ёки Дюорнинг номлари қулоққа жарангдор эшитилади: Аланнинг изига тушишлари мумкин, деб ўйладим. Кези келганда, Хендерленд ўз ишларию таниш-билиш одамлар, сеҳргар мажусийлару қочоқ якобинчилар, қуролсизлантириш ва кийим-кечакни ўзгартириш ҳақидаги қарорлар, бир қанча фаройиб расм-руслар ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя қилиб берди. Афтидан, мўътадил табиатли кишига ўхшарди: парламентни тез-тез сўкар, айниқса, белига қурол осиб юрадиган кишилардан кўра, тоғликлар кийимидағи одамларни қаттиқроқ жазолаш ҳақида қарор чиқаргани учун ҳукумат аъзоларини сира кечиролмасди.

Теран фикр-мулоҳазаларини эшитганимдан кейин ундан Малла Тулки ва эпинлик ижарадорлар ҳақида сўраб-суриштиридим: ўзимча, бир мусофир бундай масалаларга қизиқса, фалати тумолмас, деб ўйладим.

– Бу жуда ҳам ачинарли воқеа, – деди. – Умуман, ҳайратомуз ҳодиса, – деб қўшиб қўйди у. – Ижарадорларнинг ўзлари ярим яланғоч яшайдилару, ортиқча гулни қаёқдан топишади экан-а? Айтмоқчи, мистер Бэлфур, озгина тамаки топилмайдими?.. Эҳ, шунақами! Майли, бир иложини қиларман, камроқ чексам – ўзимга фойда-ку. Дарвоқе, ижарадорлар хусусида: албатта, маълум маънода уларни зўрлашяпти. Дюорорлик Жеймс Стюарт (унинг Жеймс Глен деган номи ҳам бор) қабила йўлбошчиси Ардшилнинг тувишган укаси бўлади: бу ерда энг улуф зот ўша: ҳеч кимни ўз ҳолига қўймайди. Яна биттаси бор, Алан Брек деган кимса...

– Ҳа, ҳа! – деб юбордим беихтиёр. – У ҳақда нима дейсиз?

– Хоҳлаган томонига қараб эсадиган шамол тўғрисида нима дейиш мумкин? – деди Хендерленд. – Худди шунинг ўзи бугун бир жойда бўлса, эртага бошқа жойда, ё учиб юради ёки дом-драксиз бўлиб кетади: ҳақиқий саёқ. Агар шу тобда ҳув анави дуккакли ўсимликлар остида бизни кузатиб ўтирган бўлса ҳам ажабланмайман. Бўлиши мумкин-да!.. Мабодо ёнингизда тамакингиз йўқми?

Мен, йўқ, деб жавоб бердим ва илгари ҳам бир неча марта сўрадингиз-ку, дедим.

– Ҳа-я, эсим қурсин, – деди уф тортиб. – Ажаб, тамаки олиб юрсангиз бирор жойингиз камайиб қолармиди-а?.. Мен сизга айтсам, Алан Брек

деган қүшча – авбош, таптортмас, боз устига, ҳамма биладики, Жейм Гленнинг ўнг қўли ҳисобланади. У аллақачон ўлимга ҳукм этилган: энди йўқотадиган ҳеч нарсаси қолмаган, агар бирорта фақир измига юрмаса борми, ханжар билан шартта қорнини ёриб ташлашдан ҳам тоймайди.

– Гапларингизга қараганда, мистер Хендерленд, ҳақиқатан ҳам иш пачавага ўхшайди, – дедим. – Ҳамма томонни ваҳима босиб кетибди: қулоғимни беркитиб олгим келяпти.

– Э-э, йўқ! – деди мистер Хендерленд. – Бундан ташқари, муҳаббату тарки дунёчилик ҳам борки, шу жиҳатдан сиз билан мен унга ҳавас қиласак арзиди. Эҳтимол, бу ҳол христианлик нуқтаи назарида гуноҳ саналар, лекин инсоний нуқтаи назардан қаралса, бафоят савобдир. Билишимча, шунинг учун азамат Алан Брекни ҳамма жойда ҳурмат қилишади. Айтайлик, мистер Бэлфур, ватанимизда мунофиқ ва суллоҳлар йўқми? Бижиб ётишибди! Аммо улар ибодатхоналарда олдинги қатордаги ўриндиқда ўтиришади, одамлар орасида ҳам иззат-икромга сазовор: ўзлари эса, аслида, адашган банда бўлмиш каллакесар, қонхўр Аланнинг ҳаром тукига ҳам арзимайдилар. Йўқ, йўқ, биз тоғликлардан кўп нарсаларни ўргансак зарар кўрмасдик... Нима учун мен тоғу тошларда узоқ вақтдан бери меҳмон бўлиб юрганимга ҳайрон бўляпсиз, тўғрими? – деди у кулимсираб.

– Йўғ-э, унчалик эмас, – деб эътиroz билдирам: – Қолаверса, ўзим ҳам тоғликларга мафтун бўлиб қолганман: агар гап тоғликлар хусусида бўлса, мистер Кемпбелл ҳам тоғли юртда туғилганини унутмаслик лозим.

– Тўғри айтдингиз, – деб жавоб бердим. – У асилизодалар авлодидан.

– Дарвоқе, у ёқдарда қиролнинг ишбошиси нима балоларни бошлаб юрибди? – деб сўрадим.

– Ўша Колин Кембеллни айтяпсизми? – деди Хендерленд. – Э-э, арининг инига чўп тиқяпти!

– Эшитишимга қараганда, у зўравонлик қилиб ижаадорларни ҳайдамоқчи бўлган эмиш-а?

– Шундай, – деб тасдиқлади Хендерленд. – Халқ ибораси билан айтганда, пайтдан фойдаланиб ҳар ким ўз улупини юлиб олмоқчи бўлаётгани чатоқ, холос. Жеймс Глен Эдинбургга бориб Стюартлар қавмидан бўлган битта амалдорни ёллаб келди-да, кўчиришни тўхтатиб қўйди. Ўз-ўзидан равшанки, улар кўршапалакка ўхшаб доимо фуж бўлиб юришади. Кейин Колин Кембелл ҳам тинч ётмади: молия муассасаси судида жараённи ўз фойдасига ҳал этди. Айтишларича, эртага илгор ижаадорлар қўч-кўронларини қўтаришлари лозим экан. Жеймснинг тумшуғи тагида истиқомат қиласидиган Дюордан бошлашмоқчи шекилли, фикри ожизимча, бу унчалик оқилона тадбир эмас.

– Қаршилик кўрсатишади деб ўйлайсизми? – деб сўрадим.

– Биласизми, улар қуролсизлантирилган, – деди Хендерленд. – Ҳарҳолда, ҳозирча шундай деб ҳисоблашяпти... Аслида эса, хилват жойларга кўплаб қурол-яроқлар яшириб қўйилган. Устига-устак, Колин Кембелл аскарлардан ёрдам сўраган. Агар ҳозирги ҳолатда унинг рафиқаси ўрнида бўлганимда уйга қайтиб келмагунча юрагимни ҳовучлаб ўтирадим. Эпинлик Стюартлар ниҳоятда довюрак ҳалқ.

– Ҳамма гап шундаки, улар ҳам чакана эмас, – деди Хендерленд. – Аслида, калаванинг учимана шу жойда. Негаки, мабодо Колин Кемп-

белл Эпиндаги ишларни тартибга солиб қўйса-да, яқин атрофдаги ўлкада – Камеронлар ер-мулки ҳисобланган Маморда яна ҳаммасини бошидан бошлашга мажбур бўлади. Чунки у ҳар иккала ўлкада қирол тайинланган ишбоши ҳисобланади, демак, икки томондан ҳам ижарадорларни сиқиб чиқармоги даркор. Биласизми, мистер Бэлфур, қўлларимни кўксимга қўйиб айтаманки, агар у биридан қутулган тақдирда ҳам, иккинчисига бориб тутилади. Бунга имоним комил.

Биз йўл бўйи қизғин суҳбатлашиб бордик, шу зайл куннинг қандай ўтганини ҳам сезмай қолдик: охири мистер Хендерленд, мендай ҳамроҳа дуч келганидан мамнун эканини изҳор этди ва айниқса, мистер Кембеллнинг дўсти билан танишганимдан бағоят хурсандман, деди («Мен ҳеч иккиланмай сизни мўл-кўл жун етишириладиган Сион ўлкамизнинг янгроқ товушли куйчиси деб атаган бўлардим», деди). Бирпас нафасимни ростлаб олишимни, лозим топсам унинг уйида бир кеча тунаб кетишимни илтимос қилди. У шу яқин атрофда – Кингерлоҳдан сал нарида яшар экан. Ростини айтсан, ич-ичимдан қувониб кетдим: клейморлик Жонга ялинишни унчалик хушламасдим. Устига-устак, икки марта омадим чопмагандан кейин (дастлаб, йўлбошловчичув тушириб кетди, сўнгра жентельмен паромчидан ҳам ёруғлик чиқмади) кўнглимда ҳар қандай тоғлика нисбатан шубҳа пайдо бўлган эди. Биз мистер Хендерленд билан гапни бир жойга қўйдик-да, кечки томон Лох-Линн соҳилида қаққайиб турган бир кулба ёнига бордик. Ардгур тоғларининг бериги қанотида оқшом чўккан, лекин чап қанотига – Эпин томонига ҳамон қўёш нур сочиб турарди. Кўрфаз сокин, худди кўлга ўхшарди: сув

сатҳида фақат балиқчи қушлар чарх уриб учиб юришарди. Бу ерларда қандайдир мудҳиши тан-тана содир бўлаётгандек туюларди.

Остонага қадам қўяр-қўймасимииздан, мис-тер Хендерленд каминани ҳайратда қолдириб (шукрки, тоғликларнинг муомала тарзига кўни-ма ҳосил қилган эдим), уялмай-нетмай меҳмон-ни эшикка қисиб қўйдию ўзини хонага урди: со-пол тамакидонни, сувак қошиқчани қўлига олиб, жонҳолатда бурунларининг тешикларига тамаки-тиқа бошлади. Кейин маза қилиб, кетма-кет чуч-кураверди. Ниҳоят, ҳузурдан талтайган кўйи ил-жайиб менга қаради:

– Онт ичиб қўйганман, – деб изоҳ берди у. – Агар йўлга тамаки кўтариб чиқсан, худо урсин деб қасам ичганман. Бу оғир албатта, кейин ази-ят тортаётган кишилар, фақат жун етишира-ётган чорвадорлар эмас, христианлик эътиқоди учун жафо чекаётган жамики бандалар ёдга ту-шадиу зорланаётганимдан уялиб кетаман.

Тамадди қилиб бўлишимиз биланоқ (меҳри-бон уй соҳибининг энг тотли таоми бўтқаю зар-добга қорилган қатиқ экан) у қиёфасига жиддий тус берди-да, мистер Кемпбелл олдидаги бурчим туфайли сенинг парвардигори оламга қанчалик содиқ эканингни текшириб кўришга мажбур-ман, деб эълон қилди. Тамаки ҳодисасидан сўнг шарақлаб кулиб юборишдан аранг ўзимни тий-иб ўтирардим: бироқ у гап бошладиу кўп ўтмай кўзларимда ёш филтиллади. Одатда инсон қалби икки ҳолатда бирпасда эриб кетади: самимий меҳрибонлик ва мўмин-қобилликка рўпара кел-сак бас, дарҳол инон-ихтиёrimизни бой берамиз: бизнинг қаҳри қаттиқ замонимизда, совуққо-ну манмансираган одамлар бундай фазилат ка-

мёб жавҳардир: айни чоқда мистер Хендерленд тимсолида самимияту мўмин-қобиллик жонланган эди. Шу пайтгача кўрган-кечирган саргузаштларим мобайнида кўпинча ўлиб-тирилиб ўз шаън-шавкатимни ҳимоя қилган бўлсам-да, унинг гап-сўзларини тинглаб тез орада соддадил, камбағал мўйсафид қаршисида тиз чўқдим: шундай улуғ зот ёнида ўтирганимдан бошим осмонга етди, кўнглим чароғон бўлди.

Үйқуга кетишимдан аввал у уйининг торфдан қурилган девори киндигида сақданадиган оз-моз пулидан олти пенс санаб берди, йўл-пўлда асқотиб қолар, деди: бундай инсоний мурувватга қандай жавоб қайтаришни билмасдим. Шу қадар ўтиниб илтимос қилдики, қўлини қайтарсан – беодобчилик бўларди, охири олдим: албатта, бу билан рўзгори яна гарифлаган эди.

## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

### МАЛЛА ТУЛКИННИНГ ЎЛИМИ

Эртаси куни мистер Хендерленд Лох-Линнинг нариги соҳилига кечки томон ўз қайифида балиқ овига жўнайдиган бир кишини излаб топди. Қайиқчи ўз қавмидан бўлгани туфайли мистер Хендерленд уни битта йўловчини бирга олиб кетишига кўндириди: шундай қилиб, кун бўйи йўл азобидан қутулдим ва кечувдан ўтиш учун паромчига тўлайдиган кира ҳақи ҳам ёнимга қолди.

Қирғоқни тарк этган пайтимизда туш бўлиб қолган эди: ҳаво тунд, булатли эди, гоҳ-гоҳида қуёш мўралаб қўярди, холос. Бу жойлар ҳам денгиз каби чуқур бўлса-да, сув сатҳида бирорта тўлқин кўринмасди: бир ҳовуч сув олиб ичиб

күрдим: сувнинг ҳақиқатан ҳам шўр эканига ҳеч ишонгим келмасди. Икки томонда улуғвор, ғадир-будур, яланғоч тоғлар қўр тўкиб турарди: бу-лут соя ташлаб турган маҳалда қоп-қора, ваҳимали кўринар, қуёш нур сочиб турган чоқларда эса бутун бағрини кумуш жилғалар чулғаб олганини кўриш мумкин эди. Эпин деганлари шафқатсиз ўлка бўлиб, нимаси юракдан уриб қолишигаю Алан нега усиз яшай олмаслигига сира ҳам ақлим бовар қилмасди...

Йўл давомида диққатга сазовор бирор ҳодиса рўй бермади ҳисоб. Эндиғина жойимиздан жилган эдикки, шимол томондан – сувга яқин жойда қуёш нурида ял-ял товланаётган қирмизиранг лоп этиб кўриндию яна гойиб бўлди. Қирмизилигига қараганда, у аскарлар мундириини эслатарди: ундан яшин таралаётгандек туюлар, гўё ярқироқ пўлат юзасига нур тушардию акси қайтарди.

Мен қайиқчидан, бу нима, деб сўрадим. Ҳартугул, Форт Вильямдан келган қизил мундирлилар Эпинда мол-мулки мусодара қилинган ижарадорлар тўполонини бостириш учун кетишаётган бўлса керак, деди у. Ростини айтсам, бу манзара кўнглимга фулгула солиб қўйди: билмадим, Алан тўғрисида ўйлаётганим учун шундай бўлдими ёки қандайдир ёмон иш рўй беражагини юрагим сезиб турармиди, ишқилиб, қирол Георг аскарларини иккинчи марта кўраётган бўлсам ҳам, улардан яхшилик чиқмаслигига ишончим комил эди.

Ниҳоят, Лох-Линнинг қуйилиш жойига яқинлашган вақтимизда, қайиқчидан қирғоқда қолдириб кетишини сўради. Балиқчи ҳалол одам эди, дин пешвосига сизни Баллахулишга элтиб қўйман деб ваъда берганман деб, дастлаб, илтимосимга унамай турди: лекин ваъдалашган

пинхоний учрашув манзилимдан йироклашиб кетаётганим учун сўзимда қаттиқ туриб олдим: охири Аланнинг она юрти Эпинда, Литтер соҳили (бу жойларнинг бошқача номи ҳам қулогумга чалинган эди: Литтер қароқчизори) этакларида қайиқдан тушиб қолдим.

Кўрфазга энгасиб турган қоядор тоғ ёнбағирлари қайназор ўрмондан иборат эди. Нишабликни кўм-кўк пўпанак қоплаганди, қирққулоқлар ўсиб ётар, тўқай оралаб шимолдан жанубга томон ёлғизоёқ сўқмоқ ўтганди. Сўқмоқ четига чиқдим-да, чашма қайнаб турган жойда тўхтадим ва бирпас нафасимни ростлаб, мистер Хендерленд бериб юборган зогора нонни сувга ботириб еб олишга ҳамда эндиғи ишларимни пухта режалаштиришга аҳд қилдим.

Аъзойи баданимни пашиша чақиб ташлади, ташвишлар ҳам ҳол-жонимга қўймасди. Нима қилмоқ керак? Алан билан нима учун алоқа қиласяпман? Ахир у қонун олдида жавоб бериши керак: бугун одам ўлдирмаган бўлса-да, эртага албатта бирор кишининг бошини ейди. Бу ерда қўрқиб-писиб ўтиргандан кўра, жануб томонларга кетиб қолганим яхши эмасми? Вақти-соати келиб мистер Кембеллми, мистер Хендерлендми ўзбошимчалик қилганимни билиб қолишса, кўзларига қандай қарайман?! Улар менга, дарвиш экансан, дейишмайдими, ахир! Хуллас, қалбим шубҳаю гумонлар гирдобида қолди.

Ўй суриб ўтирган пайтимда бирдан тўқай томондан одамларнинг товуши ва от туёқларининг дупур-дупури эшитила бошлиди. Тез орада бурилишда тўртта йўловчи кўринди. Ўша жойда сўқмоқ шу қадар торайиб кетган эдикси, улар отнинг жиловидан ушлашганча этаклаб келишар-

ди. Олдинда жингалак мalla сочли норгул киши келарди: афтидан, амалдорга ўхшарди, юзлари бўғриқиб кетган, шляпасини қўлига ушлаб олганча дам-бадам силкитиб қўяр ва ҳансира-ҳансира зўрға нафас оларди. Қоп-қора кийимга ва бошидаги оппоқ ясама сочига қараганда, ишбоши иккинчи бўлиб шахдам одим ташларди. Кейин катак гулли, ёқасига заррин уқа қадалган кийимли хизматкор келарди; демак унинг хўжайини тоғлик асилизодалардан экан; чунки шотландча катак гулли кийимда юриш қонун билан тақиқланган эди: хўжайин ё қонунни сариқ чақага олмайди ёки у боёнлар орасида жуда катта иззат-икромга сазовор эди. Агарда мен бундай масалаларнинг нозик жиҳатларидан хабардор бўлганимда, жиякнинг рангига қараб Аргайлар тимсолини, бошқача айтганда, Кемпбеллар нишонасини таниган бўлардим. От эгарига хуржун ташлаб қўйилганди, эгарнинг қошига эса (сайр-саёҳатга ишқивоз маҳаллий аҳоли орасида шунаقا одат расм бўлганди) тўрва танғиб боғланган, тўрвага пунш тайёрлаш учун ишлатиладиган норинж тўлдириб олинганди.

Тўртингчи одам масаласига келсак, илгари унга ўхшаган кимсаларни кўп учратганман ва бирпастда у суд ижрочиси эканини илғаб олдим.

Уларга кўзим тушган заҳотиёқ негадир (ўзим ҳам билмайман) саргузаштларим йўналишини ўзгартирмасликка қарор қилдим: мен ўтирган жойга яқинлашган чоқларида майсадан турдим-да, олдидагисидан Охарнга қандай борса бўлади, деб сўрадим.

У жойида таққа тўхтадию бошимдан-оёғимга-ча синчиклаб разм солиб, сўнгра ишбошига ўтирилди.

– Манго, иккита ҳалол қароқчига дуч келишдан ҳам ортиқроқ яхши аломат бўлмаса керак! – деди.

– Хўш, ўзларингга маълум иш бўйича Дюорога кетаётсам, бирдан қирққулоқлар орасидан навниҳол битта ўсмир чиқиб Охарнга йўлингиз тушмайдими, дея сўраб турса, буёғи қандай бўлди.

– Гленур, ҳазилнинг ўрни эмас, – деб жавоб беришди унинг ҳамроҳлари. Уларнинг иккитаси яқин келиб менга синчикалаб назар ташлади, қолган иккитаси нарироқ туришди.

– Хўш, Охарнда нима ишинг бор, йигитча? – деб сўради лақаби Малла Тулки бўлган гленурлик Колин Рой Кембелл: мен айнан ўшани саволга тутгандим.

– Битта одамни кўрмоқчиман, – деб жавоб бердим.

– Жеймс Глен бўлса керак, – деб минфирилади Гленур ва яна суд ижрочисига мурожаат этди: – Кўриниб турибдики, ўз одамларини тўпламоқчи экан.

– Нима бўлганда ҳам ортимиздан аскарлар етиб келишини шу ерда кутиб турганимиз маъкул, – деб жавоб берди шериги.

– Мени деб саросимага тушиб қолганга ўжшайсизлар, – дедим. – Ундай бўлса, эшитиб қўйинглар: мен унинг ҳам, сизнинг ҳам одамингиз эмасман: қирол Георгнинг оддий, ҳалол фуқаросиман: ҳеч кимдан қарзим йўқ, бирордан қўрқадиган жойим ҳам йўқ.

– Ёмон гап эмас, – деб маъқуллади ишбоши. – Фақат ижозат этсалару битта савол берсам: ҳалол фуқаро ўз юртидан олисларда нима қилиб юрибди, нима учун Ардшилларнинг биродарини қидиряпсиз? Агар хабарингиз бўлса, бу ерларда

камина ҳукмрондир. Яъни, ана шу ўлкаларга қи-  
рол томонидан тайинланган ишбоши бўламан,  
орқамда эса ўнлаб аскарларим бор.

– Эшитганман! – дедим зардали оҳангда. – Бу-  
тун ўлка бўйлаб сизнинг қанақа қалтис жойларда  
уяларингиз борлиги тўғрисида мишиши тарқал-  
ган.

У ҳамон менга тикилиб турар, гўё бирор қарор-  
га келишга иккиланарди.

– Начора, – деди ниҳоят. – Тилинг заҳар экан,  
лекин мен тўғрисўз одамларни яхши қўраман.  
Агар бошқа куни Жеймс Стюартнинг уйига қай-  
си йўлдан борса бўлади деб сўраганингда, сени  
алдаб ўтирасдим, ҳатто орtingдан оқ йўл тилаб  
қолардим. Лекин бугун... Манго, нима дейсан? – У  
яна суд ижрочисига ўгирилди.

Бироқ худди шу тобда – у бошини ўгираётган  
дамда тепадан, қоядан ўқ товуши янградию ўқ-  
нинг акс садоси тинмай туриб Гленур тап этиб  
сўқмоққа қулади.

– Сен! – деб иҳраб юборди у. – Мени ейишди!

Ижрочи уни қучогига олдию хиёл қўтариб ту-  
раверди, хизматкор эса қўллари ҳориб-толганига  
қарамасдан унинг устига энгашганча қотиб қол-  
ди. Ярадор қўрқув аралаш гоҳ унисига, гоҳ буни-  
сига тикиларди: охири одамнинг юрак-бағрини  
эзиб юборадиган ғалати товушда тилга кирди:

– Қочинглар. Мен энди одам бўлмайман.

У чакмонининг тутгмаларини ечиб ташламоқчи  
бўлди: афтидан, ярасини ушлаб кўрмоқчи эди,  
лекин бармоқлари мажолсизлигидан фақатгина  
тутгмаларни силаб-сийпаларди, холос. Чуқур на-  
фас олдию боши елкасига шилқ этиб тушди.

Суд ижрочиси лом-мим демади, аммо ранги  
мурдадай оқариб, ёноқ суюклари бўртиб кетди:

хизматкор ёш боладек ҳўнграб юборди. У бошлинига муштлаб саннаб йифларди: менинг эса, қўрқувдан тилим калимага келмай қолди, фўдайганимча улардан кўз узмай туравердим.

Ниҳоят, ижрочи жасадни сўқмоқдаги қон ҳалқоб бўлиб қолган жойга ётқизди-да, аранг қаддини ростлади. Назаримда, унинг худди шу ҳаракати юрак-бағримни ўртаб юборди, чунки туриши билан мен: «Қотил! Қотилни ушланглар!» дейа фарёд кўтарганимча қоя томон югуриб кетдим. Ҳаммаси бир нафасда рўй берди; дастлабки қоядан ошиб ўтган пайтимда рўпарамда яна битта яйдоқ қоя намоён бўлди, қотил эса ҳали узоққа кетмаган экан. У темир тугмали қоп-қора чакмон кийган норгул киши бўлиб, қўлида қувури узун ов милтифи бор эди.

– Буёққа келинглар! – деб қичқирдим. – Ана у!

Қотил шоша-пиша орқасига қарадио қоча бошлади. У бир сонияда қайнзорга кириб, кўздан ғойиб бўлди. Бир оздан кейин ўрмоннинг юқори қисмида қораси кўринди; унинг маймундай эпчиллик билан чўққига кўтарилаётгани кўриниб турарди; қотил қоя ортига ўтиб кетдио уни бошқа кўрмадим.

Бу вақт ичида мен ҳам бир жойда тўхтаб турмадим, албатта. Хийла баландликка кўтарилдим, лекин пастдан чақириб қолишибди: «Тўхта!» дейишибди. Шу пайт қайнзорнинг юқори чеккасига етиб боргандим; орқамга ўгирилган маҳалда ўрмоннинг очиқ жойи баралла кўз ўнгимда намоён бўлди.

Хизматкор билан суд ижрочиси сўқмоқ устида туришарди: бақириб-чақиришганча қўлларини силкитишарди ва мени орқага қайтишга ундашарди. Уларнинг чап томонида, тўқайнинг этак

қисмида пилтамилтиқдарни олдинга ўқталган күйи аскарлар бирин-кетин қояга ўрмалаб чиқышарди.

– Нима учун орқамга қайтишим керак? – деб қичқирдим жаҳлим чиқиб. – Ундан кўра, ўзларинг бу ёқقا чиқинглар!

– Анави болани ким қўлга туширса, ўн фунт мукофот! – деб чинқирди хизматкор. – У қотилнинг ҳамговоги. Бизни гапга солиб, чалғитиб турриш учун атайлаб буёқقا жўнатилган.

Шу сўзларни эшитишм биланоқ (у аскарларга қараб қичқираётган бўлса ҳам, сўзларини аниқ-тиниқ эшитдим) қўрққанимдан юрагим тоннимга тушиб кетди. Агар ҳаётинг хавф остида қолса, нажот йўли топилиши мумкин: бирйўла ҳаётдан маҳрум бўлсангу номингга ҳам доғ тушса, додингни бирор тингламайди. Қолаверса, ҳеч кутилмаган пайтда маломатга қолдим, бутунлай эсанкираб, эс-ҳушимни йўқотиб қўйдим: гўё қуёш чараклаб турган осмонда момақалдироқ гулдурагандай бўлди.

Аскарлар занжир мисоли олға силжий бошлишди, баъзилари йўлимни тўсиб чиқиши учун югуриб кетишиди, бошқалари эса пилтамилтиқларини елкаларидан туширишиб, нишонга олишиди: мен жойимда қилт этмасдан туравердим. Шу пайт ёнгинамдан:

– Дарахт орқасига ўтиб, ўзингни бу ёқقا ташла! – деган товуш эшитилди.

Нима қилаётганимни англамасдан дарахт орқасига ўтиб, пастга сидирилиб тушганимни биламан, бирдан пилтамилтиқ ўқлари қайин шохлари орасидан шув-шув этиб ўтиб кетди.

Икки қадамча нарида, қўлида қармоқ тутган Алан дарахт орқасида яшириниб турарди. У мен

билин саломлашмади (ҳозир мулозамат қилиб ўтирадиган пайт эмасди): «Орқамдан югур!» деб қўйди, холос. У ғадир-будир тепаликлар бўйлаб Баллахулиш томон чопиб кетди, мен худди қўзи-чоқдай унга эргашдим.

Биз қайназор оралаб югуриб борардик: баъзан тумшуғимиз ерга теккудек энгашганимизча қоялар устидаги дўнгликлардан ошиб ўтардик, баъзан тўрт оёқлаб эмаклаб арчагуллар орасига кириб кетардик. Орқа-олдимизга қарамай югурадик, юрагим кўкрак қафасимни ёриб чиқиб кетадиган алфозда дукурлар, умуман, юрагим ёрилиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди: ҳатто бошимни қашлашга фурсат йўқ эди, бир-икки оғиз гапирай десам, ўпкам оғзимга тикилиб сўзлай олмасдим. Алан қар сафар қаддини ростлаб, орқасига на зар ташлаётганда кўзларимни пирпиратганим-ча унга қараб қўярдиму бунга жавобан олисдан, албатта ғазабланган аскарларнинг сўкинишлари эшитиларди.

Тахминан чорак соат вақт ўтгач, Алан арчагуллар устига ётиб елкаси оша менга қаради.

– Энди ҳазил тугади, – деди чуқур нафас оларкан. – Агар яшашни истасанг, мен нима қилсан сен ҳам шуни такрорлагин.

Кейин аввалгидан ҳам минг карра эҳтиёткор бўлиб, боя келган йўлимиздан зудлик билан нишабликка туша бошладик, фақат сал юқорироқ томондан юрдик. Ниҳоят, Аланни дастлаб кўрган жойимга етганимиздан сўнг, у Литтер соҳилидаги тўқайда битта қайин остига таппа ўзини ташла-дию юзини қирққулоқларга буркаганча ҳарсил-лаб нафас ола бошлади.

Менинг қовурғаларим мажақланиб кетганга ўхшар, кўз олдим жимиirlар, оғзимдан гўё

оташ пуркардим, чанқоқдан юрагим ёниб кетаман дерди, хуллас, мен ҳам тап этиб унинг ёнига йиқилдим.

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

### ТҮҚАЙДАГИ СУҲБАТ

Биринчи бўлиб Алан ўзига келди: ўрнидан турди-да, қайинзор ёқасига бориб, олисларни кўздан кечирди, сўнгра ортига қайтиб, жойига ўтирди.

– Уф, исиб кетдик-ку, Дэвид, – деди.

Мен жавоб бермадим, ҳатто бошимни ҳам кўтармадим. Кўз ўнгимда қотиллик рўй берди: қувноқ, истараси иссиққина паҳлавон бирпасда жонсиз жасадга айланди-қолди: ҳамон унга ачинардим, лекин чинакамига куйинмасдим. Алан жонидан ҳам баттар ёмон кўрадиган одам ўлдирилди, Аланинг ўзи эса шу ерда, тўқайдя яшириниб ётибди, аскарларга тутқич бермади. Тепкини унинг бармоқлари босдими ёки буйруқ ундан чиқдими фарқи йўқ. Фаҳмлашимча, бу ёввойи ўлкадаги ягона қонли жиноятга бевосита алоқадор бўлиб, бу ҳол кишини даҳшатга соларди: юзига қарашга ҳам юрагим бетламасди: қуёш аёвсиз қиздираётган тўқайда одамхўр билан ёнма-ён ётгандан кўра, ўша қарғиш теккан оролда яккамоховга ўхшаб ёмғирга бўкиб юрганим, очликдан ўлиб кетганим яхши эди.

– Нима бало, ҳеч нафасингни ростлаб ололмаяпсан? – деб мурожаат этди.

– Йўқ, – дедим, юзимни қирққулоқлар орасига яширганимча. – Йўқ, аллақачон нафасимни ростлаб олганман, гапиришим мумкин. Биз энди ажралишимиз лозим. Алан, мен сизни ёмон кўриб

қолдим: юриш-туришларингиз ғалати кўриняпти, худодан қўрқмас экансиз: қисқаси, биз энди ажралишимиз керак.

– Дэвид, ҳеч қандай сабабсиз, бекордан-бекорга ажрашиб кетолмасак керак, – деди Алан жиддий оҳангда. – Агар номимга доф бўлиб тушадиган бирор нарса маълум бўлса, эски дўстлигимиз ҳурмати ростини айтишинг лозим: шунаقا-шунаقا деб, агар таниш-билишларим ёқмай қолган бўлса, мен сендан ўпкалаш им лозим, бу ахир ҳақорат-ку.

– Алан, бу гапларнинг нима кераги бор? – дедим. – Жуда яхши биласизки, сўқмоқда анави Кембелл қонига қоришиб ётибди.

У бир оз сукут сақлаб турди-да, сўнг тилга кирди:

– Бир киши ва олижаноб миллат ҳақидаги чўпчакни эшитмаганмисан?

Мен уни насиҳатомуз эртак айтмоқчи шекили, деб ўйладим.

– Эшитмаганман, эшитишни ҳам истамайман, – дедим.

– Ижозат берсангиз, мистер Бэлфур, бари бир айтиб бераман, – деди Алан. – Кунлардан бир куни битта одам денгиз ўртасидаги қояга итқитиб ташланибди: ўчакишгандек ўша жой олижаноб миллатнинг севимли маскани экан: улар Ирландияга кетаётган чоқларида доимо қоя устида ҳордиқ чиқаришарди. Ўша қоянинг номи Скерривор бўлиб, у кемамиз ҳалокатга учраган жойдан унчалик олис эмас. Шундай қилиб, бечора одам: «Эҳ, ўлимим олдидан ўз боламни бир марта кўрсам эдим, дунёдан беармон кетардим!» дея дод солиб йиглай бошлабди. Унинг юрак-бағри эзилаётгани олижаноб миллат қиролининг

қулоғига етиб борибди ва раҳмдил қирол ер ости-  
даги хазинани қўриқлайдиган бадбашара, сер-  
соқол митти кишига фармон берибди: «Учиб бо-  
риб болакайни қопчиққа солиб келинглар ва ана-  
ви шўрпешона ухлаётган пайтда ёнига ётқизиб  
кўйинглар!» Одам уйқудан уйғонса, ёнгинасида  
қопчик турганмиш, қопчиқнинг ичидаги эса бир  
нарса қимирлармиш. Аксига олгандек, у ўзининг  
соясидан ҳам чўчийдиган жаноблар тоифасидан  
экан: хуллас, тағин бирор кор-ҳол рўй бермасин  
деб, қопчиқнинг оғзини очишдан аввал эҳтиёт  
шарт, ханжарини қопчиққа бир тиқиб олибди:  
кейин қопчиқни мундай очиб қараса, болакай  
ўлиб ётганмиш... Назаримда, мистер Бэлфур, сиз  
ўша одамга қариндошга ўхшайсиз.

– Демак, бу ишда сизнинг қўлингиз йўқми? –  
деб шартта ўрнимдан туриб кетдим.

– Аввалинбор, мистер Бэлфур, эски дўстлиги-  
миз ҳурмати, бирорни асфаласофилинга жўнат-  
моқчи бўлган ёвуз ниятли киши қармоқни елка-  
сига ташлаб олиб сайр этиб юрмайди, қилич ёки  
милтиқ кўтариб юради. Қолаверса, қабиладошли-  
рини маломатга қолдирмаслик учун бундай ишни  
она юртидан олисроқ жойда амалга оширади, –  
деди Алан.

– Ҳа, бу гап тўғри!

– Энди, – деб давом этди Алан ханжарини қи-  
нидан суғуриб, кейин уни тантанавор кўксига  
босди, – мен мана шу муқаддас тиф ҳурмати қа-  
сам ичиб айтаманки, тушимда ҳам, ҳушимда ҳам  
мутлақо қотилликка алоқадор эмасман!

– Худога шукр! – деб хитоб қилдим ва унга қў-  
лимни узатдим.

Алан қўлимга қайрилиб ҳам қарамади.

– Муни қара-я, битта Кембеллнинг иши шунчалик муҳим экан-да! – деди. – Дафъатан камёб ҳодисага ўхшамайди-ку!

– Ҳадеб мени айблайвериш ҳам унчалик тўғри эмас-да! – дедим. – Кемада нималар деганингизни бир эслаб кўринг, ахир! Ҳартутугул, худога шукрки, васваса билан қилмиш ўртасида жуда катта тафовут бор. Ҳар ким ҳам васвасанинг комига тушиб қолавермайди, лекин Алан, соvuққонлик билан битта инсонни жонидан жудо қилиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди!..

– Нафасим бўғилиб, сўзлашдан тўхтаб қолдим.

– Мабодо хабарингиз йўқми, бу ишни ким қилдийкин-а? – деб қўшиб қўйдим бирпасдан кейин.

– Ўша давангирдай йигитни (қоп-қора чакмонли) танимайсизми?

– Чакмоннинг ранги қора эканига кафолат беролмайман, – деб жавоб берди Алан муғамбирлик қилиб. – Назаримда, чакмон кўк тусли эди.

– Кўк бўладими, қора бўладими – бунинг аҳамияти йўқ, лекин сиз ўша одамни танидингизми?

– Вижданан айтсан, қасам ичолмайман, – деди Алан. – Шубҳасиз, у ёнимдан ўтиб кетди: ҳамма бало шундаки, биласанми, худди ўша дамда бошмоғимнинг боғичини боғлаётган эдим.

– Ундей бўлса, балки уни танимасдим, деб қасам ичарсиз-а? – дедим жаҳлим чиқиб. Бир томондан, унинг важ-карсонидан кулгим қистарди.

– Бундай ҳам қилолмайман, – деб жавоб берди у. – Эҳ, Дэвид, биласанми, хотирамнинг мазаси йўқ: ҳамма нарсани эсимдан чиқариб қўяверман.

– Лекин мен баъзи нарсаларни аниқ кўрдим, – дедим. – Сиз жўрттага ўзингиз билан мени уларга

яқын күрсатдингиз, аскарларни чалфитиш учун шундай қилдингиз.

– Бўлиши мумкин, – деб фикримга қўшилди Алан. – Менинг ўрнимда бошқа бир инсофли инсон бўлганида ҳам шундай қиласарди. Бу ерда бизнинг ҳеч қандай айбимиз йўқ.

– Ҳа, биздан бекорга шубҳаланишяпти: ваҳо-ланки, баҳоналарни қалаштириб ташлашимиз мумкин! – дедим қизишиб. – Ҳақ одам айбдорга нисбатан қандайдир устунликка эга бўлади!

– Дэвид, ҳақ одам ўзига тақалаётган айбни судда рад этиш имкониятига эга: ўйлайманки, ўқ узган давангир учун чангальзордан бошқа паноҳ йўқ. Агар сен ўз қўлингни булғамаган бўлсанг, демак қўллари унчалик тоза бўлмаган одамлар ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилишинг лозим. Шундагина олижаноб христиан бўласан. Негаки, агарда ҳаммаси тескари бўлганда борми, айтайлик, ўша афт-башарасига тузуккина назар солишга ҳам улгурмаган давангир бизнинг ўрнимизда, биз унинг ўрнида бўлсак (ахир шундай бўлиши ҳам мумкин эди-да!), яъни у аскарларни чалфитганида, ниҳоятда миннатдор бўлардик!

Мана шунаقا, мунозара бошланиб қолса, Алан икки оёгини битта этикка тиқиб тураверади. Аммо у соддадиллик билан вайсар, ҳақдигига ростдан ҳам ишонарди, зиммасидаги бурчни адо этиш учун ўз ҳаётини қурбон этишга ҳам рози бўларди. Мен миқ этмасдим. Беихтиёр мистер Хендерленднинг сўзларини эсладим: «Биз ана шу ёввойи тоғликлардан ўрнак олсак савоб бўлар эди». Нима ҳам дердим, ўзимга яраша сабоқ олдим. Аланнинг ғурур ва бурч ҳақидаги тасаввурлари телба-тескари эди: ўшалар учун ўйламай-нетмай ўзини ўтга-чўққа ураверди.

– Алан, олижаноб христиан хусусида сизчалик тасаввурга эгаман деёлмайман-у, аммо сўзларингизда шундоқ ҳам олижаноблик сезилиб турибди, – дедим. – Шунинг учун яна бир бор сизга қўлимни узатаман.

У иккала қўлини менга узатди ва агар барча таъна-дашномларингни эшитганимдан кейин ҳам ярашаётган бўлсам, билгинки, каминани сеҳрлаб қўйибсан, деб тўнгиллади. Сўнг қиёфаси тундлашди: фурсатни қўлдан бой бермай, зудлик билан жуфтакни ростлашимиз даркор: ҳозир Эпиннинг тит-питини чиқариб ташлашади. Йўлда дуч келган ҳар бир кимсани сўроққа тутишади: мен шундоқ ҳам қочоқман, сен бўлсанг, истайсанми-истамайсанми, қотилликка алоқадорсан, деди у.

– Во-о! – деб пишқириб юбордим атайлаб жаҳлинни чиқариш учун. – Мен ватанимнинг одил суидидан қўрқмайман.

– Ватан сенини бўлса кошкийди! Худди бу ерда – Стюартлар юртида кимдир сени суд қиласигандек гапирасан-а!

– Қаерда суд қилишларининг унчалик аҳамияти йўқ, ҳамма ёқ Шотландия-ку! – дедим.

– Дўстим, баъзан сенга қараб туриб тушунолмай қоламан, – деди Алан. – Ахир сен Кемпбелл ўлдирилганини ҳисобга олгин-да. Демак, Инверэрида – Кемпбеллар инида суд бўлади, ўн беш бош Кемпбелл эса қасамёд қилган ҳакамлар қаторида ўтиради, судья ўриндигига эса Кемпбелларнинг Кемпбелли – герцог ўлигини ташлаб олади. Дэвид, боя одил суд, дедингми? Тоғ сўқмофида ҳали Гленур қай йўсинда ўлимга маҳкум этилган бўлса, одил суд ҳам худди ўшандек тартибда иш кўради.

Ростини айтсам, бу гаплар каминани унчалик қаноатлантирумади, агарда Алан ҳақ бўлганда, мен бунга тўла-тўқис қаноат ҳосил қиласдим: ўйлашимча, у баъзан кўпиртириб юборарди: масалан, суд маслаҳатчиларидан фақат ўн биттаси Кембеллар эди, холос. Тўғри, бошқа тўрттаси ҳам сўзсиз герцогга бўйсунарди. Умуман, сиртдан муҳим бўлиб кўринадиган бу нарсалар деярли аҳамиятсиз эди. Шунга қарамай, герцог Аргалский масаласида Алан билан роса талашиб-тортишдим: «Ахир у ақли расо акобир, ҳалол одам, бекорга виг эмас-ку!» дедим.

– Буни қара-я! – деди Алан мийигида кулиб. – Унинг виг экани тўғри, бунга ҳеч ким шубҳаланмайди, лекин у ўз қабиласининг баҳодир йўлбошчиси эканини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Қабиладошлари нима дейишади: Кембеллни отиб ўддиришса-ю, олий суд раиси қабилаларининг йўлбошчиси бўлишига қарамасдан, бирор дорга осилмаса? Мен бир неча марта иқрор бўлганманки, текисликда яшайдиган аҳоли негадир яхшиёмонни ажратса олмайди.

Ўзимни тутолмасдан ҳахолаб юбордим: Алан ҳам менга кўшилишиб қаҳқаҳа отаётганини кўриб ҳайрон бўлдим.

– Йўқ, йўқ, Дэвид, – деди. – Ҳозир тоғда турибмиз, агар мен: «Жуфтакни ростлаш керак», десам, сира ҳам пайсалга солиб ўтирганин: орқа-олдингга қарамай қочавер! Биламан, тоғу тошларда, ўрмонда асал сақланмайди, очдан ўлиш ҳеч гап эмас, аммо қизил мундирлилар ўқига учсанг ёки қамоқча тушиб қолсанг, ундан ҳам баттар бўлади.

Ундан, энди қаёққа қараб қочамиз, деб сўрадим. «Жануб томонга», деди. Ростини айтганда, тезроқ уйга қайтиб бориб, амаким билан ҳи-

соб-китобни ўрнига қўйишни жуда ҳам истардим. Шунинг учун Алан билан бирга йўлга тушишдан воз кеча олмадим. Бундан ташқари, одилона суд бўлиши ҳақида хомтама бўлмоқлик аҳмоққа хос хусусият эди: Аланнинг сўзлари шубҳага ўрин қолдирмасди. Ҳадиксираб қолдим: Алан ҳақ бўлса, мени соғ қўйишмайди. Агар қай йўсинда ўлишни истайсан, деб сўрасалар, ҳеч қандай имконим қолмаган тақдирдагина, дорга оса қолинглар, деб жавоб берардим. Бир пайтлар дайди аттордан мўъжаз китобча сотиб олгандим: унда манзума ва манзумага ишланган расмлар чоп этилганди: жирканч қурилмани (дорни) илк бора ўшанда кўрганман – кўз ўнгимда мудҳиш манзара намоён бўлдию одил судга бўлган ишончимга раҳна тушди.

– Алан, энди бўлар иш бўлди, – дедим. – Сиз билан кетаман.

Олдиндан айтиб қўяй, бу сенга ўйинчоқ эмас, – деди Алан. – Доимо оч-наҳор юрасан, на партӯшак, на кўрпа бор. Какликлар билан ўрин талашиб ётасан, овчидан ҳурккан бугудай ҳаёт кечирасан: қўлдан қуролингни қўймай ухлайсан. Ҳа, оғайни, хавф-хатардан фориф бўлгунча бир неча чақирим мобайнида мاشаққатга дош бериш лозим. Олдиндан ҳаммасини ўргатиб қўяман, чунки мен бунақа ҳаётнинг ипидан-игнасигача биламан. Яна қандай йўл бор, деб сўрайдиган бўлсанг: очиғи, бошқа ҳеч қандай йўл йўқ. Ё орқамдан овлоқ сўқмоқлар бўйлаб кетасан ёки дор остига равона бўласан.

– Битта йўлни танлаш қийин эмас, – дедим ва шартномамизни қўл сиқишиб мустаҳкамладик.

– Ана энди қизил мундирлиларга бир күз ташлаб қўяйлик-чи! – Алан мени ўрмоннинг шимолий-шарқ чеккасига етаклаб борди.

Дараҳтлар ортидан қарашимиз билан кўз ўнгимизда кўрфазга тик тушган улкан қоя намоён бўлди. Атрофда ҳарсанг тошлар ястаниб ётар, яккам-дуккам арчагуллару эгри-буғри қайин ниҳоллар бор эди. Ҳув, олисда – Баллахулиш томондаги ёнбагирда дам юқорига, дам пастга, гоҳ тепаликка, гоҳ жарликка қараб ўрлаётган миттигина қизил иблислар тобора камайиб бораради. Бақир-чақирлар тиниб қолган, демак, аскарлар ҳолдан тойган бўлсалар ажаб эмас, лекин улар ҳамон бизнинг изимиздан келишарди, ҳойнаҳой, қочоқларга етиб олишга ишончлари комил шекилли.

Алан мийифида кулимсираган қўйи уларни кузатиб турди.

– Ана холос, – деди у. – Чув тушиб қолганликларини англаб етгуналрига қадар йигитларнинг тинкаси қуриб кетади! Бундан чиқдики, Дэвид, тағин бирпас нафасимизни ростлаб олишимиз мумкин: ўтириб тамадди қиласиз, сувдонимдан бир-икки қултум сув ичамиз. Кейин Охарн томон йўл оламиз, қариндошим Жеймс Гленнинг хонадонига ташриф буюрамизу уст-бошларимни, қуролимни ва йўл ҳаржига пул-мул оламиз-да, ҳайё-хўйт деб, бошимиз оққан томонга қараб кетамиз.

Биз майсалар устига ўтириб овқатландик, сув ичдик: кимсасиз, ёввойи, азим тоғлар ортига ботаётган қуёш кўриниб турарди: дўстим билан ана шу ўлкада сарсари кезмоғим лозим. Ўтган кунлар мобайнида кўрган-кечирганларимиз ҳақида қисман довонда ўтирган чоғимизда, қисман Охарнга кетаётган пайтимизда бир-биrimизга гапи-

риб бердик: Аланнинг саргузаштидан энг муҳим, диққатга сазовор ўринларини қуида баён этмоқчиман.

Шундай қилиб, мени итқитиб ташлаган тўлқин орқага қайтар-қайтмас у борт тўсифи ёнига югуриб боради-да, аланг-жаланг қилиб мени қидира бошлайди: гирдобда жонҳолатда қўлларимни шалоп-шулуп қилаётганимни ҳам ва сўнгги дамда лангарга ёпишиб олганимни ҳам элас-элас кўриб қолади. Худди шу нарса кўнглида умид уйғотади, омон-эсон қуруқдикка чиқиб олишимга ишонади ва қаерга борса, ўзидан кейин албатта бирор нишона қолдириб кетишга аҳд қилади; мен эса оқибатда Эпин ерига чиқиб олдим.

Охири кемадаги қайиқни сувга туширишиб икки-уч киши унга ўтириб олишга ҳам улгуради: худди шу чоқда олдингисидан ҳам улканроқ тўлқин ёпирилиб келадио кемани қоя устидан юлқиб олади: агар кема харсанг қиррасига санчилиб қолмаганда, сувга фарқ бўлиб кетарди. Кема қояга тумшуғи билан уриладио қуйруқ қисми сувга ботиб кетади. Қуйруқ қисми ҳавода муаллақ қоладио тумшуғи денгиззага санчилади ва олдинги томондаги туйнукдан кема ичкарисига бир тегирмон сув шариллаб кира бошлайди.

Сўнгра шунаقا бир ҳодиса рўй берадики, гапираётиб Аланнинг ҳам ранги бўзариб кетди. Умумий хонада иккита оғир ярадор каравотда ётган экан, туйнукдан сув отилиб кираётганини кўриб улар кемамиз чўкиб кетибди, деб ўйлашади ва дод-фарёд кўтара бошлашади, палубада турган денгизчилар зудлик билан қайиқча сакраб тушадилару эшкакларни босиб олишади. Бироқ улар икки юз қулоч узоқлашмасданоқ яна баҳайбат тўлқин бостириб келадио кемани қояга

қапишиб турган жойидан тортиб олади ва кема елканларини пуфақдек шишириб қувлашмачоқ ўйнаётгандек қайиқ ортидан шитоб билан йўлга тушади, аммо аста сувга чўкаверади: гўёки сув остида қандайдир кўзга кўринмас қудратли қўл уни сув қаърига тортаётгандек чуқурроқ ботади ва ниҳоят чўкиб, Дайсетнинг «Васият» кемаси устида ҳайбатли тўлқинлар бирлашиб кетади.

Қайиқ то қирғоққа етгунча эшқакчилар ломмим дейишмайди, ярадорларнинг ўлим олдидаги дод-фарёди ҳамманинг тил-жагига кишан солиб кўйган эди. Аммо қуруқликка етай деганда Хозисон бирдан сергак тортади ва Аланни ушланглар, деб фармон беради. Афтидан, фармон денгизчиларга унчалик ёқмайди, улар нима қилишларини билмасдан бир жойда депсиниб тураверадилар: Хозисон эса қутуриб кетади: «Алан энди ёлғиз, унинг пули жуда кўп, мана шу юзуқсизнинг касофати туфайли кема гарқ бўлди, оға-иниларимиз ҳалокатга учради: ҳаммаси учун бирйўла қасос оладиган ва катта бойликни қўлга киритадиган фурсат келди!» деб бўкиради. Улар етти киши эди, боз устига, Алан суюнишга яқин атрофда бирорта харсанг ҳам кўринмасди: денгизчилар аста-секин тарқалишиб, уни қуршай бошлайдилар.

– Худди шу пайт ҳалиги сарфимтири паканавой бор эди-ку... ҳаҳ, оти нимайди-я, хуллас, ўша одинга чиқди, – деб ҳикоясини давом эттириди Алан.

– Унинг исми Риак, – дедим.

– Ҳа, ҳа, Риак! Сира ишонгим келмайди, ўша менинг ёнимни олди; денгизчилардан, жазодан қўрқмайсизларми, деб сўрадим. Кейин: «Ундей бўлса, мен мана шу тоғлик билан елкама-елка туриб сизларга қарши курашаман, жин урсин!»

деди. Биласанми, ўша сариқ попушак унчалик ёмон одам эмас экан, – деди Алан. – Ҳали виждо-нини йўқотмаган экан.

– У менга ҳам баҳоли қудрат яхши муомала қи-ларди, – дедим.

– Аланга ҳам ёмонлик қилмади, – деди оғайним.

– Қолаверса, у табиатан каминага ўхшар экан! Биласанми, Дэвид, кема ҳалокати ва анави бахтиқароларнинг дод-фарёди унинг юрак-бағрини күйдириб юборди. Ўйлашимча, ҳамма жумбоқ мана шу ерда бўлса керак.

– Эҳтимол, – дедим. – Дастрраб, пулга у ҳам бошқалардан кам кўз олайтирган экан. Хозисонга нима бўлди?

– Менимча, жини қўзиб қолди. Лекин пакана-вой менга: «Қоч!» дедиую жуфтакни ростладим. Фақат соҳилда уларнинг тўдалашиб турганини кўриб қолдим, холос. Назаримда, ҳар хил дунёқа-рашлар тўқнашиб қолганди.

– Яъни, буни қандай тушунса бўлади?

– Муштлашув бошланди, – деб тушунтириди Алан. – Кўз ўнгимда биттаси қопга ўхшаб гурс этиб ийқилди. Афсуски, томоша қилиб ўтиришга вақтим йўқ экан. Хабаринг бўлса, Малл оролининг нариги томонида Кембеллар қабиласи яшайди; бизнинг қариндошларимизга эса Кембеллар жа-моати муносиб экас. Акс ҳолда, ҳеч қаёққа қочиб ўтирмасдим, сени ўзим излаб топардим ва пака-навойга ҳам ёрдам берардим, албатта (қизиқки, Алан зўр бериб мистер Риакнинг бўйи пастилигини таъкидларди-ю, лекин ўзининг ундан салгина ба-ланд эканини мутлақо эътиборга олмасди). Шундай қилиб, оёғимга зўр бердим, – деб давом этди Алан. – Йўлда учраган одамга, ҳув анави соҳилда ҳалокатга йўлиқкан кема ётибди, деб эълон қи-

лавердим. Оғайничалиш, буни эшитиб улар мен-га қиё ҳам боқишмасди! Э-э, бир-бирини қувиб, қирғоқ томонга югуришганини бир күрсант эди! Бориб күришсаки, бекорга ҳалпиллашган экан, майли, Кембеллар қавмига бунақа «мусобақа» зиён қилмайди. Менимча, худойим ўша қаби-лани мазахлаш учун атайлаб кемани синдириб, ўтин қилиб ўтирамдию бутунicha чўктириб юбор-ди. Фақат бу ҳол сенга зарар етказди, холос. Агар соҳилга лоақал пайраҳа оқиб чиққанини кўрган-ларидаям, бутун қирғоқни элакдан ўтказишар-дию сени топиб олишарди.

## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### КЎРҚУВ МАСКАНИ

Биз олға интилаётган пайтимизда кеч кириб қолди. Кундузи осмонни увада мисоли титилиб кетган булат қоплаганди, оқшом чўккандан сўнг эса қора булат босиб келдию ёз фасли бўлишига қарамасдан атроф зим-зиё бўлиб қолди. Тоғнинг ғадир-будир нишаблиги бўйлаб кетиб борардик; Алан олдинда туртинмай илгарилар, мен унинг йўлдан адашмаётганига ҳайрон қолардим.

Ниҳоят, кечки соат ўн яримларда пастликка туша бошладик: пойтимизда водий ястаниб ётар, гулхан жоласи кўзга ташланарди. Хона-дон эшиклари очилиб-ёпилганда ўчоқдаги олов ёки шам шуъласи кўриниб қолар, уй атрофида, кўрғон ҳовлисида эса бошлари узра машъала кўтариб олишган беш-олти киши елиб-югури-шарди.

– Нима бало, Жеймс ақддан озиб қолмадими-кан, ишқилиб? – деди Алан. – Агар ҳозир аскар-

лар бўлса унинг ҳолига маймунлар йиғларди. Менимча, у йўлга пистирма қўйган бўлса керак; биз келган йўлни Жеймс жуда яхши билади, лекин аскарлар зинҳор-базинҳор тополмайди.

Шундан кейин Алан уч марта шартли ҳуштак чалди: дастлабки ҳуштак товуши янграши билан барча олов атрофидагилар қотиб қолгандек бўлди, гўё машъалачиларни қўрқув ерга михлаб қўйгандек эди; ҳуштак учинчи бор чалингандада яна фимир-ғимир бошланди. Биз шу тариқа қўргон аҳолисини тинчлантирилди-да, нишабликдан тушдик ва дарвоза олдида (қўргон бадавлат деҳқонларнинг хўжалигини эслатарди) эллик ёшлар атрофидаги кўркамгина, новча киши йўлимизга пешвоз чиқдию гэллар тилида Аланга бир нималар деди.

– Жеймс Стюарт, шотланд тилида гапиришингни илтимос қиласман, – деди Алан. – Чунки битта меҳмон бошлаб келяпман, у бизнинг тилимизни тушунмайди. – У қўлтиғимдан олди-да, қўшимча қилди: – Манави йигитчани назарда тутяпман; ёш мулкдор, пастлиқда яшайди, мулкдор, менимча унинг ер-мулкини эсламаганимиз маъқул, акс ҳолда эгасининг мазаси қочиб қолиши мумкин.

Жеймс Глен мен томон ўгирилди-да, қойиллашиб таъзим бажо келтирди ва дарҳол Аланга мурожаат этди:

– Бай-бай-бай, кўргиликни қара-я! – деб хитоб қилди. – Энди бошимизга кулфат ёғилади! – У бармоқларининг бўйинларини қисирлатди.

– Дийдиё қиласверма! – деди Алан. – Бир ёмоннинг бир яхшиси бўлади. Худога шукр, Колин Рой адойи тамом бўлди!

– Шундайку-я, лекин худо ҳаққи, уни тирилтирган одамнинг бошидан тилла сочардим! Ёв қочса,

ботир кўпаяди, дейдилар. Бироқ энди бўлар иш бўлди, бўёғи синди. Сенингча, ким жазоланади? Қотиллик Эпинда рўй берди, демак, Эпин жавобгар бўлиши лозим. Алан, ўзинг ўйлаб кўргин ахир, мен аёлманд кишиман.

Суҳбат мобайнида хизматкорларни томоша қилиб турдим: баъзилар томга нарвон қўйишдию пичан фарами ичидан милтиқ, қилич каби қурол-яроқдарни чиқариб олишди; бошқалар эса буларни қаёқларгадир ташиб кетишли; водий ичкарисидан эшитилаётган дастали сўқаларнинг товушидан билдимки, улар қурол-яроқни ер остига кўмишарди. Ҳар ким жонини жабборга бериб ишларди-ю, лекин ҳеч қандай тартибга риоя этишмасди: гоҳ икки киши битта қуролга ёпишарди, гоҳида боши узра машъал кўтариб юрганлар бир-бири билан тўқнашиб кетарди. Алан билан гаплашаётган Жеймс баъзан сужбатни бўларди-да, баланд товушда қандайдир кўрсатмалар берарди, аммо буйруқлар кўнгилдагидек бажарилмасди. Машъала ёритиб турган кишиларнинг қиёфаларидан ғала-ғовур уларни хийла эсанкиратиб қўйганини сезиш мумкин эди; бирор товушини кўтариб гапирмасди, лекин пичир-пичирилар ҳам ташвишли, қаҳрли эшитиларди.

Шу пайт оқсоч уйдан тугунчами, бўғчами кўтариб чиқдию унга кўзи тушган Алан бирпасда каловланиб қолди (ўша ҳолатни эсласам, ҳанузгача кулгим қистайди).

– Анави қизнинг қўлидаги нарса нима? – деб сўради тараддувланиб.

– Алан, уйни тартибга соляпмиз, – деб жавоб берди Жеймс бир оз қўрқув, айни чоқда хушомадгўйлик оҳангига. – Энди Эпинни бошдан охиригача титиб ташлашади; ғамимизни еб қўйма-

сак, арзимаган нарсага ҳам тирғалишлари ҳеч гап эмас. Тушунасан-ку, милтиқ билан қиличларни торф конига кўмиб қўймасак бўлмайди; анави қизнинг қўлидаги тутунчада фарангича кийим-кечакларинг бор. Менимча, уни ҳам кўмиб қўй-сак ёмон бўлмасди.

– Фарангича кийимларим ҳам ер остига кў-миладими? – деб бақириб юборди Алан. – Асло ҳожати йўқ! – Оқсоҳ қўлидан тутунчани юлқиб олди-да, кийимларини алмаштириб чиқиш учун омбор сари йўл олди.

Мен унинг қариндоши билан ёлғиз қолдим. Жеймс мулозамат кўрсатиб каминани ошхонага бошлаб кирди, столга ўтқазди, ўзи ҳам ёнимдан жой олди ва ҳар хил қулгили воқеаларни гапириб бериб, зериктирмай ўтиргди. Бироқ кўп ўтмасдан ташвишга тушиб қолди. Мени ҳам унутиб тирноқларини ғажий бошлади; гоҳ ҳузурида меҳмон борлиги эсига тушиб қолардию зўраки жилмайиб қўярди ва бир-икки оғиз сўз қотар, сўнгра бутун вужудини яна қўрқув эгалларди. Рафиқаси ўчоқ рўпарасида ўтирганча, юзини кафтлари билан тўсиб йифлар, катта ўғли чўкка тушиб полда ётган қофоз уюмларини титкилар, баъзи бирларини танлаб, уни ўчоққа ташлар, куйиб кул бўлгунча кузатиб турарди; йифлайвериб қовоқлари шишиб кетган оқсоҳ ўзини қаёққа қўйишни билмасди ва бурчакка бориб оҳистагина пик-пик йифларди; дам-бадам эшикдан бирров мўралардию энди нима қиласиз, деб сўради.

Охири Жеймснинг тоқати тоқ бўлди, жойида ўтиrolмай қолди ва беодобчилик қилаётгани учун узр сўради-да, мендан хонани айланиб юришга рухсат сўради.

– Сэр, билиб турибман, сариқ чақага ҳам қиммат сухбатдошман, – деди у. – Бари бир хаёлимга ўша баҳтсиз ҳодисадан бошқа ҳеч нарса келмаяпти; шунинг оқибатида қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларнинг бошига бало ёғилади, ахир!

Бир оздан сўнг ўғли бошқа қофозларни ёқаётганини пайқаб қолдию сабр косаси тошди: Жеймснинг аҳволига назар ташлаш ҳам азоб эди. У йигитчанинг юзига бир-икки марта тарсаки тортиб юборди.

– Ҳе-е онангни... тентак! – деб қичқирди у. – Нима, отангни дорга осдирмоқчимисан? – Хонада мөҳмон ўтирганини ҳам унутдию хуморидан чиққунча ўғлини гэл тилида роса сўкди. Йигитча миқ этмасди, лекин «дор» сўзи эштилиши биланоқ хонадон соҳибаси юзини қўллари остига яшириб ҳўнграб юборди.

Бундай ҳолатни қўриш, бундай гапларни эшитиш бегона одамга ниҳоятда оғир эди; Алан қайтиб келганда ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим, ўзининг фарангича кийим-бошида олифта кўринарди, аммо инсоф билан айтганда, кийимини башанг деб бўлмасди; фижимланиб, тўзиб кетган эди-да! Кейин менга навбат келди: хўжайининг ўғиларидан биттаси каминани ошхонадан ташқарига бошлаб чиқиб, кийимларимни алмаштириб олишимни сўради (аслида, аллақачон шундай қилишим лозим эди); менга тоғликлар киядиган буғу терисидан тикилган бир жуфт бошмоқ берди; дастлаб, бундай оёқ кийимида юриш хийла ноқулайдек туюлди, лекин бир оз юриб кўрганимдан сўнг амин бўлдимки, бу жуда зўр пойафзал экан.

Ошхонага қайтиб кирсам, назаримда, Алан ўз режасини айтиб улгурган эди; ҳарҳолда, сукут

аломатида сездимки, бирга йўлга тушамиз, аллақачон сафар тадориги кўрилганди. Бизга қиличу иккитадан тўппонча беришди. Қиличбозликка уқувим йўқлигини яшириб ўтирмадим. Қўшимча тарзда анча-мунча ўқ, бир чипта халтада сули ёрмаси, темир лаганча, сувдонни тўлдириб ажойиб фарангি майидан қуйиб беришди. Хуллас, йўлга чиқишга тап-тайёр эдик. Тўғри, пул унчалик мўл топилмади. Чўнтағимда икки тангага яқин пул қолган эди; Аланнинг тилла тўла камари эса бошқа бир чопардан бериб юборилганди, Ардшилнинг ишончли вакилида бор-йўғи ўн етти пенс қолганди, холос. Маълум бўлишича, Жеймс ижарадорларнинг ҳар хил юмушлари туфайли Эдинбургга тез-тез қатнаб тураркан ва кўпгина чиқимдор бўлиб қайтар экан: шунинг учун амалтақал қилиб зўрга уч шиллингу беш ярим пенс тўплаб берди. Боз устига, пулининг кўпгина қисми мис чақалардан иборат эди.

– Етмайди, – деди Алан.

– Сен шу яқин атрофдаги ишончли жойда яшириниб ётишинг лозим, – деди Жеймс. – Кейин хабар қиласан. Алан, гапим малол келмасин-у, лекин шошилишинг керак. Қандайдир икки-уч танга учун имирсилаб ўтирсанг бўлмайди, фанимат фурсатни бой беришинг мумкин. Агар шу ерда эканингни сезиб қолишка худо кўрсатмасин-у, лекин юрагим сезяпти-да, бирпасда тинтуб бошланади ва ҳамма айбни сенга афдаришади. Мабодо қўлга тушсанг, мени ҳам соғ қўйишмайди; ахир биз яқин қариндошмиз, бу ерларда меҳмон бўлган пайтингда яшириб қўярдим. Агар мени қўлга олишса... – У тилини тишладиу ранги оқариб кетди ва тирнофини ражий бошлади. –

Агар мени қўлга олишса, бизниkilарга жуда оғир бўлади, – деб гапини якунлади.

– Эпиннинг қора кунлари бошланади, – деди Алан.

– Буни ўйлашнинг ўзи даҳшат! – деди Жеймс.  
– Бай-бай-бай, Алан, биз хотинларга ўхшаб ва-лақдашиб ўтирибмиз-а! – У кафти билан деворга уриб қўйганида бутун уй зириллаб кетди.

– Тўгри-да, нима бўпти? – деди Алан. – Мана, пастликда яшайдиган дўстим ҳам шу ҳақда гапирган эди. – У мен томонга ишора қилди. – Аф-суски, унинг гапларига қулоқ солмаган эканман.

– Биласанми, Алан, мабодо мени қамоқقا олишса, унда пул керак бўлади, – деди Жеймс бо-сиқ оғангда. – Ўшанда нималар деганимнию сен нималар деганингни эслаб қолишади ва иш икка-ламиз учун ҳам чаппасига кетади, фаҳмлаяпсан-ми? Фаҳмлаётган бўлсанг, яхшилаб ўйлаб кўр, ўз кўлим билан асосий белгиларинг хусусида изоҳат тайёrlашга, бошинг эвазига мукофот ваъда қи-лишга мажбур бўлажагимни наҳот тушунмаёт-ган бўлсанг? Ҳа, ҳа, қочиб қаёққа ҳам борардим! Қадрдон дўстга қўл кўтариш осон эмас, лекин ўша даҳшатли бахтсизлик учун жавоб берадиган бўлсам, дўсти азиз, ўзимни ҳимоя қилишга маж-бур бўламан. Тушундингми?

У бу сўзларни илтижо оҳангида, Аланнинг мун-дири ёқасидан маҳкам ушлаб олган кўйи ирод этди.

– Ҳа, – деди Алан. – Ҳаммасини тушунаман.

– Алан, бу ерлардан тезроқ жўна... Ҳа, ҳа, Шот-ландияга қоч... Ўзинг қоч, танишингни ҳам эр-гаштириб қоч. Чунки жанубий ўлкалардан кел-ган танишингнинг асосий белгилари хусусида хужжат тайёrlаш ҳам зиммамга тушади. Алан,

ахир буни тушунасан, тўғрими? Тушунаман, дегин ахир!

Менга шундай туюлдими ёки ҳақиқатан ҳам Аланнинг ғазаби жўшиб кетдими?

– Жеймс, ахир бунинг қандай алоқаси бор? – деди ялинчоқ оҳангиди, бошини орқасига ташлаб.

– Ахир уни буёқча мен бошлаб келдим-ку! Мени сотқинга чиқариб қўйдингми!

– Шошма, Алан, ўзинг ўйлаб кўр! – деб хитоб қилди Жеймс. – Ҳақиқатнинг кўзига тик қара!

Унинг асосий белгилари борасида бари бир ҳужжат тузилади; буни Манго Кемпбелл жон-жон деб ёзиб беради. Хўш, ўша қофозни мен ёзиб берсам нима бўпти? Қолаверса, оилас бор, ахир, Алан.

– Иккаласи бирпас жим қолишиди. – Алан, судни Кемпбеллар бичиб-тўқишиади, – деб якунлади.

– Худога шукрки, жилла қурса, дўстимнинг исмини бирор билмайди, – деди Алан ўйчан.

– Билолмайди ҳам, Алан! Ишонмасанг, калламни олишинг мумкин! – деб бақирди Жеймс. У гўё менинг исмимни биладигандай, энди ўз манфатига қарши гапираётгандек эди. – Лекин унинг қандай кийимда эканини, ташқи кўринишини, ёшини ва бошқа белгиларини айтмасдан иложим йўқ. Ёки бошқа йўли борми?

– Сенга қараб туриб, ёқамни ушлайпман, – деди Алан ғазабини яширмасдан. – Нима бало, бу йигитчани ўзинг ҳадя этган совға-саломларга буркаган ҳолда хароб этмоқчимисан? Дастваб, кийим-кечак бердинг, энди сотмоқчимисан?

– Нималар деяпсан ахир, Алан! – деди Жеймс.

– Йўқ, йўқ, мен устидан ечиб ташлаган кийимларни назарда тутдим-ку... Мангонинг кўзи тушган уст-бошини айтаман-да. Менимча, бу кишининг иродаси синган, кўзига кўринган ҳар қан-

дай хас-хашакка осилишга ҳам тайёр турарди; афтидан, доимо тергов жараёни хаёлидан нари кетмас, душманларининг қонталаш қиёфаларию дор кўз ўнгида яққол намоён бўларди.

– Хўш, жаноб, нима дейсан? – деб Алан каминага мурожаат этди. – Ор-номусим сенинг ҳимоя-чингdir; агар рози бўлмасанг, ҳеч нарса рўй бермайди, зиммамдаги бурчимни адо этаман.

– Нима ҳам дердим, – деб жавоб бердим. – Сизлар нима ҳақда мунозара қилаётганларинг менга қоронғи. Агар оқилона фикр юритадиган бўлсак, фақат ўқ узган одамнигина шу тарзда айблаш лозим. Ўзингиз айтаётган ҳужжатларни, майли, тайёрлаб беринг; айборни қўлга туширсин, лекин ҳалол, айбсиз одамларга халақит беришмасин-да.

Алан билан Жеймс Глен гапларимни эшитиб даҳшатга тушишди, бири қўйиб-бири олиб бақира бошлишди; тилингни тийсанг бўларди, дейишиди; ахир бу кўз қўриб, қулоқ эшитмайдиган иш бўлади-ку, Камеронлар нима деб ўйлашади (шундай қилиб, тахминим тасдиқланди: маморлик Камеронлардан бири қотил эди), нега тушунмайсан ахир, ўша давангирни тутиб олишлари мумкин-ку?..

– Кўриниб турибдики, бу гаплар хаёлингга ҳам келмаган экан! – дейишиди кейин жўр бўлишиб. Улар шу қадар қизғин, жиддий оҳангда гапиришардики, бирдан ҳафсалам пир бўлди ва мунозара қилиб ўтириш бефойда эканини англааб қолдим.

– Бўпти, бўпти! – деб қўл силтадим. – Менинг устимдан, Аланнынг устидан ва агарда лозим бўлса, қирол Георгнинг устидан ҳам ҳужжат тайёрлайверинг! Учаламиз ҳам беайбмиз: янгишмадим.

сам, фақат шу нарса керак шекилли? Сэр, нима бўлганда ҳам мен Аланнинг дўстиман: агар унинг қариндош-уругларига ёрдам бериш лозим бўлса, ҳеч қандай хавф-хатардан қўрқмайман, – дедим Жеймсга юзланиб, у ҳовуридан тушгандан кейин.

Яхшиликча розилик билдириб қўя қолганим тузук, деб ўйладим. Афтидан, Аланнинг ичини мушук таталаяпти; қолаверса, остона ҳатлаб ташқарига чиқишим билан бари бир ўша лаънати ҳужжат тайёрланади: мендан сўраб ўтиришмайди. Аммо ноҳақ бўлиб чиқдим: чунки сўзимни тугатар-тугатмас миссис Стюарт ўриндиқдан сапчиб турдию қўзларида ёш, югуриб ёнимизга келди ва дастлаб мени, сўнgra Алани қучоfigа босди; оиласига нисбатан меҳрибонлик қилаётганимиз учун миннатдорлик изҳор этди, дуо қилди.

– Алан, сен ҳақингда гапириб ўтирмайман, чунки шундай қилиш муқаддас бурчинг эди, – деди аёл. – Лекин мана бу йигитчанинг йўриги бошқа: у бизникига келдию бошимизга қулфат тушганини кўрди; қарасаки, ҳокими мутлақ бўлмиш оиламиз бошлиғи тилёғламалик қиляпти, тавбасига таяниб турибди. Ҳа, ўғлим, сизнинг йўрифингиз бошқа. Афсуски, исми шарифингизни билмайман, аммо юзингизни кўриб турибман; токи тирик эканман, қиёғанғизни асло унутмайман, ҳақингизга дуо қиламан.

У шундай деб мени ўпиб-ўпиб қўйди-ю, яна юм-юм йиглай бошлади. Нима қиласимни билмай саросимага тушиб қолдим.

– Оббо, етар энди, – деди Алан қўпол қилиб.  
– Июль ойида тун шу қадар қисқа бўлади; қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қоласан; эртага

Эпинда шунақанги түс-түполон күтариладики, асти құйяверасиз: ҳамма ёқни отлиқ аскарлар болып кетади, «круахан»лар<sup>12</sup> қулоқни қоматта келтиради, қызил мундирлілар оёқдарини құлларига олишиб югуришади, хуллас, биз тезроқ туёғимизни шиқыллатышимиз даркор.

Биз хайрлашиб шарқий йұналишга қараб йўлга тушдик: гоҳ тепаликка күтариilar, гоҳ пастта тушардик. Атроф нимқоронғи, сокин тун ҳукмрон эди.

## ЙИГИРМАНЧИ БОБ

### СИРЛИ СҮҚМОҚ БҮЙЛАБ ҚОЯЛАР

Дам йўргалаб юрардик, дам ўпкамизни қўлтиқлаб югурардик; тонг яқинлашгани сари илдамроқ қадам ташлар эдик. Дафъатан бу жойлар кимсасиздек туюларди, аммо тепаликлар орасидаги хилватгоҳларда пастқам кулбалар тиқилиб ётарди; йигирмага яқин ана шундай уй-жойларни ортда қолдирдик. Бундай фақирона уйларга яқинлашган пайтимиз ҳар гал Алан мени бир четда қолдирарди-да, ўзи бориб дераза орқали икки-уч оғиз гаплашарди. Тоғликларда ҳар бир янгилик шу тарзда тарқатилади: бу бениҳоя муқаддас бурч ҳисобланардики, ҳатто ўлимдан қочиб бораётган Алан ҳам уни адо этишни мажбурият деб биларди, айни чоқда бу ҳол бошқалар томонидан ҳам бекаму-кўст ижро этиларди; шунинг учун ҳам биз безовта қилган кулбаларнинг кўпчилигига қотиллик ҳақидаги хабар аллақачон етиб келган эди. Дарвоқе, хийла олис масофадан бўлса ҳам бегона тилдаги узуқ-юлуқ сўзлар оҳангida одамларнинг

<sup>12</sup> «Круахан» – Кемпбелларнинг жанговар чақириғи (*муаллиф изоҳи*).

янгиликдан ҳайратланиш ўрнига кўпроқ ваҳимага тушиб қолишларини пайқардим.

Жадал ҳаракат қилган бўлсак-да, ўзимиз истаган пайтгача панароқ жойга етиб бора олмадик: икки томони пурвиқор қоялардан иборат жарлик тубида юрган чофимизда тонг отди; пойимизда ҳайқириб, кўпиклашиб сой оқарди. Тоғлар яйдоқ, на кўм-кўк майса, на бирон бир дараҳт кўринарди. Қирол Вильгельм замонида қирғинбарот жанг бўлган Гленкоу водийси шу ерлар эмасмикан, деб ўйлай бошладим. Сафар тафсилотлари масаласига келсак, тумтароқ тасаввурга эга бўлдим, холос: қаердадир тўғрига қараб юрдик, бошқа жойда қандайдир тўсиқни айланиб ўтдик; атрофни яхшилаб кўздан кечиришга фурсат йўқ эди. Қолаверса, асосан кечаси йўл босдик. Баъзи жойларнинг номларини сўрардим-у, гэлча бу номлар бирпастда эсимдан чиқиб кетарди.

Шундай қилиб, хосиятсиз жарликка етган пайтимизда тонг отди. Алан қошлигини чимиради.

– Бу жой биз учун хийла нокулай, – деди. – Боз устига, шу атрофга қоровул қўйилган бўлса ҳам керак.

Сойни иккига ажратиб турган қоя олдига етганимизда у чаққонроқ ҳаракат қила бошлади. Сув оқими торгина ўзандан шу қадар ҳайқириб ўтардики, беихтиёр тиззаларимга титроқ кирди; дара устини сув тўзони булат мисоли қоплаб олган. Алан ўнгу сўлига қарамасдан, тўппа-тўғри сув ўртасида турган тош устига сакраб ўтиб олди; тош кичкина бўлиб, нариги томонига юмалаб кетиш ҳеч гап эмасди. Мен ҳам чамалаб ўтирмасдан, унинг орқасидан ўзимни отдим: Алан мени ушлаб қолди.

Шу тариқа кўпик сачрайвериб сип-силлиқ бўлиб қолган тош устида икковимиз ёнма-ён туриб қолдик, нариги қирғоқча сакрайлик десак, тева-

рагимиздан сув шовуллаб ўтарди. Бундан юрагим орқага тортиб кетдию қўрққанимдан кафтларим билан кўзларимни тўсиб олдим. Алан елкамдан ушлаб силтай бошлади; унинг лаблари қимираётганини қўриб турардим, холос. Аммо нима деяётгани сувнинг шовуллаши ва саросимага тушиб қолганим туфайли қулоғимга кирмасди; бирдан Аланнинг юзи қизариб кетганини, депсинаётганини илғаб қолдим. Демак, газаби қўзибди. Айни пайтда шиддаткор оқимга кўзим тушдию яна юрагим ёрилгудек бўлиб кўзларимни чирт юмиб олдим: юзимга сув заррачалари уриларди. Шу тобда Алан сувдоннинг оғзини лабларимга маҳкам босди-да, зўрлаб менга конъяк ичирди; тўрт-беш қултум «оби замзам» ичимга кириши билан томирларимда қон гупуриб кетди. Кейин у қўлларини оғзига карнай қилганча қулоғимга: «Хоҳласанг – фарқ бўлиб кетгин, хоҳласанг – дорга осилгин!» деб қичқирди. Сўнгра терс бурилдию бор кучи билан ўзаннинг нариги томонига сакради ва омон-эсон соҳилга ўтиб олди.

Тош устида ёлғиз қолдим. Конъяк таъсир этиб, қулоқларим шанғиллай бошлади. Дўстимнинг жасорати хаёлимдан нари кетмасди; агар ҳозир зудлик билан сакрамасам, кейин ҳеч қачон таваккал қилишга журъатим етмаслигига ишончим комил эди. Одатда, аччиғим чиқиб турганда ҳеч нарсадан тап тортмасдим: шу тобда юрагим дов бермаётганига қарамасдан сал энгашиб шахд билан одинга ташландим. Ўйлаганимдек, қўлим аранг қояга етдию сирпаниб кетди, жонҳолатда яна қояга ёпишдим, лекин тағин қўлларим сидирилиб кетди: мени гирдоб ўз қаърига торта бошлади; шу пайт Алан сочимдан чангллаб олди,

сўнг ёқамдан маҳкам тутди-да, қирғоққа тортиб чиқарди.

У лом-мим демасдан жонининг борича қочишига тушди, мен ҳам ноилож ўрнимдан тура солиб ортидан югурдим. Илгари тезда чарчаб қолардим, ҳозир эса лат еганман; боз устига, қўрқувдан сўнг ҳамон ўзимни ўнглаб ололмагандим ва кайфим ҳам тарқамаган эди. Туртиниб-суртиниб югура бошладиму биқинимда санчиқ пайдо бўлди. Паст-баланд қоялар оралаб бораётган Алан пурвиқор қоя остида тўхтаганида бирдан қувониб кетдим. Рўпарамиздаги улкан чўққини «қоя» деб ўйлаганим, аслида, чўққилари бир-бирига бирлашиб кетган қўшалоқ қоя экан; баландлиги йигирма футча келарди, бир қараашда устига чиқиб бўлмайдигандай туюларди. Ҳартугул, Аланнинг тўртта қўли бор, дейиш мумкин эди. Шунга қарамасдан, у қояга тирмасиб чиқмоқчи бўлган чоқда икки марта эплолмади: учинчи галиги уринишида елкамга чиқди-да, бор кучи билан силтандию юқорига осилиб қолди; ўмровим синиб кетган бўлса керак, деб ўйладим. Хуллас, у типирчилай-типирчилай қоя тепасига чиқиб олди ва чарм камарининг бир учини менга узатди; камарга осилдиму баҳтимга қояда иккита чуқурча борлигини кўриб қолдим ва ўшанга оёғимни тирадим-да, бир амаллаб юқорига чиқдим. Фақат шундан кейингина нима учун бу ёққа чиққанимизни англашим; эгизак қояларнинг бир-бирига туташган қисмида коса мисоли чуқурлик мавжуд эди ва унинг ичига уч, ҳатто тўрт киши ётиб олса ҳам пастдан кўринмасди.

Ўтган вақт мобайнида Алан бирор оғиз ҳам гапирмади: жазавага тушганини сездирмасдан, босиқлик билан ҳаракат қиласади; фалокатнинг оёқ

остида турғанлиги аён эди. Ҳатто омон-эсон қоя устига чиқиб олганимиздан кейин ҳам қовоғидан қор ёғарди, нимагадир хавотирланарди, миқ эт-масди. У ёнбошлаб теварак атрофга назар солди. Аллақачон тонг ёришиб кетган эди; даранинг қоядор деворлари яққол кўриниб туради; харсанг тошлар қалашиб ётган жарликда ўзини ҳар ёнга уриб, кўпикланиб сой оқарди. Бирор жойда ўчоқдан ўрлаётган тутун ҳам, тирик жон ҳам кўзга ташланмасди, фақат ўлаксахўр бургутларнинг ёқимсиз товушлари қулоққа чалиниб қоларди, холос.

Шундан кейингина Аланинг лабларида ханда пайдо бўлди.

– Ҳарҳолда, энди ҳаётдан умидимизни узмасак бўлади, – деб минғирлади. Сўнг менга муғамбirona нигоҳ ташлаб қўшимча қилди: – Сен бўлсанг, оғайни, сакрашни билмас экансан. – Назаримда, юзим қизариб кетди шекилли, дарҳол гапини давом эттирди: – Ўҳ-хў! Умуман олганда, сендан бундан ортигини талаб қилиб бўлмайди. Одам қўрқаётган пайтида ортига чекинмадими – бас, демак у синовдан муваффақиятли ўтибди. Бунинг устига, анави сувга қараган чоғимда ҳатто менинг ҳам бошим айланиб кетди. Сен эса кечи-рарли.

Лекин ўзим қовун туширдим.

– Нима учун? – деб сўрадим.

– Нима учун бўларди, ўтган кеча сўтаклигим билиниб қолди, – деди у. – Биринчидан, Эпинда – ўз юртимда синалмаган йўлдан кетдим, оқибатда кундуз куни қорамиз кўринмаслиги лозим бўлган жойга келиб қолдик; мана энди хавфли, беҳаловат жойда ҳурпайиб ётибмиз. Иккинчидан, тоғма-тоғ қочиб юришнинг ҳавосини олган мендай

одам сув олмай йўлга чиққанимга нима дейсан? Энди шу жазирамада то кечгача бир қултум сув ичмасдан «шабадалаб» ётаверасан. Ёнимизда фақат конъяк бор, холос. Эҳтимол, шунга ҳам ота гўри қозихонами, деб ўйлаётган бўлсанг керак; лекин, Дэвид, ҳали қоронги тушмасданоқ бошқача дийдиё қила бошлайсан.

Унинг кўз олдида паст кетгим келмади ва агар сувдонни бўшатиб берса, тезда қоядан тупшиб, сойдан сув олиб келишга тайёр эканимни айтдим.

– Оби замзамни увол қилишдан нима фойда бор? – деб эътиroz билдириди Алан. – Боягина конъяк асқотдику, агар шу нарса бўлмагандан ҳозир ҳам ўша тошнинг устида ку-кулаб ўтираверардинг. Бундан ташқари, жуда зийрак йигитсан-ку, ҳойнаҳой, эътибор берган бўлсанг керак: Алан Брек Стюарт худди бировга ўчакишгандек шаҳдам қадамлар ташлаб сайд этди.

– Сизми?! – деб хитоб қилдим. – Ахир бамисоли оёфи куйган товуқдай зир югурдингиз-ку!

– Ростдан-а? Унда билганки, вақт ниҳоятда тифиз бўлган экан. Валақлашганимиз етар, энди бир оз ухла, ҳозирча мен пойлоқчилик қилиб тураман.

Ялинтириб ўтирмадим. Чўққи оралиғи юпқагина зах тупроқ билан қопланган бўлиб, худди ўша жойларда қирққулоқлар кўкарган эди – астагина майса устига ёнбошладим; кўзим илинаётганда ҳам бургутлар товуши тинмаган ди.

Кимдир аямасдан каминани турткилай бошлаган пайтда, чамаси, соат эрталабки тўққизлар бўлган эди; Алан кафти билан оғзимни маҳкам беркитиб турганини сезиб қолдим.

– Секинроқ-эй! – деб шивирлади. – Хуррак отмагин-да!

– Мумкин эмасми? – деб сўрадим, унинг хавотирли, тунд қиёфасига ҳайрат аралаш тикилар эканман.

У тошлоқ четига борди-да, эҳтиёткорлик билан пастга қаради ва мени ҳам астагина имлаб ёнига чорлади. Қуёш тиккага келиб қолган, иссиқ забтига ола бошлаганди. Кўз ўнгимизда водий ястаниб ётарди. Оқим бўйлаб тахминан ярим чақиримча юқори томон юрилса, нақ қизил мундирлиларнинг лашкаргоҳи устидан чиқиларди; ўртада ловуллаб гулхан ёнарди, кимдир эплаб-сеплаб овқат пиширади. Сал наридаги чўққи устида, деярли бизнинг рўпарамизда соқчи турарди; милитии учидаги найза қуёш нурида ялт-юлт товланаарди. Сой соҳилига баъзи жойларда зичроқ, бошқа жойларда сийракроқ тарзда соқчилар териб ташланганди; бирори ҳув анави чўққида фўдайиб турса, бошқалари жарлиқда нари боришиб-бери келишарди. Водийнинг ичкарисида, қоялар хийла пастлашган жойларда соқчилар занжирни отлиқларга уланиб кетганди, уларнинг у ёқ-бу ёққа бориб-келишаётганини бемалол кўриб турардик. Сойнинг қуи қисмини пиёда аскарлар қўриқлашарди; дарвоқе, икки оқим бирлашиб, ўзан хийла кенгайиб кетган жойда соқчилар яккам-дуккам бўлиб, фақат саёзроқ кечувнию ёйилмани назорат қилишарди, холос.

Уларга бир қур назар солдиму дарҳол ўзимни панага тортдим. Бу жойлар субҳидам чоғида ҳувиллаб ётган кимсасиз водий эканига сира ҳам ишониб бўлмасди; ҳозир ҳамма ёқ қурол-яроқлар жилвасидану аскарлар кийимидан лолакизғалдоққа ўхшаб қолган эди.

– Дэвид, айнан мана шу нарсадан чўчиган эдим; ўйлаганимдек, улар сой бўйига аскарларни

тўкиб ташлашибди, – деди Алан. – Икки соатдан бери чумолидай ўрмалаб келишяпти. Оҳ, дўстим, аммо уйқуни қойиллатар экансан! Келиб-келиб топган жойимизни қара-я! Агар нишабликка кўтарилиб дурбиндан қарапса, бизни бемалол кўришади; мабодо кечгача водийда ўтираверишса, бир иложини қилиб қутулиб кетсак ажаб эмас. Сойнинг қуий қисмида соқчилар унчалик қалин эмас. Оқшом чўксин-чи, кейин омадимизни си-наб кўрамиз: насиб этса бирпасда нариги томонга ўтиб кетамиз.

– Ҳозир нима қиласиз? – деб сўрадим.  
– Ҳозирча шу ерда жизғанак бўлиб ётаверамиз, – деди у.

Аслини олганда, мана шу «жизғанак» сўзи тонг отгандан бери биз тортган азоб-уқубат тимсолига ўхшарди. Тўғриси, қоянинг яланғоч гумбазида тунука товада қовурилаётган қатлама каби қапишиб ётардик; қуёш аёвсиз олов пуркар, харсанг ниҳоятда қизиб кетган эди, зўрга дош берардик; қирққулоқ қоплаган энсизгина жойда эса фақат бир киши жон сақлаши мумкин, холос. Ҳудди тириклайн гуханда куйдирилган улуғ эътиқод соҳиби сингари навбатма-навбат қизиб турган қоя устига ёнбошлардик: хаёлимни ажабтовур мулоҳаза чулғаб олган эди; шу ўлкада бир неча кун мобайннида икки бора шафқатсиз синовга дучор бўлдим – дастлаб, оролда совуқда музлаб қолишимга бир баҳя қолган бўлса, энди жазира-мада терлаб-пишиб ўтирибман. Жуда галати-а?

Бир қултум ҳам сувимиз йўқ эди. Бундай пайтда конъяқдан ёмонроқ бирор нарса бўлмаса кепрак; лекин бари бир уни тупроқقا қўмиб оз-моз совутардик-да, сўнг кўкракларимизу чаккаларимизни ҳўллаб олардик ва хийла енгил тортардик.

Аскарлар кун бўйи водий тубида қуймаланишиб юришди; гоҳ қоровуллар алмаштириларди, гоҳида соқчилар гала-гала бўлишиб қояларни айланиб чиқишарди. Теваракда қоялар шу қадар кўп эдик, улар орасидан одам боласини излаб топгандан кўра, пичан фарамидан игнани қидириб топиш осонроқ эди; албатта, бу самарасиз иш бўлгани учун ҳам аскарлар унчалик жонларини койитишмасди. Баъзан улар арчагуллар тўпига найза санчиб кўришганида аъзойи баданимдан совуқ тер чиқиб кетарди. Сўнгра негадир аскарлар бизнинг қоямиз пойида у ёқдан-бу ёқча бориб кела бошладилару нафасимиз ичимизга тушиб кетди.

Мана шу жойда илк марта ҳақиқий инглизча нутқни эшитдим: битта хизматчи йўл-йўлакай қоямизни қуёш нури тушаётган томонидан шапатиладиу сўкинганича дарҳол қўлинни тортиб олди. «Кийдираман дейди-я!» деб тўнғиллади. Аскарнинг шевасидан ҳайратландим: у ширасиз якранг товушда сўзларди, боз устига, инглиз баъзи товушларни «ютиб» юборарди. Илгари Рансом қай йўсинда гапирганини эшитган эдим, аммо кичик денгизчи қочиримларни ҳар хил қаланфи-қасанғилардан ўрганиб олган эди ва ууман, сўзларни атайлаб бузиб талаффуз этарди. Менимча, Рансом ўйинқароқлик қилиб телба-тескари жумла тузарди. Мана энди кап-катта одам ҳам худди ўшандай йўсинда сўзлаётгани ажабланарли эди; ростини айтсам, инглизча сўзларга бари бир кўникма ҳосил қиломадим; ҳатто грамматикасини ҳам рисоладагидек ўргана олмадим шекилли, зийрак ўқувчи ушбу хотираларимдан анча-мунча қусур топиши мумкин.

Кун бениҳоя имиллаб ўтар, соат сайин аҳволимиз оғирлашарди, «дод» деб юборай дердик; қуёш аёвсиз олов пуркагани сайин харсанг тобора қизиб борарди. Барча мاشаққатларга чидашга түгри келди: бош айланар, күнгил айнир, худди шамоллаб қолгандек бўғинлар лўқ-лўқ санчирди. Ичимда шотландча диний қўшиқдаги икки мисрани тез-тез такрорлардим:

*Кечалари оймомо йиқолмайди,  
Кундузлари офтоб урмайди...*

Дарҳақиқат, ўша куни бизга парвардигори оламнинг раҳми келдими, ишқилиб, офтоб урмади.

Ниҳоят, кундузги соат иккиларда тоқатимиз тугади, энди фақат азоб-уқубатларга бардош бериб қолмасдан, айни пайтда нафс балосини ҳам енгмоғимиз даркор эди. Қуёш фарбга томон оғди, шарққа – аскарларга кўринмайдиган томонга қоямизнинг калтагина сояси тушди.

– Бир бошга – бир ўлим, одам икки марта ўлмайди! – деди Алан ва чуқурча четига борди-да, салқин томондан ерга сидирилиб тушди.

Мен ҳам дарҳол унинг орқасидан пастга сирғалиб тушдиму бирдан узаласига чўзилиб қолдим; офтобда ётавериб мадорим қуриб қолган эди, оёқда туролмасдим. Худди аъзойи баданимиз уриб ташланганга ўжшаб ерда икки соатча ҳолсизланиб ётдик; агар бирорта аскар бу томонларда сайр этишни ихтиёр этиб қолса, бизга дуч келиб қолиши турган гап эди. Бироқ бирорта жонзот қадам босмади, ҳаммаси нариги томондан ўтишарди; қоя ҳозир ҳам бизга қалқон бўлиб турарди.

Аста-секин қувват түпладик; бу пайтда аскарлар сойга яқинроқ томон силжишганди. Алан, энди бўлар иш бўлди, қани, йўлга тушмаймизми, деб таклиф этди. Мен фақат бир нарсадан кўрқардим: нима бўлса бўлар-у, яна қояга қайтиб чиқмасак бас; шундай қилиб, дарҳол йўлга ҳозирландик, бирин-кетин қояларнинг панасиға ўтавердик; соя жойларда ерга қапишгудек бўлиб эмаклардик, бошқа ердан эса юрагимизни ҳоувчлаб югуриб-елиб ўтиб олар эдик.

Афтидан, сойнинг қуи қисмини тинтуб қилиб чиққан аскарлар иссиқдан лоҳас бўлишиб, ўзларини ўтга уришни исташмасди; соқчилар постда ҳам мудраб туришарди, фақат соҳилни кўриқлашарди, холос. Биз бўлсак ҳамон ер бағирлаб улардан узоқдашар ва жарликнинг қуи томонига қочиб борардик. Тўгри, бунаقا уқубатли машғулотни тушимда ҳам кўрмаган эдим. Кўлларда, оёқларда, елкаларда юзлаб кўз бўлиши лозим эди, акс ҳолда ҳар томонга сочиб ташланган соқчилар қоялар орасида ёки ўнқир-чўнқирларда шарпамизни сезиб қолишлари ҳеч гап эмасди. Очиқ майдонларда эгчилликнинг ўзи камлик қиласди, айни пайтда топқирлик ҳам тақозо этилади: атрофдаги ҳар бир тепаликнинг, ҳар қандай пана жойнинг хавфсизлигига; оёқ қўяётган ҳар бир тошнинг мустаҳкамлигига ишончинг комил бўлмоғи даркор бўлиб қолганига қарамай қилт этган шабада эсмас, кичик тошча юмалаб кетса ҳам сокинликда худди тўппонча отилгандек акс садо берар, тепаликлару қоялар ларзага келарди,

Секин силжишимизга қарамай қуёш ботгунча хийла масофани босиб ўтдик. Таассуфки, соқчилар ҳамон кўринадиган жойларда тентираб юришарди. Бирдан йўлимизда шундай нарсага

дуч келдикки, ҳаш-паш дегунча күнглимиздаги фулгула тарқалиб кетди; бу тезоқар, чуқур анҳор бўлиб, қуйироқда тоғдан тушаётган жилға билан қўшилиб кетарди. Уни кўрган заҳотимиз тап-па-таппа ерга ётдик-да, бошимизни сувга тиқиб чанқофимизни қондиришга киришдик. Танамизни яйратиб юборган шифобахш оқим эпкиними ёки сувнинг мўл-кўллигидан хушбахтиликми, хуллас, қайси бири қўпроқ ҳузур берганини аниқ айттолмайман.

Қирғоқлар қуршовида қанча вақт кўкрагимизни захга босиб ётганимизни билмаймиз: қанча сув ичмайлик чанқофимиз қонмасди, кўкракларимизга сув сепиб, билакларимиз муздай бўлиб қолгунча қўлларимизни оқимга тутиб туравердик. Нихоят, худди онадан қайта туғилгандек, ун солинган халтачани олдик-да, тунука лаганчада атала ҳозирлашга киришдик. Бу бор-йўғи сули унининг совуқ сув билан қоришмаси бўлиб, оч қоринга аччиқ саримсоқдай гап эди. Гулхан ёқишининг иложи бўлмагандан кейин ўрмону қоялар бағрида яшириниб юрган кишиларнинг бирдан-бир нажот воситаси – бу аталадир.

Фира-шира қоронги туша бошлиши билан яна йўлга отландик: дастлаб эҳтиёткорлик билан қадам ташлаган бўлсак ҳам, тез орада қаддимизни ростлаб жадал ҳаракат қила бошладик. Илонизи сўқмоқ бўйлаб бораардик, сиртмоқ каби айланма йўллардан, жарлик ёқасидан ўтдик. Уфқда қора булат пайдо бўлди, зим-зиё тун чўкди. Мен унчалик чарчамаган бўлсам-да, аммо юрагимни ҳовучлаб қадам ташлардим; жарликка учиб кетиш ҳеч гапмасди, қаёқча кетаётганимизни хаёлимга ҳам келтиролмасдим.

Мана, ой кўринди, биз бўлсак ҳамон илгари-лаб борардик; ой алламаҳалгача булат ортида яшириниб турди-ю, бирдан жамолини кўрсатганида, қоп-қора тоғнинг ўрка-чўркач қоялари ёғ-дуга бурканди; ҳув пастлиқдаги денгиз кўрфази ойдинда товлана бошлади. Ўша манзарага кўзим тушган заҳоти ҳайратланиб жойимда таққа тўх-таб қолдим: ниҳоятда юксакликка чиқиб кетган эканмиз, гўё булат устида юргандек бўлардик (менда худди шундай таассурот қолди); Алан эса тўғри йўлдан кетаётганимизни текширишга ки-ришди. Афтидан, у мамнун эди: ҳарҳолда, унинг ҳисоб-китобларига қараганда, энди товушимизни душман эшитмасди, шунинг учун туннинг қолган пайтида ўзини овутиш мақсадида ҳар хил мақомда ҳуштак чалиб юрди: унинг ҳушта-гидан гоҳ жанговар куй, гоҳ шўх-шодон, фамгин, рақсбоп оҳанглар тараалардики, беихтиёр қадам-ларимиз ҳам илдамлашиб кетарди. Гўё жанубда-ги юртимнинг нафаси димофимга урилгандай бўларди ва уйимни – тинч-тотув ҳаётни қўмсаб қолардим, саргузаштлар жонимга текканини ҳис этардим; атрофимизни қуршаб турган ҳувилла-ган қудратли, қорамтири тоғлар бағрида Аланинг ҳуштаги кишида фалати туйғулар уйғотарди.

## **ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ**

### **СИРЛИ СҮҚМОҚ БҮЙЛАБ**

#### **Коринак жарлиги**

Июль ойи бошларида тун қисқа бўлади, лекин биз манзилга етиб борган пайтда ҳали тонг отмаган эди: атрофда пурвиқор қоялар ястаниб ётар, ўртадан жилға оқиб ўтар, ён томондаги қоя остида мўъжазгина фор бор экан. Сийрак қайинзор сал ўтмай ўз ўрнини қарагайзорга бўшатиб берарди. Жилгада балиқ сероб эди; дарахтзор говкаптарлар макони экан, қияликда чонгулдоқлару каккулар тинмасдан сайрарди. Этак томонда жилға бир оз димланиб, кўрфаз ҳосил қилиб ўтадиган жой Эпин чегараси бўлиб, нариги тарафдан Мамор ерлари бошланарди. Юқоридан бу манзара кишига ажиб кўринарди; тиззаларимни қучоқдаб ўтирганимча пастликдан кўзимни узмасдим, мириқиб томоша қиласдим.

Тоғдаги тордара – Коринак жарлиги деб аталаради; у хийла баландликда ва денгизга яқин жойлашгани учун устини тез-тез булат қоплаб турарди. Бу ажойиб масканда беш кун яшириниб ётган бўлсак-да, лекин вақтнинг қандай ўтиб кетганини билмай қолдик.

Фор ичида остимизга супургигулларни тўшаб, устимизга эса Аланнынг плашини ёпиниб ётардик. Осмонни булат қоплаган пайтларда даранинг бурилишидаги шаршарага яқинроқ жойда гулхан ёқардик-да, сули унидан бўтқа пиширардик, саёзроқ кечувдан тутиб келтирилган майда-чуйда балиқларни кабоб қиласдик, баҳонада исиниб ҳам олардик. Айтмоқчи, балиқ ови асосий эрмагимиз, муҳим юмушимиз эди: халтача-

даги унимизни қора кунларга асраб қўйиб, ярим яланғоч ҳолда кун бўйи жилғани пайпаслаб қўл билан балиқ ушлашнинг гашти ўзгача. Айниқса, ким кўпроқ балиқ тутиш бўйича мусобақа ўйнашнинг завқига нима етсин! Биз ушлаган энг катта балиқ чорак фунт тош босарди; оловга тоблаб пиширилган балиқдан ҳам хушбўй, хуштаъм (оз-моз шўртакроқ қилинса борми!) таом бўлмаса керак.

Кўлимиз бўшади дегунча Алан мени қиличбозликка ўргатарди; қилични маҳкамроқ ушлай ол-масам, фифони фалакка чиқиб кетарди. Албатта, у беназир қиличбоз эди, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аммо бунчалик қуийб-пишишга балиқ овлаш мусобақасида у кўпинча мендан ортда қолишига сабаб бўларди. Машғулот пайтида сал нарсага ҳам жаҳди чиқиб кетиб, ўзини тутолмас, бўралаб шунақаям сўкардики, хижолатдан қизариб кетардим; боз устига, сира ҳам аямасдан қиличбозлик қиласарди, доимо унинг қорнимга тиф санчишидан хавотирланардим. У мени тирқиратиб қувламоқчи бўлар, лекин камина сабот билан барча ҳужумларга бардош берардим, машғулотлардан керакли сабоқ олардим; комил ишонч билан ўзимни ҳимоя қилишни ўрганардим, одатда, шунинг ўзи етарли бўларди. Устозим хатти-ҳаракатларимдан мутлақо қониқмаса ҳам, аммо ўзимдан унчалик норози эмасдим.

Айни чоқда, асосий ташвишимиз эсимиздан чиқмасди, нимаики бўлса, хавф-хатардан омон-эсон ўтиб олиш йўлларини қидирадик.

– Қизил мундирлилар бизни Коринак жарлиги-дан излаш лозимлигини англаб етгунларича кўп вақт ўтади, – деди Алан дастлабки куни эрталаб. – Энди Жеймсга хабар беришимиз даркор: марҳамат қилиб, пул топиб берсин.

– Қандай қилиб хабар берамиз? – дедим. – Бу ерда ёлғизмиз, бошқа жойга күчиб ўтиш ҳозирча хаёлимизга ҳам келгани йўқ. Агар сиз сеҳр-жоду йўли билан чопарқушчани чорлаб, ўшанинг қанотига хабарнома боғлаб учирив юборсангиз бўлар-у, лекин бунга ҳам ишонмайман.

– Шунақами? – деди Алан. – Дэвид, каллани ишлатиш керак.

У аста-секин сўна бошлаган гулханга тикилган кўйи йўга толди; кейин иккита пайраҳани қўлига олдию уларни қўшув аломати сингари бир-бири-нинг устига мингаштириб боғлади ва тўрт учини қорайтириб куйдирди. Охири иккиланиб менга нигоҳ ташлаб қўйди.

– Анави тугмачани вақтингча бериб турмайсанми? – деб сўради Алан. – Аслида, совға қайта-риб олинмайди, аммо яна битта тугмамни кесиб олишга кўзим қиймаяпти.

Унга тугмачани узатдим; тугмачани қўшув аломати маҳкамланган плашининг этагига қадаб қўйди ва ўша жойга қайин, қарағай шоҳчасини ҳам боғлади-да, ўз ишидан мамнун бўлиб менга қаради.

– Мана шунаقا, – деди. – Коринакдан унча олис бўлмаган жойда Колиснейкон деган қишлоқ бор. У ерда менинг дўстларим кўп; баъзиларига ҳаётимни ҳам ишониб топширишим мумкин. Дэвид, биласанми, бошимиз учун мукофот белгилашади; Жеймснинг шахсан ўзи мукофот тайинлайди. Кемпбеллар ҳам қўл қовуштириб ўтиришмайди, Стюартларни ер билан яксон қилиш учун бор-будларини аяшмайди. Агар шундай бўлмаганда ҳеч иккиланмасдан ўз оёғим билан Колиснейконга ташриф буюрардим ва истиҳола қилиб

ўтирмай ҳаётимни арzon-гаров қўлқоп мисоли ўша одамлар ихтиёрига топширадим.

– Ҳозир-чи?

– Ҳозир уларнинг кўзига кўринмаганим маъкул, – деди Алан. – Ичиқора одамлар ҳамма жойдан топилади; даҳшатлиси шундаки, иродасиз кишилар ҳам учраб туради. Шунинг учун қоронги тушиши билан бир иложини қилиб ўша масканга бораман-да, мана бу ўзим ясаган матоҳимни эпинлик нисфикор<sup>13</sup> қадрдоним Жон Брек Макколунинг деразасидан ошириб ташлаб келаман.

– Жуда соз, – дедим. – Лекин бу матоҳ нима эканини англай олармиカン?

– Ҳм-м, афсус, у зийрак эмас, – деб бош чайқаб қўйди у. – Қўлларимни кўксимга қўйиб айтишим мумкинки, фаҳм-фаросатсиз! Мен шартли равишда қуйидагиларни рамзий маънода акс эттиргандим: қўшув аломати – оташ тусли хочни эслатади, яъни бу бизнинг қабиламиз нишонасиdir. Албатта, бутун қабилани оёққа турғизиш шарт эмас, у ана шу маънони англамоги лозим; чунки таниқлик белгиси унинг деразасида турибди, лекин оғзаки ҳеч қандай буйруқ берилмаган. Шунинг учун ўзича ўйлайди: «Қабилани оёққа турғазиши керак эмас, аммо бир гап борга ўхшайди». Кейин тугмачамга кўзи тушиб қолади. Аниқроғи, бу меники эмас, Дункан Стюартники. Иннакейин яна ўйлайди: «Дунканнинг ўғли ўрмонда яшириниб юрибди, мен унга керак бўлиб қолибман».

<sup>13</sup> Нисфикор – бой заминдордан сўқимга боқиш учун мол-кўй оладиган ижарадор шундай ном билан юритилади; фойда эса ўртада – хўжайин билан теппа-тенг баҳам кўрилади (*муаллиф иэоҳи*).

– Эҳтимол, – дедим. – Майли, шунаقا бўлди, дейлик. Лекин бу ердан Фортгача ўрмоннинг поёни йўқ-ку!

– Тўғри, – деди Алан. – Бундан ташқари, Жон Брек қайин ва қарагай шохчасини ҳам қўриб қоладио агар ақл-ҳуши жойида бўлса (мен бунга ишонаман, албатта): «Алан қайину қарагайлар ўсиб ётган ўрмонда яшириниб юрибди», деб ўйлади. Ўзича: «Ўлкамизда бундай ўрмонлар саноқли, бир-икки марта у ёқдан-бу ёққа юрилса – бас, топилади», дейди. Қарабсанки, бизнинг ҳузуримизга – Коринакка қадам ранжида қиласди. Дэвид, агар у келмаса, менга деса изи қуриб кетсин; демак, сариқ чақага қиммат экан!

– Ҳа, дўстим, пухта ўйланган режа тузибсиз!  
– дедим заҳарханда аралаш. – Эҳтимол, унга бир-икки оғиз хат ёзиб қўя қолган маъқулдир-а?

Шос қўргонининг соҳибқирони, мистер Бэлфур, бошингиз тиллоларга баробар! – деди Алан масхараомуз оҳангда. – Тўғри, менга қолса, хат ёзиб қўя қолганим дуруст эди, аммо Жон Брек қандай ўқийди? Бунинг учун икки-уч йил мактабга қатнаб, савод чиқариши лозим; унгача тоқатимиз тоқ бўлса керак.

Ўша кечаси у оташ тусли хочини нисфикар дегазасидан ташлаб келди. Алан хийла ташвишли қиёфада қайтди: қишлоқ итлари ташланиб қолишибди, одамлар кўчаларга югуриб чиқишибди, ҳатто осмонга қаратиб пилтамилтиқлардан ўқ ҳам узишибди; устига-устак, кимнингдир дарвозасидан аскар мўралагандай бўлибди. Шунинг учун эртаси куни ўрмон чеккасига бориб писиб ётдик; агар Жон Брек ташриф буюрса, унга йўл кўрсатиб қўямиз, мабодо қизил мундирлилар

пайдо бўлишса, зудлик билан жуфтакни ростлаб қоламиз, деб келишиб олдик.

Чошгоҳ маҳали қуёш мўл-кўл олов пуркаётган яйдоқ қоя бўйлаб битта одам келаётганини кўриб қолдик: у қўлини пешонасига «айвон» қилганча биз томонга синчков назар ташларди. Алан унга қараган заҳоти йўловчи бир оз йўналишини ўзгартириб, биз томонга бир неча қадам қўйди. Алан яна ҳуштак чалгач, йўловчи ёнгинамиизда пайдо бўлди.

Бу пахмоқ сочли, серсоқол, қирқ ёшлар атрофидаги бадбашара киши бўлиб, юзи чечакдан ўйдим-чуқур, эси пастга ўшшарди, баджаҳдлиги яқъол кўриниб турарди. У инглиз тилида зўрға гапиради: Алан менинг олдимда унга бир оғиз ҳам гэл тилида сўзлашга йўл қўймади, беодобчиллик бўлади, деди. Эҳтимол, йўқлаб келган киши бегона тиlda сўзлашаётгани учун ўзини ноқулай ҳис этаётгандир; менимча, у жон-дилдан ёрдам беришни асло истамасди, учрашувга фақат кўрққанидан келгани шундоқ кўриниб турарди.

Алан Жеймсга етказилиши лозим бўлган гапни оғзаки айтмоқчи бўлди-ю, аммо нисфикор қулоқ солишни ҳам истамади. «Мен эсимдан чиқариб қўяди», деди чийиллаган товушда. Яъни, айтадиган гапингни ё ёзиб бергин ёки қўлимни ювиб қўлтиғимга артаману кетавераман, демоқчи бўларди.

Энди Алан эсанкираб қолса керак, деб ўйландим, ахир бундай овлоқ жойда қалам-қофозни қаёқдан топсин. Бироқ Алан у ёқ-бу ёқقا зир-зир югорди-да, ўрмонга кириб каптарнинг патини топиб чиқди, учини ўткирлади ва халтачасидан озгина порох олиб, уни чашма сувига аралаштириди: сиёҳга ўхшаш суюқлик тайёр бўлди; сўнгра

фарангича кийими ёқасидан ҳарбий унвонини билдирадиган ёрлиқнинг бир бўлagini ийртиб олдию (шу кийимининг чўнтағида туморини асрарди, дордан фақат шу туморгина сақдаб қолади, деб ўйларди) чўнқайиб ўтирган кўйи-даги жумлаларни қоралади:

«Меҳрибон қариндошим!

Илтифотингни дариг тутмагин: ушбу номани элтган кишидан оз-моз пул бериб юборгин; қаерга етказишни унинг ўзи билади.

Сени севгувчи амакиваччанг

А. С.»

Номани нисфикорга топширди: чопар ваъдан қуюққина қилди-да, шоша-пиша тоғ этакларига қараб йўл олди.

Икки кунгача дараги бўлмади; учинчи куни соат бешларда ўрмон ичкарисидан ҳуштак товуши эшитилиб қолди. Алан унга жавоб қайтардию кўп ўтмай жилға ёқасида нисфикор пайдо бўлди ва бизнинг қаерда эканимизни билолмай атрофга аланг-жаланг назар ташлади. У аввалини сафаргидаи одамови қўринмасди: афтидан, ниҳоятда қалтис топшириқни кўнгилдагидек адо этгани учун ўзида йўқ хурсанд эди.

Ундан маҳаллий янгиликларни билиб олдик: маълум бўлишича, бутун ўлқада қизил мундирлилар фиж-фиж бўлиб ётган эмиш; худонинг берган куни кимнингдир уйидан қурол топишаётганмиш, камбағалларнинг бошига яна кулфат ёfila-диган қўриниади; Жеймс Глен билан мулоғимларни Форт Фильямга олиб кетишибди ва зинданга ташлашибди; улар қотилликда айбланаётган эмиш. Ҳамма томонга, марҳумни Алан Брек отиб

ўлдирган, деган мишиш тарқатишибди; икка-  
ламизни қўлга тушириш ҳақида фармон эълон  
қилинибди, юз фунт миқдорида мукофот белги-  
ланибди.

Шундай қилиб, ишлар расво эди; нисфикор  
миссис Стюартдан келтирган нома ҳам бениҳоя  
ғуссадор экан. Жеймснинг хотини Аландан душ-  
ман қўлига таслим бўлмасликни ўтиниб сўрарди,  
агар аскарлар ушлаб олишса борми, у ҳам, Жеймс  
ҳам хароб бўлишади. Бировлардан қарз олиб,  
ўзида қолган-қутганини йиғиштириб шу пулни  
юборибди; илойим, пул камлик қилмасин! Ниҳо-  
ят, хатта қўшимча тарзда бизнинг асосий белги-  
ларимиз қайд этилган қофозни ҳам жўнатибди.

Фоятда қизиқиб қофозни кўздан кечирдик; рос-  
тини айтганда, кўнглимизга фулгула тушди, киши  
худди шундай туйфу билан кўзгуга ёки душман  
милтигининг қувурига қарайди: ўзини аниқ, ни-  
шонга олаётганига ишонч ҳосил қиласди. Алан  
тўғрисида қуйидагилар таъкидланган эди: «Бўйи  
паст, юзи чўтири, ниҳоятда ҳаракатчан, ўттиз беш  
ёшларда ёки шу ёшлар атрофидаги киши, пат қа-  
далган шляпа кийиб юради, эгнида оҳори тўкил-  
ган зар уқали фарангича чакмони бор: кўкимтири  
мовутдан тикилган, тугмалари кумуш; камзули  
қизғиши тусли, иштони тиззасидан келади, дағал  
жун матодан тикилган». Мен ҳақимда эса: «Баланд  
бўйли, бақувват, ўн саккиз ёшларда, хийла эски,  
кўкиш тусли чакмон кийиб олган, бошида шарти  
кетиб, парти қолган тоғликлар қалпоғи бор, камзу-  
ли қўлда тўқилган, кўкимтири иштони тиззасидан  
келади, пайпоғи йўқ, шаҳарликлар киядиган бош-  
моғи бор, бурни ингичка, паст-текисликда яшай-  
диган одамларга ўхшаб гапиради, соқоли ҳали  
чиқмаган» деган белгилар қайд этилган эди.

Алан уст-бошини яхшилаб эслаб қолганлари ва миридан-сиригача батафсил тасвиrlаганлари учун мамнун бўлди, фақат «оҳори тўкилган» деган сўзни ўқигач, бир оз тумтайиброқ зар уқасига кўз қирини ташлаб қўйди. Мен эсам, агар ўша лаънати уйдирмага ишонадиган бўлсанм, демак, жулдуурвоқи кийимда эканман. Уст-бошимни вақти-соатида алмаштириб олганим боис хурсанд бўлдим.

– Алан, кийимларингизни алмаштириб олишингиз лозим, – дедим.

– Сафсата, ўлсан ҳам алмаштирмайман! – деди Алан. – Агар Фарангистонга қайтиб борсан, қалпоқда жуда чиройли кўринсан керак!

Бу сўзларни эшитганимдан сўнг кўнглимда фаройиб фикр туғилди: хоинона кийим-бошли Аландан ажralиб кетсан, қўлга тушишдан заррача ҳам қўрқиб ўтирасдим – хоҳлаган томонимга боравераман, яшириниб ётишга ҳожат қолмасди. Айтайлик, ёлғиз кетаётган чоғимда ҳам ушлаб олишсаям ҳеч қандай жиноят белгиларини топиша олмайди; худо қўрсатмасин-у, бироқ қотилликда айбланаётган киши билан биргаликда қўлга тушсан борми, иш жиддий тус олиб кетиши турган гап. Аланга раҳмим келгани учун бу ҳақда гапириб ўтирмадим, аммо қўнглимнинг бир че-тида губор қолди.

Ўзимча хомаки режа тузиб бўлган пайтимда нисфикор қўйнидан яшил ҳамён чиқарди; ичидага тўртта тилла танга ва яна бир танга атрофида майда пул бор экан. Ростини айтсан, чўнтағимда салкам беш танга бор эди. Алан беш танга билан Фарангистонга етиб олиши даркор; мен эсам чоррак кам икки танга билан бор-йўғи Куинсферрига етиб борсан бас, вассалом. Шундай қилиб,

агар түгри мулоҳаза юритиб кўрсак, Аландан ажралсан нафақат ўз йўлимда тинчгина кетардим, балки чўнтағимга ҳам фойда бўларди.

Афсуски, ҳалол ўртоғим бунақа гапларни хаёлига ҳам келтирмасди. У менинг таянчим, ёрдамчим, ҳимоячим эканига чин дилдан ишонарди. Хўш, дардимни ичимга ютмасдан, ўзимча ёруғ жаҳонга лаънатлар ўқимасдан, тақдиримга тан бермасдан бошқа на иложим бор эди?

– Озроқ экан-у, бир эвини қиласман, – деди Алан ҳамённи чўнтағига солар экан. – Жон Брек, энди тутмачамни қайтариб берсанг-да, биз манави жентельмен билан йўлга тушсак!

Барча тоғликлар сингари ҳамёнини олдига осиб олган нисфикор (у денгизчилар иштонини кийиб олганди ва умуман, кийимлари паст-текисликларда яшайдиган кишиларникидан унчалик фарқ қиласди) бирпас у ёқ-бу ёғини пайпаслади-да, шубҳали тарзда кўзларини пирпира-та бошлади, сўнг тилга кирди.

– Ўйлайдики, у йўқотилган. – Чамаси, у: «Ўйлашимча, тутмани йўқотиб қўйибман шекилли», демоқчи бўлди.

– Бу қанақаси? – деб ўшқирди Алан. – Сен ҳали отамдан қолган тутмачамни йўқотиб қўйдингми? Ундей бўлса, гапимни эшитиб қўй: сен умрингда бундан ҳам оғирроқ гуноҳга ботмагансан, тушундингми?!

Шундан кейин Алан кафтларини тиззаларига тираган кўйи мийифида кулдию нисфикорга тикилди; унинг кўзларида савдойиларга хос учқун чақнарди, бу ҳол яхшилиқдан нишона эмасди, албатта.

Нисфикор инсофли кишилар тоифасидан эдими ёки дастлаб бизни лақимлатмоқчи бўлиб, ов-

лоқ гүшада икки кишига қарши ёлғиз үзи эканлигидан дарҳол эс-хушини йигиб олиб аҳдидан қайтдими, ишқилиб, кўп ўтмай тутгамча бирдан топилди ва уни Аланга берди.

– Нима ҳам дердим, бу Макколларнинг ор-номуси белгиси, – деди Алан. – Тутгамчани қайтариб бераман ва ундан воз кечишга рози бўлганинг учун миннатдорлик билдираман. Бу ҳол садоқатли дўстим эканингни яна бир марта исботлади.

– Шундан сўнг у нисфикор билан ниҳоятда савиммий хайрлашди. – Менга жуда катта яхшилик қиалдинг, – деди Алан. – Ҳатто бошинг кетиши мумкин эканлигидан ҳам қўрқиб ўтирмадинг; энди ҳар қандай одамга сени диёнатли инсон деб таърифлайман.

Ниҳоят, нисфикор йўлига равона бўлди; Алан иккаламиз ҳам лаш-лушларимизни бир бўғчага тутдик-да, сирли сўқмоқ бўйлаб манзил томон равона бўлдик.

## ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

### **СИРЛИ СЎҚМОҚ БЎЙЛАБ АРЧАГУЛЛИ ТАШЛАНДИҚ МАКОН**

Етти соат мобайнида машаққатли йўлни босиб ўтдик ва эрта тонгда тоғ тизмалари этакларига етиб бордик. Оддимизда ғадир-будур ясси текислик ястаниб ётарди; энди ана шу довонни босиб ўтишимиз лозим эди. Эндинина чиққан қуёш манглайимизга найза санчарди; тутун сингари юпқа булат торф конлари устини қоплаб олганди; Аланнинг гапларига қараганда, бу ёққа йигирмата отлиқдар эскадрони бостириб келган тақдирда ҳам уларни пайқамай қолишимиз мумкин эди.

Шунинг учун туман күтарилишини пойлаб ўтири-  
дик; қияликдаги дарага тушдик-да, атала тайёр-  
ладик, кенгашиб олдик.

– Дэвид, бу жой бехосият, – деб гап бошлади  
Алан. – Қоронғи тушгунча биқиниб ўтиравера-  
мизми ёки таваккал қилиб йўлга отланамизми?

– Мен нима дейишим мумкин? – дедим. – Ўлар-  
дек чарчадим, лекин олдимизда турган масофани  
босиб ўтганимиздан кейин дам оладиган бўлсак,  
яна шунча йўл юришим мумкин.

– Ҳамма гап шундаки, қалтис масофани босиб  
ўтсак, фақат ярим йўлни ортда қолдирган бўла-  
миз, холос, – деди Алан. – Вазият қуидагича:  
Эпин заминига қадам қўйсак, ҳароб бўлишимиз  
аниқ. Жануб эса бутунича Кемпбеллар тасарру-  
фида, у ёққа тумшуғимизни тиқмаганимиз маъ-  
қул. Шимол томон кетсак – бефойда: ахир сен Ку-  
инсферрига, мен бўлсанм Фарангистонга бориши-  
миз даркор. Тўғри, шарққа юришимиз мумкин.

– Шарқ бўлса шарқ-да! – дедим дадиллашиб.  
Ичимда эса бошқача ўйлардим: «Эҳ, дўстим, сен  
истаган томонга қараб кетсанг бўлмайдими; мен  
ҳам хоҳлаган томонга кетардим – шунда иккала-  
мизга ҳам яхши бўларди-ку».

– Хўп, лекин биласанми, шарқ томон ботқоқ-  
ликдан иборат, – деди Алан. – У ёққа қадам қўй-  
санг – бас, кейин пешонангдан кўраверасан: тап-  
тақир, лоақал бир туп гиёҳ учрамайди, теп-текис,  
яширинадиган жой йўқ. Агар бирорта тепаликка  
қизил мундирлилар тасодифан чиқиб қолишса  
борми, ўн чақирим олисликдан ҳам бизни кўриб  
қолишлари мумкин; боз устига, улар отлиқ, бир-  
пасда етиб олишади. Дэвид, расво жой, тўғриси-  
ни айтсам, кечасига қараганда бу ерда кундузи  
ўтириш хавфлироқ.

– Алан, энди менинг мулоҳазаларимни тингланг, – дедим. – Эпин биз учун ҳалокат демак-дир; пулимиз ҳам, унимиз ҳам кўп эмас; улар қанчалик узоқ вақт қидиришса, тобора изимизга яқинлашиб келаверадилар; таваккал қилмасдан иложимиз йўқ, кафолот беришим мумкинки, мадорим қуриб, ийқилиб қолгунимча юравераман.

Аланнинг юзлари ёришиб кетди.

– Баъзан сен виглар сингари шу қадар қўрқоқ бўлиб, сафдошликка мутлақо ярамайсан; бошқа пайтларда эса бирдан жангарилигинг тутиб кетадио худди туғишган укамга ўхшаб қоласан, – деди.

Туман тарқалиб кетди. Кўз ўнгимизда денгиз мисоли ҳувиллаган ер намоён бўлди; факат какликлару қизқушлар сайрапди, олисларда – шарқ томонда аста-секин кетаётган буғулар тўдаси элас-элас кўриниб турарди. Ташландик ерда яккам-дуккам арчагул учраб қоларди; баъзи жойларда ўпқонлар, катта-катта ёриқлар, торф қазиб олинган чуқурлар кўзга ташланарди; баъзан ҳамма ёқ қоп-қорайиб куйиб ётарди, бир ерда ҳатто ёнфиндан жизғанаги чиқиб кетган қарағайларнинг таналари устма-уст қалашиб қолган эди. Дунёда бундан ҳам аянчлироқ манзара топилмаса керак, аммо қизил мундирлиларнинг қораси кўринмасди; бизга мана шуниси муҳимроқ эди, албатта.

Шундай қилиб, шарқ йўналишига қараб ма-шаққатли, айланма йўлни босиб ўтишга киришдик. Атрофимизни тоғ тизмалари қуршаб олган бўлиб, ҳар дақиқада бизни кўриб қолишлиари мумкин эди; шунинг учун чуқурликлардан юришга, чуқурликлар бошқа томонга бурилиб кетса, очиқ майдон бўйлаб энганиш-эмаклаб кетишига маж-

бур бўлардик. Кўпинча худди буғуни пойлаган овчилардай бир арчагул тўпидан бошқасининг остига эмаклаб ўтгунимизча яrim соат вақтимиз кетарди. Кун баттар исиди, сувдондаги сувимиз бирпасда тугади; яrim йўлни эмаклаб тўрт букилиб, энгашиб ўтишга мажбуригимизни билганимда бундай дўзах азобидаги сафарни бошламаган бўлардим.

Машаққатли масофани босиб ўтганимиздан сўнг бир оз нафас ростлаб яна йўлга тушардик – шу тарзда эрталабки вақтни ўтказдик; пешин маҳали арчагуллар қалин ўсган жойда бирпас мизғиб олиш учун чўзилдик. Биринчи бўлиб Алан пойлоқчилик қилди: назаримда, эндинина кўзими юмишим биланоқ у биқинимга туртиб-туртиб уйфотди ва навбатчиликни менга топширди. Соатимиз йўқ эди; вақтни аниқ белгилаш учун Алан арчагул новдасини ерга сукіб қўйди: арчагуллар тўпининг сояси шарқ томондаги белгига етган чоғда уни уйфотишим лозим эди. Шу қадар ҳолдан тойган эдимки, бирданига ўн икки соат ухлашга жон-жон деб рози бўлардим; кўзларим ўз-ўзидан юмилиб, вужудим увадага ўхшаб илвираб турарди; иссиқ таъсирида арчагуллардан тараалётган ажиб тароват ҳам, ёввойи асалариларнинг фўнғиллаши ҳам қулоғимга алла товуши мисоли эшитилардию ширақайф кишига ўхшаб ўтирган жойимда мункиб-мункиб кетаётганимни ўзим билмай қолардим.

Охири гал ростакамига ухлаб қолибман. Кўзимни очсан, қуёш уфққа оғаётганди, арчагул новдасига кўзим тушган заҳоти қичқириб юборишдан аранг ўзимни тийиб қолдим, хуллас, дўстимга панд берган эдим. Шармандалик ҳам шунчалик бўлар-да, қанийди шу тобда ер ёрил-

саю кириб кетсам! Айни чоқда бошқа бир манзарада ўтакам ёрилаёзди: не тонгки, гафлатда ётган пайтимизда отлиқлар отряди ботқоқдикка тушиб олишган эди; улар ярим доира шаклида жанубий-шарқ томондан устимизга бостириб келишарди; арчагуллар қалин ўсан жойларда бир неча марта орқаларига қайтишарди-да, қулай томондан айланиб ўтишарди.

Аланни уйғотдим: бошини күтариши билан дастлаб отлиқларга, сүнгра арчагул новдасига – белига қаради, қуёшга кўз ташлаб қўйди ва қошлирини чимирган кўйи хавотириу пўписа маъносида бир қур менга ҳам нигоҳини қадади; шу холос, мендан гина-кудурат қилиб ўтирмади.

– Энди нима қиласиз? – деб сўрадим.

– Яшин-топалоқ ўйнашга тўғри келади, – деди Алан. – Ҳув анави тепаликни кўряпсанми? – У шимолий-шарқ томондаги ёлғиз қаққайиб турган тепаликка ишора қилди.

– Кўряпман.

– Ўша ёқقا қараб юрамиз, – деди. – Унинг номи Бен Элдер; ёввойи, қатрон тоғ; гадир-будур, ўйдим-чуқур жойлари жуда кўп. Агар эрталабгача ўша жойга етиб олсак – бас, марра бизники!

– Алан, у ёқقا бориш учун аскарларнинг йўлини кесиб ўтишимиз лозим-ку! – деб хитоб қилдим.

– Бошқа иложимиз йўқ, – деди. – Агар оптимизга қайтаришиб, Эпинга киритиб олишса борми, иккаламиз ҳам асфаласофилинга кетамиз! Шунинг учун, дўстим Дэвид, зинҳор-базинҳор имиллама!

У чаққонлик билан эмаклаганча йўл бошлиди. Бунинг устига, у доимо чуқурчалар бўйлаб жилпанглаб ҳаракат қиласардик, узоқдан бизни кўриш амримаҳол эди. Майсалар таг-туги билан

куйиб кул бўлган эди ёки ёнгин бир ямлаб ўтиб кетганди: биз деярли бурнимизни ерга теккизиб юрганимиз учунми, тутун сингари майин, димоқни ачиштирадиган кул юз-кўзларимизга уриларди. Сувимизни аллақачон ичиб тугатгандик; тўрт оёқлаб югургаётган пайтингда бирпасда чарчаб қоласан, мадоринг қурийди, вужудинг увада мисоли ҳилвирайди ва ўз оғирлигингни кўтаролмай кўлларинг синиб кетар даражага етади. Вакти вақти билан қалинроқ арчагуллар остида бирпас чўзилиб олардик, нафасимизни ростлардик; шох-шаббалар орасидан отлиқларни кўздан кечирадик. Назаримда, улар изимизни топиша олмаган эди: ҳарҳолда, битта взвод (аниқроғи, яримта взвод бўлса керак), икки чақиримга ёйилганча йўлида учраган арчагуллар тўпининг тити-питисини чиқариб, ҳамон илк йўналиши бўйича олфа силжирди. Хайриятки, ўз вақтида уйғонибман, агар яна бир оз гафлат босиб ётганимда борми, ёвга чап бериб кетолмасдик: уларнинг олдига тушиб қочишдан бўлак илож қолмасди. Ҳозир ҳам арзимаган тасодиф туфайли фош бўлиб қолишимиз эҳтимолдан холи эмасди; баъзан арчагуллар орасидан патир-путур этиб какликлар учганда жой-жойимизда тарашадек қотиб қолардик, ҳатто нафас олишга ҳам қўрқардик.

Аъзойи баданим сирқ-сирқ оғирди, ниҳоятда ҳолдан тойган эдим, ҳансираб-ҳансираф зўрға нафас олардим, қўлларим тилиниб кетган эди, кўзларимга чанг-тўзон тўлиб томогим ғиппа бўғилганди, хуллас, ит азобида қийналганимдан кўра, жон-жон деб таслим бўлишга рози эдим! Фақат Аланнинг ҳаётига зомин бўлмаслик учун бутун иродамни йиғиб, олфа силжирдим. Алан эса (дарвоқе, унинг эмин-эркин ҳаракат қилишига

плаши халақит берарди) қизариб, кейин бўзара бошлади; ҳар нафас олганда ўпкаси ҳуштак чалиб юборарди ёки шир-шир этарди; бирпас дам олиш мақсадида тўхтаган пайтларимиз у ўз кузатишларини айтиш учун қулоғимга шивирларди, товуши худди қуршовга тушиб қолган йиртқичнинг хириллашига ўхшаб эшитиларди. Бироқ руҳан бардам, тетик, ҳаракатчан бу инсоннинг бардошига беихтиёр қойил қолардим.

Ниҳоят, оқшом чўка бошлаган чоғда бурғу товушини эшитиб тўхтадик-да, арчагуллар орасидан ортимизга мўраладик; взвод аскарлари бир жойга тўпланишарди. Бир оздан сўнг улар ўтин теришиб гулхан ёқишиди ва ташландиқ ернинг ўртасида тунаш учун жой ҳозирлашга киришдилар.

– Шундан сўнг Аланга, ётиб, ухлаб олайлик, деб ялиниб-ёлвордим.

– Бу кеч ухлашни хаёлингга ҳам келтирма! – деди Алан. – Энди анави отлиқлар (тарракдай қотиб ётганингда пайдо бўлишган эди) ташландиқ майдон теварагидаги барча тепаликларни эгаллаб олишади; Эпиндан бирорта тирик жонзотни ташқарига чиқаришмайди; фақат қанотли қушларгина уларнинг устидан учиб ўтади, холос. Ҳозиргина душман чангалидан қутулдик, наҳотки ғалабамизни қўлдан бой берсак?! Йўқ, азизим, эрта тонгни Бен-Элдердаги ишончли жойда кутиб олишимиз лозим.

– Алан, иродамга ҳар қандай киши ҳавас қилса арзийди, лекин қучим қолмади. Озгина мадорим бўлганида индамай кетаверардим; истасангиз – қасам ичишм мумкин, иложим йўқ! – дедим.

– Начора, бўпти, сени елкамга миндириб оламан, – деди Алан.

Унинг юзига тикилдим, тағин устимдан кула-ётган бўлмасин, деб ўйладим. Аланнинг қиёфаси жиддий эди. Дўстимнинг ҳолатини кўриб, ўзим уялиб кетдим.

– Жуда соз, қани бўлмасам, йўл бошланг! – демидим. – Кетдик!

У менга илкис назар солиб гўё: «Отангга балли, Дэвид!» демоқчи бўлди ва файрат билан яна олға илтилди.

Хуфтонда салқин тушди. Атроф хийла зимистон эди. Осмон булатсиз. Бу жойлар шимолий ўлка ҳисобланганидан июль кечалари чироқсиз китоб ўқиш мумкин эди. Ҳартугул, қиши фаслиниң ярим кечалари зимистон бўлса керак. Қалингина шудрингдан ташландиқ майдон ҳудди ёмғир ёққандек сувга бўкди; дарҳол уйқум очилиб кетди. Нахасимизни ростлаш учун тўхтаган пайтимизда табиат аллақачон мени ўзига маҳдиё қилиб қўйган эди: кеча бениҳоя сўлим, ҳув нарида қир-адирлар ястаниб ётарди, оптимизда лов-лов ёнаётган гулхан майдоннинг оташга чулғанган юрагига ўхшарди. Нега энди ўзимни азоблаб, тупроққа беланиб, курт мисоли билтанглаб юришим керак экан деган ўйдан фазабим қўзиб кетди.

Баъзи китобларни ўқиб, уни ёзганлар умрида ҳеч чарчамаганмикан, деб ўйлайсан. Чарчоқ қанақа бўлишини етказа билганларида ўқувчи эснаб ўтирасди. Ҳозир ўтмишим ҳам, келажагим ҳам мени мутлақо ташвишлантирмасди; ҳатто бу дунёда Дэвид Бэлфор номли йигитча борлиги эсимдан чиқиб кетган эди; ўзим ҳақимда ўйламасдим; ҳар қадам ташлаётганимда юрагимни ҳовучлаб турардим, ҳар қадамим охиргиси бўлса керак деб ўйлардим ва ана шу азоб-уқубатларнинг бевосита сабабчиси бўлмиш Аланни кўярарга

кўзим, отарга ўқим йўқ эди. Алан ҳарбий соҳани танлаб янгишмаганди; қўмондонларнинг асосий вазифаси – бошқаларни олға бошлашдан, ҳеч кимни ортга чекинтирмасликдан, бирорларнинг иродасини синдиришдан иборат: ҳеч ким билан ҳисоблашмайдилар; ваҳоланки, бошқалар кетаётган жойида ўзини таппа ташлаши, лоқайдлик билан кўксини ўқча тутиб бериши мумкин. Мен ҳам тузуккина аскар бўлишим мумкин эди: йўл давомида, итоат этмасам осмон узилиб тушармиди, деб ўйладим-у, аммо токи куч-қувватим бор экан, ўлишга ҳар доим улгурман, ҳозир бўйсунишга мажбурман, деб ўзимни ишонтирадим.

Тонг ёришгандан сўнг даҳшатли хавф-хатар ортда қолган эди: қурт-қумурсқалардай ўрмаламай одам қаторида юришимиз мумкин эди. Худойим-эй, ҳозир бизни ошна-оғайниларимиз ҳам танимасди: қари-қартанглар мисоли букчайиб, тетапоя болага ўхшаб маймоқланиб қолгандик, ранг-рўйимиз мурданикidek оқариб кетган эди! Иккаламиз ҳам миқ этмай, тилларимизни тишлиганимиз кўйи тўғрига тикилиб борардик: зўрбазур қадам босардик; арчагуллар орасида эса какликлар чийиллашарди. Шарқ томон аста-секин ёришмоқда эди.

Аланга ҳам осон бўлмади. Албатта, унинг юзига синчилаб назар соганимдан сўнг шундай хуносага келганим йўқ; ўзим аранг оёқда туардим, қайрилиб қарашга ҳам ҳолим қолмаган эди; лекин у ҳам чарчоқ туфайли гарангсиб, мен каби қаёққа қараб кетаётганимизни ҳам унугиб қўйган эди – акс ҳолда, кўрсичонга ўхшаб пистирмага тушиб қолганимизни билмасмидик?!

Бу воқеа қуйидагича содир бўлди. Алан иккаламиз арчагуллар қоплаган тепаликка кўтари-

лардик; у олдинда, мен икки қадамча орқароқда борардим: худди қўшалоқ дайди созандага ўхшардик; бирдан арчагуллар шатир-шутир этдию шоҳ-шаббалар орасидан қандайдир жулдуурвоқи тўрт киши отилиб чиқди ва кўз очиб-юмгуни-мизча иккаламизни ҳам шартта тагларига босиб олишди-да, кекирдагимизга ханжар қадашди.

Менга қолса, бари бир эди: тортаётган азобларим ўзимга етиб ортарди, қийноқдар менга чумоли чаққанчалик ҳам таъсир этмасди; ҳатто бўйнимга қадалиб турган ханжардан ҳам қўрқмасдим; бир жойда қимириламай ётганимдан хурсанд эдим. Устимдан босиб турган жулдуурвоқига қарадим: юзлари офтобда қорайган, кўзлари чақноқ, лекин мен парвойи палак эдим. Улар гэллар тилида Алан билан нималарнидир шивирлашиб гаплашишаётгани мени мутлақо қизиқтирамасди.

Кейин ханжарларини қинларига тиқиб қўйишиди, бизни қуролсизлантиридилар ва бир-бири-мизга қаратишганча арчагуллар устига ўтқазиб қўйишиди.

– Булар Клун Макферсоннинг пойлоқчилари экан, – деб мени Алан хабардор қилиб қўйди. – Омадимиз келди. Энди камина ташриф буюрганим хусусида йўлбошчиларига ахборот беришгунча уларнинг ихтиёрида бўламиз. Шу холос.

Вуриклар қабиласининг йўлбошчиси Клун Макферсон бундан олти йил муқаддам рўй берган буюк қўзғолоннинг раҳбарларидан бўлгани учун унинг боши эвазига жуда катта мукофот ваъда қилинганди; у аллақачон ашаддий якобинчиларнинг раҳнамолари қаторида Фарангистонга жўнаб кетган бўлса керак, деб юардим. Аланнинг сўзларини эшитганимдан сўнг кўзларим ярқ, этиб очилиб кетгандай бўлди.

– Шунақами ҳали, – деб мингириладим. – Демак, Клун ҳозиргача шу ерда юрган экан-да?

– Бўлмасам-чи! – деб тасдиқлади Алан. – Аввал-гидек ўз ер-мулкидан бир қадам ҳам силжигани йўқ; қабиласи едириб-ичиряпти. Ҳатто қирол Ге-орг ҳам унга ҳавас қылса арзийди.

Яна бир нечта савол бермоқчи эдим, лекин Алан мени гапиргани қўймади.

– Негадир чарчабман шекилли, – деди. – Озги-на мизғиб олсам ёмон бўлмасди.

У гапни қисқа қилдию юзини қалингина арча-гуллар устига қўйди ва бирпасда ухлади-қолди.

Мен бундай оромбахш уйқуни фақат орзу қилишим мумкин эди. Ёз фаслида майсалар орасида чигирткалар чирилашини эшитганмисиз? Хуллас, кўзларимни юмишимни биламан, бутун баданимда – қорнимда ҳам, белимда ҳам, энг даҳшатлиси, ҳатто бошимда ҳам чигирткалар чириллай бошларди. Дарров уйқум қочиб кетарди, у ёнбошимдан-бу ёнбошимга ағдарилардим, ўтириб кўрардим, яна ётиб олардим ва кўзни қамаштирадиган осмонга уйқусираб тикилардим, чакалакзорни кўздан кечирардим; беихтиёр Клуннинг ювуқсиз пойлоқчиларига нигоҳим тушиб қоларди: улар тепалик устида чордона қуришиб ўтирган кўйи гэллар тилида бир нималар тўғрисида ўзаро валақдашарди.

Кўнгилдагидек дам ололмадим, бу орада чопар изига қайтиб келди; Клун меҳмонларни мамнуният билан кутиб олади, деди у. Биз дарҳол ўрнимиздан туриб, йўлга отланишимиз лозим эди. Алан уйқудан юзи хийла тиниқиб, тетиклашиб уйғонди, қорни ниҳоятда оч эди; афтидан, чопар қуюқ зиёфат меҳмонларга мунтазир эканини эслатиб қўйди шекилли, Алан ташаккур айтди.

Мен овқат тұғрисидаги гапни әшитсам – бас, дарпов күнглім айнирди. Илгари вужудим үзимга оғирлик қиласы, зил-замбидек туюларды, әнді құшдай енгил бўлиб қолдим-у, бари бир қадам ташлашга қийналардим. Гүё ўргимчак толаси сингари олдинга узалиб борарадим, оёғим остидағи замин булатта үхшарди, тоғлар пардек енгил бўлиб қўринарди, шабада мени тоғ жилағаси каби олдига солиб ҳайдаб бораради, тоҳ у ёққа, тоҳ бу ёққа элтиб урарди. Назаримда, ночор, нотавон одамга үхшардим, негадир йифлагим келарди.

Алан менга назар солдю дарҳол хўмрайиб олди; сездимки, жаҳли чиқди. Файришуурый ра-вишда, ёш болага үхшаб титраб-қақшаётганим учун дилим хуфтон бўлди. Яна эсимда қолгани шуки, бирдан лабларимга ханда югурди ва үзими-ни қанчалик зўрласам ҳам, оғзимнинг танобини тортиб қўя олмадим; боз устига, ҳозир куладиган пайт эмасди. Бироқ ажойиб дўстим фақат яхшилик қилишни истарди; бирпастдан кейин Клуннинг иккита югурдаги қўлтиғимдан олишди-да, оёғимни ерга теккизишмай (шундай туюлган эди, холос, аслида, улар мени бир маромда бошқариб кетишишмоқда) судраб кетишиди. Биз қинғир-қийшиқ, фирғана-шира жарликлару хандақлар бўйлаб шафқатсиз Бен-Элдер тоғларининг юраги томон бораардик.

## ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

### ҚҰНАЛҒА

Ниҳоят, сердарахт ёнбағир пойига етиб бордик: ўлмас қоялар жар ёқасида турарди, қоялар устини дараҳт қоплаган эди.

– Бу ёққа юринглар, – деди кузатувчилардан биттаси ва тоққа күтарила бошладик.

Дараҳтлар худди мачта арқонларига ўмганларини тираб турған дengизчилар каби қояларга қапишиб ўсган эди; танаси пиллапояларнинг кўндаланг поғоналарига ўхшарди – биз дараҳтларни ушлаб-ушлаб юқорига ўрлардик.

Ёнбағирлик тепаси шу қадар қалин ўрмонзор эдики, ҳатто тангадек жойга ҳам соя тушмасди; тепалик четида фалати бошпана мавжуд бўлиб, ўлкада уни Ёпиқ Қазноқ деб аташарди. Дараҳтларнинг теварагига ўралган четаннинг орасига ёғоч қозиқ қоқилганди; майдончага тупроқ сепилиб, ҳовли мисоли теп-текис қилинганди. Ўртадаги дараҳт бошпананинг устуни вазифасини бажаарди. Четанларнинг ташқарисидан кигиз қопланган эди. Бу иншоот сиртдан ўтовга ўхшарди: нишабликдаги чангалзор қўйнида жойлашган қўлбола иморат баайни дўлана шохидаги ари уяси сингари жар ёқасида осилиб турарди.

Ичкарига олти киши зўрға сиғарди. Қоянинг бўртиқ жойига моҳирлик билан ўчоқ қурилган эди; кўкиш тутун қояга қапишган кўйи кўкка ўрларди ва пастлиқдан деярли кўзга ташланмасди.

Бу Клуннинг яширин масканларидан биттаси эди, холос. Унга қарашли ер-мулкнинг бошқа жойларида ҳам форлар, ергўлалар мавжуд бўлиб, пойлоқчиларнинг маълумотлари асосида аскар-

ларнинг бостириб келаётганини ёки орқага қайтиб кетаётганини эътиборга олардию ўзи лозим топган масканга кўчиб ўтарди. Бир жойда муқим яшамагани ва қабила аҳолисининг йўлбошчига садоқати туфайли Клун шу пайтгача душманга тутқич бермади; бошқалар ватанни тарк этиб жонини сақлаб қолди ёки қўлга тушириб қатл этилди; у ватанида яна беш йил истиқомат қилди, ниҳоят, қўмондон қатъян талаб этгандан кейингина Фарангистонга жўнаб кетди. Кўп ўтмасдан ўша ерда вафот этди; ажаб ҳол – Бен-Элдердаги Қазноқ соғинчи унинг юрак-бағрини куйдириб юборган бўлса ажаб эмас.

Остонага қадам қўйган чоғда у қояга ёндош қурилган ўчоқ олдида овқат пишираётган хизматкорининг хатти-ҳаракатларини кузатиб ўтиради. Кийимлари одмигина эди, бошида тунлари кийиладиган тўқима қалпоқ бор эди; қулоқларигача бостириб олганди ва галвирак тошдан ясалган мундштукида тамаки чекарди. Шунга қарамай ўзини худди подшолардек тутарди; бизни кутиб олиш учун нечогли улуғворлик билан ўрнидан қўзғалганини кўрган одам бунга дарҳол ишонч ҳосил қиласди.

– Э-э, мистер Стюарт! – деди у. – Сэр, хуш келибсиз! Сизни ва ҳозирча исми шарифини ўзим билмаган дўстингизни кўрганимдан бениҳоя мамнунман!

– Клун, аҳволингиз қалай? – деди Алан. – Сэр, умид қиласманки, аъло даражада бўлса керак. Сизни соғ-саломат кўриб турганимдан хурсандман! Танишиб қўйинг, бу йигит менинг дўстим – Шос қўрғонининг эгаси бўлмиш мистер Дэвид Бэлфур.

Одатда, ёлғиз қолган пайтларимизда Алан менинг ер-мулкимни мазахлаб тилга оларди, аммо бегона одамлар ҳузырида унвонимни удайчи мисоли тантанавор оҳангда эълон қиласарди.

– Жентельменлар, ичкарига киринглар, марҳамат! – деди Клун. – Қани, уйга марҳамат қиласинлар! Албатта, камина ҳозир саройда истиқомат қилаётганим йўқ; кўриб турибсизларки, бошпанамиз харобгина, лекин бизникига шаҳзода ҳам ташриф буюрганлар. Мистер Стюарт, кимни назарда тутаётганимни пайқаган бўлсангиз керак-а?.. Кўришганимиз шарофатига томоқларимизни ҳўллаб оламиз; чўлоқ хизматкорим иссиқ овқатни пиширгач, тушлик қиласамиз ва жентельменлар каби қартада кучимизни синашиб кўрамиз. Бу ерда одамнинг юраги сиқилиб кетади, – деди у қадаҳларга конъяк қуяр экан. – Дўстларим билан кам учрашаман; бармоқларимни ўйнаб ўтиравераман, ўтган кунларни эслайман, ажойиб келажакни ўйлайман: назаримда, ёрқин келаҗак оstonамизда турибди. Келинглар, сулоламиз тикланиши учун ичамиз!

Шундан сўнг қадаҳларимизни уриштиридж-да, бўшатдик. Ростини айтсам, қирол Георгга ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмасдим, лекин у ҳозир даврамизда бўлганда борми, ўзи ҳам менга шерик бўларди. Спиртли ичимлик ошқозонимга тушгандан кейин дарров ўзимни енгил ҳис эта бошладим ва бир чеккада суҳбатга қулоқ солиб ўтиридим; кўз олдимни юпқагина туман қоплаб, кўнглимдаги бедаво қўрқув, фам-фусса ғойиб бўлган эди.

Дарҳақиқат, бу жой ёввойилар маскани эди, хўжайнимиз ҳам жайдари одамга ўхшарди. Клун Макферсон кўпдан бери яшириниб юргани учун-

ми, икир-чикирларга ўралашиб қолган қандайдыр қары қизни эслатарди. Доимо бир жойда ўтириши қатъяян тақиқданған зди. Қазноқдаги жамики буюмлар қўналға соҳибининг дидига мос равишида жойлаштирилган бўлиб, уларни қўзғатиш зинҳор-базинҳор мумкин эмасди; хилма-хил таомларни жуда яхши кўрарди, ҳатто биз билан кўришаётган маҳалда ҳам кўз қири билан тез-тез ўчоқ томонга нигоҳ ташлаб қўярди: иссиқ овқатдан кўзини узмасди.

Англашимча, зим-зиё кечалари у хотини ва уч-тўртта яқин дўстлари билан учрашиб турарди, улар Клунни кўргани келишарди; ҳаётининг асосий қисмини ёлғизлиқда ва фақат ўзининг пойлоқчиларию Қазноқда ёнидан жилмайдиган хизматкори билан мулоқотда бўларди. Ҳар куни эрталаб унинг ҳузурига ташриф буюрган сартарош йўлбошчининг соқолини олаётган пайтда ўлкадаги барча янгиликларни айтиб берар, Клун жон қулоги билан тингларди. Сартарошни саволларга кўмиб, икир-чикирларни ҳам сўраб-сурештиришдан эринмасди, ёш бола мисоли ҳадеб тихирилик қиласверарди. Баъзи бир жавобларни эшитиб юмалаб қолгунча хаҳолайверарди; сартарош аллақачон кетиб қолган бўлса ҳам у қорнини чанглалаб қаҳқаҳа ураверарди. Афтидан, саволлари унчалик олди-қочди бўлмасди; ер-мулкидан маҳрум этилган барча шотланд заминдорлари каби (бу ҳақда парламентнинг қарори эълон қилинган зди) ҳаётдан узилиб қолган бўлса-да, қадимий расм-русларга кўра қабилада ҳамон қозилик вазифасини адо этарди. Одамлар ҳар хил мунозарали масалаларни ҳал этиш мақсадида ҳузурига келишарди; улар Олий суд ҳукми билан

ҳисоблашмасликлари мумкин эди, аммо қочқин йўлбошчининг бир оғиз сўзидан кейин барча гина-кудуратларни эсларидан чиқаришардию итоаткорлик билан айтилган жаримани беришарди. Кўпинча ғазаби жўшиб ҳокими мутлақ подшо сингари ҳамма ёқнинг тўс-тўполонини чиқариб ташларди; бундай пайтларда хизматкорлар худди қаттиққўл оталари қаршисида тургандек елкаларини қисишиб, миқ этишмасди. У ичкарига кирган ҳар бир киши билан рисоладагидек саломлашар, сўнgra уларнинг иккаласи ҳам ҳарбий хизматчилар мисоли бармоқларини бош кийимлари остига теккизиб қўйишарди. Хулласи калом, тоғларда яшайдиган қабиланинг кундалик ҳаётини, турмуш тарзини бевосита кузатиш имкониятига эга бўлдим; сиртдан жиноий жавобгарликка тортилган қабила йўлбошчиси эди; ер-мулки тортиб олинганди; бутун ўлка бўйлаб ҳарбий қўшилмалар уни қидирарди, баъзан бошпанасига ниҳоятда яқинлашиб ҳам қолишарди; айни пайтда чўнтағида ҳемири бўлмаган жулдуровоқи хизматкор (у ҳар куни калтак ерди, сўкиш эшитарди) сотқинлик қилиб, бирданига бойиб кетиши мумкин эди.

Дастлабки куни қовурдоқ тайёр бўлиши биланоқ Клун шахсан ўзи лимонни сиқиб (тўкин-сочин ҳаёт кечирарди), овқат устига шарбатини томизди-да, бизни дастурхон атрофига таклиф этди.

– Худди шундай овқат билан (фақат лимон шарбати йўқ эди) худди шу қўналғада қирол жаноби олийларини меҳмон қилган эдим, – деди мезбон. – У пайтларда гўшт энг ноёб таом ҳисобланарди, зира ворларни орзу қиласардик, холос. Умуман айтганда, қирқ олтинчи йили менинг ерларимда лимондан кўра отлиқ аскарлар кўпроқ эди.

Қовурдоқ мазали бўлган-бўлмаганини аниқ айтольмайман, унга кўзим тушган заҳоти қўнглим айниб, зўр-базўр уч-тўрт тишлам гўшт едим-да, қўлимни артдим. Клун овқат чоғида шаҳзода Чарли<sup>14</sup>ни қандай зиёфат қилганини сўзлаб берди; суҳбатдошларининг қиёфаларини тасвиirlади ва ўрнидан туриб, ким қаерда ўтирганини кўрсатиб берди. Айтишича, шаҳзода ниҳоятда ўқтам, эҳтиросли, батартиб қироллар сулоласининг муносиб ўринбосари эди, донишмандлик бобида фақат Сулаймон подшодан кейин турарди, холос. Бундан ташқари, билишимча, Қазноқда умргузаронлик қила бошлангандан бери ичкиликка ружу қўйибди. Ҳозирги мишишларга ишонадиган бўлсақ, уни одамлар сафидан чиқариб ташлаган нуқсон нишоналари ўша пайтлардаёқ пайдо бўлган эди.

Овқатланиб бўлганимиздан кейин Клун ранги ўнгиб, сийқаси чиқиб кетган қартасини олиб чийлай бошлади: бундай исқирт қартани пана-пасқам жойлардагина қўлга ушлаш мумкин. Шунга қарамай, бизга қимор ўйнашни таклиф этдию кўзлари чақнай бошлади. Иқрор бўлмоғим лозимки, азалдан қарта ўйинини номуносиб машғулотлардан бири деб билардим; отам раҳматлининг насиҳатлари бўйича, художўй киши, боз устига, агар у ҳалол йигит бўлса, ўз бойлигини ҳаром ишларга сарфламаслиги даркор, бироннинг молига кўз олайтириш ҳам инсофдан эмас, қимор эса айнан ҳаромхўрлиknинг ёрқин намунасиdir. Тўғри, жиддий сабабларни рўкач қилиб ўтирмасдан, чарчаганимни баҳона қилиб қўяқолишим мумкин эди, аммо найранг ишлатиш

<sup>14</sup> Чарли (Карл Стюарт) – II Иакаованинг набираси, Шотландия тож-тахтининг «навқирон даъвогари».

қўлимдан келмасди. Шунинг учун ҳам қисқич-бақадек қип-қизарип кетдим шекилли, бироқ сўзимдан адашмадим: ўзим яхши ўйнашни билмайман, бироларнинг ўйинига қозилик қилиб ўтириш эса каминага ярашмайди, дедим.

Клун қартани чийлашдан тўхтади-да:

– Бу нима деган гап? – деди. – Клун Макферсоннинг уйида вигларга ўхшаш оқбилак қаёқдан бино бўлиб қолди?

– Мен мистер Бэлфур учун бошим билан жавоб беришга тайёрман, – деди Алан. – У ҳалол, виждонли йигит, қолаверса, сиздан илтимос қиласардимки, бу гапларни ким айтиётганини ҳам ёдингизда тутсангиз ёмон бўлмасди. Мен ҳам қироллар авлодиданман, – дедиую Алан шляпасини эпчиллик билан бир оз юқори кўтариб қўйди.  
– Шунинг учун мен ҳам, менинг дўстларим ҳам ҳар доим ўзларига муносиб инсонлар қуршовида бўладилар. Жентельмен шунчаки чарчаган, уйқуси келяпти. Агар карта ўйнагиси келмаётган бўлса, бунинг бизга ҳеч қандай оғирлиги тушмайди. Сэр, мен ўзингиз танлаган ўйин бўйича куч синашмоққа тайёрман.

– Сэр, ўзингизга маълумки, бу фақирона кулбада ҳар қандай жентельмен ўз хоҳишига қараб иш қиласди. Агарда дўстингиз боши билан юришни ихтиёр этган бўлсалар, марҳамат қилсинлар! – деб жавоб берди Клун. – Мабодо ҳурматли дўстингизгами, сизгами ёки бошқа биронгами бу ернинг ҳавоси ёқмаётган бўлса, жон-жон деб ташқарини биргаликда сайр этиб келишга тайёрман.

Ана холос, иккита қадрдан дўст менинг айбим туфайли бир-бирини сўйиши камлик қилиб турган эди ўзи!

– Сэр, Алан түгри айтди, мен ростдан ҳам жуда толиқдим, – дедим. – Боз устига, эҳтимол, сизнинг ҳам ўғилларингиз бўлса керак; шунинг учун отамга берган ваъдамни, сир бўлса-да, ошкор этиб қўйишим мумкин.

– Йўқ-йўқ, керак эмас, гапирманг энди! – деди Клун ва қазноқ четидаги арчагуллар пичани тўшалган жойни кўрсатди.

Шунга қарамай, таъби тирриқ бўлгани яққол кўриниб туради: гоҳ-гоҳ менга тумтайиб қараб қўярди ва бир нималар деб пўнғилларди. Аслида, инжиқлигим ва гап-сўзларим эркин қушдек ҳаёт кечирадиган тоғлик якобинчилар даврасига мос тушмасди, эриш туюларди.

Конъяқ ичиб, буғу гўшти еб олганимдан сўнг негадир ўзимни хийла оғирлашиб қолгандек ҳис эта бошладим; арчагул пичанига бош қўйишим билан қандайдир мудроқ ҳолатга тушиб қолдим. Қазноқда яшаган кунлар давомида сира ҳам ўзимга келолмадим. Баъзан кўзларим ярқ этиб очилгандек бўлардию атрофимда нималар рўй бераётганини гира-шира идрок этардим, баъзан эса фўнғир-фўнғир товушлару уйқудаги кишиларнинг хуррак отишлари қулогимга чалинарди; деворда осиглиқ турган жун рўмоллар гоҳида ерга тушиб кетарди, гоҳо ўчоқда ёнаётган гулхан шуъласи каби ёйилиб, бутун шифту деворларни қоплаб оларди. Назаримда, кўпинча ўзимдан-ўзим гапириб юборардим ёки бақирадим шекилли. Эсимда бор, бир неча марта менга жавоб қайтараётганларини ҳайрат аралаш илғаб қолдим; доимо қандайдир алғов-далғов туш кўрмасдим-у, аммо ич-ичимда нимадандир жирканардим: ўзим келиб қолган жой ҳам, ором олиб ётган ўрин ҳам, девордаги жун рўмоллару товушлар, ўчоқда-

ги гулхан ва ҳатто ўзим ҳам ўзимга ниҳоятда жирканч бўлиб кўринарди.

Сартарошни чақиришибди: у табиб экан; менга дори-дармон тавсия этишдан аввал гэл тилида бир нималарни тушунтириди, лекин мен бир оғиз сўзини ҳам тушунмадим; таржима қилиб беришларини сўрагани ҳам қурбим етмади – ҳолим шу даражада хароб эди. Шундоқ ҳам бетоб эканимни билардим, бошқа нарсалар эса мени мутлақо қизиқтирумасди.

Софалигим ёмон бўлиб турган пайтлари атрофимда нималар бўлаётганининг унчалик фарқига бормасдим. Фақат бир нарсани аниқ биламанки, Клун билан Алан тинмасдан қарта ўйнашарди; дастлаб Алан анча-мунча ютуқни қўлга киритган эди; ўрнимда ўтирган чоғларимда уларнинг шавқقا тўлиб қимор ўйнаётгандарига гувоҳ бўлардим: стол устида бир уюм танга ялтюлт этиб кўринарди – ҳартугул, юз танга бўлмаса-да, лекин олтмиш танга йифилиб қолган эди. Тоғ тизмалари устидаги нишабликда, дараҳтларга суюниб турган омонат бошпанада бунчалик бойликни учратиш мўъжизадек туюларди. Ўшанда, Алан ўйламасдан иш қиляпти, ахир синалмаган отнинг сиртидан ўтмайдилар-ку, деган эдим ўзимча. Чунки зангори ҳамёнида беш фунт ҳам пули йўқ эди-да!

Назаримда, иккинчи куни омад ундан юз ўғирди. Одатдагидек, мени тушлик арафасида уйғотиши ва овқатлантирумокчи бўлишди, лекин яна овқат ейишдан бош тортдим; сўнгра сартарош бериб кетган қандайдир аччиқ дорини ичиришиди. Очик эшик тепасидан мен ётган жойга қуёш нури тушиб турарди ва бундан ўзимни хийла бе-саранжом ҳис этардим. Клун стол атрофида ўтири-

ган қўйи қартасини чийларди. Алан ёнимга келиб энгашди, юзларини деярли бурнимга тақади; иситмалаб, бутун вужудим лов-лов ёниб тургани туфайлими – билмадим-у, лекин юзлари ниҳоятда бесўнақайдек кўринди.

У мендан қарз бериб туришимни сўради.

– Нима учун? – дедим.

– Шунчаки қарз олмоқчиман, холос.

– Аммо нима учун? – деб такроран сўрадим. –

Тушунмаяпман.

– Дэвид, сенга нима бўлди ахир! – деди Алан.

– Наҳотки, пулингни мендан қизгансанг-а, қарз бермайсанми?

Эҳ, агар эс-хушим ўзимда бўлганда борми, албатта қизғаниш им лозим экан! Бироқ бесўнақай қиёфадан тезроқ қутулишни истардим, холос. Шу тобда менга бошқа ҳеч нарса керак эмасди, пулларимни унга бердим.

Учинчи куни эрталаб (Қазноқда икки кеча тунаганимиздан сўнг) хийла енгил тортиб уйғондим; албатта, аъзойи баданим ҳилвираб турарди, мажолсиз эдим, лекин буюмлар одатдагидек катталикда, табиий шаклда кўринарди. Энг қувонарлиси шундаки, иштаҳам очилиб кетган эди; бироннинг ёрдамисиз ўрнимдан турдим ва нонушта қилиб бўлганимиздан сўнг Қазноқдан ташқарига чиқдим-да, ўрмон четига бориб ўтирдим. Рутубатли кун эди, майнингина изғирин эсади; чошгоҳгача жунжикиб ўтирдим: ёнимдан Қазноқ томонга хизматкорлару айфоқчилар ўтишаётган пайтлардагина безовталаниб қўярдим – улар озиқ-овқат билан маълумотлар олиб келишарди. Ҳозир теварак-атроф сокин эди, айтиш мумкинки, Клон ошкора тарзда ҳумкронлик қиласарди.

Ичкарига қайтиб кирган чоғимда Алан иккаласи қартани бир четга ташлаб қўйишиб, хизматкорни сўроқ қилишаётган экан; қабила бошлиги орқасига ўтирилдию гэл тилида менга нимадир деди.

– Сэр, гэл тилида гапиришни билмайман, – деб жавоб бердим.

Қарта туфайли орадан гап қочганидан бери мен нимаики десам, нимаики ишга қўл урсам – бас, Клуннинг жаҳли чиқиб кетаверарди.

– Ундай бўлса, азизим, ўзингиздан кўра, сизнинг исми шарифингиз фаросатлироқ экан – чунки бу олижаноб гэлча исмдир, – деб тўнфиллади у қаҳр аралаш. – Умуман, гап бунда ҳам эмас. Айғоқчимнинг шаҳодат беришича, жануб томондаги йўл бехавотир экан, лекин пиёда юришга қувватингиз етармикан?

Қарта ҳамон стол устида туради, лекин тилла тангаларнинг изи ҳам қолмаган эди, фақат Қазноқ томонга суриб қўйилган бир уюм хат битилган қофозлар бор эди, холос. Қолаверса, Аланнинг қиёфаси эски маҳси мисоли жийилиб кетганди, у бир нимадан норозидек кўринарди; кўнглимга фулгула тушиб қолди.

– Бутунлай соғайиб кетдим деёлмайман, – деб жавоб бердиму Аланга назар ташладим. – Оз-моз пулимиз бор, йўл харажатларимизга етса керак; ўйлайманки, мушкулимиз осон бўлади.

Алан лабини тишлаган кўйи нигоҳини ерга қадади.

– Дэвид, бор пулимни ютқазиб қўйдим, – деди у ҳазин товушда.

– Менинг пулимни ҳам ютқаздингизми? – деб сўрадим.

– Сенинг пулингни ҳам, – деди у зорланиб. – Нимага менга пул бердинг ахир! Мен қарта ўйнашга тушиб кетсам, эс-хушимни йўқотиб қўяман-ку!

– Бай-бай-бай! – деди Клун. – Буларнинг ҳаммаси бемаънилик: фақат шўхлик қилдик, холос. Ўз-ўзидан равшанки, пулларингни икки ҳисса қилиб қайтариб бераман; ҳазар қилмасаларинг кифоя. Агар уларни бермасам, нима деган одам бўламан! Аҳволларингни кўра-била туриб, оёқларингдан чалиб юборсам, жентельменлар каминадан ўпкалашмайдими, ахир! Бунақа қилиш ярамайди-ку!

– деб товушининг борича бақирди Клун қизарип-бўзарганча ва чўнтағидан тилла тангаларни чиқарип столга ташлай бошлади.

Алан миқ этмасди, у ҳамон ер чизиб ўтиради.

– Сэр, балки бир дақиқага ташқарига чиқиб келармиз-а? – дедим.

– Бажонидил, – деб жавоб берди Клун ва орқадан эргашиб ташқарига йўл олди. Унинг қиёфаси тунд эди, зардаси қайнаб турарди.

– Авваламбор, сэр, ҳиммат кўрсатганингиз учун сиздан бағоят миннатдор эканимни айтиб қўйишим лозим, – дедим.

– Беҳуда сафсата! – деб қичқирди Клун. – Қандайдир «ҳиммат-пиммат»ни ўйлаб топганини қаранглар... Албатта, яхши иш бўлмади. Хўш, сизнингча, камина нима қилиши лозим?! Худди каталакдаги қўчқор мисоли Қазноқда қамалиб ётган бўлсам, аҳён-аҳёнда йўқлаб келадиган дўстларим билан қарта ўйнаб кўнгилхушлик қилишдан бошқа иложим йўқ-да! Агар улар ютқазиб қўйишиша, гап бўлиши мумкин эмас... – У бирдан сўзида тутилиб қолди.

– Ана шунақа! – дедим. – Агар улар ютқазиб қўйишиша, пулларини қайтариб берасиз; агар

ютиб олишса борми, сизнинг пулларингизни чўнтакларига солишадиу индамай жуфтакни ростлашади! Боя айтдим, олижаноблигингиз учун яна бир бора таъзим бажо келтираман; сэр, ҳарҳолда, бундай аҳволга тушиб қолганимдан ниҳоятда азият чекяпман.

Қисқа муддатли сукунат бошланди; Клун бир гап айтишга шайланди-ю, лекин лом-мим демади. Фақат борган сари юзлари лолақизғалдоққа ўхшаб қизармоқда эди.

– Мен ҳали ёш боламан, шунинг учун сиздан маслаҳат сўраяпман, – дедим. – Панд-насиҳатингизни дариф тутманг. Дўстим ҳалол ўйнаб ўз пулларини ютқазиб қўйди; дастлаб эса фирромчилик қилмасдан пулингизни ютиб олган эди. Мен пулимизни қайтариб олишим мумкинми? Шундай қилсам яхши бўладими? Ўзингиз биласизки, у ёқقا-бу ёқقا ташласак бари бир фуурим заха ейди.

– Ҳа, мистер Бэлфур, менга ҳам оғир ботяпти, – деди Клун. – Сизнингча, гўё камбағал кишиларни шилиб олиш учун тузоқ қўйгандек бўлиб чиқяпман. Дўстларимнинг ўз уйимда ҳақоратланишларига асло йўл қўймайман, ҳа! – У бирдан тутақиб кетди: – Ёки ҳақоратлатиб ҳам қўймайман, мана шунақа!

– Сэр, ана кўрдингизми, демак, бекорга айтмаган эканман: қарта – батартиб инсонларга ярашмайдиган машғулот. Қолаверса, сиздан маслаҳат беришингизни кутяпман.

Кафолат беришим мумкинки, агар шу тобда Клун бирор кишини жинидан ҳам баттар ёмон кўраётган бўлса, ўша кимса – Дэвид Бэлфур эди. У менга еб қўйгудек назар солди; ҳозир оғзидан ёмон сўз чиқиб кетиши ҳам мумкин эди. Бироқ

у каминанинг ёшлигини ҳисобга олиб, ўзини тўхтатиб қолди шекилли. Эҳтимол, адолатпарварлик туйфуси ғолиб келгандир... Равшанки, ҳаммамиз учун ҳақоратомуз вазият вужудга келганди, айниқса, Клун ўзини камситилаётгандек ҳис этарди: аммо у бу ҳолатдан чиқиб олди.

– Мистер Бэлфур, жайдари одамнинг ғашини келтирадиган даражада сўзамолу сермулозамат экансиз, лекин юрагингизда ҳақиқий жентельмен руҳи барҳаёт. Энди сизга айтадиган чин сўзим шуки, бу пулларни олишингиз мумкин: ўз ўғлимга ҳам худди шундай маслаҳат берардим. Қани, қўлингизни узатинг – жонажон дўст бўлайлик!

## ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

### СИРЛИ СЎҚМОҚ БЎЙЛАБ НИЗО

Қоронги тушгандан кейин Алан иккимизни Лох-Эрихт дарёсининг нариги томонига олиб ўтишди-да, шарқий қирғоқ бўйлаб Лох-Ранноҳ ирмоғининг юқори қисмида жойлашган бошқа бир яширин маскан сари бошлаб кетишиди. Бизни Қазноқдаги хизматкорлардан биттаси кузатиб бораради. Бу азamat лаш-лушларимизни ҳамда Аланнинг плашини кўтариб олган эди ва худди устига пичан ғарами ортилган чайир от сингари ҳадиксираб битта-битта қадам босарди. Юким озгина бўлса-да, лекин оёғимни судраб зўрга юрардим; агар биз ҳалол курашда кучимизни си наб кўрадиган бўлсак, бу йигитни мағлуб этишим аниқ эди.

Албатта, енгил юк билан одимлаш мушкул эмас; бироқ қалбимни озодлик туйфуси ва суур ҷулуғаб олмаганда ўрнимдан қўзғалишга ҳам мадорим

етмасди. Эндигина түшакдан бош күтариб, но-чор аҳволда паҳлавонларча ҳаракат қилишга им-коним бўлмаган ҳолда Шотландиянинг кимсасиз, овлоқ гўшаларидан ўтишга мажбур эдим, намгар-чилик айниқса, жонга тегарди. Анча вақтгача ўзаро гаплашмадик, гоҳ ёнма-ён, гоҳида тумтай-ганимизча кетма-кет юрардик: ғазабга тўлиб, лаб-лунжим осилиб борарди, куч-қувватимни асосан ич-этимни кемираётган ҳис-туйгуларим-ни жиловлашга сарфлардим; Алан ғазабнок ва изза бўлган қиёфада юрар, назаримда пулимни ютқазиб қўйганидан ўсал эди, бу ҳолни дўстона кайфиятда қабул қилмаганим учун ғазаби қўзиб кетганди. Ажралиб кетиш лозим деган қарорим хаёлимни тарк этмай қўйди; бу фикр ёпишавер-гани сари ўзимдан нафратлана бошлардим. Ун-дан кўра, шартта ортимга ўгирилиб: «Энди ўзинг кетавер, менинг оёғимга қараб юраман десанг, ўзинг ҳам бир балога гирифтор бўлишинг мум-кин», деб айтишим лозим эди. Шу тарзда олижа-ноб, сўзамол, ҳимматли инсон эканимни намоён этардим. Аслида, жондан азиз кўрадиган дўстин-гга: «Ниҳоятда хавфли вазиятда турибсан, мен унчалик ёмон аҳволда эмасман, сен билан дўстлашиш ортиқча даҳмазадан бошқа нарса эмас; бундан бу ёғига билганингни қилгин, ҳар ким ўз аравасини ўзи тортсин», деб айтиш учун абраҳ бўлишинг керак. Йўқ, бунақаси кетмайди: бун-дай гаплар ҳатто хаёлингдан ўтса – бас, юзларинг шолғомдай қизаради-ку!

Бари бир Алан ёш болага ўхшарди: ёмон жойи шундаки, алдоқчи шумтакадай ҳаракат қилди. Деярли ҳушимдан кетиб ётган пайтимда ал-даб-сулдаб пулимни олди нимаю ўғирлади нима – бунинг фарқи унчалик катта эмас; боз устига,

унинг таъбири бўйича «тиланчилик қилиб пул сўраб олган» пасткаш ёнида, менинг пулим эвазига бир кунини ўтказиши илинжида, виждони қийналмасдан одим ташлаётганига ўласанми, куясанми! Албатта, боримни ўртада баҳам кўришга тайёрман: бироқ у ўз қилмишини айнан шундай бўлиши керак, деб баҳолатгани жаҳлимни чиқарди.

Хуллас, мана шу нарсалар хаёлимдан нари кетмасди, лекин бу фикрларимни баён этсам ёки пул ҳақида сўз очсан, номардлик бўларди. Шунинг учун ғазабимни ичимга ютиб, миқ этмасдим; ҳатто ҳамроҳимга қарамасдим; унга зимдан кўз қиримни ташлаб қўярдим, холос.

Ниҳоят, Лох-Эрихтнинг нариги қирғофида, бир текисдаги қамишзор ботқоқликдан ўтаётганимизда (юриш унчалик қийин эмасди) Аланнинг тоқати тоқ бўлди шекилли, тўппа-тўғри рўпарамга келиб тўхтади.

– Дэвид, арзимаган кўнгилсизлик учун дўстлар аразлашиб юришса ярашмайди, – деди. – Мен қилган ишимга афсусланяпман, етар энди! Агар кўнглингда гапларинг йифилиб қолган бўлса, тортинмай айтавер.

– Менинг кўнглимдами? – дедим фижиниб. – Ҳеч нарса йифилиб қолгани йўқ.

У хафа бўлиб қолди, мен ичиқора ўзимча хурсанд эдим.

– Шошма, ахир гуноҳимни бўйнимга олдим-ку, – деди у титроқ товушда.

– Йўқса-чи, албатта гуноҳкорсиз-да, – дедим совуққонлик билан. – Гуноҳингизни бирор марта ҳам юзингизга солмаганим учун раҳмат айтсангиз арзиди.

– Бир марта ҳам юзимга солмадинг?! – деди Алан. – Лекин одамни пичоқсиз сўйдинг, буни жуда яхши биласан. Балки, ажрашиб кетармиз-а? Бир пайтлар шунақа деган эдинг. Эҳтимол, ўша гапингни ҳозир ҳам такрорларсан? Дэвид, ўнгу сўл томонимиз ҳам тоғ, арчагуллар ҳам икки кишига етиб ортади; очиғини айтсам, мен нокерак жойга тумшуғимни тиқишини ёмон кўраман.

Гўё бирор баданимга наштар санчгандек бўлди; назаримда, Алан зимдан хиёнат қилганимни пайқаб қолган эди.

– Аллан Брек! – деб хитоб қилдиму қаҳр-газабимни тўкиб солмоқчи бўлдим: – Наҳотки оғир дамларда сизни ёлғиз ташлаб кетсам? Шундай дейишга қандай тилингиз борди? Шаънимга бундай гап айтишга ҳақингиз йўқ. Барча хатти-ҳаракатларим гапларингиз ёлғон эканини исботлаб турибди. Тўғри, ўшанда ташландиқ ерда ухлаб қолган эдим; лекин ўлардек чарчаганим туфайли шундай бўлди, бунинг учун ҳадеб пешонамга чертавериш инсофдан эмас...

– Ие, у гапларни хаёлимга келтирганим йўқ-ку!  
– деди Алан.

– ...Агар ўша ҳодисани ҳисобга олмасак, яна нима қилибманки, итдан ҳам баттар пасткашликка борсам? – дедим. – Ҳеч қачон дўстларимга панд бермаганман ва бундай ярамасликни сиздан бошлаш ниятим ҳам йўқ. Биргалиқда жуда кўп нарсаларни бошимиздан кечирдик; эҳтимол, сиз эсингиздан чиқариб юборарсиз, лекин мен ўлсам ҳам эсимдан чиқармайман.

– Дэвид, фақат бир гапни айтиб қўймоқчиман,  
– деб сўзлай бошлади Алан хотиржамлик билан.

– Сен ҳаётимни сақлаб қолгансан, сендан бир умрлик қарздорман; энди пулларимни ҳам қай-

тариб бердинг. Кўриб турибсанки, шундоқ ҳам зиммамда оғир юқ турибди – қарздорман; бекордан-бекорга юрак-бағримни эзавермагин-да.

Бундай сўзлар ҳар қандай одамнинг кўнглини эритиб юборади, албатта. Мен ҳам хийла таъсиrlандим. Аҳмоқона хархаша қилаётганимни билардим; шунинг учун энди нафақат Аландан, айни пайтда ўзимдан ҳам нафратланардим; яна жазавам тутиб қолди.

– Мендан кўнглимдаги гапларни ошкора айтишимни илтимос қиалдингиз-а? – дедим. – Начора, майли, айтаман. Боя ўзингиз иқрор бўлиб, мени ноқулай аҳволга тушириб қўйдингиз: оқибатда фурурим топталди, лекин сиздан ўпкалаганим йўқ, бу ҳақда ўзингиз гап очдингиз. Энди бўлса, ҳақорат қилганлари учун нега суюниб, ўйинга тушмаётганимга ҳайрон бўляпсиз! – дея бақирдим. – Индамасам, бирпасдан сўнг оёғингизга бош уришимни, миннатдорчилик изҳор этишимни истаб қоласиз! Алан Брек, бошқалар тўгрисида ҳам озгина бош қотирсангиз бўларди! Агар ўзгалирни кўпроқ ўйлаганингизда ўзингиз ҳақингизда камроқ гапирган бўлардингиз; сизни ҳурмат қиладиган одам барча хўрликларга миқ этмай чидаб бергани учун раҳмат айтиб, эски гапларни кавлаштирмасдингиз; унга қарши бош кўтармасдингиз. Ахир иқрор бўлдингиз-ку, ҳамма машмаша сиз туфайли бошланди: шундоқ экан, нега ўртада низо чиқаряпсиз? Сал ўйлаб гапиринг-да!

– Яхши, – деди Алан. – Энди миқ этмайман.

Яна сукунат бошланди. Махфий бошпанага етиб бордик; овқатландик, уйқуга ётдик, лекин бир оғиз ҳам гаплашмадик.

Эртаси куни тонг қоронфисида кузатувчи бизни Лоҳ-Раннохнинг нариги соҳилига ўtkазиб қўй-

ди ва қайси йўлдан кетсак бехавотирроқ эканини тушунтириди. Унинг айтишига қараганда, дарҳол тоққа кўтарилиб, учта водийни – Глен-Лайон, Глен-Локей, Глен-Докартни айланиб ўтиб, Киппеннинг ёнидан, Форт жилгалари бўйлаб пасттекисликка тушиб олсак яхши бўлар экан. Алан йўл-йўриқлардан қониқмади, агар ўша йўлдан юрсак, унинг азалий душманлари бўлмиш гленорлик Кемпбеллар юртига бориб қолар эканмиз. Ундан кўра, шарқ томон йўл олганимиз маъқул экан: тез орада атоллик Стюартлар қарамоғидаги ерларга кириб борамиз; улар бошқа бир йўлбошчига итоат этсалар-да, лекин битта уруғдан тарқалишган, ота-боболари қариндош бўлишган; боз устига, манзилимиз ҳам яқин қолади. Лекин бизни кузатиб келаётган Клуннинг энг илфор айғоқчиси Аланнинг ҳар бир гапига асосли равишда эътиroz билдирарди, ҳар бир музофотдаги аскарлар миқдорини айтарди ва ўз сўзларини (менинг фаҳмлашимча) биз фақат Кемпбеллар юртида бехавотир юришимиз мумкин эканлиги хусусидаги мулоҳаза билан яқунларди.

Охир-оқибатда Алан рози бўлди, аммо ич-ичида фижиниб турганини асло яшириб ўтирмади.

– Шотландияда бундан ҳам баттар ўлкани то-пиб бўлмаса керак, – деб тўнфиллади. – Ҳеч нарса йўқ, фақат арчагуллар, қузгуналару Кемпбеллар бор, холос. Умуман, билишимча, анча тажрибали кишига ўхшайсиз; майли, айтганингизча бўла қолсин!

Айтилган сўз – отилган ўқ: ўша йўналиш бўйлаб ҳаракат қила бошлидик. Уч кеча яйдоқ тоғларда тентираб, саркаш дарё бошланадиган жилгалар ёқалаб одимладик; тез-тез туман тушарди, изғирин тинмасди, шивалаб ёмғир ёғарди, йилт

этіб қүёш күрінмасди. Кундузи намхуш арчагуллар устига юмалаб мизғиб олардик, кечалари эса пурвиқор қояларға ўрмалаб чиқардик, палахса-палахса харсанглар устидан ўтардик. Баъзан йўлимиздан адашиб, қалин туманга дуч келиб қолардик ва туман кўтарилишини кутиб ўтиришга мажбур бўлардик. Гулхан ёқиши хаёлимизга ҳам келтирмасдик. Емишимиз аталаю бир парча муздек гўшт эди – Қазноқда халтамизни тўлдириб беришганди; худога шукрки, сув сероб; атрофда жилдираб ариқчалар оқарди.

Долғали замон эди. Рутубатли кунлар, ҳувиллаган овлоқ жойлар кўнглимизга гулгула соларди. Аъзойи баданим кўкариб кетганди, совуқдан тишларим тинмасдан такилларди; томофим худди оролда ёлғиз қолган пайтимдагидек лўқ-лўқ оғрий бошлади: биқиним тинмасдан санчарди; билч-билч лой жойга ётиб ором олаётган вактимда ҳам ўнгимда кўрганларим – даҳшатли ҳодисалар сира хаёлимни тарк этмасди: чақмоқ шуъласида Шос кўргонининг минораси кўз ўнгимда намоён бўларди, денгизчилар Рансомни қўлларида кўтариб келишарди. Қўйруқдаги Бошқармада Шуан ўлим талвасасида типирчиларди. Колин Кемпбелл эса қалтираб эгнидан чакмонини ечмоққа уринарди. Ана шундай алоқ-чалоқ туш кўраётган пайтимда кимдир мени туртиб уйғотардию оқшом маҳали балчиқда ўтирганимча совуқ аталани ичиб олардим, юзларимни совуқ ёмғир томчилари аёвсиз саваларди, ёқамдан муздек сув ичимга кирап, туман аста-секин устимизга бостириб келаверарди – худди қоп-қора деворга ўхшарди, баъзан шабада уни угададай титиб юборардию кўз ўнгимизда қандайдир қорамтири-кўкиш водий намоён бўларди; жилгалар пастга шарқираб оқиб ётарди.

Теварак-атрофимизда сон-саноқсиз ирмоқлар жиldиради. Тинимсиз ёмғирдан сүнг тоғ чашмалари тұлыб-тошиб кетган, чуқурчалар құлмак бўлиб қолганди, ирмоқлар худди сел келгандек лим-лим тўлиб, қирғоқларга тошиб оқарди. Ярим кечаси водий томонга шиддат билан тушаётган сувнинг гоҳ бўғиқ, гоҳо гулдурак, гоҳида фазабонок товуши эшитиларди. Шундан кейингина Сув париси ҳақидаги эртакнинг ҳақиқий құдратини англаб етдим: нақл қилишларича, ёвуз арвоҳлар кечувларида йиглаб ўтиришаркан ёки қизғин базм қилишаркан ва йўловчиларни алдаб-сулдаб сув қаърига тортиб кетаркан. Алан бундай нақлларга бутунлай бўлмаса-да, унча-мунча ишонар экан: у католикларга ўхшаб чўқинаётганига кўзим тушган чоғда эсхонам чиқиб кетишига бир баҳя қоларди.

Уқубатли сафар мобайнида Алан иккаламиз бегонасираб юрдик, деярли гаплашмадик. Аслини олганда, суробим тўғриланиб қолган эди; шу сабабли ўзимни қисман оқдашим мумкин. Боз устига, табиатан мен кек сақдайдиган одамман: хафа қилган кишини анча пайтгача асло кечирмасдим: ҳозир ҳам йўлдошимдан, ҳам ўзимдан ўпкалардим. Дастлабки икки кун давомида у кўп гапирмади-ю, чамаси, ёрдам қўлинин чўзишга ҳар доим тайёр эди ва тез орада гина-кудуратни унтишимдан (бу ҳолни яққол кўриб туардим) умидвор бўларди. Бу вақт мобайнида мен сукут сақлаб ёрдамларини қўполлик билан рад этардим, гоҳида қандайдир тошга ёки бутага қарагандек унга беписанд назар ташлаб қўярдим.

Иккинчи кечаси, аниқроғи, учинчи кун тонгидда шип-шийдам нишабликка етиб борди; одатдагидек, дарҳол нафасимизни ростлаб, тамадди қи-

либ, уйқуга ётишимиз мүмкін әмасди. Панароқ жойга етгунимизча атроф хийла ёришиб қолди; ҳамон ёмғир ёғарди; булатлар анча баландликка күтарилиб кеттеган әди. Алан юзимга қарадио бетоқатланиб хұмрайиб олди.

– Тутунчангни менга бера қол, үзим күтариб оламан, – деди, Лох-Раннохда айғоқчи билан хайрлашганимиздан сүңг үнинчи марта мурожаат этиб.

– Раҳмат, бир иложини қиласман, – деб жавоб бердим.

Алан тутақиб кетди.

– Үзингдан күр әнди, ўлсам ҳам ёрдам бермайман, – деди у. – Дэвид, мен бардошли одамлар тоифасидан әмасман.

– Ҳа-я, әнди бўлар иш бўлди, – дедим ўн ёшлардаги болакайдек ўжарлик билан.

Алан бир оғиз ҳам гапирмади, лекин турқ-атвoriga қараб туриб, нима демоқчи эканини билиб олиш мүмкін әди. У Қазноқдаги гуноҳини бутунлай оқладаб олганди: шляпасини чапдастлик билан манглайидан сал юқорироқ күтариб қўйди-да, қаддини фоз тутганча шахдам одимлай бошлади; ҳуштак чалиб бораради, гоҳида кўз қири билан менга назар ташларди, лабларидан эса заҳарханда аримасди.

Учинчи кечада Бэлкиддернинг гарбий чеккасидан ўтишимиз лозим әди. Ҳаво очилиб кетди; аёз тушиб қолди, бадан жунжикарди, шимол томондан эсаётган шамол булатларни ҳар тарафга сочиб юборди, юлдузлар ёрқинроқ чақнай бошлади. Ирмоқлар ҳамон тўлиб-тошиб оқмоқда әди, сувнинг хунук шовуллаши эшитилиб турарди, лекин, амин бўлдимки, Алан әнди Сув парисини бутунлай ёдидан чиқариб юборганди: кайфия-

ти аъло эди. Мен учун об-ҳаво жуда кеч ўзгарди: ботқоқда шу қадар узоқ вақт юмалаб ётдимки, ҳатто эгнимдаги уст-бошларим ҳам, Таврот таъбири билан айтганда, «менга қабоҳатдек туюларди»; ўлар ҳолатда чарчадим, баданимда бутун жойим қолмаганди, вужудим сирқираб оғрирди, этим увишар, изфирин сүяк-саягимдан ўтиб кетарди, изфирин увиллашидан қулоқларим батанг битиб қолган эди. Мана шунаقا оғир аҳволда турган пайтимда йўлдошимнинг заҳарханда қулгиларига ҳам чидашим керак эди. Энди унинг тили бийрон бўлиб қолди; баҳона топилиши билан дарров мени майна қила бошларди. Икки гапининг бирида «вигвачча» деб улуғларди.

– Ана, кўряпсанми, кўлмакнинг суви қуриб қолибди; қани, вигвачча кўзларини чирт юмиб, сакраб юборсинлар-чи! – дерди у. – Ахир сен осмонга сапчишга устаси фарангсан-ку! – Ҳамма гаплари таҳқирловчи пичинглару аччиқ кесатиқлардан иборат бўларди.

Қайтар дунё, деб шуни айтсалар керак-да! Айбимга иқрор бўлишга ҳам тоқатим йўқ эди; бу кетишда узоққа бора олмаслигимни билиб турардим: тез орада сулайиб қоламану эгасиз қўй ёки дайди тулки сингари тоғу тошларда жон бераман, сүякларим йиртқич ҳайвонники сингари оқариб ётаверади. Назаримда, алаҳсирай бошладим; эҳтимол, шунинг учунми охиратим қўрқинч туш каби кўз ўнгимда яққол гавдаланаарди; ана шу овлоқ жойларда чириб кетсам керак, деб ўйлардим ва сўнгги дамларда устимда ёввойи бургутлар ўлакса ҳидини сезиб гир-гир айланишади, деган фикр сира хаёлимни тарк этмасди. Ана, иннайкейин Алан афсусланади, қарзини уза олмаганига минг-минг пушаймонлар ейди, аммо

мен аллақачон ўлиб кетган бўламан: хотирам унга ҳеч қачон тинчлик бермайди, деб ўзимча хаёл сурардим. Савдойига, аламзада болага ўхшардим, эски гина-кудуратларимни жўрттага янгилардим. Ундан кўра, тиз чўкиб худодан мадад сўраганим афзал эди, албатта. Алан ҳар гал пичинг қилган пайтда хаёлимда қўлимни ювиб, қўлтиғимга артиб қўярдим. «Сенми, шошмай турчи! – деб ўйлардим. – Шунақаям зўр жавоб ҳозирлаб қўяманки, додингни худога қам айтолмай қоласан: ўзимни тап этказиб ерга ташлайману ўлиб қоламан; ундан сўнг жиртта-жиртта сакрашингни томоша қиласман! Қасос олиш шунақа бўлади, оғайни! Ичиқоралик, бераҳмлик қилганинг учун афсус-надоматлар чекасан!»

Борган сари аҳволим оғирлашарди. Бир сафар ҳатто йиқилиб тушдим, оёқларим чалишиб кетди; Алан бирпасда тараффудланиб қолди. Сапчиб ўрнимдан турдиму шахдам қадам ташлаб яна йўлга тушдим: кўп ўтмай ўша ҳодиса унинг ёдидан кўтарилди. Баъзан тандирда ўтирган одамдек аъзойи баданим ёнарди, баъзан эса совуқдан тишларим такилларди. Биқинимдаги санчиқقا тоқат қилиб бўлмасди. Ниҳоят, бундан ортиқ бир қадам ҳам юра олмаслигимни пайқаб қолдим ва бирдан кўнглимда ҳаммасини Аланга тўкиб солиш истаги пайдо бўлди: фазабимни сочиб юборраману бирпасда ҳаёт билан ҳисоб-китобни бир ёқлик қиласман. Айни шу тобда у «вигвачча» деб чақирди. Мен тўхтадим.

– Мистер Сюарт, ёшингиз жиҳатдан мендан каттасиз, шундоқ экан, қандай муомала қилишни билишингиз лозим, – дедим, товушим худди таранг тортилган тор мисоли титрарди. – Наҳотки сиёсий эътиқодимни юзимга солиб, шу йўсинда

күзларимни ўйиб олмоқчи бўлсангиз? Бундан бошқа бамаънироқ эрмак топилмадими? Кишиларнинг дунёқараши бир-бирига зид бўлган ҳолларда йигит одам ўзини муносиб равишда тутиши керак; ҳадеб қийшанглайверса, уят бўлади. Акс ҳолда, ишончингиз комил бўлсинки, сизни тузлаб қўйишим мумкин, кейин ўтиргани жой тополмай қоласиз!

Алан рўпарамда шляпасини чаккасига дол қўйганча серрайиб туради, қўллари чўнтакларида, бошини бир томонга қийшайтириб олган эди. Юлдузлар шуъласида афт-башарасини яққол кўриб турадим; мийифида куларди. Гапларимни тугатишим биланоқ якобинчилар қўшиғи куйини ҳуштакда чала бошлади. Бу қўшиқ Prestonpanc остоналарида яксон қилинган генерал Коупни мазахлаб яратилган эди.

Эй, Жонни Коун, ҳалиям оёқларинг юряптими?  
Ҳалиям сенинг ногораларинг чалиняптими?

Тўсатдан ўша жанг пайтида Алан қирол томонида туриб уришганини эслаб қолдим.

– Мистер Стюарт, нима учун айнан мана шу қўшиқни танладингиз-а? – дедим. – Мабодо сиз ҳам улар томонидан, ҳам булар томонидан енгилганингизни эслатиб қўймоқчи эмасмисиз, ишқи-либ?

Алан бирдан ҳуштак чалишни бас қилди.

– Дэвид! – деб хитоб этди.

– Бундай хурмача қилиқдарга чек қўйиши лозим, – дедим. – Шу тобдан эътиборан менинг қиролим, ажойиб дўсларим – Кембеллар ҳақида илтифот билан гапиришга ўргатиб қўйишим мумкин.

– Мен Стюартман... – деб сўз бошлади Алан.

– Ҳа, биламан, – деб чүрт кесдим. – Фамилияңиз ҳам қиролона. Бироқ, эсингизда бўлсинки, камина ана шу тоғларда ўша фамилияни кўтариб юрган бирталай кишиларни учратдим, энди фақат бир гап айтишим мумкин: агар улар ювениб олишса, бениҳоя савоб бўларди.

– Бу ҳақорат-ку? – деди Алан товушини пастлатиб.

– Агар шундай бўлса, афсус қиласман, – дедим. Лекин ҳали гапимни тугатганим йўқ; агар ҳазилни кўтара олмасангиз, чин гапни эшитиб юрагингиз ёрилиб кетса ажаб эмас. Жанг майдонида катталардан енгилгансиз, ўчингизни ёш боладан оляпсизми?! Сизни Кембеллар дўппослашган, виглар ҳам дўппослашган, сиз бўлсангиз орқа-олдингизга қарамасдан қочишни билгансиз, холос. Улар ҳақида сал илтифот билан гапирсангиз бўларди.

Алан худди қоққан қозикдай қотиб қолди; плашининг этаклари шамолда ҳилпирарди.

– Афсус, – деди ниҳоят. – Лекин баъзи бир гапларни асло унутиб бўлмайди.

– Сиздан ҳеч ким унутишни илтимос қилаётганий йўқ, – дедим. – Ижозат берсангиз, яккама-якка олишувга тайёрман!

– Яккама-якка олишувгами? – деб такроран сўради.

– Ҳа, ҳа, яккама-якка олишаман! Мен маҳмадона, мақтанчоқ эмасман. Ҳушёр бўлинг, жаноб! Тағин биқинингиздан дарча очиб қўймайин! – Шартта қиличимни қинидан суғурдиму Аланнынг ўзи менга ўргатганидай жанговар ҳолатга кирдим.

– Дэвид! – деб қичқириб юборди у каловланган қўйи иягини тутамлаб. – Худо ҳаққи! – деди-да, қиличини қинидан суғурди. Аммо қиличим билан

бир марта ҳамла қилишга ҳам улгурмасымдан, у қиличини отиб юбордию ерга узала тушиб ётиб олди. – Йүқ, йүқ! – деди қайта-қайта. – Йүқ, бундай қололмайман...

Ана шу манзарани күрганимдан сүнг бирдан газабим сүнди-қолди; фақат күнглимда қандайдир оғриқ, афсус-надомату бўшлиқ қолди, холос. Ўзимдан ҳам норози эдим. Агар айтган сўзларимни қайтариб ололганимда борми, бунинг эвазига ҳеч нарсамни аямасдим. Бироқ айтилган сўзни қайтариб бўлардими?! Дарҳол Аланнынг меҳри-бонлигини, довюраклигини, мени қўллаб-қувватлашини, далдаларини, атрофимда парвона бўлиб, оғир дамларда ёлғиз ташлаб қўймаганини эсладим; кейин уни ҳақоратлаганим ёдимга тушдию фидокор дўстимдан бир умрга ажралганимни тушундим. Аҳволим янада ёмонлашди, биқиним гўё бирор пичоқ суқиб олаётгандек дўқ-лўқ оғрирди. Мана ҳозир ҳушимни йўқотаману йиқилиб қоламан, деб ўйладим.

Тўсатдан кўзларим ярқ этиб очилиб кетди: бояги сўзларимни минг марта тавба-тазарру қилганимда ҳам юва олмайман; бундай дилсиёҳликни гап-сўзлар билан кўнгилдан аритиб бўлмайди. Ҳа, энди ўзимни оқдаб ўтирганимдан фойда йўқ эди, лекин бир оғиз ёрдам сўраб илтижо этсам – бас, Алан сўзимни ерда қолдирмасди. Мен фуруримни енгиб:

– Алан! – дедим. – Ёрдам беринг! Бўлмаса, ҳозир ўлиб қоламан.

У сапчиб ўрнидан турди-да, менга синчиклаб назар ташлади.

– Рост гапирияпман, – дедим. – Тамом бўлдим. Оҳ, панароқ жойга элтиб қўйинг – осонроқ жон берай.

Тилёгламалик қилиб ўтиришга ҳожат йўқ эди, ялинчоқ товушимга ҳар қандай бағритош киши эриб кетарди.

– Юра оласанми? – деб сўради Алан.

– Йўқ, – дедим. – Ўзим юролмайман. Чамамда, бир соатдан бери оёқларим чалишиб кетяпти; биқиним лов-лов ёняпти, худди қизиб турган темирни босишаётгандек; нафас олишга ҳолим қолмади. Алан, агар мен ўлиб қолсам, рози бўласизми? Ҳатто жаҳдим чиқиб турган пайтларда ҳам сизни ичимда яхши кўрардим.

– Жим бўл, керак эмас! – деб қичқириб юборди Алан. – Бир оғиз ҳам гапирма! Дэвид, жонажон дўстим, ўзинг биласан-ку... – У ҳўнграб юбормаслик учун нафасини ютди. – Кел, сени опичлаб оламан, мана бундай! – деб давом этди. – Энди бўйнимдан маҳкам ушла. Жин урсин, бошпанани қаердан топамиз? Шошма, ахир Бэлкиддерга етиб келдик-ку; бу ерда уйлар сероб. Дўстларим ҳам шу ерда истиқомат қиласидилар. Дэви, шундай юрсам сенга озор етмайдими?

– Йўқ, омон-эсон етиб борсак керак, – унинг қўлини маҳкамроқ ушлаб олдим.

У ҳўнграб юборишдан аранг ўзини тийиб қолди.

– Биласанми, Дэви, мен ярамас одамман, вассалом! Фаҳм-фаросат, меҳр-оқибат нима эканини ҳам билмайман. Бўлмасам, сен ҳали суяги қотмаган ёш бола эканингни, мен билан теппа-тенг йўл юра олмаслигингни эсимдан чиқариб қўярмидим! Дэви, мени кечиргин энди.

– Оғайни, бу ҳақда гаплашмайлик! – дедим. – Иккаламиз ҳам ёмон одам эмасмиз, хўпми! Қадрдоним Алан, бир-биrimизни шундайлигимизча яхши кўришимиз лозим! Вой, биқиним! Тоқат қи-

либ бўлмаяпти-ку! Наҳотки, яқин ўртада бирорта бошпана йўқ?

– Албатта бошпана топиб бераман, Дэвид, – деди Алан ишонч билан. – Ҳозир ирмоқнинг қуи оқими бўйлаб юрамизу бирорта уйга дуч келамиз. Менга қара, азизим, балки сени опичлаб олганим маъқулдир-а?

– Алан, жигарим, ахир мен сиздан бир бош новчаман-ку!

– Ҳечқиси йўқ! – деб хитоб қилди Алан. – Кўпи билан бир қарич новчасан, холос. Албатта, мени худойим бўйдан сал-пал қисиб қўйган – кўриниб турибди, лекин... – Бирдан овози чиқмай қолди ва бир оздан сўнг давом этди: – Умуман, ўйлаб кўрсам, сен ҳақсан. Ростдан ҳам, мендан бир бош новчасан; ҳатто бир тирсак новча бўлсанг-да ажаб эмас!

Яна ўртада жанжал чиқмаслиги учун Алан шоша-пиша сўзидан қайтарди: бундай чоғда бе-ихтиёр қулгим қистарди. Агар биқиним лўқ-лўқ санчиб турмагандা, қаҳқаҳа уриб юборишдан ҳам тоймасдим, албатта. Бироқ қулиб юборсам... айни пайтда кўз ёшларимни ҳам тиёлмай қолардим.

– Алан! – деб мурожаат этдим. – Менга нима учун бунчалар меҳрибонсиз? Нега бундай кўрнамак болага дуч келиб қолдингиз?

– Ростини айтсам, ўзим ҳам билмайман, – деди Алан. – Илгари низо чиқаришга ўч бўлмаганинг учун яхши кўрардим; мана энди янада ёқимтой кўриняпсан!

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

### БЭЛКИДДЕРДА

Алан йўлимиизда дастлаб учраган уй эшигини тақиллатди; Шотландиянинг тоғли вилоятларида, айниқса, Бэлкиддер ёнбағрида бундай хатти-ҳаракат бегона кишиларга қимматга тушиши мумкин эди. Бу ерда қандайдир бирорта кучли қабила ҳукмронлик қилмасди; таназзулга юз тутган жамоаларнинг қолдиқлари, Кембеллар зулмидан қочиб, Форт ва Тей дарёларининг ирмоқлари бўйларига кўчиб келган (уругию қабиласининг тайини йўқ) одамлар, хуллас, майда-чуйда тўдалар ер-мулкларини бир-бирларидан тортиб оларди. Стюартлар билан Макларенлар ҳам шу ерларда истиқомат қилишарди, улар ўртасидаги тафовут уччалик катта эмасди; чунки жанг жадал пайтида Макларенлар ҳам Аланларнинг йўлбошчиси туфи остида бирлашарди ва Эпин қабиласига сингишиб кетардилар. Бундан ташқари, кўхна, қонун йўли билан таъқиб этилган, ном-нишонсиз, қасоскор Макгрегорлар қабиласининг кўплаб аъзолари ҳам мана шу ерларда яшарди. Улар азал-азалдан отнинг қашқасидек маълум ва машҳур эди; Шотландиядаги бирорта душман томон ҳам, гуруҳбозлар ҳам бу қабилага ишонмасди. Қабила йўлбошчиси – макгрегорлик Макгрегор ҳозир муҳожир эди; Бэлкиддердаги Макгрегорларнинг бевосита етакчиси бўлмиш Жеймс Мор (Роб Ройнинг тўнгич ўғли) Эдинбург қўргонидаги зинданда суд бўлишини кутиб ётарди; улар тоғликлар билан ҳам, паст-текислик аҳолиси билан ҳам, Грэмлар билан ҳам, Макларенлар билан ҳам, Стюартлар билан ҳам ит-мушук эди; ўз-ўз

зидан равшанки, ҳатто йўл-йўлакай тасодифан танишиб қолган жўрасини хафа қилган киши-да шахсий душманим деб биладиган Алан ўша дилозор кимсалар билан тўқнашиб қолишни асло истамади.

Бизнинг омадимиз бор экан: бу уй Макларенлар оиласига қарашли эди; Аланни қучоқ очиб кутиб олишди. У фақат Стюартлар авлодидан бўлгани учунгина иззат-хурматга сазовар эмасди, албатта; айни пайтда бу ерларда Алан ҳақида жуда кўп афсоналар тўқилган эди. Мени дарҳол ўринга ётқизишида, табибни чақириб келишиди; у аҳволим ниҳоятда ёмон эканини аниқлади. Билмадим, ҳақиқатан ҳам моҳир шифокор эдими ёки ўзим ҳали навқирон ва кучли бўлганим туфайлими, ишқилиб, бир ҳафта тўшакда ётдим, холос. Ой охирларида бутунлай соғайиб кетдим; энди йўлга отланишим мумкин эди.

Аланга қанчалик ялиниб-ёлворсам ҳам, мени ёлғиз ташлаб кетишга асло рози бўлмади; рости ни айтганда, унинг бу ерда қолиши бемаънилик эди. Бизнинг сиримиздан хабардор дўстларимиз ҳам ўша фикрни такрорладилар, аммо бари бир унга гап таъсир қилмасди. Кундуз кунлари у ёнбафирликдаги ўрмонда – битта улкан дараҳтнинг томирлари орасидаги хандақ ичида яшириниб ётарди, кечалари ҳамма ёқ тинчиб қолган маҳалларда мени кўргани келарди. Қувончим ичимга сифмай кетарди, хонадон соҳибаси миссис Макларен азиз меҳмонни қаёққа ўтқазишини билмай қоларди; Дункан Ду эса (уй эгасининг исми шарифи шунаقا эди) мусиқа шайдоси бўлиб, унинг бир жуфт сибизгаси бор эди; шунинг учун то мен соғайиб, дармонга киргунимча хона-донда ҳақиқий байрамона кайфият ҳукм сурди,

күпинчча эрта тонгга қадар ўйнаб-кулиб ўтирадик. Аскарлар бизни безовта қилишмасди: фақат бир куни (деразадан ташқарини кузатиб ётардим) пастликдан бир нечта отлиқдар билан пиёда аскарлар гурухи қаёққадир ўтиб кетишиди, холос. Энг ажабланарлиси шунда эдики, маҳаллий ҳукумат вакилларидан бирортаси ҳам қаёқдан келиб, қаёққа кетаётганимни сўраб-суриштирмади, бемор ётган хонага бош суқиб қарамади; долғали замонда тоғу тошларда тентираб юрсам, кишиларда кўпроқ шубҳа уйғотардим, лекин бу ерда ҳеч ким шахсим билан қизиқмасди. Йўлга тушгунимга қадар Бэлкиддерда ва қўни-қўшнилар орасида мен ҳақимда эшитмаган одам қолмади ҳисоб; бу даврда хонадонга жуда кўп кишилар ташриф буюришиди – тоғликларнинг расм-русумига кўра, янгилик албатта бехабар кимсаларга етказиларди. Боз устига, бизни қўлга гушириш хусусидаги қарор ҳам эълон қилинган эди. Шундай эълонномадан бирини каравотимнинг оёқ томонига – деворга ёпишириб қўйишган эди ва ўзимнинг ташқи кўринишим борасидаги ёқимсиз изоҳотни қайта-қайта ўқишим мумкин эди. Эълоннома охирида бошим учун тикилган мукофот ҳам эслатиб ўтилганди. Шубҳасизки, Алан билан келганимни кўрган кишилар каминанинг ким эканини аниқ билишарди; бу сирдан унчалик воқиф бўлмаган кимсалар эса ўзларича тахмин қилишарди, холос. Ҳартугул, кийим-бошимни алмаштириб олган бўлсам-да, ўз қиёфамни, ёшимни ўзгартиришга қодир эмасдим; нотинч замонда паст-текисликда яшайдиган ўн саккиз яшар йигитча бу овлоқ ўлкага кўнгилхушлик қилиш учунгина келмаганини аҳмоқ ҳам биларди; қолверса, воқеа-ҳодисаларни шунчаки таққослаб

күрган киши қарорда ким тұғрисида гап кетаёт-  
ганини илғаб олиши мушкул эмасди. Нима бўл-  
ганда ҳам, каминани бирор бозовта қилмади.  
Бошқа ўлкаларда инсон икки-учта ишонган дўс-  
тига сирини айтадио кўзини юмиб очгунча сир  
фош бўлиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолади;  
тоғлик қабилалар орасида эса битта сирни бутун  
музофот аҳли билади, аммо юз йил ўтгунча ҳам  
бирор оғзидан гулламайди.

Кунлар қандай ўтганини билмай қолдим. Бу  
пайт мобайнида менда катта таассурот қолдир-  
ган битта ҳодиса ҳақида алоҳида тўхталиб ўти-  
шим лозим: афсонавий Роб Ройнинг ўғилларидан  
бири бўлмиш Робин Ойг атайлаб каминани зи-  
ёрат қилгани келиб, бемор кўнглини бафоят шод  
этди, Кечасию кундузи бу зотни қидиришарди; у  
Бэлфрондан балогатга етмаган қизалоқни ўғир-  
лашда айбланаради; гувоҳлик беришларича, зўр-  
лик йўли билан ўша ожизани хотин қилиб олибди:  
ўзи худди отасининг чорбоғида юргандек Бэл-  
киддерда бемалол сайр этаверарди. У қўш ҳай-  
даётган Жеймс Макларенни отиб ўлдирган эдио  
ўшандан бери ўзаро уруш-жанжаллар тинмасди.  
Лекин унинг уйи худди дайди савдогарлар тунай-  
диган карvonсаройга ўхшарди; ашаддий душ-  
манларига ҳам бошпана бераверарди.

Дункан бу кишининг ким эканини қулогимга  
шиппитдию хавотирланиб бир-бirimiz билан  
кўз уриштириб олдик. Гап шунда эдики, ҳар  
дақиқада Аллан келиб қолиб, ўртада жанжал кўта-  
рилиши эҳтимолдан узоқ эмасди; тўғри, Алланни  
огоҳлантириб қўйишимиз, қандайдир имо-ишо-  
ралар қилишимиз мумкин эди, аммо хавф-хатар-  
дан қочиб юрган инсон бизнинг саъи-ҳаракати-  
миздан албатта шубҳаланиб қоларди.

Хонага Макгрегор кириб келди. У ўзини ниҳоятда сипо тутарди, одамларга юқоридан назар ташларди: миссис Макларен қаршисида шляпасини ечди-ю, аммо Дункан билан гаплаша бошланган чоқда яна шляпасини кийиб олди; гүёки шундай қилиғи билан ўзининг ким эканини писандა қилмоқчи бўларди. У мен ётган жойга келиб таъзим бажо келтирди.

– Сэр, эшитишимга қараганда, номингиз Бэлфур экан, – деди у.

– Исли шарифим Дэвид Бэлфур, – дедим. – Сэр, хизматингизга тайёрман.

– Сэр, ўзим ҳам исми шарифимни айтишим лозим эди, – деди Робин. – Негадир кейинги пайтларда шаънимга ҳар хил бўхтонар ёғиляпти. Шунинг учун фақат Жеймс Мор Драммондинг туғишган укаси эканимни эслатиб қўйсам кифоя қилмасмикан-а? Ҳарҳолда, Макгрегор ҳақида эшитган бўлсангиз керак, тўғрими?

– Эшитганман, сэр, – дедим андак саросима аралаш. – Бундан ташқари, отахонингиз Макгрегор-Кембелни ҳам биламан. – Ўрнимдан бир оз қаддимни кўтардим-да, унга таъзим қилдим; агар отаси қароқчи бўлгани учун мақтанмоқчи бўлса, ўпкасини босиб қўймоқчи эдим.

Менга жавобан у ҳам таъзим бажо келтирди.

– Сэр, энди гапнинг индаллосига ўтмоқчиман, – деб давом этди. – Қирқ бешинчи иили акам грегорларнинг бир қисмини уюштириб, олтита ротага бош бўлиб, ҳақ иш учун курашга отланди; улар орасида битта шикастанафс ҳам бор эди, у қабиламиз сафида борарди, акамга доимо қўз-қулоқ бўлиб юрарди; Престонпанс остоналаридаги жангларда акамнинг оёғи синадию адашингиз бўлмиш олижаноб инсон уни жанг майдонидан

күтариб чиқади. Ўша зот бейтлик Бэлфурнинг акаси эди; агар олижаноб жентельменга узок-яқин қариндош бўлсангиз – айтинг, мен ва менинг одамларим ҳар қандай хизматингизга тайёрмиз.

Ростини айтсам, ота-боболаримни қандайдир кўпак итчалик ҳам билмасдим; тўғри, амаким машҳур қариндошларим ҳақида эринмасдан гапириб берарди, аммо у айтган зотлар орасида бейтлик Бэлфур деган кимса йўқ эди. Шунинг учун қизариб-бўзариб, ундай киши ҳақида ҳеч нарса билмаслигимни тан олишга мажбур бўлдим.

Робин bemavrid bezovta қилгани учун узук-юлуқ узр сўради-да, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб эшик томон йўл олди; остонаяга етган чоғда Дунканга газаб билан луқма ташлаганини эшитиб қолдим: «Безот экан, ҳатто ўз отасини ҳам танимайди-я!» Бу сўзлар қулогимга чалинганидан сўнг ниҳоятда жаҳлим чиқди, ўз ёғимга ўзим қовурилдим – ҳаммасига ўзим айбдор эдим. Бир томондан кулгим қистарди: қонуний ҳукумат аёвсиз таъқиб қилаётган бу одам (уч йил муқаддам сиртдан осиб ўлдиришга ҳукм этилган эди) таниш-билишларига алоқадор барча икир-чикирларни биларди.

Туйқусдан у остоонада Алан билан юзма-юз келиб қолди: иккаласи ҳам орқага чекиндию бир-бирига синчков назар ташладилар – худди бегона итлардек бир-бирларини ражиб юборишга ҳам шай эдилар. Бўйлари паст бўлса-да, кеккайиб туришгани учун одатдагидан хийла новчароқ кўринишарди. Ёнларида қиличи осифлиқ эди ва қоринларини ичларига тортишиб, бир зумда қилич дастасини ушлаб олишга тайёр туришарди.

– Агар күзларим панд бермаётган бўлса, ўзлари мистер Стюарт бўладилар, – деди Робин.

– Ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, ўзлари мистер Макгрегор бўладилар шекилли, – деб жавоб берди Алан. – Бундай исми шариф ҳеч кимни уялтири- маса керак.

– Сэр, юртимизга ташриф буюрганингизни билмаган эдим, – деди Робин.

– Мен эсам, шу чоққача дўстларим Макларен-лар ютида юрган бўлсам керак, деб ўйлаган эдим, – деди Алан.

– Ҳозирча бу мужмал масала, – деб жавоб қайтарди Робин Ойг. – Мунозарали масала. Қолаверса, эшишишимга қараганда, сиз ҳар қандай му- нозарали масалаларни қилич ёрдамида ҳал этишга уста экансиз-да?

– Мистер Макгрегор, мабодо туғма гаранг эмасмисиз, ишқилиб? Акс ҳолда, бошқа гапларни ҳам эшитган бўлардингиз, – деб суҳбатдошининг ғашига тегмоқчи бўлди Алан. – Эпинда мендан бошқа ҳам қилич ушлашни биладиган инсонлар бор. Масалан, қариндошим, йўлбошчим Ардшил бир неча йил муқаддам айнан адашингиз бўлган жентельмен билан жиддий равишда гаплашиб олишган эди, лекин охирги сўзни Макгрегор айтганини негадир эслолмаяпман.

– Сэр, менинг отахонимни назарда тутмаяпсизми? – деб сўради Робин.

– Эҳтимол, – деди Алан. – Ўша жентельмен ҳам ўз исмининг ортига «Кемпбелл» деган сўзни шатакка олишга ор қилмасди.

– Унда отам кеккайиб қолган эди, – деб эътиroz билдириди Робин. – Ўша яккама-якка олишув адолатли бўлмаган эди: кучлар teng эмасди. Сэр, биз бир-биримизга муносиб рақиб бўлсак керак.

– Мен ҳам худди шундай фикрдаман, – деди Алан.

Каравотдан оёқларимни осилтириб ўтириб олдим. Дункан эса боядан бери бу уришқоқ хўроллар теварагида парвона бўларди-ю, аммо можарога аралashiшга сира ҳам қулай фурсат тополмасди. Бироқ охирги сўзлардан маълум бўлдики, энди бирпас ҳам иккиланиб туриш ярамасди: Дункан ҳаяжонланганидан хийла ранги оқарган кўйи уларнинг ўртасига гов бўлиб туриб олди.

– Жентельменлар, мен бутунлай бошқача фикрдаман, – деди. – Кўряпсизларми, ҳув анави ерда сибизғаларим турибди: сизлар эса, жентельменлар, таниқди созанда ҳисобланасизлар. Кўпдан буён иккалангиздан қайси бирингиз моҳир чолғучи эканингиз ҳақида мунозара қилинади. Ҳозир эса азалий мунозарага чек қўйиладиган фурсат келди!

– Сэр, биласизми, – деб гап бошлади Алан нигоҳини Робиндан узмай; айни пайтда рақиби ҳам ундан кўзини узмай тикилиб турарди, – янглишмасам, ўзим ҳам шунаقا мишмишларни эшитган эдим, чамамда. Айтишларича, эрмак учун мусиқа билан шугулланар экансиз-а? Бирор марта сибизға чалганмисиз?

– Сибизға чалиш баҳсида ҳар қандай Макриммонинг белини синдириб ташлайман! – деб хитоб қилди Робин.

– Ўҳ-ӯ, дадил экансиз-ку! – деб қўйди Алан.

– Тўғри, дадил гапираман, доимо тўғри сўзлайман, – деб жавоб берди Робин. – Ҳатто душманимга ҳам яхши муносабатда бўламан.

– Буни текшириб кўриш осон, – деди Алан.

Дункан Ду энг қимматли бойлиги бўлмиш бир жуфт сибизғасини олди ва меҳмонлар олдига тур-

ли-туман ноз-неъматларни тўкиб ташлади: дастурхонда пишган қўй сонлари, бир шиша ичимлик (бу эски вискини кўпиртириб – атолча усулда тайёрланган ўткир арақ эди), қаймоқ, сузгичдан ўтказилган хушбўй асал (бу ҳам қатъий тартиб бўйича тайёрланадиган тансиқ таом ҳисобланарди) пайдо бўлди.

Рақиблар ҳамон бир-бирининг ёқасига ёпишадиган алфозда эдилар; шунга қарамай, итоаткорона равишда боодоблик билан тезак ёнаётган ўчиқнинг икки томонига ўтирдилар. Макларен уларни зўр бериб қўй гўшидан олишга ундей бошлади; ичимликни кўкларга кўтариб мақтади, айтишича, хотини Атолдан келин бўлиб тушган экан ва бундай ичимликни тайёрлаш бўйича ўлкада донг таратганмиш. Бироқ Робин ичимликтан парҳез қиласкан; чунки ичса нафаси қисар экан.

– Сэр, мана, ўн соатдан бери камина туз ҳам тогганим йўқ, бу ҳол бутун Шотландияда тайёрланадиган спиртли ичимликлардан баттар нафасни қисишини ҳисобга олиб қўйишингизни илтимос қиласдим, – деди Алан.

– Мистер Стюарт, ўзимга бериладиган ҳар қандай имтиёздан юз ўтирмайман, – деб эътиroz билдириди Робин. – Еб-ичаверинг, мен эсам сиздан ўрнак оламан.

Ҳар ким бир парчадан сон гўштини еди-да, миссис Макларен соғлиги учун бир стакандан арақ ичишди, сизу бизлардан сўнг, ниҳоят, Робин сибизғани қўлига олди-да, эпчиллик билан қандайдир тарона чала бошлади.

– Ҳм-м, билар экансиз, – деди Алан ва рақибидан сибизғани олиб дастлаб ўша таронани худди аввалгидек эпчиллик билан чалиб берди,

сүнгра сибизга имконияти даражасида жузъий ўзгаришлар ясади; янгроқ рақс куйини ижро эта бошлади.

Робиннинг ўйини маъқул бўлди, лекин Аланнинг маҳорати каминани ҳайратда қолдирди.

– Мистер Стюарт, унчалик ёмон эмас, – деб эътиroz этди рақиб. – Бироқ янгроқ куйингиз мазмунан саёзроқ экан.

– Нима?! – деб қичқириб юборди Алан. Унинг юзи қизариб кетди. – Ёлғон гапирияпсиз!

– Демак, чолгучи сифатида ўзингизнинг мағлубиятга учраганингизни тан оляпсиз, – деди Робин. – Назаримда, сибизгани қиличга алмаштиришни сабрсизлик билан кутяпсиз, шундайми?

– Топиб айтдингиз, мистер Макгрегор, – деб жавоб берди Алан. – Шунинг учун ҳозирча (маънодор оҳангда оҳиста сўзларди) боя айтган сўзими қайтариб оламан. Дункандан қаттиқ илтимос қиласадимки, у бизга холис баҳо берса!

– Бас, бирордан илтимос қилишнинг сира ҳам кераги йўқ, – деди Робин. – Бэлкииддердаги бирорта Макларен ҳам ўзингиздан аълороқ ҳукм чиқара олмайди. Чунки Стюарт эканингиз эътиборга олинса, ниҳоятда ноқобил сибизга чолгувчиши эканингиз кундай равshan бўлади-қолади. Сибизгани узатиб юборинг!

Алан илтимосни бажо келтирди; шундан сўнг Робин Алан ижро этган шўхчан куйларни бирин-кетин такрорлай бошлади: маълум бўлишича, у ҳаммасини тўла-тўкис эслаб қолган экан.

– Ҳа, мусиқа илмидан боҳабар экансиз, – деб тўнғиллади Алан асабийлашиб.

– Мана энди, Мистер Стюарт, ўзингиз баҳо берингчи! – деди Робин ва бениҳоя уйғун бир куйни моҳирона ижро этди: унга хилма-хил жилолар

самимият бахш этди, ўжар хаёлларига эрк бериб юборди, хуллас, ўйноқи куй чалди.

Мен эсам, мусиқани тинглаб беихтиёр ёқамни ушладим. Алан қошларини чимириб ўтиради; юзлари лов-лов ёнарди, бармоқларини оғзига тиқиб, тирноқларини кемира бошлади; афтидан, ўзини ҳақоратлангандек ҳис этарди.

– Бас қилинг! – деб қичқирди. – Кўриниб турибди, соз чалишга уста экансиз! – У шаҳд билан ўрнидан турмоқчи бўлди.

Лекин Робин тинчлик сақлашни сўраб қўлини кўтардию бирдан шотландча ҳалқ куйини ижро эта бошлади. Куй дилларни ўртаб юборарди; бундан ташқари, бу эпинлик Стюартлар азалдан тилдан қўймай айтиб юрадиган миллий қўшиқнинг куи бўлиб, Алан учун ниҳоятда қадрдон эди. Оҳанг янграши билан дўстимнинг юзлари ёришиб кетди; куй авж пардаларга чиққани сайин жойида жимгина ўтира олмай қолди; чолгувчи мусиқани поёнига етказгунча Аланнинг қиёфасида гина-кудуратдан асар ҳам қолмади – у мусиқага мафтун бўлиб қолган эди.

– Робин Ойг, беназир сибизгачи экансиз! – деди. – Сиз билан мусобақалашишга қодир эмасман. Худо ҳаққи, рўмолингизнинг толасида ҳам бебаҳо истеъдод мужассамdir! Тўла ишончим комил бўлмаса-да, лекин совуқ пўлат мунозарамизни бошқачароқ ҳал этиши мумкин эди, деб ўйлайман. Қойилмақом сибизга чаладиган инсонни қиймалаб ташлашга қўл бормайди!

Шундай қилиб, рақиблар ярашдилар; тун бўйи ичимлик сувдай оқиб келиб турди, сибизга ҳам қўлдан-қўлга ўтаверди. Робин йўлга отланиш фамини еяётган чоғда тонг ёришган эди; учаламиз ҳам ширакайф эдик.

## ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

### ОЗОДЛИК БИЗ ФОРТДАН ЎТМОҚЧИМИЗ

Маълумингизким, салкам бир ой бетоб бўлиб ётдим ва ниҳоят, дармонга кирдим: айтишлари га қараганда, бемалол сафарга отланишим мумкин экан. Айни пишиқчилик, далаларда бу йилги иссиқ обу ҳавода мўл-кўл ҳосил етиштирилганди. Пулнимиз жуда кам қолганди, шунинг учун тезроқ ҳаракат қилиб Ранкилер ҳузурига етиб бормасак ёки биз борган чоғда у ёрдам беришга қодир бўлмаса борми, оқибатда оч-наҳор қолишимиз тайин эди. Боз устига, Аланнинг ҳисоб-китобларига кўра, изимиздан таъқиб этиб келаётган аскарлар ҳам энди хийла ҳовурларидан тушиб қолишган бўлса ажаб эмасди: Форт соҳиллари, ҳатто Стерлинг-бриж – дарёдаги асосий кўприк ҳам номигагина қўриқданарди, холос.

– Ҳарбий ҳолат пайтида сира кутилмаган жойларда пайдо бўлиб қолсанг, ютасан! – деди Алан.  
– Форт – бошимизга битган бало. «Тоғликларга Фортдан кейин йўллар доимо очиқ туради», деган мақолни эшитганмисан? Агар ирмоқларни айланниб ўтиб, Киппен текисликларига ёки Бэлфронга қадам қўйсак, қўлга тушишимиз турган гап. Чунки ҳаммаси шуни кутиб ўтиришибди. Мабодо йўлни тиккасига кесиб чиқсак-чи? Қиличимни қўлимга олиб қасам ичаманки, эски Стерлинг-брижга омон-эсон ўтиб кетамиз.

Шундай қилиб, йигирма биринчи августга ўтар кечаси Стратирда яшайдиган Дунканнинг қариндошиникига – ўша ерлик Маклареннинг уйига етиб бордик: кун бўйи ухлаб, оқшом чоғи

яна йўлга отландик ва эрталабга қадар ҳеч қий-  
налмасдан кетавердик. Йигирма иккинчи август  
куни Юм-Варск нишаблигидаги тўқайда қуёш  
ботишини кутиб ётдик: шу яқин атрофда буғу  
подаси ўтлаб юрарди; офтоб шувоқда ўн соат  
мобайнида маза қилиб ухладик – бунчалик ҳу-  
зур-ҳаловатга сира ҳам дуч келмаганман! Кечак-  
си Аллан-Үотер дарёси томон йўл олдик ва қуий  
оқим бўйлаб одимладик, Туя ўркач адир устига  
чиққанимиздан сўнг, пойимизда ястаниб ётган  
Стерлинг соҳиллари кўз ўнгимида намоён бўл-  
ди: худди тухум қўймоқча ўхшарди; тепаликда  
шаҳар-қўргон жойлашган, ой нурида илонизи  
Форт ўзани яққол кўриниб туради.

– Хў-ўш, – деди Аллан. – Билмадим, сенга қандай  
туюлади-ю, лекин биз юртингга қадам қўйдик –  
тунги соат бирлардаёқ тоғлик ўлка чегарасини  
кесиб ўтдик; энди мана шу эгри-буғри дарёдан  
нариги соҳилга чиқиб олсак – бас, шляпамизни  
осмонга ирғитиб хурсанд бўлишимиз мумкин.

Аллан-Үотернинг Фортга қўйилишига яқин  
жойда қумлоқ оролча бор экан: устини қариқиз,  
отқулоқ каби ўт-ўланлар қоплаган эди; агар одам  
ётиб олса, кўринмасди. Шу жойда нафасимизни  
ростлаб олиш учун тўхтадик: Стерлинг қўргони  
баралла кўриниб туради – ўша томондан дўмби-  
ралар садоси эшитилмоқда эди; қандайдир ҳар-  
бий қисм жангчилари сафга тизилишарди, чама-  
си. Соҳилнинг бир томонида кун бўйи деҳқонлар  
тинмай майса ўришди; чалғию ўроқдарнинг тош-  
га урилган товуши ва узун-юлуқ гаплар эшитилиб  
турди. Биз миқ этмасдан чўзилиб ётишимиз ло-  
зим эди. Иссиққина оролчада кўм-кўк майсаларга  
бош қўйиб, мизғиб олсак ҳам бўларди; озиқ-овқа-

тимиз етарли, муҳими – озодликка чиқишимизга озгина қолганди.

Үроқчилар ишларини тугатишган пайтда оқшом чўка бошлади; соҳилга тушдик-да, пана жойлардан юриб, дала бўйлаб кўприкка яқинлашавердик. Стерлинг-бриж кўприги қўргон жойлашган тепаликдан бошланарди: улуғвор, кўҳна, торгина-ю, лекин панжара тўсиқ ёнида минораси ҳам бор эди. Тарихда ном қолдирган жойларга тўймасдан қараганим ўз-ўзидан тушунарли бўлса керак, албатта. Қолаверса, Алан иккаламиз учун кўприк – нажот дарвозаси эди. Кўзлаган манзилимизга етиб борган чоғимизда ҳали ой чиқмаганди; қўргон деворлари бўйида, ҳар-ҳар ерда гулхан ёқилганди, пастлиқда – шаҳар хонадонлари деразаларидан шуъла кўринарди, бироқ атрофда сокинлик ҳукмрон эди; ҳозирча кўприкка соқчи ҳам қўйилмаганди.

Мен олга интилдим, лекин Алан ҳамон эҳтиёткорликни унутмаган эди.

– Бир қарашда тинч, сув сепгандек кўриняпти,  
– деди. – Эҳтиёт шарт ҳув аваби кўтарма ортига яшириниб турайлик-чи, нима бўлар экан!

Чорак соат атрофида гоҳ шивирлашиб, гоҳ лом-мим демасдан ётдик, аммо бирорта тирик жон товуши қулоғимизга чалинмади, фақат тўлқинлар кўприк тирговучларига шалоплаб уриларди, холос. Ана, ёнимиздан инқиллаб-синқиллаб, ҳассасини тўқиллатган кўйи битта кампир ўта бошлади; у салгина нарида нафасини ростлаш учун тўхтадию манзили олислигидан, кам қувватлигидан товушини чиқариб нолиди, кейин оқсоқланганча кўприкка кўтарилаверди. Кампиршо бир тутамгина бўлиб қолган эди; шунинг учун тез орада унинг қорасини ҳам илғамай қол-

дик; ҳали ой чиқмаганди; қулоғимизга сўниб бо-раётган қадам товушларию ҳассанинг тўқиллаши элас-элас чалинарди, холос. Баъзан бўғиқ йўтал товуши ҳам эшитилиб қоларди.

– Тамом, нариги соҳилга ўтиб олди, – деб шивирладим.

– Йўқ, – деди Алан. – Қадам товушининг акс са-доси эшитиляпти, демак, ҳамон қўприқдан туш-ган эмас.

Шу пайт туйқус кимдир бақирди:

– Ким келяпти?!

Пилтамилтиқ қўндоғи тошга урилганини аниқ эшитдик. Назаримда, постда турган аскарнинг кўзи илиниб қолган эди, лекин туйқусдан уйро-ниб кетди; агар сал илгарироқ бахтимизни синааб кўрганимизда борми, омад қулиб боқарди, энди қулай фурсат бой берилди.

– Ундай усул бизга ярамайди, – деб шивирлади Алан. – Йў-ўқ, Дэвид.

Шундан сўнг бир оғиз ҳам гапирмасдан эмак-лаган кўйи дала бўйлаб орқа томонга кетди; бир-пасдан кейин оёққа қалқди – энди бизни қўприк-дан кўриб бўлмасди; шарқ томонга йўл олдик. У нима учун бундай қилаётганини сира ҳам ақдим бовар қилмасди; қолаверса, шу даражада чарча-ган эдимки, бирор нарсани ўйлашга ҳам ҳолим қолмаган эди. Айтайлик, бор-йўғи уч дақиқа ав-вал ҳам мистер Ранкилер эшигини қандай тақил-латишни хаёлан тасаввур этардим (худди ўз ме-росини талаб этадиган манзума қаҳрамони каби); энди эса илгариgidек қувфинга учраб, уй-жойсиз, бегона соҳилда тентираб юардим.

– Хўш? – деб сўрадим,

– Мана сенга «хўш», – деди Алан. – Энди нима қиламиз? Улар мен ўйлаганчалик нодон эмас

эканлар. Йўқ, Дэви, Фортни ҳозирча забт этмадик: лаънатининг суви қуриб, ўрнидан ўт-ўлан ўсиб чиқсин!

– Нима учун шарқ томон бораётирмиз? – деб сўрадим.

– Шунчаки омадимни синааб кўрмоқчиман-да!  
– деди Алан. – Дарёдан ўтиб олиш насиб этмадими, энди кўрамиз – балки, кўрфазда бирор нарса ўйлаб топармиз.

– Дарёда кечув бор эди, кўрфазда эса унақа жой умуман бўлмайди.

– Йўғ-э, кечув ҳам, кўприк ҳам ҳув анави ерда бор-ку, – деб эътиroz билдирид Алан. – Бироқ нима фойдаси бор, ахир атрофида қоровуллар тўлиб ётишибди?!

– Ҳеч бўлмаса, дарёдан сузиг ўтиш мумкин-ку, – дедим.

– Агар уддасидан чиқа олсак, нега сузиг ўтмаслигимиз лозим экан?! – деди норози оҳангда Алан. – Аммо бу иш қўлимиздан келмасмикан, деб хавотирланаман. Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, тошга ўхшаб бирпасда чўкиб кетаман, вассалом!

– Алан, сиз билан мунозара қилмоқчи эмасман, аммо бекордан-бекорга ўзимизни ўтдан-чўқقا уряпмиз, холос, – дедим. – Дарёдан ўтиш шунчалик қийин бўлса, ўз-ўзидан равшанки, денгиздан ўтиш янада мушкуроқдир.

– Бироқ, янгишмаётган бўлсам, дунёда қайиқ деган матоҳ ҳам бор, – деди Алан.

– Бундан ташқари, дунёда пул деган зорманда ҳам бўлади-да! – дедим. – Мабодо униси ҳам, буниси ҳам бўлмаса, уларни кимдир ўйлаб топганидан не фойда!

– Шунақами? – деди Алан.

– Ҳа, шунақа, – дедим.

– Дэвид, зийраклик бобида сендан мушук афзал экан, ишончинг ҳам сариқ чақага қиммат. Агар калламни ишлатсам борми, албатта бирор нарсани ўйлаб топаман; қайиқни бутунлай беришга кўнишмаса, вақтингчалик сўраб оламан; ўғирламайман-у, аммо шундай қиласманки, охири ўз қўллари билан топшириб юборишади.

– Бўлмасам-чи! – дедим пишқириб. – Кейин эса, айтайлик, кўприкдан омон-эсон ўтиб оламиз, ҳеч ким миқ этмайди, аммо қайиқни нариги соҳида қолдириб кетсак, кимдир сузиг ўтгани маълум бўладими, демак, зудлик билан бутун ўлкани пайхон қилишадими?..

– Менга қара! – деб ўдағайлади Алан. – Агар қайиқни қўлга киритсам, уни қайтариб олиб кетадиган қайиқчини ҳам ёллайман, билдингми?! Бўлди, ҳадеб бемаъни гапларинг билан бошимни қотираверма, мен чизган чизиқдан чиқмасанг – бас, Алан фамингни ейди.

Шундай қилиб, тун бўйи дарёning шимолий соҳили бўйлаб йўл юрдик; Охил қоялари ортда қолди, Аллоа, Клакманан, Кулроссларни айланиб ўтдик-да, Лаймкилнс қишлоғи устидан чиқдик: эрталабки соат ўнлар, оч бўрига ўхшардик, ўлардек чарчаган эдик. Бу қишлоқ кўрфазнинг нариги ёқасида – Куинсферри шаҳрининг рўпарасидағи соҳида жойлашган эди. Ҳар икки қирғоқдаги ва атрофдаги қишлоқ уйларининг мўриларидан кўкка тутун ўрларди. Далаларда ўрим-йигим мавсуми бошланган эди, икки кема лангар ташлаб туради, кўрфазда сузиг юрган икки қайиқдан бири тобора қирғоққа яқинлашса, бошқаси дениз бўйлаб кетмоқда эди. Одамларнинг уй-жойларига, кўм-кўк, ўзлаштирилган қир-адирларигаю

файратли дала заҳматкашларига, зилол сувларга тикилиб тўймасдим.

Мистер Ранкилернинг уйи ҳамон жанубий соҳилда туради, мен эсам шимолий қирғоқда гарифона аҳволда юрардим: уст-бошларим фақиргина эди, чўнтағимда арзимас уч шиллинг пулим бор; боз устига, каминани қўлга туширган кишига мукофот бериларди, ягона ҳамроҳимни қонун сиртдан ўлим жазосига ҳукм этган эди...

– Эҳ, Алан, ўйласам юрагим орзиқиб кетади-я!  
– дедим. – Хув, анави жойда кўнглим тусаган нарса муҳайё; у ёққа қушлар учиб бориши мумкин, қайиқлар ҳам ўша томонга сузиб кетяпти, хуллас, хоҳлаган жонзотга йўл очиқ, фақат битта мен боролмайман! Оҳ, юрагим ёрилиб кетмаёттагнига ҳайронман!

– Лаймкинсда қаҳвахонага кирдик, у бошқа уйлардан эшик тепасидаги белгиси билан ажрабиб туради, мулоимгина хизматкор қиздан пишлоқ билан нон харид қилдик. Озуқамизни бўғчага тугиб олдик-да, қишлоқ четидаги – беш юз қадам наридаги ўрмончага кириб кетдик; ўша ерда бирпас нафасимизни ростлаб, тамадди қилиб олишни маъқул кўрдик. Йўл-йўлакай нариги соҳилга нигоҳ ташладиму секингнина уф тортиб қўйдим. Алан, назаримда, теран ўйга толган эди. Ярим йўлга етганимизда таққа тўхтади.

– Бизга озиқ-овқат сотган қизга синчиклаб разм солдингми? – деб сўради, бўғчага шапатилаган кўйи.

– Бўлмасам-чи! – деб жавоб бердим. – Яхши қиз экан.

– Сенга ёқдими? – деб хитоб қилди. – Э-э, дўстим Дэвид, ана шуни ажойиб янгилик деса бўлади!

– Худойим-эй, нима учун ахир? – деб сўрадим.  
– Бундан нима фойда?

– Биласанми, энди қайиқ топишимиз мумкин деб умид қиласман, – деди Алан. Унинг кўзларида учқун – таниш шайтонлик нишонаси порларди.

– Бунинг акси бўлса ҳам ажабланмайман, – дедим.

– Бу сенинг фикринг, – деди Алан. – Мен эсам, Дэвид, ўша қизгина сени севиб қолишни асло истамайман, майли, сал-пал раҳми келсин, лекин рўпарасида шолғомдек қизариш шарт эмас. Қани, куёвни бир қур кўздан кечириб қўяйин-чи!

– У каминани синчилаб томоша қила бошлиди. – Ҳа, яна бир оз ранг-рўйингни оқартирсанг ёмон бўлмасди, аммо, умуман олганда, пичоқقا илинадиган кўринасан: маймоқ чолгами-ей, чорбоғдаги қўғирчоқ қоравулгами-ей қуйиб қўйгандек ўхшайсан. Орқангга қайт-да, қахвахонага қайтиб бориб, қайиқ ундириб кел, ютур!

Мийигимда кулганимча унинг изидан орқамга бурилдим.

– Дэвид Бэлфур, ўзингга яраша хушчақчақ йигитсан, шубҳасизки, бунақа ишлар сен учун шунчаки эрмак, холос. Бошинг тиллодан, сени яхши кўраман (албатта, ўзинг ҳам мени азалдан яхши кўрасан); шунинг учун марҳаматингни дариф тутмай ҳангомага жиддий муносабатда бўлгин. Биласан, севги – ўйин эмас, аммо жазманларнинг йўриғи бошқа. Тўғри, мен битта ҳазилнамо машгулотни «саҳналаштирмоқчиман», аммо коса остида нимкоса бор – шунга ҳушёр бўлгин: хато қилсанг борми, оқибатда биродаринг дорга осилиши ҳеч гап эмас. Хуллас, марҳаматингни аямай, сўзларимни қулогингга қўргошиндай қуйиб олгин-да, вазиятга қараб ҳаракат қилавер.

– Бўпти, сиз айтганчалик бўла қолсин, – дедим.

Қишлоқ четига етган чоғимизда Алан, мени қўлтиқлаб олгин, деди: бутун оғирлигимни унга ташласам, дафъатан қараган одам, бечора-ей, адойи тамом бўлибди-ку, деб ўйлаши лозим эди. У қаҳвахона эшигини бир тепиб очдию остодан мени деярли судраб ичкарига қадам босди. Афтидан, хизматкор қиз тезда ортимизга қайтиб келганимизни кўриши биланоқ (айнан шундай бўлишини кутган эдик) тараддулданиб қолди. Алан ҳеч қандай гап-сўзсиз мени етаклаган кўйи бир бурчакдаги стулга элтиб ўтқазди ва бир стакан арақ беришларини сўради: арақни қултум-қултум ичирди-да, сўнг энага мисоли нону пишлокни майдა-майда бўлакларга бўлиб едира бошлади; буларнинг ҳаммасини ғамбода қиёфада, зийраклик ва ниҳоятда ғамхўрлик билан амалга оширдики, бу ҳол ҳар қандай синчков терговчини ҳам доғда қолдириши турган гап эди. Шубҳасизки, хизматкор қиз ҳам таъсирчан манзарага бефарқ қарай олмади: бечораваш, сўлғин юзли, ҳолдан тойган йигитчаю унга оталарча меҳрибонлик қилаётган садоқатли дўст тимсоли «саҳналаштирилган» эди. Қиз ёнимизга келди-да, нариги столга қўлларини тираган кўйи бизга тикилиб қолди.

– Унга нима бўлди? – деб сўради у юрак ютиб.

Мени ҳайрону лол қолдириб, Алан бирдан ўшқира бошлади:

– Нима бўларди?! – деди. – Йигитча иягининг тукларидан ҳам кўпроқ, юзлаб чақирим яёв йўл босди; боз устига, иссиқ тўшак нима эканини ҳам унугиб юборди – жиққа ҳўл арчагулларга юмалаб ухлади. Сиз бўлсангиз «нима бўлди?» деб сўрай-сиз-а! Нима бўлса бўлди-да! Яна «нима бўлди?»

эмис... – Ўзича нималардир түнгиллаганча мени овқатлантираверди.

– Ниҳоятда ёш экан, олис йўлга ярамайди-да, узуликиб қолади, – деди хизматкор қиз.

– Ёш ҳам гапми, ҳали она сути оғзидан кетмаганку! – деди Алан бошини кўтармасдан.

– Уни отга миндириб юриш керак эди, – деб қўшиб қўйди қиз.

– Отни қаердан оламан? – деб бақириб юборди Алан ва бошини кўтарди-да, қизга ғазаб билан тикилди. – Сенингча, ўғрилик қилишим керак эдими?

Бундай қўпол муомаладан сўнг қиз шартта орқасига бурилиб кетиб қолса керак, деб ўйлаган эдим. Дарҳақиқат, у маълум вақтгача лом-мим демади. Лекин дўстим нима қилаётганини жуда яхши биларди; турмуш уринишларида хийла содда кўринса ҳам, ҳийла-найранглар ўйлаб топиш борасида шайтонга дарс берарди.

– Кўриниб турибдики, олижаноб инсонларга ўхшайсизлар, – деди хизматкор қиз.

– Хўш, нима бўпти? – деди Алан бир оз мулоимлашиб (менимча, файриихтиёрий равища шундай қилди); назаримда, қиз ниҳоятда самимий сўзларди. – Олижаноблик бировнинг қорнини тўйдирганини, ҳамёнини қаппайтирганини ҳеч эшитганмисан?

Қиз ҳам гўё меросдан маҳрум этилган хоним каби чуқур уф тортиб қўйди ва:

– Ҳа-я, – деди. – Гапларингиз мутлақо тўғри!

Мен ролдан чиқмай, миқ этмай ўтирадим: бир томондан – уялардим, бошқа томондан – кулгим қистарди; охири тоқатим тоқ бўлди ва Аланга, энди ўзингизни уринтирмай қўя қолинг, аҳволим тузук, дедим. Сўзларим бўғзимда тиқилиб

қолгандай бўлди; ёлғон гапиришни жинимдан баттар ёмон кўрардим, шундай бўлса-да, гапга аралашувим Аланга қўл келди; чунки хизматкор каминанинг хирқироқ товушимни эшилдию буни бетобликка йўйди.

– Наҳотки, бирорта ҳам қариндоши бўлмаса? – деб сўради қиз йифлагудек бўлиб.

– Борликка бор-у, лекин уларнинг ҳузурига қандай қилиб етиб олсин, ахир! – деб қичқирди Алан. – Бой-бадавлат қариндоши бор; у ҳам юмшоқ ўринда ухлаши, лаззатли таомлар истеъмол қилиши, энг зўр табиблар хизматидан фойдаланиши мумкин, аммо ҳозирча лой кечиб юришга, дайди ит мисоли арчагулларга юмалаб ётишга мажбур.

– Нима учун бундай қиляпти? – деб сўради қиз.

– Азизам, сирни фош этишга ҳақим йўқ, – деди Алан. – Истайсанми, жавоб ўрнига ҳуштакда битта куй чалиб бераман?!

У стол устига энгашдию лабини қизнинг қулоғига тақаганча «Дунёда шаҳзода Чарлидан кўра қадрлироқ кимса йўқ» қўшигининг бошланиш қисмини ҳаяжонланиб, оҳиста чалди.

– Шунақами ҳали! – деди қиз ва елкаси оша эшикка нигоҳ ташлаб қўйди.

– Йўқса-чи, – деб тасдиқлади Алан.

– Ўзи жуда ҳам ёш-ку! – деди қиз хўрсиниб.

– Бунинг учун... – Алан панжалари билан бўйини «сўйиб» кўрсатди, – ёшни суриштириб ўтиришмайди.

– Ўҳ-ҳӯ, увол бўлиб кетади-ку! – деб юборди қиз юзлари қип-қизариб.

– Агар бир иложини топиб уларнинг чангалидан қутулиб кетмасак борми, бари бир ўша мудҳиши ҳодиса рўй беради, – деди Алан.

Шундан кейин қизгина шартта орқасига бурилдию юрганича ташқарига чиқиб кетди ва биз ёлғиз қолдик: ҳамма иш хамирдан қил суғурғандек силлиққина кетаётганидан Алан мамнун эди, мен бўлсам ўзимни худди ёш боладай эрмак қилишаётгани ва якобинчи деб атрофимда гиргиттон бўлишаётгани учун ич-ичимдан оғринардим.

– Алан, тоқатим тоқ бўлди! – дедим зардам қайнаб.

– Тоқатинг тоқ бўлса ҳам чидайсан энди, Дэви, – деб эътиroz билдири Алан. – Агар ҳозир ўйинни бузиб юборсанг, ўз жонингни сақлаб колишинг мумкин, бироқ Алан Брек бошидан жудо бўлади.

Бу гапда жон бор эди. Иложсиз қолганимга чидамай инграб юбордим-у, аммо оҳ-воҳим ҳам Аланга қўл келди; чунки товушимни худди шу тобда чўчқа гўштидан тайёрланган овқат билан бир шиша кучли арақ кўтариб келиб қолган хизматкор қиз баралла эшитиб қолди.

– Вой, бечора-ей! – деб юборди у ва овқатни олдимиизга қўйиб, меҳрибонлик билан елкаларимни силади. Кейин, ҳеч тортинмасдан овқатланишимизни, биздан пул олмаслигини айтди; чунки қаҳвахона шахсий мулки экан, аниқроғи, отасига қарашли бўлиб, бугун у Питтенкрифга жўнаб кетибди.

Албатта, уни ялинтириб ўтирмафик; қуруқ нон билан пишлоқ кавшагандан кўра, иссиқ овқаттановул қилган минг марта афзал эди: колбасага кўзимиз тушган заҳоти иштаҳамиз очилиб кетди; лунжларимизни шиширганимизча овқатлана бошладик. Қиз эса ҳамон аввалги ҳолатда қўллари билан нариги столга суюниб турарди; шоша-пипша овқатланаётганимизни томоша қиласарди ва

пешонасини тириштирган қўйи бир нималарни ўйларди ва айни пайтда фартугининг боғичини бармоқдарига ўраш билан машғул эди.

– Янглишмасам, тилингиз бир қарич экан, – деди ниҳоят, Аланга мурожаат этиб.

– Лекин ким билан гаплашиш мумкин-у, ким билан мумкин эмаслигини биламан, – деб эътиroz билдириди Алан.

– Сизларни ҳеч қачон сотмайман, кўнглингиз тўқ бўлсин, – деди қиз.

– Албатта, пасткашлар тоифасидан эмассан, – деди Алан. – Сенга бир гап айтаман: бизга ёрдам беришинг лозим.

– Нима деяпсиз, ахир! – қиз бош чайқади. – Бу иш қўлимдан келмайди.

– Агар қўлингдан келса-чи? – деб ўсмоқчилаб сўради Алан.

Қиз лом-мим демади.

– Яхши қиз, гапимга қулоқ сол: биз қишлоқларингга яқинлашаётган пайтимида Файфда – юртингда қайиқлар турганини кўрдим. Ўз кўзим билан иккитасини аниқ кўрдим, аслида ундан ҳам кўп бўлса керак. Қисқаси, кечаси Лотианга ўтиб олишимиз учун қайиқ топилса ва келишилган жойга уни келтирадиган эшкакчи тилига маҳкам инсон бўлса, оғзидан гуллаб қўймаса, икки кишининг ҳаёти завол топмайди: акс ҳолда, мен хавф-хатарга йўлиқаман, у бошидан ажралади. Агар қайиқ топилмаса, демак, чўнтағимиздаги уч шиллинг билан кўчада қоламиз: кейин қаёқقا борамиз, нима қиласми? Гапимга ишонавер, бўйнимизга сиртмоқ солинишини кутишдан бошқа иложимиз қолмайди. Азизам, наҳотки бу ердан иккала қўлимизни бурнимизга тиқиб чиқиб кетсан? Ахир иссиқ кўрпага ўраниб ётганча қувур-

ларга, томларга тиқирлаб ёмғир томчиладытган осойишта дамларда виждонинг қийналмасдан ўй суришни истарсан-ку?! Тўкин дастурхон атрофида ўтирган пайтингда, ўчоқда лов-лов ёнаётган гулханга термилганингча овқатлана бошласанг, томингдан луқма ўтармикан, тиқилиб қолмайсанми? Манави бечора эса ўша пайтда иситмалаб, очликдан бармолини сўриб ўтиrsa ёки аллақандай ботқоқликда музлаб қолса нима бўлади? У соппа-соғ бўладими, хаста бўладими, фақат олға интилишга мажбур; рамақижон бўлиб турса-да, аммо бари бир, ёмғиру қорни писанд этмай олис манзил сари интилаверади; у совуқ тошларга бош кўйганча жон бераётган сўнгги дамларда тепасида бирорта ҳам жигаргўшаси бўлмайди: тепасида фақат мен билан худо бўлади, холос.

Аланнинг оташин сўзлари қизни шошириб кўйди; бизга ёрдам беришни жуда истарди-ю, ёвуз ниятли кишиларга ҳамтовоқ бўлиб қолишдан қўрқарди, чамаси. Шунинг учун оз бўлса-да, ҳақиқатни айтиб, қизнинг дилидаги гумонни тарқатиб юбормоқчи бўлдим.

– Феррилик Ранкилер ҳақида бирор гап эшитганимисиз? – деб сўрадим.

– Қозилик билан шуғулланадиган Ранкилер ҳақидами? – деди қиз. – Бўлмасам-чи, эшитганман!

– Эшитган бўлсангиз, мен ўша кишининг ҳузурига кетяпман, – дедим. – Ўзингиз ўйлаб кўринг, бадкирдор кишига ўхшайманми? Сизга бошқа муҳим гапларни айтиб қўйишим мумкин: англшилмовчилик туфайли, тақдир тақозоси билан шу тобда ҳаётим қил устида турган бўлса ҳам, лекин бутун Шотландияда қирол Георгга мендан кўра содиқроқ инсон топилмайди.

Шундан сўнг қизнинг юzlари бирдан ёришиб кетди, аммо Алан қовоқ-тумшугини осилтириб олди.

– Энди бундан ортиқ илтимосларнинг ҳожати йўқ, – деди қиз. – Мистер Ранкилер – таниқли зот.

У тезроқ овқатланишга ундаdi; зудлик билан қишилоқ ташқарисига чиқиб, соҳилдаги чакалакзорга яширинишимиз лозим экан.

– Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин, – деди қиз.

– Сизларни нариги соҳилга ўtkазиб қўйиш учун бирор чора ўйлаб топаман.

Энди вақтни зое кетказмаслик лозим эди: пинҳоний ниятимиз тўла-тўкис амалга ошди – бир-биrimizning қўlimизни сиқиб қўйдик ва колбасани ҳам пок-покиза туширдик-да, Лайм-килнсдаги ўша чакалакзор томон йўл олдик. У жойда бир тўп дарахtlар пала-партиш ўсиб ётарди: йигирма тупча дўланаю бута, ора-орада эса шумтол ниҳолчалари қаққайиб турарди, хуллас, дарахtlар сийрак бўлиб, йўловчилар ҳам, соҳилдан шу томонга қараган кишилар ҳам бизни бемалол кўриши эҳтимолдан холи эмасди. Бироқ оқшом чўкишини мана шу жойда кутиб ўтиришимиз даркор эди: ҳаво илиққина; кўнглимиз равшан – тез орада барча азоб-уқубатлардан қутуламиз. Энди келажакда қиладиган ишларимизни бафуржа маслаҳатлашиб олсак кифоя эди.

Кун бўйи диққатга сазовор битта ҳодиса рўй берди: яшириниб ўтирган чакалакзор томонга қандайдир дайди сибизгачи ташриф буюрди; афтидан, ароқхўрга ўхшарди – бурни қип-қизил, чўнтағида бир шиша ароғи ҳам бор эди; у кела солиб дунёдаги жамики одам зотидан нолий бошлади; Олий суднинг лорд-раиси унга етарли дарражада эътибор бермабди, Инкеркитинг шерифи

эса ҳуда-бөхүда безовта қилаверар экан. Ўз-ўзидан равшанки, у бизга шубҳаланиб қарай бошлиди: кап-катта иккى эркак куппа-кундузи чакалакзорда бекордан-бекорга биқиниб ётишарди. Атрофимизда парвона бўлиб юрган пайтда биз ўзимизни худди игнанинг устида ўтиргандек ҳис этдик, ҳар хил саволлари билан жонимизни ҳалқумимизга келтирди; даф бўлгандан сўнг эса тезроқ бу жойларни тарк этишга шошилдик; чунки ароқхўр гуллаб қўйиши ҳеч гап эмасди.

Кун кеч бўлди, сокин оқшом чўқди; кулбаларда, қишлоқда гулхан ёқилди, кейин бирин-кетин сўнди; фақат яrim кечага яқин – нима қилишимизни билмай, бўларимиз бўлиб турган пайтда эшкак қулогининг фийқиллаши эшитила бошлиди. Ташқарига нигоҳ ташладик ва биз томонга келаётган қайиқни кўриб қолдик: таажжубки, қаҳвахона соҳибаси бўлмиш ўша қизнинг ўзи эшкак эшмоқда эди. У сиримизни ҳатто куёвига ҳам (куёви борлигини аниқ билмайман, албатта) ишониб айтмаган эди. У отасининг ухлашини кутиб ўтирган шекилли, кейин деразадан ошиб тушгану қўшнисининг қайифига ўтириб, бизга ёрдам беришга ошиқсан эди.

Қандай қилиб миннатдорлик билдиришни билмасдим, дарвоҷе, биз унга қизғин ташаккур айттанимиздан сўнг ўзини йўқотиб қўйди. Вақтимизни зое кетказмасдан тезроқ йўлга отланишимизни илтимос қилди, асосли равишда таъкидашибича, иложи борича тинчлик сакдашимиз ва тезроқ ҳаракат қилишимиз лозим эди. Кўз очиб-юмгунимизча қиз бизни Лотианск соҳилига туширди-да, Корриден яқинида хайр-хўшлашиб, яна Лаймкилнс томон сузиб кетди – биз бўлсак

миннатдорлик изҳор этиш учун бир оғиз ҳам сўз айтолмасдан қолавердик.

Қиз кўзимизга кўринмай кетгандан кейин ҳам тилимиз калимага келмади; ростини айтганда, бундай олижаноблик учун ҳар қандай сўз гарib туюларди: Алан эса бошини чайқаган кўйи соҳилда узоқ вақт туриб қолди.

– Яхши қиз экан, – деди ниҳоят. – Дэвид, у қиз эмас, фаришта экан!

Чамамда, орадан бир соатча вақт ўтгач, кўр-фаздаги форга кириб олганимиздан кейин, энди мудрай бошлаган чогимда Алан яна ўша қизни кўкларга кўтариб мақташга киришди. Нима ҳам дердим; у ниҳоятда содда экан.

Унга ёлғон гапирганимдан пушаймон қиласдим: гўллигидан фойдаландик – бошимизда чарх ураётган хавф-хатарга уни ҳам шерик қилдик. Афсус, минг афсус!

## ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

### РАНКИЛЕР ҲУЗУРИДА

Шартлашганимизга кўра, эртаси қуни қош қорайгунча Алан кўча-кўйда айланиб юриши лозим эди; қуёш ботиши билан Ньюхоллс атрофидаги йўл четида яшириниб ётади ва мен ҳуштак чалмагунимча ўрнидан жилмайди. Шартли белги сифатида «Донги кетган Эрли хонадони» қўшиғим куйини таклиф этдим, лекин у кўнмади: чунки бу қўшиқни жуда кўпчилик ёддан билади, далада қўш ҳайдаётган бирорта дехқон ҳам ўзича хиргойи қилиб қолиши ҳеч гап эмас, деди. Сўнгра, тоғликларнинг битта қўшиғининг нақорат қисмини ўргатиб қўйди; ўша тарона ҳамон

ёдимда турибди, ўйлайманки, ўлгунимча унутмасам керак. Ўша оҳанг эсимга тушган заҳоти хаёллим узоқларга кетади: охирги куни тақдирим ҳал бўлиши даркор эди. Алан фор бурчагида ҳуштак чалиб, бармоқлари билан ерни чертиб ўтиради; юзлари тобора ёришмоқда эди, аста-секин тонг отарди.

Куинсферрининг катта кўчасида шахдам қадам ташлаб кетаётган пайтимда ҳали қуёш чиқмаган эди. Шаҳар хийла пухта қурилганди: уйлар жуда мустаҳкам – тошдан барпо этилганди, томлари шиферланган бўлиб, айвонлари Пиблидаги уйларникоға нисбатан одмироқ қўринарди; қолаверса, кўчаларга ҳам унчалик зеб берилимаган эди-ю, аммо умумий манзара олдида жулдуровоқи уст-бошларим ниҳоятда гариб туюларди.

Тонг отди. Мўрилардан тутун ўрлай бошлиди, деразалар очилди, кўчада одамлар пайдо бўлди; менинг ташвишим, тушкун кайфиятим янада ортди. Ногаҳон барча орзу-умидларим бениҳоя омонат эканини сезиб қолдим: қўлимда ҳақ-ҳуқуқларимни ҳимоя қилишга ярайдиган ишончли далил йўқ эди; ҳатто ўзим – бу ўзим эканимни ҳам исботлай олмасдим. Арзимас тасодиф туфайли ҳаммаси совун кўпиги мисоли ёрилиб кетиши мумкин эди, кейин барча орзуларим хом-хаёл бўлиб чиқиши ҳеч гап эмасди. Хуллас, ҳозирги ҳолатим ҳавас қилишга арзимасди. Ишлар ўйлаганимдек осон кўчган тақдирда ҳам, даъволарим асосли экани исботланиши учун маълум вақт ўтиши лозим эди, аммо ўша вақтга қандай қилиб эришардим, ахир?! Чўнтағимда бор-йўғи уч шиллинг пулим бўлса; боз устига, қонун томонидан сиртдан олий жазога ҳукм этилган ҳамроҳимни яширинча йўл орқали хорижий мамлакатга ўтка-

зиб юбориш жоиз-ку, жин урсин?! Худо кўрсат-  
масин-у, ишлар чаппасига кетса борми, иккала-  
миз ҳам дорга осилишимиз ҳеч гап эмас. Катта  
кўчада у ёқ-бу ёққа юра бошладим; ўтган-кетган  
йўловчилар менга мийигида кулишганча қараб  
қўйишарди ёки бир-бирларини нуқишиб, ўзаро  
бир нималар ҳақида шивир-шивир қилишар-  
ди, баъзан деразалардан ҳам каминага ўқрайиб  
нигоҳ ташлашарди. Қисқаси, ташвиш имдан  
қўйинлиги аниқ, айни пайтда унинг ҳузурига ки-  
риб олиш ҳам осон эмасди.

Шу тобда ўлимга рози эдим-ку, аммо олифта  
шаҳарликларнинг бирортаси билан гаплашишга  
журъатим етмасди; жулдуровқи, кир-чир уст-  
бошларим билан уларга яқин йўлагани уялардим;  
бировдан мистер Ранкилердек улуғ зотнинг хо-  
надони қаерда эканини сўрасам-у, башарамга  
тиклиб турганча тиржайиб, лом-мим демасдан  
кетаверса-да ажаб эмасди. Шундай қилиб, кўча-  
да тентираб юравердим; кўчанинг у бошидан-бу  
бошига бўзчининг мокисидай бориб-келавердим,  
бандаргоҳда ҳам хийла вақт сандирақлаб юрдим;  
кўкрагим ачишиб оғрирди, руҳим чўкиб, ҳамма-  
сига қўл силтаб жўнаб кетгим келарди. Бу орада  
расмана тонг отди; янгишмасам, соат ўнга яқин-  
лашди, мақсадсиз изғийвериш жонимга тегдию  
кўрфазнинг қарама-қарши томонидаги данғил-  
лама иморат рўпарасига борган чоғимда шунча-  
ки бир нафас тўхтадим; дераза ойналари топ-то-  
за, токчаларда гултуваклар қаторлашиб турарди,  
деворлари янгигина оқданган, остоноада хона-  
доннинг този ити талтайган кўйи мудраб ётарди.  
Ростини айтсам, ҳатто ана шу тилсиз маҳлуққа  
ҳавасим келди. Бирдан эшик очилдию қадди-қо-

мати келишган, қип-қизил юзли, истараси иссиқ, упа сепилган ясама соч ва кўзойнак таққан киши остоңада пайдо бўлди. Ташқи кўринишим расво-роқ бўлгани туфайли кўпчилик ёнимдан юзини тескари буриб ўтиб кетишарди; бу зот эса, ак-синча, каминага синчилаб разм солди (кейинчалик иқрор бўлишича, бечораҳол турқ-атворимни кўриб ҳайратланган экан) ва дарҳол ёнимга келди-да, бу ерда нима қилиб турганимни сўради.

Куинсферрига муҳим иш юзасидан келганимни айтдим ва бир оз дадиллашиб, ундан мистер Ранкилернинг уйларига қайси йўлдан бориш мумкин, деб сўрадим.

– Ҳм-м, – деди у киши оғзини очмай. – Ҳозиргина ўша зотнинг уйидан чиқдим. Фалати тасодифни қарангки, камина худди сиз сўраётган киши бўлади.

– Сэр, ундей бўлса, марҳаматингизни дариф тутманг, ижозат берсангиз, бир-икки оғиз гап айтмоқчиман, – дедим.

– Мен номингизни билмайман-ку, – деб эътиroz билдириди у. – Қолаверса, сизни биринчи марта кўриб турибман,

– Номим – Дэвид Бэлфор, – деб ўзимни таништирдим.

– Дэвид Бэлфор?! – деб ҳайрат аралаш такронан сўради. – Мистер Дэвид Бэлфор, биз томонларга қандай келиб қолдингиз? – деб қўшиб қўйди, юзларимга нигоҳини қадаганча.

– Сэр, жуда олис жойлардан келдим, – дедим. – Ўйлашимча, холироқ жойда батафсил сўзлаб берсам ёмон бўлмасди.

У лабларини тишлаганча бир зум ўйга толди: тоҳ менга, тоҳ тош йўлга назар солди.

– Ҳа-я, – деди. – Албатта, шундай қылсак яхши бўларди.

Мени ичкарига таклиф этди-да, ўзи уйга қайтиб кирди; чошгоҳгача банд бўламан, ёнимга ҳеч ким кирмасин, деб қичқирди кимгадир, аммо уй ичида одам кўринмади. Китоблару қофозларга лиқ тўла торгина чанг босган хонага кирдик. Ўрнашиб ўтириб олгач, мени ҳам ўтиришга таклиф қилди ва кир-чир уст-бошимга кўзи тушиб, таъби тирриқланганини яшира олмади; топ-тоза стулга ачиниб қараб қўйди.

– Шундай қилиб, ишингиз бўлса, иложи борича лўндароқ гапиришингизни илтимос қиласман, – Nec dermino bellum. Troianum orditab ovo.<sup>15</sup> Нима демоқчи эканинни англадингизми? – деб сўради хавотирланиб.

– Сэр, албатта Горацийнинг маслаҳатига амал қиласман, – деб жавоб бердим кулимсираб. – Дарҳол сизни in medias res<sup>16</sup> билан таништираман.

Ранкилер мамнун қиёфада бош иргаб қўйди, аслида, менинг билимимни синаб кўриш мақсадида гапига лотинча сўзларни аралаштирган эди. Мамнун эканини қўриб кўнглим қўтарилган бўлса-да, сўз бошлишим биланоқ қоним қайнаб кетди.

– Қонун бўйича Шос қўргонининг меросхўри бўлишим лозим.

Ваколатли вакил қутидан қозиликка доир дафтарини чиқардию олдига олиб очиб қўйди.

– Хўш, нима бўпти? – деди.

Кўнглимдаги гапни айтганимдан сўнг бирдан тиldан қолдим.

<sup>15</sup> «Троя уруши ҳақидаги ҳикоя тухумдан бошлангани йўқ, эди» (*Горацийдан*).

<sup>16</sup> «Асл муддао» (лотинча).

– Мистер Бэлфур, гапиринг, гапирсангиз-чи! – деди қози. – Бир гапни бошлагандан кейин охирига етказиш керак-да! Қаерда туғилгансиз?

– Эссендинда туғилганман, сэр, – дедим. – Бир минг етти юзу ўттиз учинчи йилнинг ўн иккинчи март куни.

У сўзларимни дафтаридағи ёзувлар билан таққослаб кўрарди; аммо нима учун бундай қилаётганини тушунмасдим, албатта.

– Ота-онангиз ким? – деб сўради.

– Отам Александр Бэлфур, Эссендин мактаби-нинг муалими эди, – дедим. – Онам Грейс Питэрроу, янгилишмасам, Энгусдан келин бўлиб тушган эди.

– Ёнингизда шахсингизни тасдиқлайдиган бирорта ҳужжат борми? – деб сўради мистер Ранкилер.

– Ёнимда йўқ, сэр, – дедим. – Лекин руҳонийиз мистер Кембелл талаб қилган заҳотингиз керакли ҳужжатларни беради. Ўша мистер Кембелл кафолат бериши мумкин. Агар фақат шу хусусда бўлса, ўйлашимча, амаким ҳам ким эканини айтишдан бош тортмаса керак.

– Мабодо мистер Эбенезер Бэлфурни назарда тутмаяпсизми? – деб сўради қози.

– Айнан ўша кишини назарда тутяпман, – дедим.

– Сиз у билан учрашганмисиз?

– У мени ўзи хонадонида кутиб олган эди, – деб жавоб бердим.

– Мистер Хозисон деган кимса билан ҳам учрашмаганмисиз? – деб сўради мистер Ранкилер.

– Бахтга қарши, сэр, у билан ҳам учрашганман, – дедим. – Ахир ўша одамнинг марҳамати туфайли (амакимнинг нияти ҳам шундай эди)

мана шу шаҳарга кириб келишимга икки қадам қолганда ўғирлаб кетилдим, зўрлаб денгиз сафарига жўнатилдим, кема ҳалокатига дуч келдим ва бошимдан минглаб кулфатларни кечирдим; энди эса қаршингизда жулдуровоқи қиёфасида турибман.

– Кема ҳалокатига дуч келганингизни эслатиб ўтдингиз, – деди Ранкилер. – Ўша ҳодиса қаерда рўй берган эди?

– Малл оролининг жанубий чегаралари яқинида, – дедим. – Тўлқин мени Иррейд деган оролга итқитиб ташлади.

– Э-э, жуғрофияни мендан кўра яхшироқ билар экансиз, – деди у мийифида кулганча. – Нима ҳам дердим, ростини айтсам, бу гапларингиз бошқа манбалардан олинган маълумотларга айнан мос келяпти. Сизни ўғирлаб кетишибди-а? Қайси маънода сўзладингиз?

– Сэр, бўлган гапни айтдим, – дедим. – Уйингизга келаётган пайтимда алдаб-сулдаб мени савдо кемаси бортига чиқаришидибо шимдан кетказиб қўйишиди ва кеманинг остки қисмига улоқтириб юборишиди; ўз-ўзидан равшанки, мен очиқ денгизда ўзимга келдим. Мустамлакачиларга қул сифатида сотиб юборишмоқчи эди, бироқ худойимнинг раҳми келди шекилли, қутулиб қолдим.

– Кема йигирма еттинчи июнь куни ҳалокатга учраган эди, – деди Ранкилер дафтарга кўз юргутириб. – Бугун эса йигирма тўртинчи август. Мистер Бэлфор, ҳазилакам вақт ўтмабди – салкам икки ой ўтибди. Бу вақт мобайнида дўстларингиз бўларича бўлишгандир, ҳойнаҳой. Назаримда, ўтган муддат ҳақида тўла-тўкис маълумотга эга бўлмагунимча бари бир кўнглим тўлмайди.

– Сэр, түгрисини айтсам, осонликча күнглин-гизни түк қилиб қўйишшум мумкин, – дедим. – Ҳикоямни бошлашдан аввал, хайриҳоҳ инсон билан суҳбатлашаётганимга ишонч ҳосил қилсанам, хурсанд бўлардим.

– Нотўғри тасаввур худди шу йўсинда ҳосил бўлади-да, – деб эътироҳ билдириди қози. – Гапларингизни охиригача эшиитмасам, қатъий бир қарорга келолмайман. Токи қўлимда етарли даражада асосим йўқ экан, ўзимни сизга дўстман, деб айтолмайман. Сизнинг ёшингиздаги йигитчалар ишонувчан бўлишади. Биласизми, мистер Бэлфур, ғалати мақолимиз бор: ёмон одам ёмонликдан қўрқади.

– Сэр, эсингизда бўлсинки, ишонувчанлигим оқибатида бир марта панд еганман, – дедим. – Билишимча, мени қул қилиб сотиб юбормоқчи бўлган киши сизга ҳам хизматларингиз учун ҳақ тўлайди.

Бу вақт мобайнида аста-секин мистер Ранкилер билан қандай гаплашмоқ керак эканини ўрганиб олдим: оёғим заминда мустаҳкам турганини ҳис этганимдан сўнг, ўзимга нисбатан ишончим ҳам ортди. Мийифимда қулганимча ҳамла қилганимдан кейин у баралла хаҳолаб юборди.

– Бай-бай-бай, салгина ошириб юбордингиз-ку!  
– деди. – Fui, non sum.<sup>17</sup> Ростдан ҳам бир пайтлар амакингизнинг ишончли вакили бўлганман, айни чоқда сиз (*imberis juvenis custoda remofo*<sup>18</sup>) фарбда тараллабедод қилиб юрган кезларда кўп сувлар оқиб кетди; агар қулоғингиз қизимаган бўлса, мени бу ерда фийбат қилишмабди-да, деб ўйламанг тағин. Сизлар денгизда баҳтсизликка

<sup>17</sup> «Бўлганман, фақат илгари» (лотинча).

<sup>18</sup> «Мўйлови сабза урмаган бошвоқсиз йигитча» (лотинча).

учраган куни мистер Кемпбелл идорамга ташриф буюрди-да, нима қилиб бўлса ҳам сизнинг удушингизни унга олиб беришимни талаб этди. Бу дунёда сиз бор эканингизни хаёлимга келтирмаган эдим; амакингизни эса яқиндан билардим, шунинг учун қўлимдаги маълумотларга қараганда (бу ҳақда кейинроқ тўхтalamан), ҳар қандай оғир натижага рўй бериши мумкин эди. Мистер Эбенезер эса сиз билан учрашганини тан олди; гувоҳлик беришибича, гўёки у сизга анча миқдорга пул берган эмиш (албатта, унинг сўзларига ишониб бўлмасди) ва сиз таҳсил кўриш учун Оврўпога жўнаб кетибсиз – бу гапга қисман ишониш мумкин эди. Бу ҳақда нима учун йигитча мистер Кемпбеллга ҳеч нарса демасдан кетди, деган саволга у: «Ўтмишга боғлиқ барча ришталарни узиб ташламоқчи эди», деб жавоб берди. Ҳозир қаерда эканингизни сўрасам, аниқ билмайман-у, ҳарҳолда Лейденда бўлса керак, деб мужмал жавоб қайтарди. Суҳбатимизнинг қисқача мазмуни шулардан иборат. Унинг гапларига ҳеч ким ишонмаса керак, – деб сўзида давом этди мистер Ранкилер кулимсираб. – Баъзи бир гумонларим амакингизнинг фифонини фалакка чиқариб юборди ва охири ковушимни тўғрилаб қўйди. Шундай қилиб, боши берк кўчага кириб қолдик; тахминларимиз қанчалик оқилона бўлса-да, лекин уларни мутлақо исботлаб бўлмасди. Худди ўша пайтда гўё осмондан тушгандек дарға Хозисон янгилик топиб келди: гўё сиз чўкиб кетган эмишсиз; шундан сўнг қалаванинг уни топилди – ишлар хамирдан қил суғургандек силлиқ кўчди; фақат мистер Кемпбеллнинг юрак-бағри ўртаниб кетди, менинг ҳамёним зарар кўрди ва амакингиз номига яна битта доф тушди; шундоқ ҳам номи балчиққа қо-

ришиб ётибди. Хулласи калом, мистер Бэлфур, воқеалар мундарижаси билан деярли танишдингиз ва энди менга қай даражада ишонишингиз мумкин эканини билсангиз керак, – деб сўзлари ни якунлади.

Гапнинг индаллосини айтганда, у бўлиб ўтган воқеаларни лўндагина қилиб тасвирлаб берди, мен эсам «шираси»ни ўзимга олиб, «тўппаси»ни қоғозга туширяпман, холос; қолаверса, сухбатдошим нутқига лотинча иборалар билан жило беришни хуш кўрарди; сўзлаётган пайтида қарашларидан, саъй-ҳаракатларидан эзгулик аломатлари балқиб турадики, беихтиёр орамиздаги бегоналик пардаси кўтарилиб, юрагим эриб кетди. Шубҳа-гумонлар унинг кўнглини тарк этгани кўриниб туради, менинг кимлигимга тўла-тўкис ишонч ҳосил қилган эди, демак, дастлабки до-вондан ўтиб олгандим.

– Сэр, бошимдан кечирган воқеаларни оқизмай-томизмай айтиб берадиган бўлсам, дўстимнинг ҳаётини гаровга тикишим лозим, – дедим. – Унга тегишли сир-асорни дилда сақдашга ваъда беришингизни илтимос қиласман. Мен ўзим учун қандайдир кафолат сўраётганим йўқ, чунки муносабатингизни юзингиздан билиб турибман.

У ниҳоятда жиддий қиёфада менга ваъда берди.

– Фақат бир нарсани таъкидлаб қўймоқчиман: гап-сўзларингиз кишини хушёр торттириб қўйди; агар ҳикоянгизда қонунга хилоф ишлар хусусида гап кетса, камина қонун хизматкори эканимни эътиборга олишингизни, ўшандай ўринларга ба-тафсил тўхталиб ўтирмаслигингизни сўрайман, – деди.

Ўз тарихимни ҳикоя қилишга киришганим заҳоти кўзойнагини пешонасига суреб қўйди-да,

күзларини юмган кўйи тинглай бошлади; шунинг учун, назаримда, ухлаб қолгандек туюларди. Бироқ уйқуни хаёлига ҳам келтирмасди. Кейинчалик амин бўлдимки, ҳар бир сўзимнинг оҳорини тўқмасдан эслаб қоларди; хотираси кучлилигига қойил қолдим. Ҳатто қулоққа ғалати эшитиладиган, гайритабиий гэлча исмлар тасодифан атиги бир бора айтилган бўлса-да, аммо у бари бир унутмасди; орадан кўп йиллар ўтгандан сўнг ўша исмларнинг бирортаси ҳақида менга савол берарди. Ниҳоят, Алан Брекнинг исми шарифини тўлик айтганимдан кейин ўртамиизда қизгин мунозара бўлиб ўтди. Равшанки, Эпиндаги қотилликдан ва қотилни тутган одамга ваъда қилинган мукофотдан сўнг Аланнинг исми бутун Шотландияга машҳур бўлиб кетган эди; унинг номи оғзимдан чиқиши биланоқ қози ўтирган жойида бир қимиirlадиу кўзларини очди.

– Мистер Бэлфор, агар ўрнингизда мен бўлганимда, ортиқча исмларни тилга олмаган бўлардим, – деди. – Аммо бир гапни бошлагандан кейин уни охиригача етказиш лозим. Балки ундей эмасдир, – деб эътиroz билдири мистер Ранкилер. – Эҳтимол, ўзингиз ҳам сезган бўлсангиз керак, қулогим вазминроқ, шунинг учун баъзи бир сўзларни тўғри эшиитганимга кафолат беролмайман. Ижозат берсангиз, бундан кейин дўстингизни «мистер Томсон» деб атаемиз; чунки ортиқча гап-сўзлардан ҳеч қандай наф бўлмайди. Мабодо яна-тағин бирорта тоғликлар номини (тирик ёки абадий уйқуга кетган бўлишидан қатъи назар) тилга олиш лозим бўлса, сизнинг ўрнингизда мен айнан шундай қилардим.

У мен айтган исмни аниқ-равшан эшиитган эди ва энди қотиллик ҳақида гапира бошлишимни

сезиб қолганди. Умуман, агар истаса ўзини гарангликка солиши мүмкін – ихтиёри ўзида; мен «Томсон» тоғликларга унчалик ярашмайдыган исм эканини шунчаки эслатдиму мийифимда кулиб қўйдим ва таклифига рози бўлдим. Шундай қилиб, ҳикоямнинг охиригача Алан «мистер Томсон» бўлиб қолди; энг қизизи шундаки, ҳийла-найранг дўстимга ҳам маъқул бўларди, албатта. Келишуви-мизга биноан Жеймс Стюарт «мистер Томсоннинг қариндоши» деб аталди; Колин Кемпбеллни «мистер Глен»га алмаштирилди; Клунга навбат етганда уни тоғликларнинг йўлбошчиси «мистер Жемсон» деб атадим. Буларнинг ҳаммаси оқ ип билан бичиб-чатилган эди, мен нима учун қози бундай ўйинга ишқивоз эканига ҳайрон бўлардим; аслини олганда, бу ўша давр руҳига ҳамоҳанг бўлиб, мамлакатда икки гуруҳ ўртасида қақшаткич кураш кетаётган бир замонда тириклийдан бошқа фами бўлмаган беозор инсон зинҳор-базинҳор бир тарафнинг ёнини олишни истамасди; имкон туғилган жойда ўз улушини қўлдан бой бермасликка интиларди: айни чогда сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган тарзда ҳаракат қиласди.

– Ана холос, – деди қози ҳикоямни тутатганимдан сўнг. – Худди насрый асарга ўхшайди-я, ўзига хос «Жангнома» экан. Олим бўлганингиздан сўнг барча гапларингизни лотин тилига таржима қилиб қўйинг, лозим топсангиз, инглиз тилида қофозга тушириб қўйсангиз ҳам бўлади, лекин лотин тилининг имкониятлари каттароқ, деб ўйлайман. Анчагина сарсон бўлибсиз. Жаҳонгашталик чоғингизда qnoe in terries,<sup>19</sup> (сийқа гапираётган бўлсам, маъзур кўрасиз) Шотландиянинг сиз бормаган музофоти қолмабди ҳисоб! Бунинг

---

<sup>19</sup> «Ер юзининг бирор жойи» (лотинча).

устига, бемаъни аҳволга тушиб қолган бўлсангиз ҳам, лекин тан бериш лозимки, ўзингизни йўқотиб қўймабсиз. Назаримда, мистер Томсон бинойидек жентельмен экан; фақат андак қасоскор шекилли. Шундай бўлса-да, агар у (барча ижобий хислатлари билан биргаликда) Шимолий денгиз қаърига чўкиб кетганда ниҳоятда хурсанд бўлардим ва ўзимни анча баҳтиёр ҳис этардим; чунки бу одам, мистер Дэвид, доимо бирорта жанжални кавлаштириб топаверади. Шубҳасизки, унга садоқат кўрсатиб мутлақо тўғри қиляпсиз, ахир у ҳам дўстига содиқ эди-да. Айтиш мумкинки, муносиб ҳамроҳ бўлибди, шунингдек, *paribus curis vNSTIGIA FIGIT*<sup>20</sup>, менимча, икковларинг ҳам бекорга дорга осилиш ҳақида ўйламагансизлар, ахир. Нима ҳам дердим, омадларинг юришибди – қаро кунлар ортда қолибди. Ўйлайманки, яқин орада (қонуншунос сифатида эмас, одамгарчилик юзасидан шундай деяпман) барча азоб-уқубатлардан фориф бўласизлар.

У саргузаштларим хусусида сафсата сотарди-ю, лекин мендан меҳр тўла, бегараз нигоҳини узмасди; ўзим зўрга қувончимни яшириб ўтиардим. Маълумки, қонун-понунга итоат этмайдиган кимсалар орасида бир қанча вақт ўралашиб юрдим, тоғларда – очиқ ҳавода тунларни бедор ўтказдим; мана энди расмана бошпанада ўтиардим, топ-тоза хона кўзимга мўъжизадек кўринарди. Айниқса, мовут чакмон кийган бамаъни зот билан суҳбатлашиб ўтиришнинг гашти ўзгача эди! Шу пайт нигоҳим эгнимдаги жулдур кийимларга тушиб қолдию яна ўзимни ноқулай ҳис эта бошлидим. Қози менга кўзи тушган заҳоти қўнглимдан нималар кечеётганини дарҳол англади

---

<sup>20</sup> «Бир хилдаги иш билан қолдирибсиз» (лотинча).

ва ўрнидан турди-да, мистер Бэлфур билан бирга нонушта қиласиз; иккаламизга дастурхон ту заб қўйинглар, деб қичқирди. Сўнгра, юқори қаватдаги ётоқхонага эргаштириб чиқди. Қўлимга сув тўла кўза, совун, тароқ тутди; ўғлига аталган кийимларни кўрпа устига ёйиб ташлади. Кейин ўзимни тартибга келтириб олишим учун холи қолдирди: лотинча лутф қилдию хонани тарк этди.

## ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

### МЕРОСИМНИ АЖРАТИБ ОЛГАНИ ОТЛАНДИМ

Ўзимга имкон борича оро бердим; кўзгуга қараб жулдуровоқи йигитча ўтмишда қолиб кетганига ва унинг ўрнида яна Дэвид Бэлфур ҳаётга қайтганига ишонч ҳосил қиласанг, қалбинг беихтиёр қувончга тўлар экан. Лекин бари бир бу ўзгариш кўнглимда унчалик ўтиришмасди, айниқса, бироннинг кийими елкамдан зил-замбил тошдек босиб тургандек туюларди. Ясан-тусанимни поёнига етказганимдан сўнг, остоңада мистер Ранкилер қарши олди ва ташқи кўринишмни олқишлиди-да, тагин ишхонасига эргаштириб кетди.

– Мистер Дэвид, марҳамат, ўтиринг, – деди. – Ана энди сал-пал асл ҳолатингизга қайтдингиз. Қани, кўрайлик-чи, балки баъзи бир янгиликларни билиб олишингизга ёрдам берарман. Назаримда, отангиз билан амакингизнинг муносабатлари қанаقا бўлганини ўзингизча тахмин қилаётганга ўхшайсиз-а? Ҳа, бу жуда ҳам гаройиб ҳодиса. Ростини айтсам, уни айнан сизга тушунтириб беришга мажбур бўлганимдан хижолат чекяпман. Чунки бунинг асосий сабаби – муҳаббат мо-

жаросига бориб тақалади. – Қози ҳақиқатан ҳам ўнгайсиз аҳволга тушиб қолди.

– Тўғриси, амакимнинг туриш-турмушига бундай изоҳ сира ҳам мос тушмайди, – дедим.

– Бироқ, мистер Дэвид, у бир умр қари чол бўлмаган, – деб эътиroz билдириди қози. – Бундан ташқари, ёшлигидан бошлаб ярамасликни касб қилиб олмаган эди десам, яна ҳайрон бўлсангиз керак. У ниҳоятда довюрак, олижаноб йигит эди; асов от устида жавлон уриб юрган кезларда одамлар оstonага ёпирилиб келишарди. Уни ўз кўзларим билан кузатганман: сизга чин дилдан айтишим мумкинки, унчалик кўркам йигит бўлмаганим учунми, ишқилиб, ҳасад қиласдим ва ўша пайтларда ҳеч иккиланмай: «*Odi te gui bellus es, Sabelle*<sup>21</sup>,» дейишшим мумкин эди.

– Бу қандайдир тушга ўхшайди, – дедим.

– Ҳа, ҳа, – деди мистер Ранкилер. – Йиллар ёшлиқдан мана шундай қасос олади. Қолаверса, у фавқулодда, умидли шахс бўлиб етишиши ҳам мумкин эди. Етти юзу ўн бешинчи йили уйидан қочиб кетади. Қўзголончиларга қўшилиб кетмоқчи бўлади. Бошқа бирор эмас, айнан амакингиз уларнинг орқасидан қувиб етади ва аллақандай жарликда излаган одамларини топадию бутун ўлкани бошига кўтариб, *mult gementen*<sup>22</sup> ота юртини тарқ этади. Айни чоқда, тајора *canamus*<sup>23</sup> оға-инилар худди ўчакишгандай битта қизга ошиқ бўлиб қолишиади. Мистер Эбенезер жамоатнинг эркатойи эди, иззатталаб бўлиб қолганди; айтиш мумкинки, қизнинг қалбини забт этишга ишончи комил эди, лекин янглишганини англай-

<sup>21</sup> «Хой, ўқтам йигит, сени кўрарга кўзим йўқ!» (лотинча).

<sup>22</sup> «Алам билан хўрсинаётган» (лотинча).

<sup>23</sup> «Энди ашуланинг давомини айтамиз» (лотинча).

дию ҳаддан ошиб кетади. Ўз ёғига ўзи қовурилиб юрганини бутун ўлка биларди; гоҳ юраги хасталашиб кўрпа-тўшак қилиб ётиб қоларди, бефаросат оила аъзолари эса бошига тўпланиб олишарди; гоҳида қаҳвахонама-қаҳвахона тентираб юраверарди, бурнидан чиққунча арақ ичарди ва дуч келган одамга дилидаги дардини тўкиб соларди. Мистер Дэвид, отангиз яхши инсон бўлиб, лекин ниҳоятда иродаси бўш эди; ўткинчи оҳ-воҳларга чидаёлмасдан ажойиб кунларнинг бирида жигаргўшасини деб, қиздан воз кечади. Аммо қиз хийла оқила экан (кўриниб турибди, ақл-фаросат сизга айнан онангиздан мерос қолган): ўзининг худди копток мисоли қўлдан-қўлга ирғитилишини асло истамайди. Икки оға-ини унинг оёғига бош уриб ялиниб-ёлворишади; қиз унисини ҳам, бунисини ҳам кўчага ҳайдаб чиқаради.

Ўзимга ҳам бу бемаъни воқеадек туюла бошлади; унутмаслик лозимки, унга отам аралашиб қолганди.

– Сэр, ростини айтсам, ҳикоя қилаётган воқеадан фожианинг ҳиди келяпти, – дедим.

– Йўғ-э, тақсир, йўғ-э! – деб эътиroz билдириди қози. – Чунки фожиа рўй бериши учун арзигулик баҳона топилиши даркор; ал қасосул минал ҳақ, деб бекорга айтишмайди! Бу ерда эса битта асов эшак ҳамма нарсани остин-устун этиб юборди: ҳамма эркалатавериб, талтайтириб қўйганди; энди жиловлаб олиб, обдан савалаш лозим эди, вассалом – шундан бошқа «малҳам» кор қилмасди. Аммо отангиз айрича фикрда эди; бирин-кетин ён бераверди, амакингиз бўлса борган сайин худбин эҳтиросларига эрк бераверди ва охир-оқибатда улар ўртасида ғалати шартнома тузилди; ўшанинг аччиқ мевасини кейинги пайтларда татиб

кўрдингиз. Оға-иниларнинг биттасига – суюкли ёр, бошқасига – қўргон насиб этди. Мистер Дэвид, биласизки, олиҳимматлик ва меҳр-шафқат ҳақида кўп гапирилади; ўйлайманки, агар одамлар маслаҳат олиш учун тез-тез қозига мурожаат этиб туришса, ҳамма ишни қонун бўйича амалга оширишса борми, мана шунаقا чигал ҳаётий муаммолар ҳам кўнгилдагидек ҳал этилган бўларди. Умуман олганда, отангизнинг ҳайбаракалла саъй-ҳаракатлари аслида адолатсиз эди; оқибатда адолатсизлик болалаб кетишига замин ҳозирланди. Ота-онангиз умрларининг охирларигача қашшоқдикда яшадилар, сизни рисоладагидек тарбиялай олмадилар; айни чоқда Шос қўргонининг ижарадорлари қандай ҳаёт кечирганларини бир кўрсангиз эди! Айни чоқда мистер Эбенезер (бундан камина заррача ҳам ташвишланмаса-да) қандай кўргиликка дуч келганини айтмайсизми!

– Энг ҳайратланарли жойи шундаки, одамзот таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетиши мумкин экан, – дедим.

– Бу ҳақда бир ёқлама ҳукм чиқариб бўлмайди, – деди мистер Ранкилер. – Менимча, бу табиий ҳолдир. Муносиб иш қилдим, дейиши учун унинг ҳеч қандай асоси йўқ эди. Ҳамма гаплардан хабардор кишилар ундан безиб кетишли; бехабар кишилар эса оға-иниларнинг биттаси изсиз йўқолганини, бошқаси қўргонга якка ҳоким бўлиб қолганини кўришдию қотиллик рўй бергани хусусида миш-меш тарқатиши: натижада амакингиз моховга ўхшаб халқдан ажралиб қолди. Бундай битимдан сўнг фақат бойликка эга бўлди, холос. Равшанки, бойликка ҳирс қўйди. У ёшлик чоғларида ҳам худбин эди, кексайган пайтида ҳам худбинлик уни тарк этмади. Олий ҳис-туйфу-

лари, устомонлиги тубан мақсадга йўналтирилганини эса ўз кўзингиз билан кўрдингиз.

– Сэр, бундай мураккаб вазиятда нима қилишим лозим? – деб сўрадим.

– Шубҳасизки, қўргон сизники, – деб жавоб берди қози. – Амакингиз ҳужжат-пужжат тўғрилаб ўтирганидан қатъи назар – бари бир меросхўр бўлиб қолаверасиз. Аммо амакингиз шунаقا одамки, «оқ»ни «қора» дейишдан ҳам тоймайди; назаримда, у сизнинг сиз эканингизни инкор этишга уриниб кўрса керак. Суддаги даъволар доимо қимматга тушади, оилавий даъвои жанжаллар эса тилларда достон бўлиб кетади. Бундан ташқари, мистер Томсон билан биргаликдаги саёҳатингизга доир зигирдек ҳақиқат фош этилса, хонавайрон бўламиз. Ўз-ўзидан равшанки, агар сизнинг ўғирлаб кетилганингизни исботлай олсак борми, бу асосий қуролимиз бўлади. Лекин уни исботлаш жуда мушкул вазифа; шунинг учун ўша воқеа эслатилган чоғда амакингизга нисбатан яхши муносабатда бўлишни кўзлаб ҳаракат қилишни маслаҳат бераман; ҳатто унга умрининг охиригача Шос қўргонида истиқомат қилишга ижозат бермоқ даркор: йигирма беш йил мобайнида ўша ерда илдиз отди, ҳозирча барча имтиёздан баҳраманд бўлаверсин.

Ён беришга тайёр эканимни ва табиийки, оилавий майда-чуйда гапларни овоза қилмасликдан манфаатдорлигимни изҳор қиласдим. Айни пайтда хаёлимга бир фикр келиб қолди: кейинги хатти-ҳаракатларимизга ана шуни асос қилиб олдик.

– Демак, муҳими – менинг ўғирланишимда амаким бош айбдор эканини бўйнига қўйишимиз лозимми? – деб сўрадим.

– Албатта, – деди мистер Ранкилер. – Лекин буни суд залида амалга оширмаган маъқул. Мистер Дэвид, ўйлаб қўринг: «Васият» кемасида хизмат қилган бирорта денгизчини излаб топишимиз мумкин; аммо денгизчи гувоҳдик бера бошлагандан сўнг унинг кўргазмаларини чеклаб қўйишга қодир бўлмай қоламиз ва кимдир албатта сизнинг дўстингиз бўлмиш мистер Томсон ҳақида бирор оғиз сўз айтиб юборади. Бу эса (агар сиздан эшитган гапларимга ишонадиган бўлсам) унчалик кўнгилли эмас.

– Сэр, биласизми, баъзи бир нарсаларни ўйлаб қўйдим, – дедим.

Ўз ниятимни изҳор этдим.

– Ҳа, тузук. Лекин, англашимча, ўша Томсон билан учрашмоғим даркор шекилли? – деди у гапимни якунлаганимдан сўнг.

– Ўйлашимча, шундай қилмасак бўлмайди, сэр, – дедим.

– Фалокат оёқ остида, деб шуни айтсалар керак-а! – деб хитоб қилди пешонасини ишқалаган кўйи. – Эҳ, қўргилик экан-да! Йўқ, мистер Дэвид, бу режани амалда татбиқ этиб бўлмайди. Дўстингиз тўғрисида ҳеч қандай ёмон гап айтмоқчи эмасман, мистер Томсон ножўя иш қилганини ҳам билмайман; агар билганимда (мистер Дэвид, бу томонини ҳам ҳисобга олиб қўйинг) борми, уни тутиб бериш – менинг бурчим-ку! Энди инсоф билан айтинг-чи, биз учрашсак, бундан нима фойда? Мабодо, унинг бошқа гуноҳлари ҳам бўлса-чи? Мабодо сизга ҳаммасини айтмаган бўлса-чи? Мабодо асл номи Томсон бўлмаса-чи! – деб қичқирди қози, маънодор кўз қисиб қўйган кўйи.

– Бу тоифадагилар юрган йўлида ўзига янги ном

топаверади; ҳатто баъзи бир дўланаларнинг ме-  
васидан ҳам уларнинг номлари қўпроқ бўлади.

– Сэр, ўзингизга ҳавола, – дедим.

Шунга қарамасдан, мен айтган фикр хаёlinи  
банд этиб олгани яққол кўриниб турарди; чунки  
тушликка таклиф этишган чоғда – миссис Ран-  
килер хонимнинг тиниқ кўзлари унга қадалиб  
турган маҳалда ҳам хаёллари паришон эди, ни-  
маларнидир ўйларди. Хонадон соҳибаси бизни  
ёлғиз қолдириб кетиши биланоқ (стол устига бир  
шиша май қўйилган эди) у мен амалга оширмоқ-  
ни кўзлаган режанинг икир-чикирларини эзма-  
ланиб суриштира бошлади: дўстим мистер Том-  
сон билан қачон, қаерда учрашишни келишиб  
олганмиз; Томсон деганларининг бемаъни ин-  
сон эканлигига ишониш мумкинми; агарда кек-  
са тулки амакинг тузоқقا илинса, фалон-пистон  
шартларга кўнасанми каби саволлар кетма-кет  
равишда мистер Ранкилер оғзидан учиб чиқиб,  
каминанинг қулоғига қадалаверди. Айни пайтда  
маза қилиб май ичиб ўтиради. Барча саволлар-  
га жавоб қайтарганимдан сўнг, афтидан, қано-  
ат ҳосил қилди шекилли, янада теран ўйга толди;  
ҳатто гулгун май ҳам эсидан чиқиб кетди. Кей-  
ин қозозу қалам олди-да, бир нималарни ёзишга  
киришди; ҳар бир сўзни салмоқлаб кўрарди гўё.  
Хатни тугатгач, қўнгироқчани чалдию остоңада  
мирза пайдо бўлди.

– Торренс, кечгача мана бу хатни чиройли қи-  
либ кўчириб қўйинг-да, ишни тугатганингиздан  
сўнг шляпангизни кийиб, бизни – манави жен-  
тельмен иккаламизни бир жойга кузатиб бориши-  
га тайёр бўлиб туринг; гувоҳ сифатида фойдан-  
гиз тегиб қолиши мумкин, – деди қози.

– Сэр, ниҳоят, таваккал қилишга қарор қилдингизми? – деб сүрадим мирза эшикни ёпиб хонадан чиқиши билан.

– Күриб турибсиз-ку, – деди мистер Ранкилер, яна ўз қадаҳига қулт-қулт этказиб май қуяр экан.

– Энди ишни бир четга қўйиб турайлик. Торренсга кўзим тушган маҳалда эсимга битта воқеа келиб қолди: бундан бир неча йил муқаддам биз ана шу шўртумшук лапашанг билан Эдинбургнинг энг катта майдонида учрашишга келишиб олган эдик. Кейин ҳар ким ўз юмуши билан овора бўлиб кетди; соат тўртга қадар Торренс бир стакан арақ ичиб олишга ҳам улгурибди, охири у хўжайинини ҳам танимай қолди; мен эсам кўзойнагимни уйда унугиб қолдирибман – худо ҳақи, шапкўрлигим туфайли хизматкоримни танимаган эдим ўшандা! – Қози товушини баралла қўйиб хаҳолаб юборди.

Одоб юзасидан мен ҳам жилмайиб, ҳақиқатан ҳам, ғалати ҳодиса рўй берган экан, деб қўйдим. Ҳайратланарли жойи шундаки, мистер Ранкилер кун бўйи ўша ҳангомани янги ва янги тафсилотлари билан қайта-қайта айтаверди, товушининг борича хаҳолайверди; унинг бундай аҳмоқона ҳаракатларидан охири нокулай аҳволга тушиб қолдим, кўзларимни қаёққа яширишни билмасдим.

Алан билан учрашишга келишган вақтимиз яқинлашган пайтда қозининг уйидан ташқарига чиқдик: мистер Ранкилер мени қўлтиқлаб олди, орқамиздан эса чўнтағига хатни буқлаб солиб олган, қўлига саватча ушлаган Торренс келарди. Шаҳар бўйлаб одимлаётган чоғимизда қози ҳар қадамда гоҳ ўнг томонига, гоҳо сўл томонига қараб бош иргиб қўярди; йўловчилар дам-бадам шахсий ёки расмий ишлари юзасидан савол бе-

ришарди, бир дақиқа тұхташини илтимос қилишарди; мистер Ранкилерни ўлкада ҳамма ҳурмат қилиши шундоқ ҳам қўриниб турарди. Ниҳоят, уйдан хийла узоқлашиб кетдик: бандаргоҳ ёқалаб – «Дўлан» меҳмонхонаси томон, паром тўхтайдиган жойга қараб (айнан мана шу ерда менинг бошимга кулфат тушган эди) борардик. Бу жойларга бефарқ нигоҳ ташлай олмасдим: ўша пайтда ёнимда бўлган кишиларнинг жуда кўпчилиги энди орамизда йўқлиги беихтиёр эсимга тушиб қоларди; Рансом ўша абллаҳдар қўлида жон берди ва оғир қисматдан осонроқ қутулиб кетди; Шуанинг ҳозир қаерда эканини тасаввур этишнинг ўзи кишини даҳшатга солиб қўярди; кемада сўнгги сафарга отланган баҳтиқаро кимсалар дengiz қаърида ётишарди. Ўша исқоти кемадан ҳам, ёвуз дengизчилардан ҳам омадлироқ эканман; оғир синовлардан, даҳшатли хавф-хатарлардан омон-эсон ўтиб олдим. Дафъатан хурсанд бўлишим, шукр қилишим лозимдек туюларди; бироқ бу жойга кўзим тушган пайтда ўтган-кетганларнинг ёдини эслаб ич-ичимдан эзилишим ва ўтмишдаги қўрқинчли ҳодисалар шарпаси дилимни хуфтон қилиши турган гап эди...

Ўз хаёлларим оғушида борардим. Туйқусдан мистер Ранкилер чўнтакларига шапатилаган кўйи қичқириб, хаҳолай бошлади.

– Йўқ, бунга сиз ҳам қойил қоласиз! – деб хитоб қилди. – Кун бўйи жаврайвериб, қулоқ-миянгизни едим, лекин бари бир кўзойнагимни уйда эсимдан чиқариб қолдирибман – мана буни эрмак деса бўлади!

Албатта, мен лабимни тишладим; кун бўйи анави «зарбулмасал» бекорга такрорланмаганини пайқадим ва атайлаб кўзойнак уйда қолдирилга-

нини билиб туардим: ўзини жўрттага Аланнинг ёрдамини менсимаётгандек кўрсатмоқчи бўлади; иш чаппасига кетса, жиноятчининг юзига тикилиб туриб гувоҳлик бериш даҳмазасидан қутулиб қолишни истарди. Ҳа, у устамонлик қилган эди: хўш, агар ишимиз ёмон томонга айланиб кетганда, Ранкилер қасам ичиб дўстимни танимаслиги ни айтармиди? Мени бадном қиладиган кўрсатма беришга ким мажбур қила оларди? Шундайликка шундай-ку, у алламаҳалгача ўзининг хотираси суст эканини унутиб қўйди, чамаси; шаҳар бўйлаб бораётган пайтимиизда йўл-йўлакай гаплашган кўплаб одамларни номма-ном танир экан... Хуллас, кўзойнаксиз ҳам унчалик ёмон кўрмаслигига заррача ҳам шубҳаланмасдим.

«Дўлана» меҳмонхонаси ёнидан (остонада хўжайнин трубка чекиб ўтиарди; уни бир кўришдаёқ танидим ва сира ҳам кексаймаганидан ҳайратландим) ўтишимиз биланоқ мистер Ранкилер сафимиздаги тартибни ўзгартирди; ўзи Торренс билан орқада юра бошлади, мени эса худди чопар сингари олдинга ўтказиб юборди. Тепаликка кўтарилавердим, дам-бадам гэлча қўшиқ куйини ҳуштак билан чалиб қўярдим ва ниҳоят, бунга жавобан ҳуштак чалинганини эшитдиму қувониб кетдим: бута ортидан Алан қаддини ростлади. Якка ўзи шу атрофда яшириниб юргани учун, Дандас яқинидаги фақирона пивохонада чала-чулпа овқатлангани туфайли ўзини хийла олдириб қўйган эди. Ҳартугул, уст-бошимга кўзи тушган заҳоти яшнаб кетди; ишларимиз чакки эмаслигини айтганимдан сўнг (албабатта, ҳал қи́увчи жараёнидан у ҳам четда қолмасди) эса бутунлай ўзгарди-қолди.

– Мақтовга лойиқ фикр, – деб маъқуллади. – Тұғрисини айтиб қүя қоламан, бу ролга Алан Брекдан муносиб одамни бари бир тополмасдиларинг. Айни пайтда алоҳида фаҳм-фаросат талаб этилади; сир эмаски, ҳар ким бундай фазилатта эга бўлавермайди. Дарвоҷе, сезиб турибманки, қози мени ўз кўзи билан кўришга жуда ҳам иштиёқ-манд, учрашувни сабрсизлик билан кутяпти.

Мистер Ранкилерни чақирдим, унга қараб қўлимни силкитдим; ёлғиз ўзи ёнимизга яқинлашди ва уни дўстим мистер Томсонга таништирдим.

– Бағоят хурсандман, мистер Томсон, – деди.  
– Бахтга қарши, кўзойнагимни унугиб қолдирибман; мана, дўстимиз мистер Дэвид ҳам айтиши мумкин (у елкамга қоқиб қўйди), кўзойнагим бўлмаса, шапкўр бўлиб қоламан. Шунинг учун агар эртага сизни учратиб қолсаму ёнингиздан индамасдан ўтиб кетсан, сира ҳам ажабланманг.

Аслида, Аланга таскин бериш учун шу гапларни айтди, аммо тоғлиқ йигитнинг иззат-нафсини қитиқлашга арзимас баҳона кифоя қиласди.

– Сэр, раҳмингиз келсин, бу нима деган гап бўлди! – деди у жиддий оҳангда. – Ягона мақсадимиз – мистер Бэлфур ҳақиқатни топиши лозим; ўйлашимча, бизни боғлаб турадиган шундан бошқа ҳеч қандай умумий манфаатимиз йўқ. Шундай бўлса-да, узрингизни қабул қиласман; у айни пайтда айтилди.

– Мистер Томсон, менинг шундан бошқа ниятим ҳам йўқ! – деди Ранкилер зардали тарзда. – Хўш, энди ана шу корхонада иккаламиз асосий хизматкор эканмиз шекилли, шундоқ бўлгач, менимча, барча нозик масалаларни маслаҳатлашиб олмоғимиз даркор. Келинг, яхшиси, қўлтиғингиздан ушлаб олайн, акс ҳолда йўлни фира-шира

кўряпман, холос; қоронги тушиб қолганга ўхшайди, боз устига, кўзойнагим ҳам уйда қолибди... Сиз эса, мистер Дэвид, вақтингизни бекор кетказмасдан шакаргуфтор Торренс билан суҳбатлашиб туринг. Фақат ижозат берсангиз, бир гапни эслатиб қўйсам, сиз билан дўстингиз мистер... ҳм-м... Томсоннинг саргузашлари ҳақида унга батафсили гапириб ўтиришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

Улар ўзаро қизғин суҳбат бошлишдию олдинда йўлга тушишди, Торренс иккаламиз орқада шошилмасдан юра бошладик.

Рўпарамиздан Шос қўргони кўринган чоқда оқшом чўккан эди. Соат ўн марта занг урди; осмонда ой кўринмасди, ҳаво илиққина; жанубий-тарбдан эсаётган майин шабода япроқларни шитирлатарди; қадам товушларимиз деярли эшитилмасди; қўргонга яқин бордик, лекин бу томонда чироқнинг йилт этган шуъласи ҳам кўринмасди. Афтидан, амаким аллақачон ўринга кириб ётиб олганди: бизга эса айнан шу нарса кепрак эди. Кўзланган манзилга эллик қадамча қолганда охирги марта шивирлашиб маслаҳатлашиб олдик; сўнгра Торренс, қози ва мен эҳтиёткорлик билан қўргоннинг ёнгинасига бордик-да, бурчакка яшириндик; Алан эса намойишкорона тарзда остонаяга яқинлашдию эшикни муштлаб-муштлаб тақиллатишга киришди.

## **ЙИГИРМА ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ**

### **МУРОДИМГА ЕТДИМ**

Алан анча вақтгача эшикни дўмбира мисоли гумбирлатиб чалаверди; товуш қўргон деворларига тегиб акс садо берарди ва атрофга тараларди. Ниҳоят, дераза лўқидони оҳиста туширилди; сездимки, амаким кузатув маррасидан жой олган эди. Фира-шира кўройдинда у фақат остоана-да турган Алани илғаси мумкин, холос. Учта гувоҳ эса қоронгиликда кўринмасди; одамнинг ўз уйида хавотирланиб ўтиргани киши кулгисини қистатарди. Дастребки дамларда чақирилмаган меҳмонни зимдан кузатиб турди, сўнгра иккила-ниброқ гап бошлади – гўё панд еб қолишини кўн-гли сезиб қолган эди.

– Ким у? – деди. – Яхши кишилар кечалари дайдиб юришмайди, бемаҳал қичқирадиган хўroz билан гапни чўзиб ўтирмайман. Нима керак? Айтиб қўяй, қўлимдан пилтамилигим бор.

– Мистер Бэлфур сиз эмасми? – деб сўради Алан ва орқасига бир-икки қадам чекинди-да, қоп-қоронги деразага нигоҳини қадади. – Пилтамилигни эҳтиёт бўлиб ушлаб туринг; жуда ишончсиз дастмоя – ўзидан-ўзи отилиб кетиши ҳеч гап эмас.

– Нима керак, деяпман?! Ким бўласиз? – деди амаким тишларини гичирлатиб.

– Мен ўз номимни айтиб, бутун ўлкага айюҳан-нос солишга орзуманд эмасман, – деди Алан. – Лекин менга нима кераклиги – бошқа масала; у мендан кўра ҳам кўпроқ сизга тегишли. Ижозат берсангиз, уни куйга солиб, иннайкейин сизга етказишим мумкин.

- Қанақа иш ўзи? – деб сўради амаким.
- Дэвид, – деди астагина Алан.
- Нима? Нима бўпти? – деб сўради амаким бутунлай бошқача товушда.
- Хўш, номини тўлиқ айтаверайми? – деди Алан.

Сукунат чўкди.

- Шошманг-чи, ҳозир уйга киритаман, – деди амаким ишончсиз товушда.

– Киритмасангиз ҳам бўлмайди-да, – деди Алан. – Лекин ичкарига кираманми – аввал шуни сўранг-да. Очигини айтсан, биз сиз билан ана шу жойда – остоңада гаплашиб қўя қоламиз: мана шу ерда гаплашамиз ёки умуман гаплашмаймиз, тушундингизми? Биласизми, мен ўжарман; асли наслимни суриштириб келсак, қоним хийла тоза бўлиб чиқади.

Ишнинг бу даражада чаппасига кетиши Эбенезерни довдиратиб қўйди; бир қанча вақтгача эсанкираб турдию сўнгра:

- Начора, шундай қилиш лозим бўлса, шундай қиламиз-да, – деди ва деразани ёпди.

Аммо пиллапоядан пастга тушгунча анча-мунча вақт ўтиб кетди, эшикнинг ҳамма қулфларини очгунча хийла овора бўлди: чамаси ҳар бир поғонага қадам босаётганда, ҳар бир занжирни тушираётганда ичиди ўзини койирди, қўрқувдан дир-дир титрарди. Ниҳоят, лўқидоннинг фийқ этган товуши эшитилди: амаким ниҳоятда эҳтиёткорлик билан остона ҳатлаб ташқарига чиқди ва (Аланни бир неча қадам нарига кетганини кўргач) пиллапоянинг юқори поғонасига ўтириб олди; қўлида пилтамилтифи отишга шай бўлиб турарди.

– Ҳушёр бўлинг! – деди. – Пилтамилтиқ ўқданган, агар жойингиздан бир қадам жилсангиз – асфаласофилинга кетдим, деяверинг.

– Сени қара-ю! – деди Алан. – Мулозамат ҳам сал эви билан-да.

– Нима бўпти, – деди амаким, – вазият қалтис, демак, эҳтиёт бўлиб туришим лозим. Хўш, энди келишиб олдик, қани гапиринг – муддао нима?

– Хўп, майли, – деди Алан. – Сиз фаросатли инсонсиз; чунончи, тоғли ўлкада туғилганимни аллақачон пайқаган бўлсангиз керак, албатта. Номимнинг бу ишга алоқаси йўқ, фақат менинг юртим Малл оролига яқин эканини айтиб қўймоқчиман, холос. Ўйлайманки, орол ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Тасодифни қарангки, худди ўша жойда битта кема ҳалокатга учради; эртаси куни қариндошим қумлоқ соҳилда синик ёғочларни териб юрса бирдан сувга чўкиб ётган битта йигитчага дуч келиб қолибди. У ўсмирнинг оёғини кўтариб, ичига тўлиб қолган сувни чиқариб ташлабди, кейин шерикларини ёрдамга чақирибди. Хуллас, кўплашиб йигитчани эски кўрғонга олиб кетишибди; ҳозир ўша ерда хасталаниб ётибди. Лекин қариндошларим уни боқишига қийналишяпти. Улар – кўчманчилар; бошқалар каби қонунга итоат этиб, бир жойда муқим ўтиришавермайди; аниқлашича, йигитча бой-бадавлат хонадон арзандаси экан; мистер Бэлфур, у туғишган амакиваччангиз бўлар эмиш; шунинг учун мени ўша хусусида гаплашиб келгани жўнатишиди. Аввал бошдан огоҳлантириб қўймоқчиманки, агар келиша олмасак, бундан кейин уни тирик кўришингиз душвор. Негаки, қариндошларим унчалик ўзига тўқ кишилар эмас, – деб шунчаки қўшиб қўйди Алан охирги сўзларини.

Амаким томоқ қириб қўйди.

– Қайғуришга ҳам арзимайдиган мусибат рўй берибди, – деди. – У азалдан сариқ чақага қиммат пандавақи эди. Хўш, нима учун мен уни қутқарив олишим лозим экан?

– Э-э, ҳа, нимага ишора қилаётганингизни билб турибман, – деди Алан. – Уни арzon-гаров нарҳда сотиб олиш мақсадида жўрттага ўзингизни бепарво қилиб кўрсатмоқчи бўляпсиз.

– Асло ундай эмас, бор ҳақиқатни айтяпман, – деди амаким. – Йигитчанинг тақдири мени мутлақо қизиқтирмайди, уни қутқарив олиш учун пул тўламайман; истасаларинг, йигитчани сўйиб, ёғидан совун қилинглар.

– Жин урсин, сэр, қондошлиқ – ҳазил гап эмас! – деб қичқирди Алан. – Ҳеч жаҳонда аканинг ўғлидан ҳам воз кечиш мумкинми, бу ахир иснод-ку! Уялинг-э! Агар шу гапингиздан қайтмасангиз, бутун ўлкага гап тарқатиб юборамиз: ўйлайманки, кейин ўзингизга қийин бўлади.

– Менга ҳозир ҳам осон бўлаётгани йўқ, – деди Эбенезер. – Қолаверса, одамларга бу гапларни исботлаб бўлмайди-ку? Албатта ҳеч ким бу ҳақда миқ этмайди. Дўсти азиз, бекорга сафсата сотиб ўтирибмиз.

– Ундай бўлса, демак, Дэвиднинг ўзи гапириб беради, – деди Алан.

– Қандай қилиб? – деб сўради амаким хавотирланиб.

– Ўз оғзи билан гапириб беради, вассалом, – деди Алан. – Сир эмаски, қариндошларим тутқун эвазига мўмай пул ишлаб олишдан умидини узгунларига қадар жиянчангизни ушлаб ўтиришади; умидлари пучга чиққач эса кетига бир тепиб

ҳайдаб юборишади: тўрт томонинг қибла, дейишади.

– Йўқ, бундай қилиш ярамайди, – деди амаким. – Бу оқилона иш эмас.

– Шундай бўлишини билардим, – деди Алан.

– Қаердан билардингиз? – деб сўради Эбенезер.

– Нега билмас эканман ахир, мистер Бэлфур? – деди Алан. – Эшитишимга қараганда, иш тескари томонга айланиб кетиши мумкин: Дэвидни асраб қолиш учун пул тўлайсиз ва ҳузурингизга чақириб оласиз ёки асосли сабабларга кўра, унинг келишини асло истамайсиз: биз уни озодликка қўйиб юбормаслигимиз учун ҳақимизни берасиз. Кўриниб турибдики, биринчи йўлни танламоқчи эмассиз; хўп, майли, демак, иккинчи йўлдан кетамиз – бундан қариндошларим хафа бўлишмайди, албатта. Чунки қабиламиз бир киши ҳисобига кўпаяди...

– Негадир мақсадингизни унчалик англай олмаяпман, – деди амаким.

– Ростданми? – деди Алан. – Маълумотингиз учун, мен асилизодаман; қирол ҳам бизнинг уруғимиздан; қандайдир дайди савдогар эмасман, сизнинг остоңангизда итга ўхшаб ётиб олмайман. Ҳозироқ менга бирорта жўяли жавоб берасиз ёки тумшуғингизни ёриб ташлайман; Гленко қоялари ҳаққи, қасам ичаман!

– Эй биродар, сал паст тушинг! – деб ўкириб юборди амаким, зўрға ўрнидан турар экан. – Нима бало, пашша чақиб одими? Мен оддий одамман, рақс муаллими эмасман, ҳар доим жўяли гапираман. Оғзингиздан боди кириб, шоди чиқяпти; ҳатто гапларингизни эшитиш ҳам уят. Жафимни ёриб ташлар эмиш, гапини қаранглар-а! – деб

түнгиллади. – Құлымдаги пилтамилтиқни күрмай япсанми?

– Путурдан кетган қўлингиздаги милтиқ Алан!-нинг қиличи қаршисида нима бўлибди? – деб жавоб берди дўстим. – Булар гўё мудроқ босган шиллиқурту тезучар қалдирғочга ўхшайди-ку! Қиличим кўксингизнинг титифини чиқариб юборган чоғда ҳатто тепкини босишга ҳам улгурмай қоласиз!

– Ҳа, майли, лекин бир оз мунозара қилаётгани йўқ-ку, ахир?! – деди амаким. – Майли, сиз айтганча бўла қолсин, мутлақо эътиroz билдиrmайман. Faқat ўзингизга нима кераклигини айтсангиз – бас, бирпастда келишиб оламиз.

– Сэр, бир нарсани истайман, холос, – деди Алан. – Яъни, тилёғламалик қилмасинлар. Қисқаси, лўнда қилиб айтганда: йигитчани ўлдириш керакми ёки тутқунликда сақдайликми?

– Ўҳ, сени қара-ю, бу жуда оғир гуноҳ-ку! – деди Эбенезер саросимага тушиб. – Гуноҳи азимку! Ҳатто айтишга ҳам тил айланмайди-я!

– Ўлдирилсинми ёки тирик қолсинми? – деб саволини такрорлади Алан.

– Тирик қолсин, тирик! – деди амаким зорланиб.  
– Шафқат қилинг, ҳеч қандай қон тўкилмасин!

– Начора, ўзингиз биласиз, – деди Алан. – Лекин бу жуда қамматга тушади.

– Қимматга тушади?! – деб қичқириб юборди Эбенезер. – Наҳотки, қўлингизни қонга булғашдан ҳазар қилмасангиз?

– Вой-бў! – деб хитоб қилди Алан. – Бари бир эмасми, ҳар икки ҳолат ҳам жиноят-ку! Лекин ўлдириб қўя қолсак, ишимиз осон кўчарди. Ўсмирни ушлаб ўтиришнинг турган-битгани дардисарликдан иборат.

– Бари бир тирик қолишини афзал күрардим, – деди Эбенезер. – Умримда ҳаром ишларга қўл урмаганман; қандайдир тоғдан тушган ёввойи одамнинг кўнглини олиш учун қингирилик қилишини истамайман.

– Қаранглар-а, виждонли одам экан-ку... – деди Алан мазахлаб.

– Мен эътиқоди мустаҳкам инсонман, – деди Эбенезер соддадиллик билан. – Шунинг учун жазога лойиқ бўлсам, майли, жазоланайин. Боз устига, эсингизда бўлсин, ўша ўсмир – туғишган акамнинг ўғли бўлади, – деб қўшиб қўйди.

– Ҳм-м, ана холос, – деди Алан. – Ундей бўлса, нарх-навони келишиб олсак. Аниқ қийматни айтиш хийла мушкул; авваламбор, баъзи бир аҳамиятсиз ўринларга ойдинлик киритиш керак. Масалан, Хозисонга бай пули сифатига қанча берганингизни билиб олсан ёмон бўлмасди.

– Хозисонгами? – деб бақириб юборди амаким ҳайратга тушиб. – Нима учун пул берган экаман?

– Дэвидни ўғирлаб кетиш учун-да! – деди Алан.

– Ёлгон, қип-қизил ёлғон! – деб ҳайқирди амаким. – Уни ҳеч ким ўғирлагани йўқ. Уялмай-нетмай сизни алдашибди. Ўғирлаган эмиш! Ҳеч қа-чон бундай бўлмаган!

– Агар ўғирлаб кетишмаган бўлса, бунинг бизу сизга ҳеч қандай алоқаси йўқ, – деди Алан. – Ҳатто Хозисонга ҳам алоқадор эмас; агар сўзлари рост бўлса, албатта.

– Буни қандай тушунмоқ лозим? – деб қичқирди Эбенезер. – Демак, Хозисон ҳаммасини гапириб берибди-да?

– Бўлмасам-чи, нима деб ўйловдинг, қари тўнка! – деб қичқириб юборди Алан. – Бундай га-

пларни яна кимдан эшитишим мумкин? Хозисон иккаlamиз аслида битта одаммиз; у албатта ўз улушимни беради. Энди амин бўлгандирсизки, ёлғон гапиришдан сизга заррача ҳам фойда бўлмайди... Ҳа, ростини айтиб қўя қолай: ўша дengiz шунқорига сирларингизни очиб, аҳмоқона иш қилгансиз. Бироқ сўнгги пушаймондан наф йўқ: ҳар ким экканини ўради. Гап бошқа ёқда: сиз унга қанча бергансиз?

– Ўзи айтмадими? – деб сўради амаким.

– Бу билан ишингиз бўлмасин, – деб жавоб берди Аллан.

– Ҳўп, ҳаммаларинг бир гўр-ку, – деди амаким.  
– У нималар деб сайраган бўлса ҳам, ҳаммаси қип-қизил ёлғон; ҳақиқат эса, худо шоҳид, мана бундай: унга йигирма фунт тўлаганман. Ростини айтсан, бундан ташқари, ўсмирни Каролинада сотиб юборгандан сўнг пулнинг маълум қисми-ни беришим лозим эди. Лекин асло чўнтағимдан кетмасди, тушунарлими?

– Мистер Томсон, ташаккур сизга! Шунинг ўзи кифоя, – деди қози бурчакдан чиқар экан. – Хайрли кеч, мистер Бэлфур! – деди ёлғондакам мулоzамат билан.

– Хайрли кеч, Эбенезер амаки! – дедим.

– Мистер Бэлфур, об-ҳавонинг ажойиблигини қаранг-а! – деб қўшиб қўйди ўз навбатида Торренс.

Амаким миқ этмади; зинапоя устида лом-мим демасдан тураверди: тиldан қолгандек кўзла-рини лўқ қилганча тикилиб қолди. Алан унинг қўлидаги пилтамилтиқни тортиб олди; қози эса қўлтиғидан олдию остона ҳатлаб ичкарига ўтди ва ошхона томон бошлади (уларнинг ортидан биз ҳам эргашдик); ўчоқ ёнидаги стулга ўтқазди: ўчиб қолаёзган оловдан илиққина тафт юзимизга урилди.

Дастлаб ҳаммамиз тик турганча унга тантанали назар ташладик; ишимиз мұваффақиятли яқунланғанидан мамнун әдік. Айни пайтда шармандаи шармисор бўлган рақибимизга ич-ичимиздан ачинардик, албатта.

– Етар, мистер Эбенезер, қўйинг энди, – деди қози. – Ноумид бўлманг, сизни хору зор қилиб қўймаймиз. Чин сўзим – шу, ишонаверинг. Ҳозир эса, марҳамат қилиб, сандиқнинг калитини берсангизу Торренс отангиздан қолган винодан бир шиша олса ва ана шу тантанани муносиб нишонласак! – Кейин орқасига ўтирилди-да, қўлимдан тутди ва: – Мистер Дэвид, ҳаётингизда рўй берган ажойиб ўзгариш билан қизғин табриклайман! Менимча, сиз шунга лойиқсиз, – деди. Сўнгра жиддий қиёфада Аланга юzlаниб: – Мистер Томсон, ижозат берсангиз, сизга ҳам чин дилдан миннатдорчилик изҳор этсам! – деди. – Ўз ролингизни моҳирона ижро этдингиз. Аммо бари бир унчалик тушунмадим: исмингиз Жеймсми ёки Карлми? Агар ундей бўлмаса, демак, Георгсиз-а?

– Сэр, нима учун мен ана шу уч номдан биттаси билан аталашим лозим, ахир?! – деди Алан жангарилиги тутиб. Афтидан, хафа бўлиб қолганга ўхшарди.

– Йўғ-э, сэр, ўзингиз қироллар авлодидан бўламан, деб эслатиб ўтганингиз учун шундай деяпман, холос, – деб жавоб берди Ранкилер бегараз оҳангда. – Ҳартугул, шу пайтгача қирол Томсон деган зот довругини эшиптаним йўқ; ўйладимки, сиз чўқинтириш маросимида берилган исмни зарда тутган бўлсангиз керак, ҳойнаҳой.

Нозик жойга зарба берилган эди: очиғини айтсам, бу гап Аланга оғир ботди. У бир оғиз ҳам гапирмасдан, ошхона бурчагига борди-да, хўмрайганча ўтириб олди; қачонки унинг қўлинини қисиб

қўйганимдан ва тантанали қунларимда хизматлари беқиёс эканини таъкидлаб, миннатдорчиллик изҳор этганимдан кейингина у лабининг чети билан маъюс жилмайди: даврамизга қўшилишга рози бўлди.

Бу пайтда ўчоқقا гулдиратиб гулхан ёқилган эди; шиша тиқини очилиб, саватчадан олинган сархил емишлар стол устига териб қўйилди; Торренс, Алан ва мен мириқиб овқатлана бошладик, қози эса шартнома тузиш учун амаким билан нариги хонага кириб кетишди. Улар эшикни зичлаб ёпишганча бир соатча кенгаш ўтказдилар; охирни бир тўхтамга келишди: сўнгра амаким билан мен ҳужжат остига имзо чекдик. Шартномага биноан, ўртада воситачилик қилгани учун амаким Ранкилерга ҳақ тўлаши, менга эса ҳар йили Шос қўргонидан келадиган даромаднинг учдан икки қисмини бериши керак эди.

Шундай қилиб, эртаклардагидек ялангоёқ дайди йигитча ўз ер-мулкига эга бўлди; ўша кечаси ошхонадаги сандиқ устига бадавлат киши мисоли, асиазода зотнинг меросхўри каби талтай-иб чўзилдим. Алан, Торренс ва Ранкилерлар ўзларининг қаттиқ ўринларида тинмасдан хуррак отишарди. Мен эсам, неча қунлардан бери очнаҳор, балчиқقا ботиб ёки тошларга бош қўйиб ётиб юрган бўлсам-да, уйқу нималигини деярли унугиб қўйганимга қарамай, боз устига, келажагимни ўйлаб даҳшат ичра яшаган бўлсам ҳам, куттилмаган ўзгаришлар қаршисида эсанкираб қолдим; бирданига улкан баҳт-саодатга эришганимни сира тасаввуримга сифдиролмасдим; шунинг учун тонг отгунча шифтга термилиб, ўйноқдаётган шуълаларни томоша қилиб, келгуси ҳаётимни ўйлаб ётдим.

## ҮТТИЗИНЧИ БОБ

### ХАЙРЛАШУВ

Мана, энди бошпанам бор. Бироқ Аланни ўйласам виждоним қийналарди; ундан жуда катта қарздор эдим. Юрагимнинг туб-тубида ғам-андуҳ оғир тошдек чўкиб ётарди: яъни, Жеймс Глен ноҳақ равишда қотилликда айбланаарди. Эрталабки соат олтиларда – Ранкилер иккаламиз Шос қўргони атрофини сайр этиб юрган пайтимизда кўнглимдаги дардларни унга тўкиб солдим. Кўз ўнгимизда бир вақтлар ота-боболаримга қарашли бўлган бепоён далалар, ўрмонлар яшнаб турарди. Ҳозир буларнинг хўжайини камина эди. Хийла серташвиш мавзуда суҳбатлашаётган бўлсак-да, олис-олисларга зўр қониқиши билан, қувониб нигоҳ ташлардим; фурурим ичимга сифмасди, юрагим гурс-гурс уради.

Дўстим қаршисида бурчли эканимни қози сўзиз тан олди. Қандай қилиб бўлса ҳам унинг Шотландиядан чиқиб кетишига ёрдам беришим лозим эди; аммо Жеймснинг тақдирин масаласига у бошқача нуқтаи назардан қаарарди.

– Мистер Томсон – бошқа масала, – деди. – Мистер Томсоннинг қариндоши эса – бутунлай бошқа масала. Икир-чикирлардан батафсил хабардор эмасман, лекин билишимча, бу ишни шахсан акобир жанобларининг аралашувисиз ҳал этиб бўлмайди (ижозат этсангиз, биз у зоти олийни Г. А.<sup>24</sup> деб атай қоламиз). Тахминларга қараганда, у киши айбланувчи тўғрисида муайян бир тўхтамга келган кўринадилар. Г. А. шубҳасизки, олижаноб мулкдор ҳисобланади. Аммо бари бир,

---

<sup>24</sup> Герцог Аргайлский (*муаллиф изоҳи*).

мистер Дэвид, худо безорлардан қўрқиши лозим. Агар ўртага тушиб ноҳақ қон тўкилишига тўсқинлик қилмоқчи бўлсангиз-да, доимо бир нарсани ёддан чиқарманг; сиздан гувоҳ сифатида қутулишнинг ишончли воситаси бор: ўзингизни ҳам судланувчилар курсисига ўтқазиб қўйишади, вассалом. У ерда мистер Томсон қариндошининг бошига тушадиган кулфатга шерик бўласиз. Мен айбдор эмасман-ку, деб эътиroz билдиришингиз мумкин, аммо у ҳам айбсиз-ку?! Ўзаро низоларни тоғлик қасамхўр маслаҳатчи-судьялар ажрим қилишса, устига-устак, судья лавозимида яна битта бадбашара тоғлик ўтиrsa, бундай суд билан дорнинг ораси бир қадам бўлиб қолади.

Ростини айтсам, ана шунаقا исботу далилларни ўзим ҳам билганимдан эътиroz қилиб ўтирмадим. Аммо соддадиллик билан ёрдам беришини илтимос қиласкердим.

– Сэр, унда дор остига боришдан бошқа иложим йўқ экан-да? – дедим.

– Азиз болажоним, худо хайрингизни берсин, боринг, билганингизни қиласкеринг! – хитоб қилди Ранкилер. – Аслида, сизни тўғри бўлса-да, шармандали йўлга бошлаётган ўзим аҳмоқман! Айтган сўзларимни қайтариб оламан, мени кечирасиз! Боринг, ўз бурчингизни адо этаверинг: лозим бўлса, ҳалол инсон сифатида дорга осилиб ўлаверинг! Ҳаётда дорга осилиб ўлишдан ҳам ёмонроқ ишлар учраши мумкин-ку, ахир.

– Ундей ишлар жуда оз, сэр, – дедим кулимсираб.

– Афсуски, маъзур тутасиз, сэр! – деб қичқириб юборди Ранкилер. – Ундей ишлар жуда сероб. Масалан, узоққа бориб ўтирмайлик: амакингиз одоб юзасидан бошини сиртмоққа тутиб бериб,

дорда осилиб ётганда борми, энг камида йигирма марта фойда қиласади!

Шундай деб у қўргонга қайтди (ҳамон ҳовуридан тушмаган эди: кўриниб туардики, ўжарлигим унга қимматга тушганди) ва менга атаб иккита хат ёзди; уларни нима қилишим керак эканини тушунтириди.

– Мана бу – Британия зифиркорлик қарз-ҳавола жамиятидаги банкчиларимга ишончнома: улардан сизнинг номингизга кирим-чиқим ҳисоби очишларини илтимос қилдим, – деди. – Мистер Томсон барча йўйириқларни ўргатади; у киши бу жойларни жуда яхши билади. Сиз қарз ёрдамида дўстингизнинг хорижий мамлакатга чиқиб кетишини таъминлайсиз. Умид қиласманки, ўз пулнингизни сал ўйлаброқ сарфлайсиз, аммо мистер Томсон каби дўстларим бўлганда, пулнинг юзига қараб ўтирумасдан ишлатаверардим. Унинг қариндоши масаласига келсак, Бош прокурор ҳузурига борсангиз ўзингиз учун ҳам яхши бўларди; ҳаммасини бир бошдан сўзлаб беринг ва гувоҳдикка ўтажагингизни ҳам айтинг: у сизнинг таклифингизни қабул қилиш-қилмаслиги – бутунлай бошқа гап; бу Г. А.га боғлиқ муаммодир. Сизни Бош прокурорга танишириб қўйишлари учун олим адашингиз бўлмиш пириглик Бэлфур номига хат ёзib беряпман; у зотни жуда ҳурмат қиласман. Агар сизни отдошингиз танишиурса, мақсадга мувофиқ бўларди: Пириг соҳиби ҳуқуқшunoslar ўртасида катта обрўйга эга, у Бош прокурор Грантнинг ҳам ишончини қозонган. Агар ўрнингизда мен бўлганимда, ортиқча тафсилотлар билан унинг бошини қотириб ўтирумасдим. Биласизми, менимча, мистер Томсон номини эслатиб ўтиришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ. Ми-

стер Бэлфурдан ўрнак олишга ҳаракат қылсангиз кам бўлмайсиз; у тақлид қилишга арзийдиган муносиб инсон, Бош прокурор билан муомала қилаётган чоғингизда тилингизда ниҳоятда эҳтиёт бўлинг. Мистер Дэвид, барча ишларингизда худо сизга ёр бўлсин!

Сўнгра у ҳаммамиз билан хайрлашди-да, Торренс ҳамроҳлигида паром қатнайдиган кечув томон йўл олди. Ўз навбатида Алан иккаламиз ҳам Эдинбург шаҳри сари отландик. Биз майсалар ўсиб ётган сўқмоқдан юрдик; тош устунлару ча-ла-ярим қоровулхона ёнидан ўтдик: аждодларимдан қолган маконни йўл-йўлакай томоша қилиб кетдик. Кўргон ниҳоятда улуғвор эди, лекин одам яшамайдиган вайрона каби ҳувиллаб ётарди, со-вуқ қўринарди; фақат юқоридаги деразадан худди уясида у ёқдан-бу ёққа югуриб юрган қуённинг қулоғидай битта қалпоқ дам-бадам қўриниб қоларди. Ҳа, мени бу ерда қучоқ очиб кутиб олишмади, ёмон кўз билан қаршиладилар; аммо кетаётган пайтимда ортимдан пинҳона кузатиб қолиши, шунисига ҳам шукр!

Алан икковимиз имиллаб қадам ташлардик; гаплашгимиз ҳам, илдамроқ юргимиз ҳам келмасди. Бир нарса хусусида хаёл суардик; айрилиқ онлари яқинлашмоқда эди, ўтган қунлар хотираси елкамиздан оғир юк каби эзиб туради. Албатта, биз қиладиган ишларимиз борасида гаплашиб олган эдик; Алан унча олис бўлмаган жойларда – гоҳ у ерда-гоҳ бошқа ерда яшириниб юриши лозим эди. Лекин ҳар қуни бир марта келишилган паккага келиши шарт эди; ўзим ёки учинчи одам воситасида у билан алоқа боғлаб туришим керак. Айни замонда эпинлик Стюартлардан чиққан бирорта қози билан боғланишим даркор эди; чунки

унга бемалол ишонса бўларди: топшириқ шундан иборатки, муносиброқ бирорта кема топиш ва Алан унга омон-эсон чиқиб олиши учун шароит яратиб бериш керак эди. Бу масалаларни муҳокама этганимиздан сўнг, маълум бўлдики, тилимизга гўё тушов тушганди: тўғри, Аланни «мистер Томсон» деб мазахлардим, Алан эса янги уст-бошларимдан, ер-мулкимдан куларди, аммо ҳозир қуладиган аҳволда эмаслигимизни билиб олиш унчалик қийин эмасди, балки йифлагимиз келарди.

Яқин йўлдан юрдик; Корсторфинский довонидан ошиб ўтишга қарор қилдик: Нафас Ростла деган жойга етган пайтимиз, пастликда ястаниб ётган Корсторфинский ботқоғига ва ундан-да нарида – тепаликда қўр тўкиб турган шаҳарга нигоҳ ташладик. Иккаламиз ҳам бирдан тўхтаб қолганимизга сабаб – худди шу ерда йўлимиз ажралиши лозим эди; буни ҳар биримиз жуда яхши билардик. Дўстим боя келишиб олган шартларни менга қайтадан эслатиб қўйди: қозини қаердан топиш мумкин; уни – Аланни куннинг қайси палласида учратамиз: белгиланган вақтда албатта ўша паккага келиб туради; учрашувга юборилган бегона киши қандай имо-ишора қилиши лозим ва ҳоказо. Сўнгра оч-наҳор қолмаслиги учун чўнтағимдаги ҳамма пулимни Аланга бердим (менда Ранкилердан олганим икки танга бор эди, холос). Охири Эдинбургга термилганимизча бир неча дақиқа сукут сақладик.

– Хўп, майли, хайр! – деди Алан ва менга чап қўлинни узатди.

– Хайр! – дедиму қўлинни маҳкам қисиб қўйдим ва нишабликдан пастга қараб туша бошладим.

Биз бир-биримизга қарамасликка ҳаракат қилярдик; у узоқлашиб кетгунча оптимга ўгирилиб

боқмадим. Лекин шаҳарга кетаётиб ўзимни шунчалар бечораҳол, ёлғиз ҳис этдимки, йўл четига ўтириб олиб ёш боладай ерга юмалаб-юмалаб ийфлагим келди.

Уэсткирк ва Грассмаркетни ортда қолдириб, пойтахт кўчасига чиққан пайтимда вақт тушликка яқинлашиб қолган эди. Ўн-үн беш қаватли баланд иморатлар; торгина, қуббали дарвозалар, поёнсиз гавжум йўлкалар; дўконларнинг пештахталарига ёйиб қўйилган мол-матахлар; фала-ғовуру юргур-юргур, димоқни ёрадиган сассиқ ҳидлару башанг кийимлар, кўплаб ажойиботлару майда-чуйдалар мени дафъатан эсанкиратиб қўйди. Бир жойга етганимда оғзим очилиб, лаллайи-иб қолган эканманми – билмадим, эс-ҳушимни йиғишириб мундоқ қарасам, кўчани тўлдириб кетаётган оломон оқими номаълум томонга суриб кетаётибди-ю, мен эсам фақат Нафас Ростла тепалигида турган чоғимиздаги Аланнинг қиёфасини эслайман, холос. Албатта, тез орада янгиликлар кишини ҳайратга солиши турган гап. Бироқ ҳозир ичимга чироқ ёқса ёримасди, негадир дилим хуфтон эди: назаримда, қандайdir ишни кўнгилдагидек бажармаганга ўхшардим.

Тақдир тақозоси билан оломон оқими мени нақ Британия зигиркорлик қарз-ҳавола жамиятининг остонасига элтиб ташлади.

## МУНДАРИЖА

Меросхўр  
ёки

Дэвид Бэлфурнинг саргузаштлари

Бағишлов .....	4
<b>Биринчи боб.</b> Мен узоқ сафарга – Шос қўргонига	
жўнаяпман .....	7
<b>Иккинчи боб.</b> Маңзига етдим .....	14
<b>Учинчи боб.</b> Амаким билан танишув .....	22
<b>Тўртинчи боб.</b> Шос қўргони – бало-қазолар уяси .....	32
<b>Бешинчи боб.</b> «Куинсферри» кечуви томон йўл олдим .....	44
<b>Олтинчи боб.</b> Кечувда рўй берган ҳодиса .....	54
<b>Еттинчи боб.</b> «Васият» кемасида дениз бўйлаб сафар .....	62
<b>Саккизинчи боб.</b> Қуйруқдаги бошқарма .....	73
<b>Тўққизинчи боб.</b> Тилла камарли киши .....	80
<b>Ўнинчи боб.</b> Бошқарма қамали .....	94
<b>Ўн биринчи боб.</b> Дарға тақдирга тан берди .....	105
<b>Ўн иккинчи боб.</b> Малла тулки .....	112
<b>Ўн учинчи боб.</b> Кема ҳалокати .....	126
<b>Ўн тўртинчи боб.</b> Мўъжаз орол .....	135
<b>Ўн бешинчи боб.</b> «Кумуш тутгачали ўсмир»	
Малл оролида .....	148
<b>Ўн олтинчи боб.</b> «Кумуш тутгачали ўсмир»	
Морвен оролида .....	161
<b>Ўн еттинчи боб.</b> Малла тулкининг ўлеми .....	172
<b>Ўн саккизинчи боб.</b> Тўқайдаги сухбат .....	181
<b>Ўн тўққизинчи боб.</b> Кўрқув маскани .....	193
<b>Йигирманчи боб.</b> Сирли сўқмоқ бўйлаб қоялар .....	203
<b>Йигирма биринчи боб.</b> Сирли сўқмоқ бўйлаб .....	216
<b>Йигирма иккинчи боб.</b> Сирли сўқмоқ бўйлаб	
арчагулли ташландиқ макон .....	226
<b>Йигирма учинчи боб.</b> Қўналга .....	238
<b>Йигирма тўртинчи боб.</b> Сирли сўқмоқ бўйлаб низо .....	251
<b>Йигирма бешинчи боб.</b> Бэлкиддерда .....	267
<b>Йигирма олтинчи боб.</b> Озодлик биз фортдан	
ўтмоқчимиз .....	278
<b>Йигирма еттинчи боб.</b> Ранкилер ҳузурида .....	294
<b>Йигирма саккизинчи боб.</b> Меросимни ажратиб	
олгани отландим .....	307
<b>Йигирма тўққизинчи боб.</b> Муродимга етдим .....	319
<b>Ўттизинчи боб.</b> Хайрлашув .....	329

*Адабий-бадиий нашр*

РОБЕРТ ЛУИС СТИВЕНСОН

МЕРОСХҮР  
*Роман*

Мұхаррір  
Мұхайді РИХСИБЕКОВА

Бадиий мұхаррір  
Үйғун СОЛИХОВ

Мусақхұқ  
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи  
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник мұхаррір  
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10.да берилган.

Босишига 2016 йил 30.05.да рұхсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табори 21,0. Шартли босма табори 35,28.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қофоз.

Адади 5000 нұсха. Буюртма № 118.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87; факс – 273-00-14;  
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru